ШЕРЗОД ИСКАНДАРОВ

# ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИ:
## АНЪАНАЛАР ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР



УЎК: 821. 222. 8 – 1
(5Ў)63.3
И93

*Ушбу монография Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгаш йиғилишининг 2016 йил 22 декабрдаги 6-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия қилинган.*

**Искандаров Шерзод.**
Ўзбекистон араблари: анъаналар ва трансформацион жараёнлар. – Тошкент.: «Yangi nashr», 2017. – 208 б.

ISBN-978-9943-22-291-5 КБК 63.3(5Ў)

**Масъул муҳаррир:**
*тарих фанлари доктори, профессор А. Аширов*

**Тақризчилар:**
*тарих фанлари доктори У. Абдуллаев,*
*тарих фанлари доктори Р. Ражабов,*
*тарих фанлари номзоди, доцент О. Бўриев.*

Монографияда кўп миллатли мамлакатимизда бир неча асрлардан буён яшаб келаётган арабларнинг этник тарихи, турмуш-тарзи, урф-одат ва анъанавий маросимлари билан бирга оилавий, хўжалик ҳаёти, моддий ва маънавий маданияти ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик минтақаларида яшовчи арабларнинг этномаданияти борасида мулоҳазалар билдирилган.

Китобда Ўзбекистондаги арабларнинг ҳаётида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Монография турли халқлар тарихи ва этнологияси билан қизиқувчи этнолог, диншунос, тарихчи, социолог ва тилшунослар ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

ISBN-978-9943-22-291-5

© «Yangi nashr», 2017
Ш. Искандаров. 2017

*Ушбу китобимни суюкли бобом Жаббор Искандаровнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.*

*Муаллиф*

# КИРИШ

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон ҳудудида азалдан турли халқлар ва миллатлар учун ягона умумий макон бўлган. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, «Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доим хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади»[1].

Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик мамлакат барқарорлигини таъминлашга бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Шубҳасиз, ҳозирда мамлакатимиз ҳудудида турли тарихий даврларда кечган этник жараёнлар ва юртимизда яшовчи турли халқлар этнографиясини ўрганиш ва долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу маънода айтиш мумкинки, Ўзбекистонда яшовчи араблар турли халқлар орасида ўзига хос ривожланиш тарихига эгалиги, қадимий миллий расм-русумлари ҳамда этнохўжалик анъаналарини ҳозиргача сақлаганлиги билан ажралиб туради.

Мовароуннаҳрга арабларнинг кириб келишига оид тарихий маълумотларни ўрта аср ёзма манбаларида, жумладан, араб географ ва сайёҳларининг асарларида, маҳаллий тарихчиларнинг (*Табарий, Балазурий, Ибн ал-Асир, Ёқут Ҳамавий, Наршахий, Абу Тоҳирхожа*) тарихий асарларида учратамиз[2]. Шунингдек,

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи // «Халқ сўзи», 2017 йил, 25 январ.

[2] IX–XII асрлардаги Ўрта Осиё тарихига оид манбаларнинг батафсил таҳлили шарқшунос олим В. В. Бартольд томонидан берилган. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг:

машҳур олим, давлат арбоби ва алломалар Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ал-Истахрийларнинг асарларида ҳам айрим маълумотлар баён қилинган[3]. Жумладан, ал-Истахрийнинг маълумотига кўра, араблар Моварounнаҳрни босиб олгандан сўнг бу ҳудудга кўчиб келиб, янги шаҳар, кишлоклар ҳамда маҳаллаларни барпо килган[4].

Ўзбекистон араблари нуфуси билан боглиқ дастлабки статистик маълумотлар 1926 йилги аҳоли рўйхати маълумотларида ўз ифодасини топган[5]. Шунингдек, таниқли элшунос олима Б. Х. Кармишева узоқ йиллар давомида Ўзбекистон ва Тожикистонда яшовчи араблар тарихини ўрганиш билан шуғулланган. Унинг илмий изланишларида арабларнинг сони ҳамда улар яшайдиган қишлоқларнинг тили, урф-одати, маданияти ҳақида қизиқарли маълумотларни учратиш мумкин[6].

Элшунос олима О. А. Сухарева дала тадқиқотлари ва турли тарихий материаллар асосида араб анъанавий кийимларининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этган[7].

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон араблари бўйича баъзи этнографик маълумотлар Н. Н. Бурикина, М. М. Измаилова, С. Л. Волин, Н. И. Винников, Х. Исмоилов, О. Бўриев, Ш. С. Камолиддин, З. Мадаминжанова, Р. Ражабов, М. Саидов, П. Равшановларнинг илмий-тадқиқотларида ҳам учрайди[8].

---

*Бартольд В. В.* К истории арабских завоеваний в Средней Азии.– Сочи. – Т.: 2., часть 2. – М., 1964. – С. 380; *Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар*. Бухоро тарихи. – Т.: Фан, 1966. – Б. 120; *Абу Тохирхожа*. Самария. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 5–81.

[3] *Абу Райҳон Беруний*. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. I–II–том. – Т.: Фан, 1968. – Б. 468; *Аҳмад Яссавий*. Ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 – Б. 254; *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 367.

[4] *Ал-Истахрий*. Китоб масоликв ал-мамолик. «Материалы по истории киргизов и Киргизии» Том. 1 – М., 1973.

[5] Материалы по районированию Средней Азии Кн. 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Кн. 1–2. – Т.: 1926. – С. 252.

[6] *Кармышева Б. Х.* Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 252.

[7] *Сухарева О. А.* Бухара XIX – начале XX вв. – М.: Наука. 1966. – С. 327.

[8] *Брикына Н. Н., Измаилова М. М.* Некоторые данные по языку арабов кишлака Джугары Бухарского округа и кишлака Джейнау Кашкадарьинского округа Узбекской ССР // Записки коллеги востоковедов. Т-V 1930. – С. 527–549; *Волин С. Л.* К истории

Юқорида номлари зикр этилган муаллифлар томонидан араблар этногенези у ёки бу жиҳатлари ўрганилди. Бу ўринда Р. Ражабовнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга молик ҳисобланади. У ўзининг узоқ йиллар давомида Ўзбекистон арабларининг тарихи ва этнографиясига доир тадқиқотлари натижаси сифатида чоп этган монографиясида ҳамда докторлик диссертациясида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтган.

Тарихчи олим Р. Ражабов илмий тадқиқот ишларида Ўрта Осиё арабларининг этник таркиби ҳамда араб халифалиги томонидан истило қилиниши натижасида бир қисм арабларнинг Мовароуннаҳр заминида жойлашиб кейинчалик ўтроқлашиб олишлари, шунингдек, уларнинг кейинги асрларда давом этган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнлар ёритилган. Араб халифалигининг Ўрта Осиёга юриши (VII–VIII асрлар) даврида ва кейинги асрларда юртимизга келиб жойлашган арабларнинг, ўтроқлашиш ва ассимиляция жараёнлари, уларнинг манзилгоҳлари, минтақада кечган этномаданий жараёнлардаги иштироки, урф-одатлари, тил хусусиятлари, хўжалик ҳамда турмуш тарзи ва маданияти, турли тузумлар шароитидаги ҳаёти, маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатлари, антропологик хусусиятлари таҳлил этилган. Мазкур нашрнинг Р. Ражабовнинг илмий тадқиқот ишидан фарқи шундаки, китоб асосан Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган арабларнинг анъаналари ва улар ҳаётидаги трансформацион жараёнларга бағишланган. Монографияда мамлакатимизда яшаб келаётган арабларнинг тарихи, тарихшунослиги, уларнинг ўзига хос этник хусусияти намаён бўлиши, анъанавий хўжалиги ва моддий маданияти, оила ва оилавий анъаналари, миллийлик ва ўзгаришлар жараён арабларнинг маънавий, маданиятидаги ўзгаришлари таҳлил этган. Арабларнинг миллий ўзлигини ўзгаришига ички ва ташқи факторларининг асосий сабаблар таҳлил этади.

---

среднеазиатских арабов // Труды второй сессии ассоциации арабистов // Вып. 36. – М.– Л., 1941. – С. 111–127; *Винников И. Н.* Арабы в СССР // Советская этнография. IV. –М. – Л. 1940. – С. 148; *Исмаилов Х.* Традиционная одежда арабов Кашкадарьинском области Узбекской ССР // Костюмы народов Средней Азии. – М., 1979. – С. 221–238; *Мадаминжанова З.* Арабы Южного Таджикистана (Историко-этнографический очерки) – Душанбе, 1995. – С. 133

Анъанавий араб кийимларини тадқиқ қилган этнограф Ҳ. Исмоилов араб миллий кийимларини тайёрлаш усуллари, мато турлари, такинчоқлар, кийим-кечак ва безак турлари тўғрисида баъзи маълумотларни таҳлил қилган[9]. Умуман олганда, Ҳ. Исмоилов кўп йиллик илмий-тадқиқот ишларида арабларнинг кийим-кечакларидаги маҳаллий ва этник ўзига хос локал хусусиятларга оид кўплаб янги маълумотларни илмий муомалага олиб кирган[10]. Қолаверса, у Қашқадарё вилояти Миришкор туманида жойлашган йирик араб қишлоғи Жейнов номининг келиб чиқиши тўғрисида ҳам ўзининг фикрларини билдириб ўтган[11].

Ўзбекистон ва Тожикистонда яшовчи арабларнинг урф-одатлари ва яшаш тарзини тадқиқ этишда элшунос олима З. Мадаминжанованинг ҳам хизматлари катта. Унинг монографиясида арабларнинг этник тарихи, таомлари, кийимлари, оиласи, турмуш тарзи, тили ҳамда ўзбек ва тожик халқлари миллий маросимларининг уйғун жиҳатлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам учрайди[12].

Ўзбекистон арабларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиши шуни кўрсатдики, мавжуд манба ва адабиётларда Ўзбекистонда яшайдиган арабларнинг этник тарихи, урф-одати ва маросимлари ҳақида баъзи этнографик маълумотлар берилган бўлса-да, лекин мазкур ишларда араб халқининг этник ўзлигини англашига оид масалалар махсус ўрганилмаган. Шу боис биз мазкур монографияда Ўзбекистон арабларининг этномаданий идентиклиги шаклланиши ва ижтимоий институтлар масаласига доир адабиётларни таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Арабларнинг турмуш тарзи, этник таркиби, моддий ва маънавий маданияти, урф-одатлари, анъаналари, этнохўжалиги, турар жойлари, кийим-кечаклари ва тақинчоқлари, шунингдек, уларнинг оила-

---

[9] *Исмаилов Х.* Традиционная одежда арабов Кашкадарьинском обл... – С. 238.

[10] *Исмоилов Ҳ.* Ўзбек тўйлари. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 140

[11] *Мукминова Р. Г.* К истории аграрных отношений в Узбекистане. XVI в Вакнфаме. – Т.: Фан, 1966. – С. 354.

[12] *Мадаминжанова З.* Арабы Южного Таджикистана (историко-этнографические очерки) – Душанбе, 1995. – С. 133.

вий турмушидаги ўзига хос анъанавийлик ва замонавийлик, трансформацион ва инновацион жараёнлари ҳамда араб этноси билан боғлиқ этнотопонимлар яхлит бир мавзу усулида ёритилди. Мазкур асарнинг яратилишида дала этнографик тадқиқотлари натижалари ҳам манбавий асос сифатида ишга жалб этилди. Монографияни яратишда мавзу доирасидаги турли манбалар ва архив материалларидан ҳам фойдаланилди.

Хуллас, ушбу асар илмий-этнографик тадқиқотлар натижасида тўпланган дала материаллари, статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида ёзилган бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган байналмилал сиёсатни ҳамда замонавий этномаданий жараёнларни илмий асосда ўрганишда муҳим асос бўлиши мумкин. Шубҳасиз, китоб баъзи жузъий камчиликлардан ҳам ҳоли бўлмаслиги табиийдир. Шу боис муаллиф эътиборидан четда қолган айрим жиҳатлар келгуси нашрларда албатта инобатга олинади.

Монографияни нашрга тайёрлаш ишлари Низомий номидаги ТДПУда бажарилди. Муаллиф китобнинг чоп этилишида молиявий ёрдам кўрсатган Муборакнефтгаз масъулияти чекланган жамияти директори Қ. Ҳ. Қурбоновга ва нашр жараёнида илмий маслаҳатлари билан кўмак берган тарих фанлари доктори, профессор А. А. Аширов ва тарих фанлари номзоди Н. Ҳ. Азимоваларга ҳамда ЎзР ФА Тарих институти «Этнология ва антропология» бўлими илмий ходимларига ўз миннатдорлигини билдиради.

# I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

## 1.1. Этномаданий идентикликнинг ўрганилиш тарихи

XX аср охирларида бир катор илмий-тадқиқотчилар миллат тушунчаси билан боғлиқ қарашларнинг муҳим сиёсий тамойилга айланиш ҳакида ўз назарияларини илгари суришган. Лекин шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш ўринлики, айрим назариётчилар миллатнинг муҳим тамойилларини таҳлил этишга бир томонлама ёндашиб, бу борада нохолисликка йўл қўйишган.

Европалик олимлардан бири Э. Геллнернинг таъкидига кўра, маданият омили замонавий миллийликнинг юраги ҳисобланади[13]. Унинг фикрича, маданий тафовутларнинг бир-бири билан кесишувидан ҳосил бўлган мураккаб тузилма дунёнинг илмий манзараси ўзгаришига олиб келади.

Ўзбекистоннинг турли минтақаларида олиб борилган дала тадқиқотларимиз жараёнида шунга амин бўлдикки, маданий илдизларни аниқлаш маълум маънода қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Чунки айнан мазкур халқ вакилларининг асрлар давомида бир неча маротоба этник чегараларда ўзгариши кузатилади. Улар маҳаллий маданият билан коришиб, ўзига хос маданияти, тил, этномаданий қадриятларни юзага келтирган.

Миллат ва миллийлик ҳамда этник ўзликни англаш масаласи европалик олимлар Б. Андерсон ва М. Хрохнинг «Миллат ва миллатчилик»[14], Э. Смитнинг «Миллатчилик ва модернизм»[15], Э. Геллнернинг «Миллатлар ва миллатчилик»[16], Э. Ренан-

---

[13] *Геллнер Э.* Нации и национализм // Пер. с. английского. – М.: Прогресс, 1991. – С. 176.

[14] Нации и национализм // Б. Андерсон, О. Бауэр, М. Хрох и др.; Пер. с анг.и нем. Л. Е. Переславцевой, М. С. Панина, М. Б. Гнедовского. – М.: Праксис, 2002. – С. 224.

[15] *Смит Э.* Национализм и модернизм: Критический обзор современных теорий наций и национализма // Пер. с. английского. – М.: Праксис, 2004. – С. 71–72.

[16] *Геллнер Э.* Нации и национализм // Пер. с английского. – М.: Прогресс, 1991. – С. 176.

нинг «Миллат нима?»[17], А. Смитнинг «Миллий идентификация»[18], К. Калхуннинг «Миллатчилик»[19], К. Леви-Строснинг «Структурали антропология»[20], С. Хантингтоннинг «Биз киммиз? Америка миллий идентиклиги чақириқлари»[21], М. Вебернинг «Танланган асарлар»[22], Э. Эриксоннинг «Идентиклик: навқиронлик ва таназзул»[23] асарида ҳамда О. Бауэр ва бошқа муаллифларнинг ишларида[24] кенг миқёсда тадқиқ қилинган. Бу муаллифларнинг илмий-тадқиқот ишларида этник ўзликни англашнинг чегаралари тўғрисидаги илмий фаразлар илгари сурилган. Этник ўзликни англаш тўғрисида россиялик мутахассислар ҳам тадқиқотлар олиб боришган. Чунончи, В. Тишков, Л. Н. Гумилев, В. И. Козлов, Д. Малахов ва С. Е. Рибаков каби муаллифларнинг[25] ишларида миграцион жараёнлар ва рус халқининг миллий ўзлигини англаши билан боғлиқ муаммолар ўрганилган.

Аҳолининг идентиклиги деганда, аввало, жамоавий идентикликнинг турли шаклларини назарда тутиш мумкин. Замонавий илм-фанда тан олинган қарашларга кўра, инсон ўзини бир вақтнинг ўзида бир нечта гуруҳ билан тенглаштириши, яъни идентификациялаши мумкин. Булар, одатда, диний, этник, ҳудудий, табақавий ва ҳоказолар бўлиб, маълум тарихий даврда инсон ўзи учун битта ёки чекланган миқдордаги идентикликни асосий белгиловчи сифатида танлайди[26].

[17] *Ренан Э.* Что такое нация? // Э. Собрание сочинений в 12–ти томах. // Пер. с французского. – Киев, 1902. – С. 45–47.

[18] *Smith A.* National Identity. – L., 1991. – P. 213.

[19] *Калхун К.* Национализм // Пер. с. англ. А. Смирнова. – М.: Издательский дом «Территория будущего», 2006. – С. 288.

[20] *Леви-Стросс* К. Структурная антропология. – М.: Наука, 1985. – С. 205–206.

[21] *Хантингтон С.* Кто мы? Вызов американской национальной идентичности. – М.: АСТ, 2004. – С. 197–198.

[22] *Вебер М.* Избранные произведения // Пер. с. немецкого. – М.: Прогресс, 1990. – С. 80–84.

[23] *Эриксон Э.* Идентичность: юность и кризис. Текст // – М.: Прогресс, 1996. – С. 106.

[24] *Бауэр О.* Национальный вопрос и социал-демократия // Пер. с. немецкого СПБ. «Серп», – М.: 1909. – С. 97 – 98.

[25] *Рыбаков С. Е.* Философия этноса. Текст // ИПК Госслужбы, – М.: 2001. – С. 105.

[26] *Ҳўжахонов И. М.* XX аср бошларида Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолисининг идентиклиги масаласига доир // Марказий Осиё тарихи, археологияси ва этнологиясининг муаммолари. – Т., 2015. – Б. 369.

Американлик антрополог Джон Шоберлайннинг фикрича, идентиклик этник гуруҳга мансублик тўғрисидаги тушунчадир. Бизнинг фикримизча, бу энг қисқа ва лўнда таъриф ҳисобланади. Одатда, идентиклик деганда ҳар бир инсоннинг ўзига хос «индивидуал» бирор-бир ижтимоий гуруҳга мансублиги тушунилади.

Идентиклик тарзида ифодаланиб келаётган ушбу атама аслида лотинча «identicus» сўзидан олинган бўлиб, «бир-бирига айнан ўхшаш, айнан бир хил» деган маънони билдиради. Илмий истеъмолда эса идентиклик тушунчаси, умуман, инсон ўзининг маълум бир гуруҳга мансублигини англаши ва у орқали ўзининг ижтимоий-маданий макондаги ўрнини аниқлаши ҳамда атроф-муҳитга мослашишини тушуниш мумкин. Одатда, маълум ижтимоий гуруҳ аъзоларини бирлаштирувчи бирдамлик «биз – улар (бошқалар)» тарзидаги қарама-қарши қўйилувчи тартибга асосланадики, бу жиҳат идентикликнинг асл моҳиятини акс эттиради. Бундай тартиб уруғ-қабила, элат, диний гурух, табақалар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан тортиб то этник ва миллий маданиятларнинг шаклланиши асосида ҳам ётади[27].

Шунингдек, этномаданий идентиклик тушунчасида этник ва маданий идентиклик тушунчалари кесишади. Бунга кўра, бир томондан, ҳар қандай маданият маълум этник шаклда мавжуддир. Бошқача айтганда, этник ва маданий белгиларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, аксинча, улар бир-бирини тақозо этади. Этникликни кўрсатувчи белгилар аслида инсоннинг маданиятида намоён бўлади. Тадқиқотчи И. В. Малигина ҳозирги глобаллашув ва ахборотлашиш даврида маданиятлар этник қолипдан чиқиб кетаётганлигини таъкидлайди[28]. Айрим тадқиқотларда маданий ва этник идентиклик бир-бирига қарама-қарши қўйилган нуқтаи назарлар ҳам учрайди. Л. Гумилев ўз вақтида ёзганидек, бунда биологик омил этногенезни белгиловчи омил

[27] *Хўжахонов И. М.* Этномаданий идентиклик билан боғлиқ назарий-методологик ёндашувлар // Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари – Т., 2014. – Б. 85.

[28] *Малыгина И. В.* Этнокультурная идентичность: онтология, морфология, динамика: Автореф. дисс... д-ра философ. наук. – М., 2005. – С. 96.

сифатида қаралишини кузатиш мумкин. Шунга яқин қарашни америкалик олим Самуэль Хантингтон ҳам илгари суради: инсон ўз аждодларини (яъни этник мансублигини) ўзгартириш ҳолатида эмас, ҳолбуки, инсон маданиятини ўзгартиради. Маданий идентиклик ўзгарувчан, этник идентиклик эса ўзгариши мумкин эмас. Шу боис улар ўртасида аниқ чегара қўйиш лозим»[29]. Бир давлатнинг ичидаги этник чегаралар, одатда, сиёсий қарашлар кескинлашувига боғлиқ бўлади. Ҳар бир жамиятда этник гуруҳлар ўртасида турли карама-каршиликларни келтириб чиқаради. Маданий ўзликни англаш географик яқинликка олиб келади.

Ўз-ўзини англашни этник идентикликнинг энг муҳим асоси деб ҳисоблаб, жаҳон халқлари ҳаётига назар ташласак, пуштунларнинг унчалик катта бўлмаган гуруҳи ўзларини қайсидир даражада балуж қабилалари билан боғлаши ёки кўҳистонликларнинг қишлоқ хўжалик ва никоҳ амалиётини қабул қилиши ва шу билан бирга, ўзини пуштун деб ҳисоблашини давом эттиришига ҳеч нарса тўсқинлик бермаслигини кўриш мумкин[30]. Бу ўринда айнан Ўзбекистон арабларининг этномаданий идентиклигида ўзбек ва тожик халқларининг урф-одат ва маросимлари ўзаро яқинлигини кузатиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, этномаданий идентиклик тушунчасининг фанга кириб келганига унчалик кўп вақт бўлмаган. Унинг назарий асослари XX асрнинг 60–70 йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, бу этномиллий ҳодисалар билан боглиқ тарзда қўлланилган. Совет давридаги аксарият тадқиқотчиларнинг ишларида «этномаданий идентиклик» тушунчасига синоним тарзида «этник ёки миллий ўзликни англаш» тушунчаси кенг қўлланилди. «Этник ўзликни англаш»нинг энг муҳим белгиларидан бири сифатида этнос белгиланган[31].

[29] *Хантингтон С.* Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности. – М.: АСТ, 2004. – С. 65.

[30] Этнические группы и социальные границы: социальная организация культурных различий // Под ред. Ф. Барт. Новое издательство, 2006. – С. 30.

[31] *Хўжахонов И. М.* Ўзбеклар этномаданий идентиклигини ўрганишдаги назарий-методологик ёндашувларга оид айрим мулоҳазалар // ЎзМУ хабарлари. – Т., 2015. – № 1. – Б. 67.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, этник жараёнларни ривожлантиришга ва этномаданий ўзликни англашни ўрганишга катта эътибор қаратилди. Совет даврида турли этник гуруҳларнинг этник ўзликни англашида анъанавий маданият элементларини мустаҳкамлаш, глобаллашувнинг этник таъсири, этник ва этномаданий уйғониш жараёнига қарши қаратилган ғоявий қарашлар асосий омил қилиб олинган. Мустақиллик йилларида эса этник ўзликни англашдаги асосий тенденциялардан бири бўлган замонавийлик ва анъанавийлик ҳамда этник маданиятни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди.

Этномаданий идентикликни ўрганишдаги асосий муаммолардан яна бири унинг географик ва тарихий изчиллик, иқтисодий мувозанати, ҳудудий ҳамкорлик жараёнлари тўлиқ ёритилмаган. Ўзбекистон арабларининг этномаданий ўзликни англаши уларнинг ҳудудий маданий ҳаётидаги муҳим жараён ҳисобланади. Араб халқи этномаданияти шаклланишида ўзбек, тожик миллатлари таъсирини алоҳида таъкидлаш лозим. Арабларнинг катта қисми этномаданий хусусиятларининг трансформацияга учраши натижасида уларнинг туб маҳаллий халқлар маданияти билан ўзаро уйғунлашувини кузатиш мумкин.

Этник гуруҳ шаклланишида этнологиядаги этнос муаммоси билан боғлиқ йўналиш бўлган примордиализмнинг муҳим шартларидан бири ижтимоий тарихий тенденциялар вакили учун бир умумий тил ҳисобланади. Этник ўзликни сақлаш миллат доимо унинг аниқ белгиланган чегаралари ичида ривожланаётганлигини аниқлайди. Этномаданий ўзликни англаш мураккаб ижтимоий-психологик мазмун ва чуқур маданий-тарихий илдизларига эга бўлган ҳодиса сифатида мантиқан қарама-қарши фикрлар асосида шаклланади[32]. Бергер П., Мукманлар ўзларининг илмий-тадқиқот ишларида этномаданий ўзликни англашнинг ўзига хос маданий хусусиятларини таҳлил этган.

Скандинавиялик олимлар томонидан социал антропологиянинг ўзига хос хусусиятига бағишланган симпозиумда, асосан,

[32] *Бергер П., Лукман Т.* Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. – М., 1995. – С. 279 – 281.

этник гуруҳлар ва социал чегаралар, маданий фарқларнинг социал тузилиши, этник идентиклик, этник жараёнларнинг иқтисодий омиллари, этник ва маданий дифференциация, дихотомизация ва интеграция: Жанубий Африкадаги этнослараро муносабатларнинг баъзи жиҳатлари, этник барқарорлик ва Жанубий Мексикада чегаралар динамикаси, Пуштун идентиклиги билан боғлиқ масалалар назарий ва илмий методологик таҳлил этилган[33].

Этник гуруҳлар ўртасидаги чегараларни мутлақлаштиришга доир назарий қарашларни илгари сурган олимлардан бири Ф. Барт этник моҳиятни англашнинг янги концепциясини таклиф этган. У этник мансубликка «маданий тафовутларнинг ижтимоий тузилиши» сифатида қарайди. Ф. Барт фикрича, у этник мансубликни аниқлашдаги муҳим жиҳат ҳисобланади. Индивид ўзликнинг бирор-бир этник гуруҳга мансублигини қайд этишдир. Олимнинг ҳисоблашича, этник гуруҳга аъзолик онг (тафаккур) масаласи ҳисобланади[34]. Бу концепция фанда «этниклик» деб аталади.

Миллатга мансубликнинг асосий мезони, Ф. Барт фикрига кўра, этник гуруҳ чегараларидир. Этник чегаралар хулқ ва ижтимоий муносабатларнинг мураккаб бир ташкилоти, муайян тарзда, тўғридан-тўғри, ижтимоий ҳаёти билан боглиқдир[35]. У этник гуруҳларни ўз тадқиқотларида маданий мажмуаларга эмас, балки этник чегараларга боғлашга ҳаракат қилади. Бизларни қизиқтирадиган этник чегара – бу албатта, улардаги ҳудудий чегаралар бўлса-да, ижтимоий чегаралар билан боглиқдир. Этник гуруҳнинг аъзолар билан ўзаро муносабатида ўзгариш идентиклигини саклаб қолса, у ҳолда алоқадорликни аниқлаш мезони ҳамда мансублик ва мутаносибликдир.

[33] Этнические группы и социальные границы: социальная организация культурных различий // Под редакцией Ф. Барта. – М.: Новое издательство, 2006. – С. 201.

[34] Аширов А. А., Хўжахонов И. М. Этник феномен масаласидаги айрим илмий хабарлар // ФарДУ илмий хабарлари. – 2015. – № 1. – Б. 66.

[35] *Barth Frederik.* Introduction // Ethnic groups and boundaries: The Social Organization of Culture Difference. – Bergen–Boston, 1969. – P. 201.

Этник чегаранинг сақланишида, шунингдек, турли маданиятдаги кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқаларнинг роли катта. Этник гуруҳлар муҳим аҳамиятга эга бирлик сифатида доимий маданий фаркларни намоён этади. Бундан ташқари, этник гуруҳлар турли маданиятга эга одамлар ўртасидаги муносабатга ҳам боғликдир[36]. Ф. Бартнинг фикрича, ирқий тафовутлар маданий тафовутлар, ижтимоий бўлиниш билан боғликдир. Этник гуруҳларнинг сақланганлиги нафақат идентиклик маданий фарқларнинг сакланишида турли этносlararo муносабатнинг умумий белгиси бўлиши керак, балки этносlararo социал алоқаларни бошқарувга ҳам боғликдир. Этникликни ҳисобга олиш маданий хилма-хил, ижтимоий жараёнларнинг шаклланиши, ўзига хос янги этномаданий чегаралар ичида жойлашган. Бизнинг тадкиқот ишимизда ҳам этномаданий ўзликни англаш жараёнларида ижтимоий-маданий ўзгаришлар омили ўрганилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда этник диаспора вакиллари этник зоналарининг уч (гуруҳини) турини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Улар бошқа миллат вакиллари билан доимий алоқада бўлган этник гуруҳлар вакилларининг асосий нуфуси билан боғликдир.

XX асрда ўзликни англаш жараёнига баъзи олимлар таъриф бериб, маданият улар барқарорлигини аниқлаш ва бир неча шаклларда тўпланиши билан бо̆ғлик, деб эътироф этганлар.

Этник ўзликни англаш соҳасида илмий-назарий методологик қарашларни илгари сурган олимлардан бири Д. Бейкер ўз ишларида ижтимоий туйғулар ўзгарувчан эканлигини таъкидлайди. Антрополог Ж. Банк эса этник гуруҳлар ва тарихий ҳамда этник барқарорлик муаммоларини ижтимоий антропология ва инсон маданий хатти-ҳаракати билан қиёслаган[37].

Шундай бўлса-да, қабила ва халқ ўз маданиятини қўшни халқлар этномаданиятига хос жанговарликни қабул қилмаслиги ҳисобига сақлаб келаётгани ҳақидаги оддий фараз қабул қилинмай, аввалгидай географик ва ижтимоий изоляция маданий

[36] *Каранг:* Этнические группы и социальные границы: социальная организация культурных различий // Под ред. Ф. Барта. М.: – С. 18.

[37] *Beyker D.* Anthropology and the Racial Politics of Culture. Duke University Press 2010. – P. 130.

хилма-хилликнинг ҳал қилувчи омили сифатида қараб келинди. Юқоридаги ишларда этник чегара табиатини эмпирик тадқиқ этиш кутилмаган икки хил кузатув асосида ўтказилади. Этник чегаранинг мавжудлиги бир-бирини қабул қилмаслик ва ижтимоий ўзаро таъсир йўқлигини тақозо этмайди.

Ўзбекистон арабларининг этномаданий ўзига хос хусусияти бошқа халқлар маданияти билан яқин муносабатда шаклланган. Этник гуруҳларнинг индивидуал гуруҳлари этник чегара ва уларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган.

Этномаданий ўзликни англаш, жамиятнинг модернизация амалиёти шуни кўрсатадики, этник жараёнларни тартибга солиш асосий вазифалардан бири бўлиб, ички ва ташқи таъсирлар натижасини кузатиш мумкин. Ички ўзгаришларни аниқлаш ва ўрганиш маданиятлараро алоқанинг жадал ривожланиши, этник ўзликни англаш муаммосини ўрганишни тақоза этади.

Илмий тадқиқотларда этномаданий ўзликни англашнинг турли масалалари таҳлил қилинган. Жумладан, XIX асрда эволюцион назария (Л. Морган, Э. Тайлор ва б.) ва диффузионизм назария тарафдорлари (Фр. Ратцель, Л. Фробениус, Ф. Боас ва б.) этник ва маданий хилма-хиллик механизмларини тушунишга доир қарашларни илгари суришган. XX асрда эса хорижий тадқиқотчилар этномаданий ўзликни англашнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишган. Жумладан, Я. Асман, Ф. Барт, Р. Бенедикт, С. Бенхабиб, П. Бергер ва Т. Лукман, П. Рикер, М. Хайдеггер, С. Хантингтон, В. Хесле, Э. Хобсбаум, К. Хюбнер, Т. Шибутани, Э. Эриксон каби олимларнинг тадқиқотларида этник, маданий, психологик, ижтимоий воқеликлар умумий элементларининг ижтимоий аҳамиятига эътибор қаратилган.

Тарихий ва маданий омиллар маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, халқ маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, маданий қадриятлари, этник алоқаси ва анъанавий маданиятига таъсир қилади.

Муайян бир миллат этномаданиятини асраб қолишнинг муҳим шартларидан бири шуки, у бошқа маданият билан яқин муносабатда бўлмасагина ўз маданиятини сақлаб қола олади.

Этномаданий идентификация ижтимоий гуруҳ ва сиёсий институтлар фаолиятида намоён бўлиб, этноснинг ижтимоий мавқе ва ролига боғлиқ анъанавий турмуш тарзи, ҳозирги тили, онг, шуур, маданиятнинг этник қатламини ўзида жамлайди.

Совет этнологик мактаби анъаналари шакллантирган этнос назариясида миллат тушунчаси билан боғлиқ қарашлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Масалан: «Мен ўзбекман, улар ўзбек, биз ўзбеклармиз; Мен арабман, биз арабмиз, улар эса арабмас; Мен қозоқман, биз қозоқмиз, у қозоқмас», деган кўринишлардаги фикрлар баён этилган.

Аммо бугунги кунда кўпроқ АҚШ ва бошқа давлатларга хос бўлган субмиллийлик йўқолиб бормоқда. Уларнинг ўрнини, С. Хантингтон айтганидек, этник ва диний идентификация эгалламоқда[38]. Этномаданий идентификация бир миллатнинг қадриятлари келиб чиқиши, тили ва маданиятини аниқлашга хизмат қилади.

Этномаданий идентикликнинг ўзига хос хусусияти, конструктивизм йўналиши тарафдорлари фикрича, умумий маданият бирлиги, «ушбу бирлик (жамоа) аъзоларининг умумий тарихий тақдири ҳақидаги афсона ёки тасаввур» тузилмаси ҳисобланади. Уларнинг фикрига кўра, этниклик «тасаввурдаги жамоа» ёки ижтимоий конструкция асосида яратилган этник гуруҳнинг аъзоси бўлган индивиднинг «юрагида» эмас, балки «онгида» туғилади. Бу ғояни бир қатор олимлар илгари суришган. Жумладан, Б. Андерсон, П. Бурге, Ф. Барт, Э. Геллнер, Э. Хобсбаумнинг ишларида ушбу назария ишлаб чиқилган. Ф. Бартнинг фикрича, барча ички этник муносабатлар «маданий билиш» асосида қурилади. Айнан шу «билиш»га кўра инсон ўзи этник ролини бажаради. Шунга кўра этниклик онг масаласи бўлиб, этник гуруҳларга аъзолик индивид ўзини қандай намоён этишига боғлиқ. Шу боис этникликни аниқлашда этноснинг маданияти эмас, балки унинг айни вақтдаги фарқи ва гуруҳий чегаралари ҳал қилувчи аҳамиятга эга[39].

[38] *Хантингтон. С.* Кто мы? Вызов американской национальной идентичности. – М.: 2004. – С. 197–198.

[39] *Барт Ф.* Этнические группы и... – С. 18.

Умуман олганда, конструктивизм тарафдорлари этномаданий идентикликни англашда этниклик асосида онг муҳим деб эътироф этишади. В. А. Тишков эса макон ва замон бугунги кунда долзарб маласа эканлигини таъкидлайди. Этниклик муаммосининг «анъанавий маданий типлар» таснифи тарзида таҳлил қилинишига кескин қарши чиқади ва этникликни «маданий гибридлик» тарзида талқин қилади. Масалани бу тарзда ҳал қилиш «инсонни этникликда эмас, балки инсондаги этникликни тадқиқ қилиш» имконини беради[40]. В. А. Тишков «Этник гуруҳлар ва уларнинг хусусияти тарихий, иқтисодий ва сиёсий ҳолат ва режалаштириш таъсири натижаси»[41], деб таъкидлайди. У миллат назариясининг асосий тақризчиларидан бири сифатида этнос билан боғлиқ бўлган назарий-методологик қарашларни ноанъанавий усулда таҳлил қилиш асосида кескин танқид қилган. Назариётчи олим тарихий-ижтимоий воқеликни инсоният тасаввури натижаси сифатида таҳлил этиб, этносни тарихчилар, социологлар, этнологлар ҳамда оммавий ахборот вакиллари томонидан яратилган сунъий ижтимоий тузилма, деб ҳисоблайди. Конструктивистлар примордиалистик қарашларни «илмий хатоликлар мажмуи» деб баҳолайдилар. Уларнинг фикрича, миллатнинг релятивистик назарияси энг тўғри назариядир[42]. Бу фикр Ўрта Осиёдаги миллатларнинг этник асосидан воз кечишга қаратилган бўлиб, мавжуд назария ҳамда қарашлар нотўғри, қолаверса, ноўрин қўлланиб келинмоқда, деган фикрга келиш мумкин. Миллат тушунчаси тўғрисида М. Геллдер, О. Баустронг, Э. Смит, Э. Хобсбаум, М. Хрох, Э. Гелнерларнинг фикрлари мунозарали ҳисобланади. Жумладан, бу борада Ғарб тадқиқотчиси М. Хрохнинг фикрлари эътиборга моликдир. Дунёвий илмда миллатни умумлаштирувчи дефиниция мавжуд эмас, айниқса, гап унинг макон ва чоралар, аъзолик ва статистик категорияси ҳақида фикр юритилганда. Бундай фикрни К. Вердининг ишларида ҳам кузатиш мумкин. Албатта, миллатчилик

[40] *Тишков В. А.* Этнология и политика. – М.: Наука, 2001. – С. 233.

[41] *Тишков В. А.* Реквием по этносу: исследования по социально-культурной антропологии. – М.: Наука, 2003. – С. 105.

[42] *Тишков В. А.* Примордиализм и конструктивизм. – М.: Наука, 1998. – С. 121.

тушунчасига бундай ёндашувни умумлаштириш тўғри ҳисобланади[43]. Юқоридаги фикрлардан фарқли ўлароқ Э. Геллнер ва Э. Хобсбаумларнинг миллатчилик тушунчасини моделлаштириш деб таҳлил этишган.

Б. Андерсон назарий жиҳатдан миллат ва миллатчиликни универсал маданий тизимлар (дин, тил, империя) трансформацияси, «дунёни идрок этиш усулларининг глобал ўзгариши» билан боғлайди. Бундай талқинда миллат янги, замонавий жамият учун хос бўлган бирдамликни, умуман замон, макон ва инсонлар бирдамлигини боғловчи усулдир. Б. Андерсон миллатни унификациялашган эътиқод ва урф-одатларга бириктирилган «ақлий бирлашма» деб ҳисоблаб, Дюркгеймга яқинлашган. Бу ҳолда миллат замонавий жамиятнинг ўзига хос дини сифатида ўртага чиқади. У тилни миллат яхлитлигининг «фаразий усули» сифатида ажратади. Тил миллатни ўтмиш ва келажак билан боғлаб туради. У ўзликни англашдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади[44].

Хорижий адабиётларда таъкидланишича, миллат пайдо бўлгунча ўтган даврдаги этник психиканинг ўзига хослиги, асосан, локал аҳамият касб этган. Бир қатор мутахассислар миллий ўзликни англаш халқ миқёсида эмас, балки маълум ҳудудлар доирасида бўлишини таъкидлашган. Бу эса халқнинг ижтимоий психикасига ҳам таъсир этмай қўймаган. Лекин бу фарқлар ўша даврга хос бўлган элатнинг умумий психик хусусиятга эга бўлганлигини рад эта олмайди.

Этник жиҳатдан миллат элатдан худди қабила элатдан фарқ қилганидек фарқланади. Миллат бир ҳолатда элатнинг трансформациялашгани (масалан, венгер элати ва миллати) бўлса, бошқа ҳолатда у бир нечта элатнинг (масалан, испан миллати, арагон, андалузия, кастилия ва бошқа элатларнинг) консолидациялашуви жараёни деб қараб келинган. Арабистонда яшовчи араблар ҳудудий ва иқтисодий бирликка эга этносоциал орга-

---

[43] *Хрох М.* Нация и национализм. – М.: Политиздат, 2002 – С. 24–26.

[44] *Андерсон Б.* Воображаемые сообщества: Размышления об истоках и распространении национализма. Перевод с английского В. Г. Николаева. – М.: Конон-Пресс-Ц Кучково Поле, 2001. – С. 285.

низм, яъни миллат ҳисобланса, Ўзбекистонда минг йилдан бери истиқомат қилиб келаётган араблар эса этникос, яъни араб миллатига тегишли ҳисобланади. Шу билан бирга ҳар иккала ҳолатда ҳам умуммиллий маданиятнинг, масалан, умумий адабий тили шаклланишининг умумий ҳолатини кўрсатади.

Юқоридаги олимлар томонидан миллат тўғрисида турли хил назарий ва методалогик қарашлар таҳлил этилган. Улар илгари сурган илмий қарашлар этнология фанининг долзарб масалалари ҳисобланади.

Ўзбекистон арабларининг этномаданий ўзликни англаш жараёни ўзига хос муҳим жиҳатларни таҳлил этиши бугунги кунимизнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Араблар бир неча асрлардан буён этномаданий идентиклигини асраб, бугунги кунимизгача сақланиб қолишининг асосий сабабларидан бири уларнинг ўзига хос миллий этник жиҳатини сақлаб қолишидир. Жумладан, араблар бир неча асрлардан бери ўз тили ва маданияти, урф-одати, маданий мероси ҳамда рақс санъати уларнинг онги ва шуурида мавжуд эканлигини таъкидлайди.

Конструктивист олимларнинг фикрича, этниклик ёки этноснинг потенциал вакилларига оммавий этномаданиятнинг турли феноменлари, оммавий ахборот воситаси таълим ва тарбия тизимининг ёрдами билан узайтирилади. Элита ҳамжамиятни бирдамлаштириш учун этник рамз сифатида ишлатиладиган маданият элементлари маданиятдан етарли даражада ихтиёрий тарзда «олинади» ва гуруҳий бирдамликнинг фақат белгилари бўлиб хизмат қилади.

«Ўрта Осиё аҳолиси таркиби XIX асрнинг иккинчи ярми манбаларида қайд этилган бўлиб, XVIII–XIX асрларда интенсив миграция, аҳолининг қўшилиши, тил ва маданий ассимиляция жараёнлари оқибатида ташкил топган. Жамиятни гуруҳларга этник ёрлиқ ёпиштириш орқали ажратиш мумкин. Асосий, кундалик зарурий идентиклик табақавий, диний, хўжалик-маданий, ҳудудий, уруғ-қабилавий ва бошқаларга бўлинган. Жамият аъзоларини бирлаштирадиган «биз мусулмонмиз» деган

конфессиал идентиклик мустаҳкам бўлган»[45]. Айниқса арабларнинг миграция жараёни аҳолининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жамият ҳаёти, уларнинг тенденцияларини шакллантиришда намоён бўлади.

Этномаданий идентиклик, В. Тернернинг фикрига кўра, бу миллий идентификациянинг патологик шаклидир[46]. У ўз тадқиқотларида миллатчиликка ҳаддан ортиқ ургу бериш шахснинг камситилишига олиб келишини ҳамда эртами-кечми, инсоният олдига «Шахс устуворми (унинг этник идентификациясидан қатъий назар) ёки умумий жамоами?» – деган савол кўндаланг қўйилишини таъкидлайди. В. Тернер этномаданий идентификация муаммоларининг аксиологик муаммолар билан ўзаро боглиқлигини ифодалашга ҳаракат қилади. Миллий идентификация ва аксиология тушунчаларига эътибор қаратадиган бўлсак, этномаданий идентификация – бу бир миллатнинг ўзини-ўзи англаши жараёнини ташкил этади. Британиялик тарихчилар, файласуфлар ва социологлар, жумладан А. Д. Тойнби[47] ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «маданият» тушунчаси ёрдамида тарихни ўрганиш асослари ва ёндашувлар мавжуд эканлиги таъкидланади.

Этномаданий идентикликка конструктив–инструменталистик ёндашув этномиллий тузилишга нисбатан дастлабки ёндашув қарама-қаршилигига қарамай, айрим тадқиқотчилар бир-бирини тўлдирувчи ёндашув сифатида қарайдилар. М. Н. Губогло идентиклик этник асосда шаклланади, лекин у муҳит, этник лидер таъсири остида ўзгариб туради, деган мазмунда примордалистик ва инструменталистик ёндашувни қориштириб юборди[48]. И. Ю. Заринов эса ўз илмий-тадқиқот ишларида «эт-

---

[45] *Абашин С. Н.* Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX - в начале XX века) // Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – М.: Наука, 2004. *Ўша муаллиф.* Национализмы в Средней Азии в поисках идентичности. – Санкт–Петербург, Алетейя», 2007. – С. 296.

[46] *Тернер В.* Нация и национализм. – М.: Прогресс, 2001. – С. 94.

[47] *Тойнби А.*Постижение истории. Сборник. – М.: Айрис Пресс, 1996. – С. 608.

[48] *Губогло М. Н.* Идентификация идентичности. Этносоциологические очерки. – М.: Наука, 2003. – С. 29.

ник феномен табиати шунчалик мураккаб ва турфа хилки, уни битта методологик модел доирасида ҳал этиш қийин. Маҳаллий этнос назарияси ва хорижий этниклик назариялар сезилирли қарама-қаршиликлари ёнида улар туташиши керак», деб таъкидлайди[49]. Этномаданий идентикликни назарий қарашларда бугунги кунга келиб том маънода қарама-қарши фикрлар келтириб чиқармоқда.

Этносоциолог Г. Солдатова эса, этниклик феноменини таърифлаб, этниклик тарих, маданият, анъана, ҳудуд ва давлатчилик умумийлиги тўғрисидаги тасаввур натижаси, деб ҳисоблайди. Бу эса гуруҳ аъзоларини бирлаштиради ва бошқа этник гуруҳлардан асосий фарқли саналади[50]. Айнан мазкур конструктивистик қарашнинг этнос назариясига оғишганлиги кузатилади.

Этномаданий идентикликни ўрганишда этник гуруҳнинг асосий муаммоларидан бири унинг этник маданияти ҳисобланади. Бу ҳодиса мафкуравий ва сиёсий аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Миллат асосини қадриятлар этномаданияти ташкил этади. XX аср ўрталаридан анъанавий этник маданиятга салбий муносабат билан қарашган. Совет давлати эски анъанавий урф-одатларни йўқотиш ва янги маданиятни сингдириш ғоясини илгари сурган. Бу жараён, хусусан, КПСС XXII съездида «Коммунизм қуриш дастури» қабул қилингач, бевосита кун тартибига қўйилди. СССР да «социализм тўла ва узил-кесил ғалаба» қилгач, СССР халқининг янги тарихий бирлиги пайдо бўлди. Бу бирлик: «ягона ватан–СССР», «ягона тил–рус тили», «ягона мақсад–коммунизм», «ягона мафкура–марксизм ленинизм»га асосланади, деган гоялардан келиб чиқиб, «ягона халқ–совет халқи», «ягона паспорт–совет паспорти» тарзида илгари сурилган. Жумладан, Шўролар ва Компирқа раҳбарлари

[49] *Хўжахонов И. М.* Этномаданий идентиклик билан боғлиқ назарий-методологик ёндашувлар // Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари. Илмий тўплам. – Т.: 2014. – Б. 94.

[50] *Солдатова Г. У.* Этническая идентичность и этнополитическая мобилизация // Демократизация и образы национализма в Российской Федерации 90-х г. – М.: Мысль, 1996. – С. 296–366.

ўз мақсадларини ҳеч кимдан яширмадилар: «Бизнинг пировард мақсадимиз равшан, – деган эди собиқ КПСС МК нинг Бош котиби Ю. В. Андропов, – бу мақсад миллатларни бир-бири билан яқинлаштиришгина эмас, балки қўшиш ҳамдир»[51].

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилишимиз мумкин. Руслаштириш сиёсати кичик диаспораларнинг турмуш тарзида ҳам ўз аксини топган. Бу эса маълум бир маънода арабларнинг этномаданий ўзликни англашига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Чунки бу араблар катта қисмининг ўз этномаданияти йўқолишига олиб келди.

Рус тилининг таъсирини кучайтириш араб тилининг унутилишига олиб келди. Бу совет тузуми даврида арабларнинг этник ва этномаданий ўзликни англашига катта таъсир қилди.

Мустақиллик йилларида миллий ўзликни англашга бўлган эътибор кучайди. Ушбу мавзуга оид бир қатор номзодлик ва докторлик ишлари яратилди. Жумладан, С. Отамуротов[52] ўзликни англаш тузилмасидаги элементлар ҳақида батафсил фикр билдирган ҳамда уларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ўзининг хулосаларини ишлаб чиққан: «Миллий ўзликни англаш мураккаб жараён ҳисобланади. У миллат мустақил «МЕН»лигининг асосий омилларидан бири бўлганлиги учун уни ўрганиш, такомиллашув жараёнини таҳлил қилиб боришга эҳтиёж ўсиб бораверади. Миллий ўзликни англаш миллат шаклланишининг маълум нисбий юқори босқичи мезонидир. Миллатлар ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириш ва давлат атрофига бирлашишлари мумкин. Аммо унинг миллий ўз-ўзини англаш даражасига кўтарилиши мураккаб жараёндир[53].

Миллий ўзликни англаш жараёнида бир халқ ёки бир миллат бошқа бир халқ ва миллатнинг нафақат маданияти, шу билан бирга типологик белгилари билан фарқланади. Миллий ўзликни англаш жараёни бугунги кунда кўпроқ этник ва этногенетик

[51] *Бобобеков Ҳ., Каримов Ш., Содиқов М.* Ўзбекистон тарихи. – Т.: Шарқ, 2000.

[52] *Отамуротов С.* Национальная культура и национальние самосознание в процессе обновления общества (социально-философический аспект): дисс... доктори д-ра ист., филос. наук. – Т., 1992. – С. 54.

[53] *Отамуротов С.* Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 112.

жиҳатдан бир-бирига яқин халқ ва миллатлар орасидаги боғликликни келтириб чиқаради.

Идентификация жараёни турли йўналишларда ривожлантирилмоқда. Аввалги даврлар учун у инсон ўзининг ташқи чегараларини аниқлаши билан боғлиқ бўлган бўлса-да, бугунги кунга келиб этномаданий ўзликни англаш жараёни билан ажралиб турибди. Этномаданий ўзликни англашда қадриятларга мурожаат қилинади. Жануби-ғарбий арабларнинг маданиятида шунчалик ножўя жиҳатларни кўришимиз мумкин. Бироқ ташқи тузилиш модели кўпроқ арабларга ўхшаш бўлса-да, уларда ўзбеклик ёки тожиклик хусусиятлари ҳам кузатилади. Чунки уларнинг катта қисми жанубий ҳудудда истиқомат қилишган бўлса-да, кейинчалик ғарбий қисмларга бориб жойлашган. Шундай экан, ташқи институционал шакллар, маданий белгилар ўхшаш ҳисобланади. Чунки ҳар қандай вазиятда этник гуруҳлар фарқ қилади. Ушбу ташқи таъсир натижасида маданият том маънода ўзгаради. Жануби-ғарбий арабларда кескин жаҳлдорлик ҳамда урушқоқлик жиҳатлари кузатилади. Чунки улар чорвачилик билан шуғулланиб келишган хамда ўзларининг идентиклигини саклаб қолган.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида этномаданий қадриятларни ривожлантириш, сақлаш ва ҳимоя қилишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Асраш, уйғониш, этник ва маданий қадриятларни ривожлантириш этномаданий идентикликнинг асосий, долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Этниклик ва маданий ўзига хосликнинг энг огир синов шароитларидан бири этномаданий қадриятларни асраш ва ўрганишдан иборатдир.

Ўз-ўзини сақлаш ва ривожлантириш тенденциясига кўра, этномаданият асосий муаммолардан биридир. Этномаданий ўзликни англаш миллий ўз-ўзини билиш, ўзини-ўзи англаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва бинобарин, ўз-ўзини сақлаш туйғусини таъминлашга қаратилган. Ф. Бартнинг фикрига кўра, ижтимоий, этник, маданий ва психологик жиҳатлар асосий жараённи ташкил қилади. Илмий манбаларда этноижтимоий табақалани-

ши бўйича ёзилган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди. Миллий тил ва ўз халқининг маданияти, дини этномаданий ўзликни англаш таркибида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон арабларида миллий ғурур катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Этномаданий ўзликни англашда этник мустаҳкамлаш самарадорлигини таъминлаш миллий ҳис-туйғуларни ва миллий онгни намоён этиш марказлари, деб ишонилади. Шахс этник гуруҳини таърифлашда шаҳар марказларининг ўрни ошди, деб таъкидланади. Шаҳарларда яшаб келаётган араблар этномаданиятида ўз тилини асраб қолишни камдан-кам ҳолларда кузатиш мумкин. Ўзбекистон арабларининг турмуш тарзи ва этномаданий ўзгаришларда руслар томонидан олиб борилган сиёсат уларга ҳам таъсир этганлигини кўришимиз мумкин.

Этномаданият қадриятларини асраш учун оммавий маданиятлар таъсирини камайтириш лозим. Глобаллашув жараёнининг характерли хусусиятларидан бири шундаки, халқаро телекоммуникация тармоғи, интернет орқали маълумотларни узатиш, ундан барча соҳаларда кенг кўламли фойдаланиш йўлларининг таъсири айрим халқлар маданиятининг ўзгаришига олиб келди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, этномаданий ўзликни англашга доир илмий-назарий ва методологик қарашлар таҳлили шуни кўрсатдики, этномаданий идентикликни тадқиқ этишда араб халқининг этник тарихи ва маданий алоқаларини ҳамда этник хусусиятлари ва тил, урф-одат ҳамда анъанавий маросимларига эътибор қаратиш лозим. Этномаданий ўзликни англашда ички ва ташқи таъсир алоҳида аҳамиятга эга. Бу каби ҳолатлар Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган араблар этномаданиятида ҳам кузатилади.

## 1.2. Этнос ва миллий ўзликни англаш билан боғлиқ илмий-назарий ёндашувлар

Миллий ўзликни англаш бугунги ривожланиб бораётган жамиятда янгича илмий-назарий мактабларнинг шаклланиши би-

лан боғлиқдир. Бу маданият тараққиётнинг турли босқичларига мос келадиган халқлар психологиясида турли тафовутлар мавжудлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Маълумки, «этнос» атамаси илк бор қадимги юнон тилида келиб чиқиши юнон бўлмаган аҳолига нисбатан қўлланилган. XIX асрдан бошлаб эса «этнос» атамаси «халқ» маъносида ишлатилади. Немис этнологи А. Бастиан халқ ва этнос тушунчаларини синоним сифатида талқин қилган ва этниклик деганда халқнинг маданий ўзига хос қиёфасини тушунган. Этник бирликлар ва муносабатларнинг турли шаклларини англатиш учун этнос сўзи воситасида ҳосил қилинган этник гуруҳ, этник жараён, этносллараро муносабатлар, этник ўзига хослик, этник ўзликни англаш каби иборалар қўлланади. «Этник хусусийлик нималардан иборат?», «Этник моҳият нима?» деган саволлар бугунги кунда кўпчиликни қизиқтирмоқда[54].

Ҳозирга қадар ягона фикр мавжуд эмас. XX асрнинг 20-йилларида рус эмигранти С.М. Широкогоров (1887 – 1939) томонидан этносга илк бора қуйидагича таъриф берилган эди: «Этнос – бир тилда сўзлашувчи, келиб чиқиши бир эканлигини тан олувчи, урф-одатлар мажмуаси ҳамда умумий турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир»[55].

С. А. Токарев эса этнос бу тил, давлатга тегишлилик, иқтисодий алоқалар, маданий турмуш тарзи бирлиги сингари бир қатор ижтимоий алоқа шакллари натижасига асосланадиган кишилар жамоасидан ташкил топган бирлик деб ҳисоблайди[56]. Унинг фикрича, этноснинг шаклланиш босқичлари бир неча асрларга тўғри келади.

Хорижий адабиётларда этнос ўз-ўзини англовчи кишилар бирлиги сифатида қаралади[57]. Шунингдек, этнос «ўзини жамо-

[54] *Садохин А. П.* Этнология: учебник. 2–е изд. Перераб. и доп. – М.: Гардарики, 2004. – С. 32.

[55] *Широкогоров С. М.* Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений // Известия восточного факультета Дальневосточного университета. Т. 1. – Шанхай, 1923. – С. 13.

[56] *Токарев С. А.* Проблемы типов этнических общностей // Вопросы философии. 1964. – № II. – С. 44.

[57] *Muhlmann W.* Rassen, Ethnien, Kulturen. Berlin, 1964. – P. 57.

авий ҳолда ва беихтиёр маълум бир қадриятлар асосида умумлаштирувчи шахслар мажмуидир»[58]. Ўз навбатида айтиб ўтиш ўринлики, этнос инсонларнинг иродаси таъсирида эмас, балки тарихий жараёнлар таъсирида пайдо бўлади. Шунинг учун ўзаро фарқ қилувчи «биз – улар» антитезиси асосий рол ўйнайди. Баъзида этносларнинг бир-биридан фарқ қилиши этник бирлик моҳиятини аниқлашга нисбатан иккиламчи аҳамиятга эга, деб таъкидланади. Этносни ташқи чегараловчи хусусиятлар унинг ички тарафидан ҳам яхлитлигининг ифодасидир. Лекин этник бирликнинг ўзига хос жиҳати унинг ўзаро бир-биридан ажралиб туришидир. Шу этносни дифференцияловчи типик белгилар эса унинг ташқи томонида кўрилади.

Ҳар бир халқнинг этник хусусияти аслида унинг ирқий тузилиши, миллий психикаси ёки қандайдир махсус шароит билан белгиланади. Этнослар иқтисодий, социал ва маданий турмушнинг барча соҳалари билан боғлиқдир[59]. И. М. Жабборовнинг фикрича, этнослар шаклланишида тил муҳим аҳамиятга эга. Этник бирликларнинг бир-бири билан эркин муносабатда бўлиши, муомала қилиши, ҳис-туйғуларини изҳор этиши ва тушуниши, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатишда тил бош омил ҳисобланади[60]. Тил айрим халқларнинг ўзига хос этномаданий хусусиятини белгилайди.

Этноснинг барқарор тарзда мавжуд бўлишида тил билан бирга унинг оддий ва маънавий маданиятидаги махсус белгилар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу энг аввало, урф-одат, маросимлар, халқ санъаги, дин, юриш-туриш ва ўзини тутиш каби анъанавий ва барқарорликка эга бўлган маданият бирлиги ҳисобланади.

Ю. В. Бромлейнинг фикрича, этник ўзликни англаш мазкур этнос вакилларининг ўзига хос гуруҳ бирлигини англаш, ҳудудий, она тили тўғрисидаги умумий тасаввурларининг ифодаси, маданият, руҳиятининг ўзига хос ажралиб турадиган хусусият-

---

[58] *Maget M.* Problems dethnographie europeen. – ethnologie generale. – Paris, 1968. – P. 326.

[59] *Козлов В. И.* О понятии этнической общности // Советская этнография. – М.: 1967. – № 2. – С. 126.

[60] *Жабборов И. М.* Ўзбеклар. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 4.

лари ҳамда ушбу жамоага кирадиган, умумий пайдо бўлиши, тарихий тақдири ҳақидаги умумий тасаввурларида мавжуд ҳисобланади[61].

Этник ўзликни англаш ҳар бир халқнинг яшаш, турмуш тарзида намоён бўлади. В. Ф. Генн этник белгиларни этнос уюштирувчи этник омиллардан фарқ қилиб, этник белгиларнинг муҳим томони шундаки, улар доим этник маъно ва мазмун касб этади[62], деб таъкидлайди. Этносни уюштирувчи объектив омилларга у ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлигини киритиб, булар этник муносабатлар ва этник онгнинг туғилишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайди.

Этнограф олимлар Л. П. Лошук ва В. И. Козловлар тил этник бирлик шаклланишининг муҳим шартидир, тил нафақат этник омил, балки этник белги ҳамдир, деб ҳисоблайди[63]. Аммо этногенез масалалари билан шуғулланувчи қатор олимлар тилни этник омилга киритмасдан, тил фақат этник белгидир, дейдилар[64]. Этник белгилар ичида этник ўзликни англаш бирлиги ўта муҳим аҳамиятга эга. Этнограф В. В. Марводин тил ва ўзликни англаш бирлиги элатни халқ сифатида бирлаштирувчи муҳим омилдир, дейди[65]. Академик А. Асқаров концепциясига кўра, этнос *(ҳалқ)* уни уюштирувчи ҳудудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, тил, этник ном, ўзликни англаш бирлиги ва ниҳоят, сиёсий уюшма (политическая консолидация)ларда ўз ифодасини топган[66].

---

[61] *Бромлей Ю. М.* Этнические процессы в современном мире. России. – М.: Норгит. 1999. – С. 6.

[62] *Генинг В. Ф.* Этнический процесс в первобытности. – М.: Свердловск, 1970. – С. 23.

[63] *Лощук Л. П.* О формах донациональных этнических связей // Вопросы истории. – М., 1967. – № 4. – С. 80; *Козлов В. И.* Динамика численности народов. – М.: Наука, 1969. – С. 26–28.

[64] *Крюков М. В., Софронов М. В., Чебоксаров Н. М.* Древние Китайцы: пробелмы этногенеза – М.: Наука, 1978. – С. 4.

[65] *Марводин В. В.* К вопросу складывании Великорусской пародпости и русской нации // «Советская этнография». – 1947. – № 1. – С. 89.

[66] *Асқаров А.* Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 670. // Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик масалалари // Ўзбекистон тарихи. – Т.: 2002. – № 4. – Б. 54.

Юқоридаги муаллифларнинг илмий-тадқиқот ишларида этноснинг ўзига хос хусусияти – тил бирлиги, номи, этномаданий бирлик ва этник ўзликни англаш бирлигига катта аҳамият қаратилган. Тил этник ўзликни англашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бироқ ҳар бир халқининг этник ўзлигини англашда унинг тарихий хотираси ва этномаданий жараёни муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонлик олим В. Қўчқоров ўзининг илмий-тадқиқот ишларида этник ўзликни англаш ва барқарорлик тараққиётига доир қарашларни илгари сурган. Этник ўзликни англаш ҳар бир халқнинг этномаданий алоқаси ва савдо-сотиқ, ижтимоий ҳарактерига эга ҳисобланади. Жумладан, «миллий» ва «ўзликни англаш» тушунчалари кўпгина таҳлилий ҳамда танқидий муносабатларнинг шаклланишига олиб келган. «Миллийлик» тушунчаси ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинганда, жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти мобайнида маълум бир миллат, элатнинг тил, жойлашган ҳудуди, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, психолигик ҳолати ва дунёқараш тузилмасини ўзида акс эттирган мураккаб воқелик сифатида намоён бўлади[67].

«Этнос» назариясида этник субстанциянинг мавҳумлиги айрим назариётчилар томонидан ўзига хос тарзда ҳал этилиб, табиатда нафақат этник моҳиятнинг мавжудлиги, балки, умуман, этноснинг мавжудлиги ҳам инкор этилмокда. Ана шундай қараш асосида В. Тишков томонидан «этнос»[68] назарияси кескин танқид қилиниб, совет этнографиясидаги марксча догматизм, эгоцентризм, ички мустақил эмаслик танқид қилинади. Афтидан, этнос бу шўролар даври барча академикларининг хаёлий уйдирмаси бўлиб, аслида у тасаввурдаги тушунчадир.

Ўзбекистон арабларида этномаданий ўзликни англаш диний қарашларда ўз аксини топган. Арабларнинг катта қисми ўзларининг келиб чиқиши ва ота-боболарининг кўчиб келишини илк ва ўрта асрлар даври билан боглиқ эканлигини таъкидлашади.

[67] *Қўчқоров В.* Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. – Т.: Akademiya, 2013. – Б. 20 – 21.

[68] *Тишков В. А.* Реквием по этносу: исследования по социально-культурной антропологии. – М.: Наука, 2003. – С. 27.

Уларнинг фикрича, аждодлари маҳаллий аҳолига ислом динини тарғиб қилиш мақсадида бу ҳудудга келиб жойлашганлар. Кейинчалик маҳаллий халқлар билан яқин муносабатда бўлиб, уларнинг маданиятини ўзларига йиллар ўтиши натижасида сингдиришган. Дин ижтимоий ҳамкорлик ва халқлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни келтириб чиқарган.

Ҳар бир халқнинг шаклланишида маънавий маданиятнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, бунда руҳият ҳал қилувчи ўринда туради. Айниқса, бу этник гуруҳлар мисолида кўзга яққол ташланади. Масалан, яҳудийларнинг кўпчилиги ўз тилини билишмайди, ўзга миллатлар маданиятига мансуб бўлсалар-да, онг сезимида ўзларини ҳамиша яҳудий деб ҳисоблайдилар. Бундай кўриниш АҚШда яшовчи венгерлар, поляклар, немисларга ҳам тааллуқлидир[69]. Ўзбекистон ҳудудидаги турли асрларда кўчиб келиб жойлашган араблар ҳаётида ҳам бу каби ҳолатни кузатиш мумкин. Уларнинг катта қисми ўз тилини унутиб бўлишган, фақатгина айрим урф-одат ва анъанавий маросимларни ёки қиёфадаги ўзига хос хусусиятни кузатиш мумкин. Тил ҳар бир халқнинг қадимий ўтмиши ва келажак билан боглиқ деб эътироф этишади. Олимлар томонидан бугунги кундаги этник ўзликни англашнинг янгича қарашлари шаклланмоқда.

П. И. Кушнер ўз илмий-тадқиқот ишларида этник ўз-ўзини англашда этникликнинг белгиловчи жиҳатларига тўхталиб ўтган.[70] Унинг фикрича, этникликни аниқлашда психологик омиллар ҳам катта аҳамиятга эга. П. И. Кушнер этник ўз-ўзини англашда объектив сабабларни таҳлил этади.

Этнограф Н. Н. Чебоксаров этник ўз-ўзини англаш категорияси ва этник жамоаларнинг шаклланишига ўзига хос тарздаги барча омиллар фаолияти натижаси сифатида қарайди. Унинг фикрича, ўз-ўзини англаш бевосита этник жамоа номи билан боғлиқ бўлади[71].

[69] *Хужамуродов И. Р.* Ўзбек халки миллий (этник) ўзлигини англашнинг шаклланиши муаммолари ва унга исломнинг таъсири. дис... – Т., 1994. – Б. 59.

[70] *Кушнер П. И.* Этнические территории и этнические границы // Труды института Этнографии – Новая серия. – М., 1949. – С. 8.

[71] *Чебоксаров Н. Н.* Проблема этнических общностей в трудах советских ученых // Советская Этнография. 1967. – № 4. – С. 68 – 86.

Масалан, Ўзбекистон арабларининг этник номи минг йилдан бери ўзгармай келмоқда.

Этник ўзликни англашни файласуфлар бирламчи онг деб эътироф этишса, этнологлар этник ўзликни англаш халқнинг этник тарихи билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистон арабларининг этномаданиятида идентификацияни англаб етишни аниқлаш учун араб миллатига мансублик нимани англатади, деган мазмунда савол қўйилганда, улар ўзларининг этник номи миллий маъмурий-ҳудудий жой билан боглиқ эканлигини эътироф этишади. Ўтказилган сўровда қатнашганларнинг кўпчилиги араб миллатига мансублигини таъкидлаган.

Этник ўзликни англаш этник жамоалар ижтимоий психологиясидаги энг мураккаб тузилиш белгиларидан биридир. Унга шахс ўзлигини англашнинг фақат бир томони сифатида қарамоқ лозим, этник ўз-ўзини англашга энг аввало халқ ёки этник гуруҳ, миллат эга бўлади[72]. Жумладан, Г. В. Шеледповнинг фикрига кўра, этник ўз-ўзини англаш инсонлар томонидан ўзининг маълум жамоага тааллуқлилигини англаш, марказлашиш, тургунлик, қарама-қаршилик билан боғлиқ ҳисобланади[73]. Этник ўзликни англаш бу белгилар ўзаро кўпқиррали тарзда бўлишини тақозо этади ва бир-бирига ўтиб туради. Этник ўзликни англашнинг энг муҳим белгиси инсонлар томонидан ўз этник жамоасига тегишлигини англашдир.

Яна бир гуруҳ олимлар назарида этник ўзликни англаш деганда шахс томонидан одамлар жамоасига тегишлилик, тилнинг умумийлиги, ҳудудий, иқтисодий, давлат, руҳиятнинг маълум белгилари, қизиқиш ва юксак мақсадлари, диний жиҳатдан умумийлик тушунилади. Миллий ўзликни англаш бу кишилар томонидан маълум бир миллатга мансубликни, миллат ва давлатнинг ички, миллатлараро, давлатлараро ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрнини англаш ҳисобланади. С. Т. Калтахчян бу тушунчага этник жиҳатдан тегишлиликни англаш, миллий қадриятларга (тил, ҳу-

---

[72] *Хўжамуродов И. Р.* Ўзбек халқи миллий (этник) ўзлигини англашнинг шаклланиши муаммолари ва унга исломнинг таъсири. дис... 1994. – Т., – Б. 79 – 80.

[73] *Шеледпов Г. В.* Обшность происхождения признак этнической общности // Советская Этнография. – М., 1968. – № 4. – С. 72.

дуд, маданият) мойиллик, ватанпарварлик, миллий озодлик курашидаги умумийлик сингари жиҳатларни англашни киритади. Этник ўзликни англаш бугунги глобаллашув жараёнида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу ўринда миллий ўз-ўзини англаш белгилари бўйича Ю. В. Арутюнян ва Л. М. Дробижевалар фикрини келтириб ўтиш лозим. Улар миллий ўзига хослик ўз жамоа бирлигининг типик белгилари, тарихий ва ҳудудий бирлигининг умумийлиги, ўз халқи моддий ва маънавий қадриятларининг йиғиндиси, булар барчаси этник ўзликни англашнинг миллий ғурури сифатида унинг ифодаси тўғрисидаги тасаввурларидан иборатдир, деб таъкидлайди[74].

Ижтимоий идентикликни ижодий тарзда барпо қилиб бўлмайди, зеро улар бошқалар учун ҳам маъқул бўлиши лозим. Этник ўзликни англашнинг муҳим жиҳатларини таҳлил этишда сиёсат асос бўлиб хизмат қилади.

Этник ўзликни англаш сиёсий маданият, ахлоқий, фуқароларнинг жамият ҳаётидаги иштироки, фаолияти ва фуқаролар масъулияти масалалари билан ўзаро уйғунликда таҳлил қилинади.

Миллий маданиятни шакллантириш ва этник ўзлигимизни англашда, айниқса, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Тил, қайсидир маънода бизнинг фикрлашимизга таъсир қилар экан, маданий аҳамият бахш этади. Йохан Готфрид Гердернинг фикрига кўра, тил миллатнинг жамоат бойлиги ҳисобланади, мадомики ҳар бир тил оламда ўзига хос қарашларни шакллантирар экан, демак, инсониятнинг интеллектуал бойлиги унинг тилининг турли-туманлиги билан боғлиқ бўлади[75].

Тил ва тафаккур борасида Гумбольдт ҳам ўз қарашларини илгари сурган. Унинг фикрига кўра тил детерминизимини[76] ифодаловчиси муҳим жиҳат ҳисобланади. Тил ва тафаккур ёки тил

[74] *Арутюнян Ю. В., Дробижева Л. М.* Многообразие культурной жизни народов СССР. – М.: Мысль, 1987. – С. 256.

[75] *Schlesinger I. M.* The wax and wane of Whorfian views. – 1991. – P. 12.

[76] Детерминизм [лот.determinare – аниклам]оқ; чегараламок; қисмларга ажратмок]. Табиат ва жамиятдаги хамма ҳодисаларнинг умумий объектив конуний алокадорлиги ва сабабий богланиши ҳақидаги таълимот // Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-жилд. Ўзбекистон энциклопедияси Давлат илмий наширёт – Т.: 2006. – Б. 601.

ва онг ўртасидаги боғлиқликнинг тўлиқроқ таҳлили, этниклик ва тил масаласи доирасидан чиқиб кетади. Унинг фикрича, ҳар бир этноснинг шаклланишида тил халқ ўтимишидан дарак беради.

«Этник ўзликни англашда анъанавий қадриятларнинг ўзига хос ўрни» мавзусида Россия этнографияси ходимлари Д. А. Баранов, В. А. Дмитриев, Л. Ф. Попова, И. В. Стасевич ва Ж. К. Чистяковойлар томонидан араблар ўртасида этносоциологик метод асосида сўровнома ва тадқиқот ўтказилган[77]. Муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлогида арабларнинг анъанавий турмуш тарзи ва маданияти, этник ўзликни англаш жараёни таҳлил этилган. Улар «этник» ва «миллий» идентиклик тушунчаларининг ўзаро нисбати ҳақида баъзи олимларнинг назарий мулоҳазаларига таянган ҳолда ўз тадқиқот ишларини олиб боришган. Этник бирлик иборасини фақат миллий бирлик, яъни миллат пайдо бўлгунга қадар бўлган босқичга нисбатан ишлатишни таклиф этишган. Тўғри, гарчи миллат таркиби тўлиқ идентиклиги бўлмаса-да, у ҳам миллатгача бўлган этник бирликлар билан бир хил тартибдаги ҳодиса саналади. Зеро, кўпчилик элатлар миллатнинг ўзаги бўлган ва улар миллат номига айланган. Масалан, арман элати ва миллати, япон элати ва миллати кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон арабларининг ривожланиши ва этник тарихи масалаларининг ўрганилишига тарихшунослик тадқиқотида етарли даражада эътибор қаратилмаган. Аммо у ёки бу илмий муаммонинг алоҳида масалалари нуқтаи назаридан олганда, тарихшунослик таҳлилига тортилиши лозим бўлган масалалар ҳам талайгина. Айниқса, XX аср бошларидан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудидаги араблар тарихини ўрганиш ва уни тадқиқ этишга киришилди. Шунинг натижасида араблар тарихшунослиги маълум даражадаги адабиётлар асосида ўрганилди.

---

[77] *Баранов Д. А., Дмитриев В. А., Попова Л. Ф., Стасевич И. В., Чистякова Ж. К.* Предварительные итоги работы по опроснику // Изучение национального самосознания в этнографическом музее. Материалы семинара. СПБ. – М., 1998.

## 1.3. Муаммонинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

Ўрта Осиё арабларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, урф-одатлари ва турмуш тарзи тўғрисидаги кайдлар илк бора гегораф олим ал-Истахрий (тахминан 850–934) маълумотларида кузатилади. Унда Ўрта Осиё ҳудудидаги жой номлари, иқлим харитаси, чегара, ундаги шаҳар, рустақ, қишлоқ, тоғ, дарё, табиий бойликлар, экинлар асосий тижорат воситалари, аҳолисининг хулқ-атвори, урф-одатлари, кийимлари ҳақидаги маълумотлар қайд қилинган.

Арабларнинг Ўрта Осиё ҳудудига келиб жойлашиши ва ислом дини тарқалишига доир маълумотларни ўша даврда яшаб ижод қилган тарихчи ва географ олим Балазурий[78] (820 – 892) нинг асарида ҳам учратамиз. Унда Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларининг босиб олиниши ва араблар истилоси тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Муаллифнинг «Китоб футуҳ ал-булдон» асарининг диққатга сазовор томони шундаки, унда минтақадаги шаҳарлар ва бу ерлардаги осори-атиқалар билан бирга маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, иқтисодий муносабатлар, солиқ турлари, шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида араб тилининг жорий қилиниши ҳақидаги маълумотлар бериб ўтилган. Балазурий асарининг ўзига хос илмий қиймати шундан иборатки, арабларнинг уруғ, қабила сингари бўлинишига доир қизиқарли маълумотлар учрайди. Унинг таъкидлашича, минтақада жойлашган арабларнинг катта қисми Ямандан маҳаллий аҳолини исломлаштириш мақсадида олиб келинган[79].

Ўрта Осиё араблари борасида Абу Райҳон Беруний (973–1048) нинг асарларида ҳам маълумотлар учрайди. У «Осор ул-боқия» (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) асарида Қутайба томонидан Мовароуннаҳрда олиб борилган босқинчилик натижасида

[78] *Балазури.* Книга завоевания стран // Текст и пер. с араб. П. К. Жузе. – Баку, 1927. – С. 139.

[79] *Балазури.* Книга завоевания стран // Текст и пер. с араб. П. К. Жузе. – Баку, 1927. – С. 99.

ўша даврда яшаб ижод қилиб келаётган машҳур кишилар ўлдириб юборилганлиги тўғрисида маълумотлар беради. Қутайба ислом динини жорий қилиш мақсадида маҳаллий халқ томонидан яратилган ноёб адабиётларни йўқотиб юбориб шу ҳудудда истиқомат қилиб келаётган аҳолининг миллий-маънавий, моддий маданияти, турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатган.

Хивалик араблар жуда кадимий аҳоли бўлиб, нақл қилишларича, Хива хони ўз ҳузурига ислом динини яхши биладиган ва уни ўргатадиган билимдонларни топиб келишни буюради. Ҳудди шу араблар ҳозирги Хоразмда истиқомат қилиб келган араб аҳолисининг аждодлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон арабларининг манба ва тарихшунослигини тадқиқ қилиш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ўрта Осиё арабларининг тили билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари тўгрисида бир неча тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, бу ҳақдаги маълумотлар И. Н. Винников, Г. В. Церетели, Н. Н. Бурикина, М. М. Измайлова ва Г. Г. Чиковани каби тадқиқотчиларнинг ишларида учрайди[80]. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган арабларнинг тил жиҳатини таҳлил этиш асносида шундай хулосага келдики, араблар ягона тилининг сақланиб қолишига маҳаллий халқлар билан яқин қуда-андачилик ришталарини олиб боришмаганлиги сабаб бўлган. Ўзбекистон араблари шевасининг Ироқ ва Сурия ўртасида жойлашган бир қишлоқ шевасига жуда ўхшаб кетиши юқоридаги муаллифларнинг ишларида қайд этилган. Масалан, Жугари қишлоғининг маҳаллий шевасида араб ва афғон шеваси қўшилиб кетганлигини кўриш мумкин. Америкалик тадқиқотчи Т. Барфильд томонидан Шимолий Афғонистон

[80] *Церетели Г. В.* Материалы для изучения арабских диалектов Средней Азии // Записки института Востоковедения АН СССР. Т. VII. – М. – Л., 1939. – С. 254–283; *Ўша муаллиф.* К характеристике языка среднеазиатких арабов // Сб. Труды второй сессии ассоциации арабистов. – М. – Л.: Изд – во АН СССР, 1941. – С. 133–148; К образзованию некоторых основных форм глагола в бухарском диалекте // Труды Тбилисского ГУ. – Тбилиси, 1947; *Бурыкина Н. Н., Измайлова М. М.* Некоторые данные по языку арабов кишлака Джугары Бухарского округа и кишлака Джейнау Кашкадариньского округа Узбекской ССР // Записки коллегии востоковедов. Т. 5. – Л., 1930. – С. 539–549; *Чиковани Г. Г.* Некоторые вопросы истории и языка среднеазитских арабов // Россия и арабский мир. Вып. 3. – СПБ. 1988. – С. 112.

араблари мажмуавий тарзда тадқиқ қилинган[81]. Мазкур асардан биз Ўзбекистон араблари билан Афғонистон арабларини қиёсий таҳлил қилиш жараёнида фойдаландик. Ўзбекистон араблари билан Афғонистонда яшовчи араблар маданиятида ўхшашлик борасида Г. Г. Чикованининг илмий-тадқиқот ишларида маълумотлар мавжуд. Бу ердаги маҳаллий аҳолининг баъзи сўзлари Афғонистонда истиқомат қилиб келаётган арабларнинг тилига яқин ҳисобланади. Ўрта Осиё ҳудудига арабларнинг бир қисми Афғонистон орқали кўчиб келиши амалга оширилган. Чунки, Ўзбекистон ҳудудидаги араб қишлоқларида дала тадқиқотлари давомида баъзи бир уруғлар ўзларининг Афғонистон ҳудудидан кўчиб келганлигини таъкидлашади. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида истиқомат қилиб келаётган уруғлардан бири андхўй бўлиб, бу уруғ аждодлари Афғонистон ҳудудидан кўчиб келишган.

Араб халқининг тарихи ҳақида тўхталганда, И. Н. Винниковнинг хизматларини ҳам эътироф этиш лозим. У Ўрта Осиё ҳудудида яшаб келаётган арабларнинг этнографияси ва тилшунослик жиҳатларини ўрганди[82]. И. Н. Винников ишида Бухоро ҳудудида жойлашган йирик араб қишлоқларидан бири Жугарида яшаб келаётган араблар этнографияси ва тили таҳлил этган.

Совет даври тарихшунослигида бир томонлама, нохолис ёндашув натижаси ўлароқ ислом дини билан боғлиқ анъанавий маданиятга қарши фикрлар баён этиб келишган. Совет жамиятида тарих фани буюк давлатчилик, улуғ миллатчилик, партиявийлик, синфийлик гоялари ва тамойилларининг қурбонига айланганди. Жумладан манбашунослик ва тарихшунослиги танқид қилинган, тарихий факт, далиллар холисликка асосланган адабиётлар яширин сақланар, тарихчилар уларни ўрганишдан маҳрум эди.

---

[81] *Barfield T.* The Central Asian Arabs of Afghanistan Pasroral No madism in Transition University of Texas Press, 1983.– P. 204.

[82] *Винников И. Н.* Арабы в СССР (Этнография, фольклор и язык) // Советская этнография. – М.: 1941. – № 2–3. – С. 147; *Ўша муаллиф.* Легенда о призвании Мухаммеда свети этнографии // Сергею Федоровичу Ольденбургу. – Л., 1934. – С. 125–146; *Ўша муаллиф.* Арабы кишлака Джейнау. – Ташкент, 1944; СПФА РАН. Ф. 1045. Оп. 1, ед. хр. 105.

Шу сабабли бундай адабиётлар совет мафкураси ғоялари асосида ёзилган. Умуман араблар тарихшунослиги, унинг илмий-услубий асослари ҳақида узоқ йиллар мобайнида нафақат мавҳум, балки нотўғри тасаввур шаклланган. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир халқнинг тарихидан мутлақо бехабарликдан дарак беради. Совет тарихчилари ўзгача услубият ва тадқиқотлардан бехабар, ўзининг тор қобиғида, ҳукмрон мафкура томонидан белгилаб қўйилган тарихийлик, илмийлик ва холислик тамойилига мутлақо зид бўлган синфийлик нуқтаи назари асосида сохталаштириш йўлидан бориб, барча миллат ва элат вакилларининг тарихини сиёсий мафкура таъсири асосида ёритди.

Б. Х. Кармишева Ўзбекистон ва Тожикистонда яшовчи араблар тарихи билан шуғулланган бўлиб, унинг илмий изланишларининг маълум қисми араблар тарихшунослиги ва этнографиясига тааллуқлидир. Олиманинг таъкидлашича, араблар икки республиканинг жанубий минтақаларида кичик гуруҳлар тарзида яшаб келган[83]. Айнан мазкур муаллиф томонидан Ўрта Осиё тарихида арабларнинг тутган ўрни ва араб халқининг анъанавий урф-одатлари, тили, маданияти, тарихи, уларнинг кўчиб келган жойлари, этник номи, уруғлари ва ҳунармандчилиги, миллий кийимларининг ўзига хос локал хусусияти илмий материаллар асосида қиёсий таҳлил этилган[84].

Амир Темур томонидан Мовароуннаҳрга кўчирилган аҳоли таркибига эътибор қаратган атоқли элшунос академик К. Шониёзов араблар масаласига ҳам тўхталиб қуйидагича ёзади: «XIV – XV асрларда Мовароуннаҳр илк ўрта асрлар ва ундан кейинги асрларда келиб жойлашиб қолган араблар ҳам яшар эдилар. Араблар, асосан, Бухоро воҳасида, Бухоро шаҳрида, Самарқанд ва Каттақўрғон атрофларида, ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқоқ ҳолда яшашган»[85].

Ўрта Осиё ҳудудига арабларнинг босқинчилик юришлари ва маҳаллий халқ билан араблар ўртасида ўзаро муносабат ва

[83] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи. – Т.: Абу Али ибн Сино, 1996. – Б. 19.

[84] *Кармышева Б. Х.* Среднеазиатские арабы // Народы Средней Азии и Казахистана. Т. II. – М.: АН СССР, 1963. – С. 582–598.

[85] *Шониёзов К.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 400.

уларнинг келиб жойлашган жойи, сони, турмуш тарзи ҳақидаги маълумотлар баъзи муаллифларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган. А. Мюллер, В. Л. Воронина, И. Р. Муллажанов, П. Равшанов, Ш. С. Камолиддинов, Х. М. Мамадалиев, А. Х. Дониёров, О. Бўриев, А. А. Аширов[86]ларнинг асарлари шулар жумласидандир. Юқоридаги муаллифларни асарларида арабларнинг манбашунослик ва тарихшунослиги ҳамда этномаданий жараёнлари, ислом дини билан боғлиқ қарашлари қиёсий таҳлил этилган.

И. Р. Муллажановнинг илмий-тадқиқот ишида арабларнинг сони, ҳудудлари ҳақидаги маълумотлар берилган[87]. Жанубий Тожикистон араблари этнографиясини тадқиқ этган З. М. Мадаминжанова ва В. И. Бушковлар минтақа арабларининг тарихи, этнографияси билан боғлиқ муҳим жиҳатларни таҳлил этган[88].

Ш. Зокиров ишларида араб халқи этник тарихининг ўзига хос жиҳатлари муаррих Истахрийнинг асари замирида яратилди. Олим Истахрий асаридаги Ўрта Осиёга тегишли қисмларни ўз тадқиқотларида турли ёндашувлар асосида ўрганишга эътибор қаратган. Жумладан, IX – XII асрлардаги этник тарихини

---

[86] *Мюллер А.* История ислама с основания до новейших времен – Т.: 1. – ПБ., Изд. Л. Ф. Пантелеева, 1895. – С. 281; История народов Узбекистана. 1. – Т.: Изд–во АН Уз ССР, 1950. – С. 164; *Воронина В. Л.* Народное жилище арабских стран. – М.: Наука, 1972. – С. 41–42; *Мулляджанов И. Р.* Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1983. – С. 153; *Ўша муаллиф.* Население Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1989. – С. 164; *Равшанов П.* Қашқадарё тарихи – Т.: Янги аср авлоди. 1995. – Б. 648; *Камолиддинов Ш.* Китаб ал–ансаб Абу Саъда Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Самъни. – Т.: Фан, 1993. – С. 184; *Мамадалиев Х. М.* Этническое положение в Средней Азии в IX–XII вв. (на основе материалов арабоязычных источников): Автореф дис... канд. ист. наук. – Т., 2010. – С. 17; *Дониёров А. Бўриев О., Аширов А.* Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. – Т.: Yangi nashr, 2011 – Б. 238–239.

[87] *Мулляджанов И. Р.* Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1983. – С. 153; *Ўша муаллиф.* Население Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1989. – С. 164.

[88] *Бушков В. И., Мадаминжанова. З. М.* Арабы Таджикистана: некоторые вопросы этнической истории // Современное развитие этнических групп Средней Азии и Казахстана. – М., 1992. – С. 131–157. *Мадаминжанова З. М.* Арабы Южного Таджикистана (историко–этнографические очерки). – Душанбе, 1995. – С. 133; *Бушков В. И., Мадаминжанова З. М.* Арабы Таджикистана в конце XIX–XX. вв. // Этнографическое обозрение. – М.: 1998. – № 3. – С. 3–12.

соф манбашунослик нуктаи назаридан таҳлил этган[89]. Муаллиф араблар тарихшунослигига доир маълумотларни қиёсий ёритиб бера олган. Тадкикотда арабларнинг географик жойлашуви ва ўша даврда юз берган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар тўғрисида қимматли маълумотлар учрайди.

Бир қатор муаллифларнинг Ўрта Осиё халқлари антропологиясига доир илмий-тадқиқот ишлари яратилган. Жумладан, М. С. Андреев, Л. В. Ошанин, Я. Р. Винников, К. Наджимов асарларида Ўзбекистон арабларининг антропологиясига доир баъзи бир фикр-мулоҳазалар айтиб ўтилган[90].

Ўрта Осиёга арабларнинг келиб жойлашиши ва уларнинг антропологик қиёфаси тўғрисидаги қарашлар К. Наджимовнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган[91]. У Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида яшаётган 400 дан ортиқ арабларнинг антропологиясини ўрганиб, қуйидаги хулосага келади. Ўрта Осиё араблари Олд Осиё ирқига тааллуқли белгилар билан характерланади. Унинг фикрига кўра, Ўрта Осиё араблари Арабистондан кириб келмаган, чунки Арабистон арабларида Ўрта денгиз типига хос белгилар мавжуддир. Ўрта Осиё арабларининг бош шакли думалоқ бўлиб, бу Месопотамия арабларига мансубликни билдиради. Сурхондарё араблари узун бош арабларнинг жанубий гуруҳига мансуб ҳисобланади. Тадқиқотчи араблар Ўрта Осиё халқлари этногенези ва этник тарихида қатнашганини инкор этмайди.

П. Равшанов ва М. Саидовларнинг монографиясида қуйи Қашқадарё воҳасида жойлашган арабларнинг Мовароуннаҳрга

---

[89] *Зокиров Ш.* Арабоязычные источники IX–XII. вв. и их значение в изучении этнополитической жизни народов Средней Азии. Афтореф. дисс... канд. наук. – Т., 1994. – С. 190.

[90] *Андреев М. С.* Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область // Известие Туркестанского отл. Русс. Геограческого общества. – Т.: 1924. – С. 128; *Ошанин Л. В.* Антропологический состав население Средней Азии и этногенез его народов. – Ереван. Изд. Ереванского университета. 1957. – С. 56; *Винников Я. Р.* Современное расселения народов и этнографических групп в Ферганской долине // Среднеазиатский этнографический Сборник II. – М., 1959. – С. 382–390.

[91] *Наджимов К.* Антропологический состав населения Сурхандарьинской области. – Т.: Изд. САГУ, 1958. – С. 156.

келиши ва жойлашиши, арабларнинг тарқалиш ҳудудлари ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, улар Жейнов қишлоғидаги арабларнинг этник тарихи, уруғлари, турар жойлари, анъанавий кийим-кечак ва маданиятини ўрганганлар[92]. Араблар яшайдиган баъзи бир қишлоқларнинг номларига доир масалалар таниқли номшунос олим Т. Нафасовнинг тадқиқот ишларида кузатилади[93].

Ўрта Осиё ҳудудига арабларнинг кириб келиши ва уларнинг маҳаллий халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, этномаданий жараёнларида иштироки ва этнографияси тўғрисида бир неча йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борган олимлардан бири Р. Ражабов[94] бўлиб, унинг асарларида минтақада яшовчи араблар тарихшунослиги, араблар антропологияси, тили, уларнинг ўзига хос баъзи этнографик жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан Ўрта Осиё халқлари билан араблар ўртасидаги этномаданий жараён, оилавий урф-одат ва анъанавий мотам маросимлари ҳам ўрганилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон араблари анъанавий моддий ва маънавий маданияти, этномаданий масаласининг ўрганилиши, манбашунослик ва тарихшунослик масалаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда яшаб келаётган араблар этнографиясига доир баъзи илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, уларнинг этник тарихи, манба ва тарихшунослик жиҳатларига етарли даражада эътибор қаратилмаган. Шу боис бизнинг илмий-тадқиқот ишимизда арабларнинг этномаданий ўзликни англаши жараёнидаги тарихий манбавий асосларни ўрганишга катта эътибор берилди.

Арабларнинг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келишининг этник тарихи ва ижтимоий, иқтисодий, этномаданий жараёнлар ҳамда

---

[92] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 261.

[93] *Нафасов Т.* Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1988. – Б. 288; *Нафасов Т., Турсунов Ш.* Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 265.

[94] *Ражабов Р.* Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар. – Т.: Янги аср авлоди, 2011 – Б. 126; *Ўша муаллиф.* Ўзбекистондаги араблари тарихи ва этнографияси. – Т.: Шарқ, 2012 – Б. 415.

минтақада яшовчи араблар тарихшунослиги, антропологик типи, тили, уларнинг ўзига хос оилавий урф-одат ва анъанавий мотам маросимлари янги манбалар асосида таҳлил этилди. Ўзбекистон арабларининг тарихшунослик ва манбашуносликка доир маълумотларини ўрганишда ҳорижий манбалардан ҳам фойдаланилди.

# II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИ ЎЗИГА ХОС ЭТНИК ГУРУҲ СИФАТИДА

## 2.1. Арабларнинг Ўрта Осиё ҳудудларида жойлашиши

Тарихдан маълумки, араб халифалиги қўшинлари минтақага илк бора VII аср ўрталарида кириб келган бўлса-да, халифаликнинг минтақада тўла ҳукмронлик ўрнатиши қарийб бир асрга чўзилган. VIII аср ўрталарига келиб араблар томонидан Мовароуннаҳрнинг катта бир қисми исломлаштирилди. Арабларнинг босқинчилик юришлари натижасида араб қавмлари минтақанинг жануби-ғарбий ҳудудларида жойлашди.

Ўрта Осиёни босиб олишни араблар икки йўналишда олиб боришган бўлиб, уларнинг илк юришлари Сугд ҳудудига бўлган. Бу юриш Убайдуллоҳ ибн Зиёд келишидан йигирма йил муқаддам юз берган. Ушбу фикр тарафдорлари қарашларига кўра, араблар 651 йилда Марвда мустаҳкамланиб олгач, орадан кўп ўтмай Амударёни кечиб ўтиб, Пойканд ва Бухоро сари боришган. Энг муҳими, Мовароуннаҳрга иккинчи йўналиш жанубий сарҳаддан ўтувчи Кеш йўли бўлганки, араблар шу йўл орқали 654 йилда Суғдга юриш қилишган. Бу сафарда араблар Маймурғга қадар боришган[95]. Жумладан, арабларнинг Ўрта Осиё заминига илк юриши Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли асарида шундай баён этилади: «Убайдуллоҳ ибн Зиёд Муовия томонидан Хуросонга юборилиб, у Жайҳун дарёсидан ўтиб, Бухорога келган вақтда Бухоро подшоҳи, ўғли Тугшода кичик ёшда бўлганлиги туфайли бир хотин (хотун) киши эди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бойканд ва Ромитонни олиб, кўп кишиларни асир қилди. Тўрт минг бухоролик асирни шахсан ўзига олди. Бу воқеа эллик учинчи йилнинг охири ва эллик тўртинчи йил (673 йил ноябрь–декабрь)нинг бошида бўлган эди»[96]. Арабларнинг

[95] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 35.

[96] Ўша асар. – Б. 40.

Ўрта Осиёга бостириб келиши натижасида бу ерда ўзига хос сиёсий бошқарув тизими шакллантирилган.

Араблар истилочилик юришларининг биринчи даврида маълум бир стратегик мақсадларнинг йўқлиги, қўшинларида уюшқоклик етишмаслиги, уларнинг асосий мақсади талаш, талон-торож қилиш эканлиги кўзга яққол ташланади. Шу давргача уларда этник, ижтимоий, маданий, сиёсий бирлик бўлмаган[97]. Мовароуннаҳрни истило қилиш арафасида арабларнинг Хуросон ва унинг атрофидаги вилоятларда, жумладан, Журжон, Деҳистон, Сейистон, Буст, Давра, ар-Руххаж (Арахосия), Зобул[98] ва Қобул атрофларида, асосан, кўчманчилар, хусусан, турклар билан жанг қилишига тўғри келганлиги манбаларда қайд этилади. Насаф атрофидаги даштда 500 кишидан иборат туркий жангчиларнинг арабларнинг йўлини тўсганлиги Табарий томонидан қайд этиладики[99], ҳар ҳолда, улар яқин атрофдаги дашт ҳудудларида яшовчи аҳоли вакиллари бўлишган. Ҳақиқатан, араблар Ўрта Осиёни босиб олаётган вақтда бу ерлик туркий халқларга қарши курашлар олиб борди. Бироқ, туркий халқларнинг қаршиликлари уларнинг енгилишига олиб келди. Бу тўғрисида Табарийдан ташқари ўша даврда яшаб ижод этган олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам маълумот берилган.

Туроннинг жануби-ғарбий қисми Мовароуннаҳрни забт этиш ниҳоясига етиб, бу ерда арабларнинг мавқеи мустаҳкамлангач, маҳаллий ҳокимлар бошқарувига деярли ўрин қолмаган бўлса-да, баъзи бир жойларни қадимий сулола воситасида идора қилиш давом этди. Шу боис араблар учун маҳаллий шароитларни яхши биладиган ва итоаткор бошқарувчилар воситасида аҳолини назорат қилишнинг афзал томонлари инобатга олинган. Шу тариқа Шош, Суғд, Уструшона ва Бухорода маҳаллий сулолаларнинг арабларга вассал бошқаруви узоқ вақтгача сақла-

[97] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 37.

[98] *Бартольд В. В.* Историко-географический обзор Ирана // Соч. Т. VII – М.: Вост. лит-ра, 1971. – С. 90.

[99] История ат–Табари. Избранние отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и. А. Б. Халидова) – Т.: Фан, 1987. – С. 85–86.

ниб қолди[100]. Ўрта Осиё босиб олингандан сўнг арабларнинг маҳаллий аҳоли бошқарув тизимида қолишлари, бир томондан, аҳолини тинчликда ушлаб туриш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Иккинчидан, араблар ўз мавқеини сақлаб қолишган. Учинчидан, араблар маҳаллий аҳолини бошқаришда улардан фойдаланганлар.

Арабларнинг Мовароуннаҳрдаги биринчи юришлари, талончилик урушлари маҳаллий халқлар яратган бойликларни тортиб олиш, моддий ва маънавий бой маданиятнинг таланишига олиб келди.

Арабларнинг Ўрта Осиёга кейинги иккинчи юриши даврида VIII аср бошларидан бошлаб кенг кўламли уруш олиб бориш режалаштирилди. Арабларнинг бу юришдан кўзлаган асосий мақсади Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келаётган халқларни исломлаштириш ва бойликларини талашдан иборат бўлган. Халифалик томонидан ғарбий ҳудудларни босиб олиш учун юборилган Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилийни ноиб қилиб юборишади. У Мовароуннаҳрнинг ноиби этиб тайинланган даврдан бошлаб кенг кўламли ҳарбий юриш бошлади. Унинг мақсади, энг аввало, мамлакатни эгаллаб олиб, тўла итоат эттириш, арабларнинг ўтроқлашувини уюштириш ва ислом динини ёйишдан иборат эди. Хусусан, Абу Райҳон Беруний Қутайбанинг Хоразмдаги хатти-ҳаракатларини қоралаб, маҳаллий тилда ёзилган барча китобларни куйдириб, йўқ қилганлигини таъкидлаб ёзганининг[101] ўзиёқ бунинг яққол далилидир.

Қутайба аввал Хуросон ва унга қўшни ҳудудлардаги Толиқон, Чағониён, Бодгис, Аҳорун, Шумон ва Балхни бир муддат ўзига бўйсундиради. Бироқ, арабларнинг ушбу вилоятлар устидан ҳукмронлиги 740 йилларгача том маънода мустаҳкамланмасдан қолади. Амударёнинг юқори ҳавзасидаги Термиз, Чағониён, Кумед, Аҳорун, Шумон, Вашгирд, Рашт, Вахш Қубодиён, Хуттал, Каррон, Шуғнон, Вохон, Мунжон, Қундуз, Руб (Руй), Са-

[100] *Ражабов Р.* Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар... – Б. 22.

[101] *Абу Райхон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. Т. I. – Т.: Фан, 1968. – Б. 72.

мангон, Балх, Ғарчистон, Гузгон (Жузжон), Бодғис[102] каби бир неча ўнлаб вилоятларни, аниқроғи, ҳар бири ўзининг муайян ички бошқарувига эга майда ҳукмдорликларни ўз ичига олган бирмунча йирик ҳукмдорлик Тахористон Ябғулиси томонидан бошқарилган.

Араблар Ўрта Осиёга кириб келишгандан сўнг тобе этилган шаҳарларнинг энг обод, гавжум ҳудудларини ўз қарамоғига олишган. VII–VIII асрларда «араб» истилоси, асосан, Шимолий Арабистонга тааллуқлилиги ҳақида олдинроқда айтиб ўтган эдик. Нисбатан чет жойлари эса қўшин таркибида бўлиб, умуман, Арабистон ярим оролида, шунингдек, ажам мамлакатларидан босиб олинган юртлардан олиб келинган лашкар бошлиқларига тақсим қилинган. Бухоро шаҳрида ўрнашган айрим араб хонадонлари ўзларига тегишли мавзеда масжидлар барпо этган[103].

Юқоридаги муаллифларнинг илмий-тадқиқот ишларида Ўрта Осиё арабларининг тарихи билан боғлиқ қарашлар илгари сурилган. Қутайбанинг Бухорога юришлари даврида арабларнинг йирик қисми шу заминга келиб жойлашган. Кейинчалик араблар ўз миллий хусусиятларини аста-секинлик билан йўқотиб, маҳаллий халқларнинг этник таркибига сингиб кетган.

Арабларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши маҳаллий халқ этник таркибига унчалик таъсир қилмади. Аммо босиб олинган жойларга маҳаллий халқнинг турар жойига ўз қўшинларини жойлаштиришди.

Элшунос олима Б. Х. Кармишеванинг айтишича, Шимолий Афғонистоннинг Балх, Шибирғон, Андхўй, Ахчи ва бошқа мавзеларидан Тожикистон жанубига ва Ўзбекистонга кўчиб ўтган арабларнинг (бу ҳодиса XX аср бошларига қадар давом этади) бой чорвадорлари Шарқий Бухоро ерларини танлаган бўлсалар, камбағал фақир араблар суғоришга яроқли бўлган, эгасиз ерларни кўзлаган[104].

---

[102] *Камалиддинов Ш. С.* Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX начала - XIII вв. – Т.: Узбекистон, 1996. – С. 149–225.

[103] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 11–12.

[104] *Кармышева Б. Х.* Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным) – М.: Наука, 1976. – С. 252.

VII асрнинг ўрталаридан бошлаб истило мақсадида Мовароуннаҳр ҳудудига кириб кела бошлаган араблар VIII аср ўрталарига қадар минтақанинг катта бир қисмини қўлга киритгач, асосан, Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кармана, Хоразм, қисман Шош ва Фаргона водийсига келиб жойлашадилар[105]. Юқорида номлари таъкидланган ҳудудларда уларнинг номи билан боғлиқ қишлоқлар сақланиб қолган.

Арабларнинг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келиши тарихига доир асосий маълумотлардан бири бўлган «Бухоро тарихи» асарида арабларнинг Бухоро ва унинг атрофларида ўрнашиб қолишлари, ўлкадаги йирик шаҳарлардан ўзлари учун махсус жойлар ажратиб олишга ҳаракат қилганликларини тасаввур қилса бўлади.

Араблар истило этган шаҳарларда ўз ҳарбий бўлинмаларини жойлаштирар, бу ерларга маҳаллий аҳолини идора қилиш мақсадида ўз қавмдошларини ва ислом динини қабул қилган эронликларни кўчириб келтирар эдилар. Бунинг оқибатида янги географик атамалар, жумладан, арабча жой номлари ҳам пайдо бўла бошлайди.

Араблар воҳаларга келиб жойлашар экан, асосан, минтақанинг жануби-ғарбий ҳудудларини танлаган бўлсалар, шимоли-шарқий ҳудудларида эса зич ҳолда жойлашмаган. Минтақанинг шимоли-шарқий қисмлари – Сирдарё ҳавзаларида эса араблар янги максанлар танлашга унчалик рағбат кўрсатмайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, минтақанинг жануби-ғарбий қисмлари нисбатан иссиқ иқлимли бўлиб, табиий-географик жиҳатдан бирмунча дашт ва чўллардан иборат эди. Бу эса, асосан, иссиқ ўлкаларда яшаган арабларнинг мижозига мос тушарди. Шимоли-шарқий ҳудудлар, айниқса, Фаргона водийси, асосан, тоғ ва тоғолди ҳудудлардан иборат бўлиб, бу ерларнинг иқлими нисбатан совуқлиги араблар учун муайян ноқулайликлар туғдирган[106].

---

[105] *Ражабов Р.* Ўзбекистон араблари ва улар истиқомат қиладиган аҳоли максанлари хусусида // Илмий-таҳлилий Ахборот – Т., 2012 – № 2. – Б. 4.

[106] *Ражабов Р.* Ўрта Осиёда кечган этномаданий жараёнларда араблар иштироки // Ўзбекистон ҳудудида кечган этномаданий муносабатлар ва унинг давлатчиликнинг шаклланишидаги ўрни. Республика илмий анжумани материаллари. – Т.: 2012 – Б. 146 – 147.

Арабларнинг илк бор Фаргона водийсида пайдо бўлиши улар томонидан Ўрта Осиё истило этилиши даврига тўғри келади[107]. Минг йиллардан бери араблар турмуш тарзи ва анъаналари хаттоки этник ўзлик англашда маълум бир ҳусусиятилар йўқолиб ўзбеклаш жараёни жадаллашганлигини кузатилади.

IX асрнинғ биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва кейинчалик Хуросонда ҳокимият бошқаруви араблардан сомонийлар қўлига ўтади. Шу муносабат билан кўчириб келтирилган арабларнинг бир қисми ўз она юртларига қайтиб кетганлар. Бир қисми узоқ йиллар яшаб, ўзлари ўрганиб қолган маҳаллий аҳолининг меҳр-муҳаббатига, урф-одатларига муштараклашиб кетганликлари учун бу юртни ўзларининг абадий ватанлари деб билганлар. Лекин генетик асосларида бадавийлик саҳройилик хислатлари кўплиги туфайлими ёки айрим имтиёзлардан маҳрум этилаётганликлари учунми, араблар шаҳарлардан қишлоқларга кўчиб ўта бошлаганлар. Ана шундай сабабларга кўра, қишлоқларга келиб ўрнашганларни маҳаллий аҳоли «балади», яъни «шаҳарликлар» деб атаганлар. Қашқадарё вилоятида ҳам, Бухоро вилоятида ҳам Пўлати номи билан аталадиган қишлоқлар бор.

Шундай қилиб, араблар ўтроқ бўлиб, маҳаллий аҳоли билан бирга яшаётганликлари боис, ўз она тилларини унутганлар. Лекин саҳрода алоҳида яшаб қолган араблар она тилларини сақлаганлар. Жумладан, Пўлати ва унинг таркибидан ташкил топган Раҳимсўфи, Хўжақудуқ, Андабозор, Бойтерак, Дарча, Қанотли, Бўрихона, Пистали, Номард, Олачабоп, Оғзикенг сингари ўнлаб қишлоқларнинг аҳолиси она тилларини истеъмолдан чиқариб юборган. Пўлати қишлоғи номи арабча «балади» – «шаҳарлик» деган сўздан келиб чиққан. Шу боисдан қишлоқ тарихи Мовароуннаҳрни исломлаштириш вақтига, яъни VII–VIII асрларга бориб тақалади. Бу ривоят эмас, айни ҳақиқатдир.

[107] Қаранг: *Наливкин В. П.* Краткая история Кокандского ханства – Казань: Б.и., 1886. – С. 3, 10.; *Андреев М.С.* Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область в 1921. // И. ТО РГО. Т. XVII. – С. 127. *Абдуллаев У.* Фарғона водийсида этносллараро жараёнлар. (XIX-XX аср бошлари) – Т.: Yangi nashr. 2005. – Б. 33.

Қадимда Қашқадарё воҳасида арабларнинг жойлашуви, уларнинг қабилавий мансублиги ҳақида деярли маълумотлар сақланмаган. Юқорида тахмин қилганимиз каби бу маънода биргина балади–пўлати ҳақида, шунда ҳам бу жойдан чиққан олимлар туфайли, айрим хабарлар сақланган, холос. Бу Қашқадарё воҳасида алоҳида араб манзиллари, улар гуруҳ бўлиб яшайдиган ўзга қишлоқлар бўлмаган, деган гап эмас, албатта[108].

Қадимда Қашқадарё воҳасида арабларнинг жойлашуви, уларнинг уруғ-қабилавий мансублиги ҳақида деярли маълумотлар сақланмаган. Бироқ, арабларнинг катта қисмида бугунги кунда ўзбеклашиш жараёни кенг тарқалган. Бухоро вилояти ҳудудида ҳам арабларнинг бир қисми, хусусан, Жондор туманига қарашли бўлган Пўлати қишлогида жойлашган. Уларнинг таъкидлашича, арабларнинг катта қисми Косон туманига қарашли Пўлатидан кўчиб келиб шу ерда яшаб қолишган.

Ҳақиқатан ҳам, дала тадқиқотларимиз жараёнида биз араблар Пўлати қишлоғидан Ўзбекистоннинг жуда ҳам кўп ҳудудларига бориб жойлашганлигига амин бўлдик.

Амир Темур ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврида кўплаб араблар Арабистондан, Эрондан, Афғонистондан Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистон ҳудудига кўчириб олиб келинган[109]. Хусусан, бу даврда Кеш билан Насаф оралиғида, Насафдан 35 км, Кешдан 30 км узоқликда Новқад-Қурайш қишлоғида араблар яшашган. Мазкур қишлоқнинг қадимий ўрни ҳозирги Қамаши туманидаги Қорабоғ қишлоғига тўғри келиб, бу ҳудуддаги Олтинтепа Новқад-Қурайшнинг ўрни ҳисобланади[110].

Амир Темур ва унинг ворислари даврида Ўрта Осиё минтақасининг сезиларли қисми араб қавмига мансуб кишилардан ташкил топган эди. Соҳибқирон даврида кўчириб келтирилган араблар ҳақида ривоятлар ва турли-туман ҳикояларнинг сақланиб қолганлиги бунинг яққол исботидир[111].

[108] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 12–13.

[109] *Аҳмедов Ҳ.* Арабхона қишлоқ тарихи. – Навоий.: Мунис Умиди нашриёти, 2005. – Б. 4.

[110] *Бартольд В. В.* Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. – М.: Вост. Лит. 1968. – С. 180–190.

[111] *Ражабов Р.* Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар... – Б. 37.

Ахборотчилар маълумотига кўра, Соҳибқирон Араб дунёсига юришларидан қайтишида кўплаб арабларни кўчириб келтирган. Бу арабларнинг бир қисмини Касбидаги дин пешвоси Саййид Ҳазрат Султон Амир Шамсуддин Мирҳайдар Соҳибқирондан сўраб олиб қолиб, ҳозирги Косон тумани ҳудудларига жойлаштирган. Арабларнинг мазкур қисми Саййид «мирҳайдари» деб аталиб, Султон Мирҳайдарни ўзларига пир деб билишган ва XX асрнинг 20-йилларигача солиқ ҳам тўлашган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида очарчилик бўлган йилларда арабларнинг катта қисми ўзи яшаб турган ҳудудни ташлаб, бошқа ҳудудларга бориб жойлашган. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Работак қишлоғида арабларнинг йирик гуруҳи истиқомат қилиб келишган. Араблар таркибига кирувчи Шамол қишлоғида араблар бешкал, қорасоний, замбиртўда ва шамшилла уруғларига бўлинган. Работакнинг Бой ва Сори қишлоғини ташкил этувчи араб мавзесида галаботир, галадевона гуруҳларига ажралган. Ойваж қишлоғи араблари эса муллагули, қорабеги, шержон ва моҳиби каби уруғларга бўлинади[112]. Афғонистоннинг Ҳирот шаҳридан келиб маҳаллий аҳоли таркибига кирмасдан алоҳида яшаб келаётган хуросон уруғи авлоди ҳам бор[113]. Балх вилоятида савдо-сотиқ билан шуғулланган араблар Бомдод қишлоғига келиб жойлашган. Кейинчалик туя учун кенг ўтлов керак бўлганлиги сабабли улар Бойсундаги Работ чўлига ва Жарқўргон туманига қарашли Какайди қишлоғи ҳудудига бориб жойлашганлар. Юқорида номлари тилга олинган уруғлардан ташқари қаршилик, мисрлик каби номларни ҳам учратиш мумкин[114]. Қизириқ туманига қарашли Сурхон қишлоғида арабларнинг шом, истари, гиламбоз, ҳисори каби уруғлари яшайди[115]. Шовшилла, истара, гиламбоз уруғла-

[112] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

[113] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

[114] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Жўрқўрғон тумани, Какайди қишлоғи. – 2011 йил.

[115] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Сурхон. – 2011 йил.

ри бундан 350 йил аввал келиб жойлашган[116].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш ўринлики, араблар VII–VIII асрларда Ўрта Осиёнинг катта бир қисмини бўйсундирган. Маҳаллий аҳолига ислом динини сингдириш мақсадида кўплаб араб қавмлари минтақанинг жануби-ғарбий ҳудудларида жойлашиб ва ўтроқлашиб қолишлари учун шароит яратган. Хусусан, бир неча ўнлаб араб қабилалари Хуросондаги Марв ва Ҳирот атрофларида, Шимолий Афғонистондаги Балх вилоятида, Амударё-Сирдарё оралиғи (Мовароуннаҳр)да, Бухоро, Самарқанд, Нахшаб, Хоразм вилоятлари ҳудудларида ўрнашадилар. Араблар ва ўрта осиёлик маҳаллий халқлар орасидаги ижтимоий-сиёсий ва этник алоқалар минг йилдан ортиқ даврни қамраб олади. Яъни ушбу этномаданий алоқаларнинг бошланиши VII–VIII асрларда кенгроқ минтақаларга тарқалган.

Ўзбекистон ҳудудида аҳолининг полиэтник хусусияти минтақада алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу ерда ўзбеклардан ташқари тожиклар, қозоқлар, қисман араблар ва бошқа миллат вакиллари яшаб келишган. Улар ўртасида тарихан таркиб топган этномаданий алоқалар жамоавий анъаналарда ҳам ўз аксини топган. Тўпланган маълумотларни қиёсий, тарихий-этнографик нуқтаи назардан солиштириш натижасида юртимизда яшаб келаётган миллат вакилларининг бир-бири билан этник алоқадор бўлганлиги аниқланди.

## 2.2. Ўзбекистон араблари этник тарихининг асосий босқичлари

Этнология фани олдидага долзарб илмий муаммолар устида изчил тадқиқотлар олиб боришга XX асрнинг 90-йилларидан катта эътибор каратилди. Айниқса, этногези ва этник тарихни, турли халқлар тарихий шаклланиш даврининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бўлган қизиқиш ортди. Шундай халқлар-

[116] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

дан бири араблар бўлиб, уларнинг Ўрта Осиёга кириб келиш босқичларини ўрганиш ва таҳлил этиш бугунги кундаги асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ўрта асрларда Мадина шаҳри барча араб қабилаларининг сиёсий иттифоқи марказига, ислом дини эса уларнинг асосий гоявий мафкурасига айланган бўлиб, араб қабилалари ўртасидаги марказлашган давлатга асос солинган, Византия ва Сосонийлар, шунингдек, Эронга тобе кўплаб ўлкалар ҳам халифалик таркибига қўшиб олинган[117].

Юнон муаллифларининг асарларида араблар тўгрисида ўзига хос бир қараш илгари сурилган, яъни минтақа Арабистон деб аталган бўлса-да, ўзини араблар деб юритувчи аҳоли мазкур минтақанинг фақат шимолий вилоятларида яшаган. Кўпинча кўчманчи-бадавийлар, бадавий-саҳро кишилари араблар деб номланган. Масалан, исломгача бўлган даврларда яриморолнинг жанубий ҳудудида яшовчи яманликлар араб тилига қардош бўлган лаҳжада гаплашсалар ҳам, араб деган нисбат уларга хос бўлмаган. Ислом дини тараққий этиши билан араб тили ўзига яқин бошқа шеваларга ўрин қолдирмади[118].

Ўзбекистон арабларининг тарихини қадимий давр билан боғлаш ўринлидир. Зеро, Арабистон халқи VII асрда ислом вужудга келмасдан олдин бир минг йиллик тарихий йўлни босиб ўтдики, ислом шунинг маҳсули эди[119].

VII аср бошларига келиб, Арабистондаги кўчманчи қабилалар ҳаёти жуда чуқур ижтимоий-иқтисодий таназзулга юз тутди. Саҳровий ҳаётда сувнинг етишмаслиги бадавийларнинг ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтишига, деҳқончилик билан шуғулланишига йўл қўймасди. Бир вақтлар умум қабиланики бўлган сув ҳавзалари, қир-адирлар эндиликда аста-секин қабила зодагонлари қўлига ўтиб бораётган эди. Шу боис камбағал бадавийлар борган сари қашшоқлашиб, қабила бирлиги йўқола бораётган,

[117] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 38.

[118] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 6.

[119] *Ҳасанов А. А.* Қадимги Арабистон тарихи ва уни ўрганиш муаммолари // Тарих фанлари доктори. дисс... – Т., 1994. – Б. 5–6.

ижтимоий қарама-қаршиликлар кескинлашаётган эди. Бадавийларнинг шахсий эрки қабила аҳллари томонидан ҳимояланмай қолди. Қабилалараро муносабатлар ҳам сусая борди. Катта шаҳарлардан Макка аҳолиси савдогарчилик билан шуғулланиб, уларнинг карвонлари Яман, Сурия, Ироқ, Миср мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрнатган эди. Мазкур ишларга қурайш қабиласи оқсоқоллари бош бўлиб, кундан-кунга уларнинг бойликлари кўпайиб, ерлари кенгайиб, кул ва чорвалари ортиб борар эди. Қурайшларнинг иқтисодий қудрати Макка атрофига ҳам тарқалган, Маккадаги муқаддас Каъба атрофига шимоли-ғарбдаги араб қабилалари ҳам ўз санамларини ўрнатган эдилар. Шу боис Макка шаҳри нафақат иқтисодий, балки Арабистоннинг диний марказига ҳам айланган эди. Мана шундай шароитда янги ислом динининг пайдо бўлиши уруг ва қабилалараро синфий муносабатларнинг кескинлашувига чек қўйди. Аввало ислом динини араб бадавийлари, кейин шаҳарликлар қабул қилдилар. Сўнгра ислом дини арабларнинг юришлари оқибатида Осиё ва Африканинг Испаниядан Хитойгача бўлган уммон оралиғига кенг ёйилди.

Ўрта Осиёга арабларнинг кириб келишини уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи босқич даври VII аср ўрталари – VIII аср билан боғлиқ бўлиб, унда келиб, жойлашган араблар, асосан, ислом динини қарор топтириш ҳамда туб ерли халқларнинг бойликларини талаш мақсади билан келиб шу ерда қолиб кетганлар ва кейинчалик улар маҳаллий халқлар маданиятига сингиб кетган. Айниқса, араблар кўчиб келган вақтда бадавий кўчиб юрувчи халқ сифатида қаралган бўлса, кейинчалик уларнинг минтақа аҳолиси билан ассимилияция жараёниларини кузатиш мумкин.

Биринчи босқичда кўчиб келганларнинг бир қисми маҳаллий халқлар (ўзбек, тожик, туркман ва ҳоказо) таркибига сингиб кетди. Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган араблар ўзбек миллати вакили ҳисобланиб келишади. Иккинчи босқич арабларнинг миграцияси IX – XV асрларда юз берган. Бу даврда келиб жойлашган арабларнинг катта қисми ислом маданиятининг кенг тарқалиши ва ислом диний маросимларига катта эътибор

берди. Айниқса, Амир Темур араб давлатларига юриш қилиб, аҳолисининг катта қисмини олиб келиб, маҳаллий халқлар истиқомат қилиб келаётган ҳудудларга жойлаштирди. Соҳибқирон даврида кўчириб келинган араблар, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Шу даврда келиб жойлашган араблар бир неча мингни ташкил этган бўлиш мумкин. Улар кўпчилик бўлиб, маълум муддат маҳаллий халқлар маданиятига сингиб кетмаган.

Араблар Ўрта Осиёга кўчиб келишининг учинчи босқич даври XVI–XIX асрларда кузатилади. Шу даврда кўчиб келиб ўрнашган арабларнинг жуда кўпчилик қисми ҳунармандлар, косиблардан ташкил топган. Умуман олганда, арабларнинг этник тарихи уч босқичдан иборат.

Арабларнинг Ўрта Осиёга миграциясининг янги босқичи Бобокалонимиз Амир Темур даврига тўғри келиб[120] улар, асосан, Арабистон ярим ороли ва унга туташ ҳудудлардан, хусусан, Сурия ва Ироқдан кўчиб келган бўлса керак[121]. Юқоридаги фикрлар тўғри эканлиги олиб борилган дала тадқиқотларимизда ҳам кузатилди.

Араблар бу даврда хўжалик ва маданий ҳаётда атрофдаги бошқа халқлар маданиятига нисбатан жуда ҳам ночор аҳволда эди. Бир қатор олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотлардан маълумки, Арабистонда VII асрда вужудга келган ижтимоий ва сиёсий вазият катта-кичик воҳалар, майда ҳукуматларга бўлинмаган мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлашишига олиб келган. Бу бирлашишнинг мафкураси сифатида ислом динидан фойдаланилган. Кейинчалик араблар ўзлари босиб олган ҳудудларда ислом динининг маросимларини кенг тарқатишган. Ўрта Осиёга араблар босқини даврида жуда кўплаб этнослар истиқотмат қилиб келишган бўлса, уларнинг ижтимоий яқинлашуви, яшаш, турмуш тарзи, трансформацион ўзгаришлар жараёнида маълум даражада маҳаллий халқлар таъсирини кўриш мумкин.

---

[120] *Мадаминжанова З.* Арабы Южного Таджикистана (Историко-этнографические очерки). – Душанбе, 1995. – С. 27–31.

[121] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 98.

Араблар кириб келгандан сўнг маҳаллий аҳоли билан иқтисодий, маданий жиҳатдан алоқалари натижасида уларнинг ҳаётида трансформациялашув жараёни юз берди. Араблар турмуш тарзига кўра кўчманчи ёки ўтроқ, ярим ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Аммо доимий бир жиҳати билан фарқланади. Арабларнинг баъзилари қишлоқ жойларида кўчиб юришган. Улар маълум чегараларда, фақат мавжуд яйловларга, муайян мавсумларда кўчиб юриб, ўз чорва молларини боқишган. Кейинчалик, яъни XX аср бошларидан улар этномаданиятида ҳам ўзгаришлар кузатилади. Уларнинг баъзилари шаҳар ва шаҳарлар атрофига келиб ўрнаша бошлаган.

Ўтган асрлар мобайнида Ўрта Осиёга араблар бир неча маротаба келиб жойлашганлиги тўғрисида тарихий манбалардаги маълумотлар ҳақида кейинги айрим бўлимларимизда тўлиқ тўхталиб ўтамиз. Арабларнинг келиб жойлашиши маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, урф-одати ва диний маросимларида акс этган. Ҳудудий нуқтаи назардан бундай омиллар индивидуал ва гуруҳий кўчиш ҳисобланади ва бу ҳолат гуруҳ орасида демографик ўсишга олиб келади. Миграция ва янги ҳудудларни эгаллаш аҳоли гуруҳининг кўчишига ва уларнинг ўзаро муносабатларининг ўзгаришига муқаррар таъсир этади. Айнан шу муаммони ўрганиш мақсадида арабларнинг қайси ҳудудлардан кўчиб келганлигини аниқлаш учун Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғи ҳамда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи араблардан этносоциологик сўров ўтказилди. Сўровнома таҳлилилари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

Арабларнинг Амударёни кечиб ўтиб, мамлакатимиз ҳудудида рўй берган этномаданий жараёнларда иштирок этиши ва янги аҳоли масканларини барпо этишларининг охирги босқичи сўнгги ўрта асрлар ўзбек хонликлари ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бухоро амирлигида араблар масаласи бўйича шуғулланадиган махсус девоннинг таъсис қилиниши арабларнинг минтақага кўчиб келиши жараёни сўнгги босқичда анча кенг кўламда амалга ошганидан далолат беради. Бу даврда араблар

Хуросон ва Шимолий Афгонистондан уюшган (компакт) ҳолда амирликнинг ички вилоятларига кўчирилган. Бу воқеалар айнан анча яқин ўтмишда рўй берганлиги сабабли бўлса керак, араблар ўз этник мансубликларини нисбатан яхши сақлаб қолганлар[122].




*Сизларнинг аждодларингиз қайси ҳудудлардан кўчиб келишган?*

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида хонликда араблар жуда озчиликни ташкил этган. Улар хонлик жанубида кўчманчиларга хос ҳаёт кечирганлар[123]. XIX аср ўрталарига қадар араблардан бир қисми ўз тилини сақлаб қолган. Хиваликлар уларни жуда қадимий аҳоли деб билади. Нақл қилишларича, қайсидир Хоразмшоҳ ўз ҳузурига ислом динини яхши биладиган ва уни ўргатадиган билимдонларни топиб келишни буюради. Худди шу араблар ҳозирги Хоразмдаги араб аҳолисининг аждодлари ҳисобланади. Улар вақтлар ўтиши билан маҳаллий халқ таркибига сингиб кетган.

Юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғи сифатида қуйидаги статистик маълумотларни келтирамиз: Самарқанд таркибидаги Каттақўрғон уездида 39490 ўзбек, 7940 араб, 5010 туркман, 3755 тожик, 535 эроний, 350 қирғиз, 300 Ўрта Осиё яҳудийлари ва бошқа турли миллат ҳамда элат вакиллари истиқомат қил-

---

[122] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 160–161.

[123] *Данилевский Г. И.* Описание Хивинского ханства. 1843–1851 г. – С. 58.

ган[124]. Жумладан, араблар ҳам маҳаллий халқлар билан бир ҳудудда истиқомат килишган. 1924 йилда Ўрта Осиёнинг миллий давлат чегараланиши муносабати билан ўтказилган текшириш маълумотларига кўра, Бухоро воҳасида ўзбек 284753 нафар, тожик 39044 нафар, туркман 12777 нафар, араб 31511 нафар, бошқа миллат вакиллари 12416 нафар, жами эса 393348 киши яшаганлиги, умуман, аҳолининг 72,5 фоизи ўзбеклар, 9,9 фоизи тожиклар, 3,2 фоизи туркманлар, 8 фоизи араблардан иборат эканлиги кўрсатилган. 1924 йил арабларнинг сони 1248 та бўлиб, аҳолининг 0,4 фоизини ташкил қилади[125]. Шуни эътиборга олишимиз лозимки, Косон, Чирокчи, Шаҳрисабз, Ғузорда яшаб келаётган араблар ўзбек халқининг таркибига сингиб кетган. 1926 йилги маълумотларга кўра Хоразм воҳасида арабларнинг сони 1248 кишини ташкил этган. Икки йил ичида араблар сонида ўсиш ёки камайиш ҳоллари ҳам учраган бўлса керак.

Жанубий Сурхон воҳасида араблар Шеробод беклигининг Работак қишлогида яшаган. Бу қишлоқ Шамол, Бой, Сари (1926 йилда 228 хўжалик бўлган) каби 3 қисмга бўлинган. Ўтмишда Работак «уч юз уйли араб» деб аталган[126]. Қашкадарё вилоятида 1187 манзилда 341491 фуқаро яшаган. Умуман олганда, вилоят ҳудудидаги кишлоқларнинг 29 тасида араблар яшаган[127]. Шуни эътиборга олишимиз лозимки, XX асрнинг 50–60-йилларда Ўрта Осиё арабларининг умумий сони 6,4 минг нафар бўлиб, шундан Ўзбекистонда 5,4 минг нафар бўлган»[128]. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиб келаётган арабларнинг сони 1926 йилда 27977 нафар, 1979 йилда 2039 нафар, 1989 йилда 2805 нафар деб таъкидланади[129].

[124] Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887–1888. Самарканд. 1890. – С. 161–203.

[125] Материалы по районированию Средней Азии // Территория и население Бухары и Хорезма. – Т.: 1926. - Ч. 1. – С. 289.

[126] *Турсунов Н. П.* Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири XX аср бошлари): // Тарих фанлари номзоди. дисс... автореф. – Т., 2006. – Б. 63.

[127] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 33.

[128] Қаранг: Ўзбек совет энциклопедияси. 1-жилд. – Т.: Фан, 1971. – Б. 425–426.

[129] Этнический атлас Узбекистана. – Т.: Узбекистана, 2002. – Б. 27.

Араблар дастлаб кўпчиликни ташкил этған бўлса-да, кейинги даврлардаги ижтимоий-сиёсий вазият натижасида уларнинг сони ҳам камайиб кетган. Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратиш лозим. Улар маҳаллий халқ таркибига сингиб кетган ёки ўз она юртига кўчиб кетган бўлиши мумкин. Аммо тадқиқотларимиз даврида бирор-бир арабнинг бугунги кунда ўз она юртига кўчиб кетганини эшитмадик.Фикримизча, араблар маҳаллий туб ерли халқ таркибига сингиб кетган. 1926 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, улар Фарғона водийсида жами 2130 нафар кишини ташкил этган[130]. Водий ҳудудида жойлашган арабларнинг ҳар бир гуруҳи алоҳида кичик-кичик қишлоқларда яшаган.

1926 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларида улар «маҳаллий элатлар» деб номланган. Ўша вақтда маҳаллий элатларга араблар, яҳудийлар, эронийлар, қозоқлар, ўзбеклар, қорақалпоқлар, қошғарлар, қипчоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, уйғурлар, яғноблар ва бошқалар кирган. Ушбу халқлар ўз навбатида қабила ва уруғларга бўлинган[131]. Юқоридан номигагина «байналмилаллаштириш» гояси остида этносларнинг бир-бирига яқинлашиш жараёни сунъий равишда жадаллаштирилди. Бу халқларнинг моддий ва маънавий маданиятидаги этник жиҳатдан ўзига хосликнинг янада йўқолишига асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Аслида ҳар қандай халқнинг теран миллий қадриятларини, этносларнинг ўзига хос хусусияти ва анъаналарини сақлаб қолиш йўлидаги табиий интилиши ижтимоий, маънавий ва тарихий тараққиётнинг субъекти бўлмиш миллатни сақлаб қолишга қаратилган объектив асосли эҳтиёждир.

Хоразмда истиқомат қилиб келаётган араблар ўзларини ўзбек ҳисоблайди. Питнакда ҳақиқатан келиб чиқиши араб бўлган, бироқ ўзбеклашиб кетган аҳоли яшайди. Араблар XIX асрнинг

---

[130] Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения в Туркестанской республике. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г. Вып. IV. 1924. Ч. I. – С 32–33.

[131] *Муллажанов И. Р.* Население Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1989. – С. 43.

иккинчи ярмига кадар бошкарув ишларида муайян роль ўйнаганлар. М. Й. Йўлдошев тузган Хива хонлигидаги мансаблар рўйхатида «накиб» (арабларга тааллукли, қабила улуғи маъносида) мансаби кўрсатилган. Хива хонлари архиви 19-дафтарининг 13 варағида: «Саодатли ҳоқоннинг ўнг томонидаги энг мўътабар жой табаррук уруғ, Али уруғи намоёндаларининг ўрнидир»[132], деб кўрсатилган.

Ўрта Осиё ҳудудида арабларнинг тарқалиши қарийб 1400 йиллик даврни ўз ичига олган жараён бўлиб, минтақадаги сиёсий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ кечган. Гарчи дастлабки босқич, яъни арабларнинг илк кириб келиши билан боғлиқ тафсилотлар ўз даври манбаларида ҳаминқадар акс этган бўлса-да[133], бир неча ўнлаб асрлар ўтиши натижасида араблар ўтроқ маҳаллий аҳолининг таркибига сингиб кетган. Ўзбекистондаги арабларнинг аксарияти Жугари, Чаҳдари, Арабхона, Жейнов каби қишлоқларда унчалик трансформацияга учрашмаган.

Қуйи Қашқадарёнинг Жейнов қишлоғида яшовчи араблар ҳақида элшунос олима Б. Х. Кармишева диққатга сазовор маълумотлар тўплаган. Олима 1957 йилда Қашқадарёнинг қуйи қисмида жойлашган араб қишлоғи Жейновда бўлганида, унга арабларнинг Ҳисорда қариндош-уруғлари борлигини айтишган. Қурғоқчилик бўлган йиллари жейновлик чорвадорлар Ҳисорга[134] қариндошлари ҳузурига отарларини ҳайдаб кетишган. Йиллар ўтиши натижасида арабларнинг турмуш тарзи, анъанавий урф-одат ва маданиятида ўзига хос ўзгаришни кузатиш мумкин. Айниқса XX аср бошларидан уларнинг катта қисми туб маҳаллий халқлар таркибига сингиши ҳамда ўтроқлашиш жараёни тезлашган.

Дала тадқиқотларимиз, Пўлати арабларининг Ўрта Осиёдаги этник тарихи тўғрисида маҳаллий манба ва қадимий манбалар

[132] *Йўлдошев М. И.* Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Т.: Ўздавнашр, 1959. – Б. 288.

[133] *Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий.* Бухоро тарихи // Форс тилидан А. Расулев таржимаси. «Мерос» туркуми. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 115–125.

[134] *Кармышева Б. Х.* Основные виды переносного жилища узбеков и кочевые жилища народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 2000. – С. 252.

таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, арабларни XII асрда келиб жойлашган деб ҳисобловчи олимлар ҳам бор. Бу каби фикрга келишнинг асосий сабабларидан бирини «Китоб ал-ансоб» (Насаблар китоби) китобидаги «баладий» сўзи билан алоқадор ҳисоблаб, айнан Баладий деган кишининг Қашқадарё воҳаси ҳудудига келиб жойлашган даври билан боғлашга уринишган[135]. Юқоридаги таъкидлардан кўриниб турибдики, Пўлати қишлоғи кишиларининг аждодлари бундан XII–XIII аср муқаддам ҳозирги яшаб турган жойни макон этган. Айтиш мумкинки, Пўлати араблари Қашқадарё воҳасидаги, Косон тумани ҳудудидаги араб қавмига мансуб кишилар гуруҳи ҳисобланади. Косон ҳудудида истиқомат қилиб келаётган араблар кейинчалик Пўлати ҳудудига бориб жойлашган. Шунингдек, Чироқчи туманидаги «Чорвадор» қишлоғида, истиқомат қилиб келаётган араблар ҳам Пўлатидан кўчиб боришган. Улар қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик анъаналарини узлуксиз давом эттириб келишган. Уларнинг урф-одатлари, расм-русумлари деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Биз зикр этган қишлоқларнинг аҳолиси ўзларининг туб илдизларини Пўлати қишлоғи билан боғлашади. Ўзбекистон арабларининг муҳим жиҳатларидан бири бу ўз-ўзини англашда хўжалик турмуш тарзи ва маданиятида ўзига хосликни барқарор сақлашидир.

Респондентлармиздан «*Арабларнинг этномаданий ўзига хослик борасида маълумотларга эга бўлишини хоҳлайсизми*?» деб сўраганимизда, сўров иштирокчиларининг 37 фоизи «билмайман», 36 фоизи «билишни хоҳлайман, лекин маълумотлар кам», 23 фоизи «бу борада маълумотлар мен учун унчалик муҳим эмас», 4 фоизи арабларнинг миллий маданиятида тиклаш ғоясини эмас, аксинча, араб ва ўзбек халқининг ўзига хос бўлган этномиллий маданиятини тиклаш бугунги кунимиздаги асосий муаммолардан бири эканлигини таъкидлашди. Улар этномаданиятини қисман бўлса-да, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга қолдириш лозим деб ҳисоблашади.

[135] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Пўлати қишлоғи. – 2011 йил.

Ўзбекистон арабларининг иқтисодий-ижтимоий ҳамда маданий ҳаётидаги ўзгаришлар катта аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистоннинг жануби-гарбий қисмида жойлашган араблардан бироз фарқ қиладиган ҳудуд бу Фарғона водийси ҳисобланади. Фаргона водийсида истиқомат қилиб келаётган араблар турмуш тарзи ва этномаданий ҳаётида трансформацион жараёнлар, кейинги йиллардаги ўзгаришлар уларнинг этномаданий идентиклигининг аста-секин сусайишига олиб келди.

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида содир бўлган тарихий жараёнлар, маданий ўзгаришлар араб халқининг анъанавий моддий ва маънавий маданияти ривожига ҳам ўз таъсирни ўтказган. 1970 йил аҳолини рўйхатга олиш ҳисобига кўра, Ўрта Осиёда араблар тахминан 4 минг нафарни ташкил этади. Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудудида Ўрта Осиё арабларининг катта қисми жойлашган. Қашқадарёда 1207 нафар, Бухорода 914 нафар, Сурхондарёда 775 нафар араблар яшаб келишган. XX асрда Арабхона, Кичик Араб, Катта Араб, Араб-алчин каби араблар яшайдиган мавзелар Фарғона вилоятида, Самарқанд вилоятида эса арабларнинг 10 дан ортиқ қишлоқлари мавжуд эди. Юқорида номлари тилга олинган Арабхона, Миш-Араб каби номлар минг йилдан бери сақланиб қолганини кўришимиз мумкин. X асрда бу қабилалар Шибирғон ва Балхда жуда кенг тарқалган. Улар чўл ҳудудларида юриб, Амударё ва Марвнинг ўртасидаги майдонларда ва Қарши чўлига келиб жойлашганлар, кейинчалик Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам бориб жойлашган.

Ҳозирги араблар деярли бутунлай ўзбеклар билан бирлашиб кетишган. Таҳлил этиш асносида қўйидагича фикр юзага келди. Фарғона араблари аллақачон бутунлай ўзбеклашиб бўлишган. Водий араблари туб ерли маҳаллий ўзбеклар таркибига, тожиклар эса бошқа миллатлар таркибига сингиб кетишган. Умуман олганда, улар ўша ерда истиқомат қилиб келаётган халқлар маданияти билан қоришиб кетганлар. Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий ҳудудида истиқомат қилиб келаётган арабларда, аксинча, этномаданий ўзликни англаш ҳисси бирмунча сақланиб қолган.

## 2.3. Араб этноси билан боғлиқ этнотопонимлар

Ҳар бир халқнинг қадимий ўтмиши билан боғлиқ жараёнлар этногенези ва этник тарихи, моддий ва маънавий маданияти, турли-туман уруғ ва қабиласи, элат ва халқи, турмуш тарзи, шунингдек, урф-одатларини ўрганиш бугунги кундаги ўта долзарб масалалардан биридир. Ана шундай муаммолардан бири арабларга оид бўлиб, уларнинг номи билан боғлиқ жой номларини республикамиз ҳудудида кўплаб учратиш мумкин.

Этнотопонимларга оид манба ва адабиётлардан маълумки, ўтмишда турмуш тарзи ўтроқ ёки кўчманчи маданият билан боғлиқ бўлган халқларнинг жой номларида ўзига хос маълум фарқни кўриш мумкин. Е. М. Поспеловнинг таъкидлашича, этнотопонимлар шаклланиши турли этник бирликлардан иборат бўлган аҳолининг мамлакат, вилоят, шаҳар, табиий объектларга ўз этник номларини бериши билан боғлиқдир. В. А. Никонов эса этнотопонимлар бирон миллат ёки халқ яхлит яшайдиган ҳудуднинг ички қисмида эмас, балки бу минтақанинг чекка қисмида, яъни икки халқ аралаш яшайдиган чегарадош зонадагина бўлади, деб ҳисоблаган[136]. Қолаверса, мавжуд адабиётлар ва этнографик маълумотлар турмуш тарзи ўтроқ деҳқончилик маданияти билан боғлиқ бўлган аҳоли кўпроқ ўзи яшаётган ҳудудни, қишлоқ, маҳаллани табиий-географик хусусиятига қараб номласа, ўтмишда хўжалик ҳаёти чорвачиликка асосланган халқлар яшаш манзилига кўпроқ ўзларининг қабила ва уруг номларини беришидан далолат беради. Умуман олганда, турли омиллар натижасида юз берган демографик жараёнлар айрим ҳолларда минтақа аҳолиси таркиби бойишига ва турли этник гуруҳларнинг ўзаро аралашуви гоҳида баъзи уруғ-қабилаларни бошқа минтақаларда яшовчи аҳоли билан ўзаро сингишиб кетишига ҳам сабаб бўлган. Бу ҳолат этноинтеграцион жараёнларни

---

[136] *Қаюмов А. Р.* Этнотопонимлар – ўзбек халқининг этник таркиби хусусиятларини ўрганишда манба сифатида // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик V республика илмий конференцияси материаллари. – Т.: Фан, 2010. – Б. 102–103.

юзага келтириб, халқлар этномаданий ҳамда этнохўжалик турмуш тарзида ўзаро таъсирни келтириб чиқарган. Айниқса, ярим кўчманчи чорвадор аҳолининг ўтроқлашуви янада тезлашиб, уларнинг яшаш, турмуш тарзи ва машғулотида бир қатор ўзгаришлар юз берган[137].

«Араб» этнонимининг пайдо бўлиши ҳақида олимлар томонидан фикр-мулоҳазалар турлича бўлиб, мазкур халқнинг этник тарихи қадим даврларга бориб тақалади. Араблар Ўрта Осиёда ўзига хос локал аҳамиятга эга эканлиги билан бошқа халқлардан фарқланади. Арабларнинг катта қисми чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Арабларнинг этник асоси бир неча кичик уруғ ва қабилалардан ташкил топган. Жумладан, шайбоний ва искандарий, балх, ҳисори кабилар.

Ўзбекистон арабларининг умумтопонимик қатлами маҳаллий халқ тарихи учун ниҳоятда қимматли бўлган маълумотларни ўзида сақлаб, бир неча асрлардан бери ўзи билан бирга олиб келган. Араб халқининг шу ҳудудда жойлашиши, шаклланиши ва ташкил топиши, унинг миллий ва этник гуруҳ сифатида миллатнинг ташкил топишида маълум бир ҳудудий ёки турли этник гуруҳлар бирлашмасидан тузилган тарихий-этнографик компонент сифатида иштирок этиши нуқтаи назаридан қаралса, этнотопонимик қатламнинг ўрганилиши ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлиги аниқ бўлади.

Таниқли арабшунос олим С. Л. Волиннинг ёзишича, Ўрта Осиёда араб қишлоқларининг қанчалик кенг ёйилганлигини англаш учун минтақага оид харитага назар ташлашнинг ўзи етарли бўлади. Чунки Ўрта Осиёнинг турли географик минтақаларида «Араб» ёки «Арабхона» номли қишлоқларни учратмаслик амри маҳолдир[138]. Айниқса, XX аср бошларидаги баъзи тадқиқотларда Ўзбекистон ҳудудида араблар номи билан боғлиқ жуда кўплаб қишлоқлар вужудга келганлиги кўрсатилади. 1900 йилда

[137] *Султонова Г. Н.* Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги демографик жараёнларга таъсир этган омиллар тўғрисида айрим маълумотлар // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. – Т.: Фан, 2010. – Б. 37.

[138] *Волин С. Л.* К истории среднеазиатских арабов // Труды второй сессии ассосациации арабистов. – М.: – Л., Изд-ва АН СССР 1941. – С. 114.

Н. Ф. Ситняковский Зарафшон воҳасидаги аҳоли манзиллари номларини рўйхатга олиб чиққан. Унинг рўйхатида 2800 дан ортиқ қишлоқ номлари қайд этилган. Мазкур қишлоқларнинг 78 таси Араб номи билан боғлиқ бўлган қишлоқлардир. Масалан, Араб деб аталувчи қишлоқлар 12 та, Араблар 4 та, Арабон 14 та, Арабхона 40 тани ташкил этган. Шунингдек, Арабтепа, Қўлдошараб, Милкиараб, Чилонғу араб каби номлар ҳам шу рўйхатда келтирилган[139].

И. И. Зарубин ўз тадқиқотида Бухоро вилоятида Араб 7 та, Арабон 6 та, Араб қишлоқ 2 та, Араблар 2 та, Арабшо, Қум Арабхона, Арабхона убат, Арабхона сафкарда, Арабхона боло, Арабхона Амиробод, Арабхона уба, Арабхона вурама, Янги Арабхона каби қишлоқ номлари бўлганини таъкидлаган[140].

Арабхона номи билан Қарши шаҳрининг шимолидаги маҳалла, эски шаҳар атрофидаги гузар бўлса, Арабхона деган қишлоқлар вилоятда бир неча. Арабхона номи араб ва хона сўзларидан тузилган. Маъноси араблар яшаган (яшаётган) овул (қишлоқ, гузар) дир. Жой номлари таркибида хона сўзи овул, қишлоқ, гузар маъносини англатади[141]. Ўзбекистонда араблар зич ҳолда яшовчи аҳоли максанларидан бири Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғи ҳисобланади. Қишлоқ номи форсча жўй (ариқ, анҳор) ва нав (янги) сўзларидан таркиб топган[142]. Қадимда Жейнов ҳудуди Ҳаррук, Каттапо, Гавҳар, Чуқуркўл, Оқрабод, Боввора, Тожик, Беглар, Аввона деб номланган жами 9 та маҳалладан иборат бўлган[143]. Ҳозирда эса 4 та Янги Жейнов, Аввона, Каттапой, Андхўй каби номлар билан аталади. Юқорида зикр этилган жой номлари арабларнинг уруғ шахобчалари бўлган топононимдир. Бу борада маҳаллий аҳоли орасида икки хил таъриф мавжуд. Биринчиси, Аввона, Боввора, Ҳаррук

---

[139] *Қораев С.* Этнонимика. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – С. 12–13.

[140] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси...– Б. 192.

[141] *Нафасов Т., Турсунов Ш.* Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 22–23.

[142] *Қораев С.* Ўзбекистон вилоятлар топонимлари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 183.

[143] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 50.

уруғлари Амир Темур даври тарихи билан боғлаб талқин қилинади. Иккинчи тахминга кўра, Боввора уруги Жейнов кишлоғига Бухоронинг Қоракўл туманидан келиб жойлашиб, маҳаллий аҳолининг этник таркибига қўшилиб кетган. Ахборотчилар маълумотларига кўра, Андхўй уруғи Афғонистон ҳудуди орқали келиб жойлашган араб уруғи шахобчасидир.

Аввона «яхши одам», «тадбиркор одам», «ўзини катта одамдай тутадиган», Боввора «мустаҳкам фикрда турмайдиган инсонлар», «пишиқ одам», «пулдор одам», «одамларнинг кўзига яхши кўриниш учун уларнинг атрофида айланиб юрадиган», Харрук «ички иғво тарқатувчи» маъноларида маҳаллий халқнинг ўртасида бир неча асрдан бери сақланиб қолган нақлдир. Андхўйлар, маҳаллий аҳолининг айтишига қараганда, Афғонистоннинг шимолидан кўчиб келиб қолган ўзига пишиқ одамлар, бири-бирини жуда ҳам қўллаб-қувватлайди. Қишлокда кичик уруғлар авашукурулло, банихошим, бой, дуғма, қул, кўрихол, шайбоний каби уругларига бўлинади[144].

Косон туманидаги Арабхона қишлоғида еттита йирик араб уруғлари яшаб келишган. Ҳозирги даврда Арабхонада 500 хўжалик, 11 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб келмокда[145].

Бухоро вилоятида рўйхатга олинган этнонимлар 3000 дан ортиқ бўлиб, ана шу аҳоли манзилларининг 1/3 қисми этнотопонимлардир. Жумладан, Араб, Араба, Арабобод, Арабон, Арабқишлоқ, Араблар, Арабхона, Арабча сўзларидан ном олган қишлоқлар сони 72 тани ташкил қилади[146]. Номшунос олим Т. Нафасов Қашқадарё воҳасида жойлашган араб қишлоқларининг 21 тасини аниқлаган. Жумладан, Арабовул, Араббон, Араббон дарвоза, Арабсой, Арабтўда, Арабхона кабилар. Арабхона Қарши, Косон, Шаҳрисабз, Китоб туманларида жойлашган шаҳар, қишлоқ ва гузарлардан иборат. Араблар қишлоғи хона-жой, қўрғон, овуллардан ташкил топган. Булар-

144 Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Миришкор тумани. Жейнов кишлоғи. – 2011 йил.

145 Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри, Арабхона маҳалласи. – 2011 йил.

146 *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 32.

дан Арабовул (Нишон тумани) араб этник гуруҳига мансуб кишилар яшаган овул (гузар) деганидир[147].

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш вақтида Фарғона водийсининг фақат 2128 нафар аҳолиси ўзларини араб этник жамоасига мансуб эканликларини билдирганлар. Бу даврда улар асосан Андижон вилояти Избоскан туманига қарашли Қумариқ, Тўраобод, Яккатут, Наушкент; Фаргона вилояти Қува туманидаги Чужаараб; Олтиариқ туманидаги Эскиараб-тепа, Янгиарабтепа; Ёзёвон туманидаги Арабмозор; Фарғона туманидаги Араб қишлоқларида гуж яшаганлар[148].

Шунингдек, арабларнинг бир тармоғи балх араб деб юритилиши асосида[149] ҳам уларнинг Шимолий Афғонистондаги Балх вилоятида яшаб, кейинчалик Мовароуннаҳр ҳудудига кўчган араблар билан алоқадорлиги омили ётади[150].

Самъоний таъкидлайдики, ўша даврда Қашқадарё воҳасида 85 та араб қишлоғи бўлган. Арабларнинг ўтроқлашиб, қишлоқларда жойлашиш жараёни VII асрдан бошлаб давом этганлиги олис ўтмиш сарҳадларидан элас-элас маълум бўлган. Аммо X асрда мавжуд бўлган араб қишлоқларининг номлари, георафик жойлашуви бизга маълум эмас[151].

Ўзбекистон арабларининг этнотопоним билан боғлиқ бўлган навбатдаги масала уларнинг этник ва топонимик маънолари муносабати, этимологик таҳлилиқ билан боғлиқ ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятида араб этноними билан юзага келган Арабариқ, Арабиэкинзон, Арабгўристон, Арабўлди сой, Араб қишлоқ (2 та), Арабшоҳид номли қишлоқлар ва бошқа этнонимлар билан эса Кенагас қишлоғи, Миришкор қишлоғи, Сарой, Сайёд қишлоқлари, Хитой ва Хитойян қишлоқлари, Хитойма-

---

147 *Нафасов Т.* Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи. 1988. – Б. 14–15.

148 *Абдуллаев У., Валихонова Г.* Фарғона водийси аҳолиси этник таркибининг шаклланиши ва этномаданий муносабатлар тарихи. – Т.: Navro'z. 2016. – Б. 75.

149 *Кармышева Б. Х.* Очерки этнический истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). – М.: Наука, 1976. – С. 112.

150 *Ражабов Р.* Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар... – Б. 42.

151 *Рўзимурод Т., Райҳонов Э., Ҳамроев С.* Тақдир сўқмоқларида Пўлати қишлоғининг ўтмиши ва бугунига бир назар. – Қарши: Насаф, 2000. – Б. 15.

чит, Қанглининг идораси, Қатағоннинг гузари каби жой номлари этнотопонимлар жумласига киради[152]. Уларнинг баъзилари тўғридан-тўғри, бошқалари эса маълум бир ўзгаришларга учраган ҳолда Шаҳрисабз ҳудуди жой номлари тизимида кўриш мумкин.

Сўфигузар ва Арабонгузар микротопонимлари анча қадимий тарихга эга бўлган жой номларидир. Сўфи арабча сўз бўлиб, масжидда азон айтувчи киши, муаззин ва содда одам маъноларини ифодалайди[153]. Жанубий Сурхондарё воҳаси араблари бундан 200 йил бурун Шимолий Афғонистондан, аниқроғи, Балх тарафдан кўчиб келишган. Баъзи манбаларда уларнинг аждодлари, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб, кенг яйловлар қидириб Сурхондарё воҳаси орқали ўтиб, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Зарафшон томонларга бориб қолган дейилса, бошқа бир маълумотларда 1513 йилда Султон Жонибек арабларни Амударё соҳиллари, Балх, Шибиргондан Қашқадарё ва Зарафшон ҳудудларига кўчирган, деган фикрлар учрайди.

Россия империяси ва совет ҳукумати даврида тоталитар бошқарув ва зўравонликка асосланган тузум туфайли Ўзбекистон араблари муҳожирликка маҳкум этилди. Уларни ўлканинг турли ҳудудларига бориб жойлашишга мажбур этилганлигини айрим ахборотчиларимиз эътироф этишди. Жумладан, Сурхондарё вилояти Денов туманига қарашли Юрчи қишлоғида яшовчи араблар 1917 йиллардан кейин Қашқадарё вилоятининг Пўлати қишлоғига бориб жойлашиб, кейинчалик ўша ҳудудда истиқомат қилиб келаётганлигини эътироф этишади. Бу каби маълумотлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида яшаб келаётган араблар турмуш тарзи ва маданиятини ўрганишда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз даврида қаршилик, бухоролик, жейновлик, жугарилик каби номларни учратдик. Қашқадарё вилояти Косон туманига қарашли Пўлати қишлоғидан Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро каби бошқа ҳудудларга арабларнинг жуда катта қисми чорва боқиш учун ёки очарчилик сабабли кўчиб боришган. Ма-

[152] *Дониёров Х.* Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Т.: Фан, 1968. – Б. 80–81.
[153] *Баранов Х. К.* Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1969. – С. 383–645.

салан, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Шеробод ҳамда Денов тумани Юрчи қишлоғида арабларнинг «ғалтакчи» уруғи бориб жойлашган бўлса, Пўлатининг Писталисидан Самарқанднинг Нарпай туманига қарашли Дуоба, Ўзбеккент, Чархин, Арабхона кишлоқларига ҳам араб уруғлари кўчиб бориб, яшаб келишмоқда[154]. Каттақўрғонниинг шаркий қисмида жойлашган Пархўза қишлоғида ҳам араблар яшаб келишган. Аммо маҳаллий аҳоли уларни араб номи билан эмас, «қаршилик араб» номи билан атайди. Бу каби мисолларни кўп келтириш мумкин[155].

Юқорида номлари қайд этилган этнотопоним ва уруғларнинг пайдо бўлиши ҳамда туб жойли аҳоли, ўзбек ва тожик халқлари билан бир неча асрлардан бери этномаданий алоқалар натижасида баъзи араб номлари ўзбек ёки тожиклашиб кетган. Жумладан, қорахоний, турк, бешкал, қорасоний, галаботир, галатентак ва галадевона номларининг баъзилари «92 бовли ўзбек» уруғлари рўйхатидан ўрин олган бўлса, бир қисми эса мазкур рўйхатдан жой олган уруғларнинг бир тармоғи сифатида учрайди[156]. Этнотопонимлар халқ ҳаёти ва турмуш тарзи, урф-одати, анъанавий маросимларида ўз аксини топади. Араб номи билан боглиқ этнотопонимлар таҳлили натижасида шунга гувоҳ бўлдикки, араблар вақт ўтиши билан маҳаллий халқларнинг таркибига сингиб, ўзбеклашаб кетган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, минтақага арабларнинг кириб келишидан то ҳозирги кунгача бўлган тарихига назар ташлар эканмиз, араблар ўзбек ва тожик халқи тарихида сезиларли из қолдирганининг гувоҳи бўламиз.

Тарихий даврлар ўтиши билан ҳар бир халқнинг этник ўзлигини англаш ҳисси камайиб боради. Шундай халқлардан бири Ўзбекистон араблари деб атасак, муболаға бўлмаса керак, чунки улар ҳозирги кунда бухоролик, жейновлик, жугарилик, қаршилик каби номлар билан аталиб келинмоқда.

---

[154] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Юрчи қишлоғи. – 2011 йил. Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Дуобо кишлоғи. – 2012 йил.

[155] Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Чархин қишлоғи. – 2012 йил.

[156] *Ражабов Р.* Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар... – Б. 47.

# III БОБ. АРАБЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ ВА МОДДИЙ МАДАНИЯТИ

## 3.1. Арабларнинг хўжалик фаолиятида бошқа этник гуруҳлар билан яқинлашуви

Ўзбекистондаги арабларнинг хўжалик машғулоти, миллий маданияти, хўжалик анъаналари ва атрофдаги бошқа этник гуруҳлар билан муносабатларидаги, хўжаликдаги ўзгаришларни мажмуавий тарзда ўрганиш замонавий ўзбек этнологиясининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Қадимда арабларнинг катта қисми чорвачилик билан шуғулланиб, чўл ҳудудларида истиқомат қилиб келишган бўлса, кейинчалик ўтроқ деҳқончиликка ўта бошлаганлар. Айниқса, Бухоро амирлиги даврида уларнинг иқтисодий ҳаётида деҳқончилик қадимдан алоҳида муҳим ўрин эгаллаб келганлиги сабабли бўлса керак, XVII–XVIII асрлардан сўнг арабларнинг йирик қисми деҳқончилик билан шуғулланганлар. Кейинчалик эса жуда катта машаққат эвазига сунъий суғориш иншоотларини барпо этганлар.

XX аср ўрталаридан бошлаб араблар деҳқончилик ва чорвачилик хўжалик машғулотлари билан бир вақтнинг ўзида шуғулланганлар. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг оммавийлашишига кўплаб чўл ҳудудларининг ўзлаштирилиши ва бу ҳудудларда арабларнинг маҳаллий ўзбек ва тожик халқлари билан ўзаро аралашишига сабабчи бўлди.

XIX–XX асрларда Ўзбекистонда истиқомат қилган арабларнинг анъанавий машгулотларини уч хўжалик-маданий турга бўлиш мумкин: а) ўтроқ хўжаликлар; б) кўчманчи чорвадорлар; в) ярим кўчманчи (ярим ўтроқ) чорвадор-деҳқонларга. Чунончи, хўжалик фаолияти кўчманчи чорвачиликка ихтисослашган арабларнинг хўжаликдаги этник жамоа вакиллари жундан чакмон, гилам, полос, хуржун, халта каби кўплаб буюмлар тайёрла-

ганлар. Бунда эса эчки тивити, туя ва қўй жунлари мато тайёрлашдаги асосий хомашё ҳисобланган. Ярим кўчманчи чорвадор арабларнинг деҳқончилик минтақаларига миграцияси асосидаги уларнинг хўжалик-маданий хусусиятларига таъсири сезиларли даражада бўлган. Айни пайтда уларнинг деҳқончилик билан бирга олиб борадиган табиий-экстенсив чорвачилиги интенсив-товарчилик хусусиятига эга бўла бошлаган.

Тарихий тараққиёт ва этник жараёнларга турли хўжалик-маданий турларнинг фаол таъсири масалаларининг таҳлил этилиши тажрибалари аллақачон назарий ишланма тарзида илгари сурилган ҳамда ўз вақтида баъзи этнологик тадқиқотларда ушбу услубдан фойдаланишга ҳаракат қилинган. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб хўжалик-маданий турлар асосида этносларни таснифлаш масаласи ҳамда этник идентиклик ва этнодифференциация[157] масалаларини таҳлил этишда маданий-хўжалик омиллар муҳим аҳамиятга эгалиги эътироф этилади. Шунингдек, этнослараро жараёнларни таҳлил этишда турли хўжалик-маданий турларга эга бўлган этнослар ўртасидаги муносабатларни хўжалик анъаналари контекстида таҳлил этиш тажрибалари қўлланилди[158]. Дарҳақиқат, ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорвадор аҳолининг ўзликни англаши билан бир қаторда, ижтимоий бирлик, манзил-макон, мулкчилик шаклларига нисбатан қарашлари ҳам ўзаро фарқ қилган. Шунингдек, Марказий Осиёнинг турли минтақаларида яшовчи ўтроқ аҳоли ва кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи чорвадорлар ўртасида мунтазам равишда савдо-сотиқ, хўжалик ва этник-маданий алоқалар шаклланиб келган.

Араблар маҳаллий чорвадорларнинг ваколатларини ўз қўлларига ола бошладилар. Уларнинг деҳқончилик билан бирга қўшиб олиб борадиган натурал экстенсив чорвадорчилигининг хусусияти ҳам шаклланди.

---

[157] Дифференциация [лот. differentia – айирма, фарқ; фарқланиш] Бир бутун нарсанинг турли хил қисмларга, шаклларга, босқичларга ажралиши, бўлиниши, табақаланиши; бутуннинг қисмларини ўзаро фарқлаш, ажратиш, табақалаш.

[158] *Қаюмов А.* Хўжалик-маданий типлар ва этник дифференциация масалаларига доир (Сурхон–Шеробод водийси материаллари асосида) // Ўзбекистон тарихи, – Т., 2008. – № 3. – Б. 61–62.

Туркистон ўлкаси аҳолиси ўртасидаги этномаданий ўзликни англашнинг бошқа бир кўриниши ҳақида тадқиқотчи Жон Шоберлайн-Энгел шундай ёзади: «Миллий белгилар бўйича чегараланиш ўтказилгунига қадар минтақа аҳолиси ўз-ўзини англашининг энг муҳим мезони кўчманчи-чорвадорлар ва ўтроқ воҳа аҳолиси ўртасидаги фарқ ҳисобланган»[159]. Бу ўринда тадқиқотчи аҳоли идентиклигининг энг муҳим кўрсаткичи этниклик эмас, балки хўжалик-маданий хусусият бўлганлигини назарда тутган.

Хўжалик-маданий турлар тадқиқ этилаётган минтақа аҳолисининг турли хўжалик-маданий турларга мансублиги уларнинг турмуш тарзидаги фарқларнинг (ўтроқ, яримўтроқ), этник белгиларининг (*ўзбек, тожик, араб, турк* каби миллий этник қатламлар ҳамда *чиғатой, қарлуқ, қатағон, қўнғирот, юз* каби кичик этник қатламлар) ва этник дифференциациясининг узоқ вақт сақланиб қолишига имкон берган[160].

Шу даврни тадқиқ қилган этнограф Б. Х. Кармишева бир-бирини тўлдириб турувчи икки хил хўжалик тури этник жараёнларга икки ёқлама таъсир кўрсатганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, икки хил хўжалик турининг ўзаро муносабати, этник мулоқотларни юзага келтириб, яқинлашув (интеграция), бирикиш (консолидация) ва қоришиб кетиш (ассимиляция) жараёнларини тезлаштиради. Ўтроқ, ярим кўчманчи ва кўчманчи аҳоли хўжалигининг маълум бир йўналишга ихтисослашуви маиший турмуш ҳамда анъаналарнинг барқарорлигини таъминлайди[161]. Албатта, чорвадор аҳоли деҳқончилик билан шуғулланишга ўтар экан, аввало, ўтроқ деҳқон томонидан ишлатилиб келинаётган меҳнат қуролларидан фойдаланишни ўзлашти-

---

[159] *Шоберлайн–Энгел Д.* Перспективы становления национального самосознания узбеков // Восток. 1997. – № 3. – С. 55.

[160] *Қаюмов А.* Хўжалик-маданий типлар ва этник дифференциация масалаларига доир (Сурхон–Шеробод водийси материаллари асосида) // Ўзбекистон тарихи. 2008. – № 3. – Б. 71.

[161] *Кармышева Б. Х.* «Кочевая степь» Мавераннахра и ее население в конце XIX – начале XX. вв. (по этнографическим данным) // СЭ. – 1980. – № 1. – С. 47.

ришга киришади. Тўпланган маълумотларни тартибга солиб, уларнинг ҳакконийлигини аниқлаш максадида бир қатор илмий манбаларни таққослаш жараёни ўрганилди. Узоқ тарихий давр ва айниқса ҳозирги кунга келиб арабларнинг аксарияти деҳқончилик билан фаол тарзда шуғулланиб келаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, улар «*Сизларда аввал деҳқончиликда қайси куролдан фойдаланилган*?» деган саволга қуйидагича жавоб бердилар: омоч 42 фоиз, кетмон 23 фоиз, бел ҳам 16 фоиз, ўроқ 19 фоиз ёки бошқа қуроллар билан шуғулланган. XIX аср бошларидан улар ҳам бошқа халқлар сингари ўтроқ ҳаётга ўта бошлаганини эътироф этишади.

Арабларнинг катта қисми чўл, тоғ этаклари ва даштли ўлкаларда истиқомат қилишган. Чунки араблар ҳаётида чорвачилик фаолияти асосий омиллардан бири эди. Ўзбекистон арабларининг хўжалик ҳаётида чорвачилик қадимги даврлардан муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган ва хўжалик фаолиятининг асосий турларидан бири сифатида тараққий этган. Минтақа аҳолисининг муҳим этник жиҳатларидан бири бу ўз-ўзини англашда хўжалик, турмуш тарзи ва маданиятида ўзига хосликнинг барқарор сақланишидир. Бу минтақада асрлар давомида ўзига хос хўжалик симбиози таркиб топган, яъни хўжаликлардан биридаги анъанавий йўналиш иккита бошқа хўжаликни тўлдирган, улар ўртасида яқин алоқалар ўрнатилишига ёрдам берган. Иқтисодиёт соҳасида бундай таъсир мазкур ҳудудни алоҳида ижтимоий-маданий соҳага ажратиш учун асос бўлган.

Ўзбекистонда, айниқса, Қашқадарё вилоятида истиқомат қилиб келаётган арабларнинг хўжалик фаолиятида XX аср ўрталаридан бошлаб туб ўзгаришлар юз берди. Этнографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, арабларнинг турмуш тарзи ва маданиятида коммуникация технологияларининг тараққий этиб, доимий тарзда ўзгариб бориши уларнинг хўжалик турмушида катта ўзгаришларга олиб келди.




*Сизларнинг ҳудудга биринчи бўлиб қайси технология кириб келган?*

Айни вақтга келиб, Қашқадарё воҳасида араблар ўтроқ ҳаётга ўта бошлашди. Бу ерда жойлашган арабларнинг асосий қисми ўзбек ва тожиклар билан Қашқадарё вилоятидаги Косон, Пўлати, Парғўза ва бошқа бир қатор қишлоқларда фаолият олиб боришди.

XX асрда араблар ҳаётида технологик ўзгаришлар содир бўлганини ерга ишлов беришда кўриш мумкин. Бироқ, унинг салбий жиҳатларини ҳам унутмаслик жоиздир. Респондентлардан «Технологияларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари нималардан иборат?» деб сўраганимизда, «улар инсон учун зарарли» 31 фоиз, «экология учун зарарли» 40 фоиз, «зарари йўқ» 29 фоиз каби жавоблар олинди.

XX асрда Ўзбекистон арабларининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда уйлар ҳамда тегирмон ва жувоз қуриш кенг тарқала бошлади. Шунингдек, омоч, ўроқ, болта каби меҳнат қуроллари билан бир қаторда янги технологик турлар кириб келди. Суғорма лалмикорлик, суғориш тармоқлари, шунингдек, чорвачилик кенг тарқалди.

Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган арабларнинг турмуш тарзи анъанавийликдан замонавийликка ўта бошлади. Навоий вилоятида араблар истиқомат қиладиган қишлоқларнинг табиий-географик хусусияти ва аҳоли машғулотларига қараб

уларни, асосан, уч гуруҳга бўлиш мумкин[162]. Чўл ҳудудида истиқомат қилиб келаётган араблар, асосан, чорвачилик билан шуғулланган бўлса, ўтроқ яшаётган араблар эса деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Арабларнинг этномаданий идентиклигида ҳунармандчилик ҳам алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қашқадарё ҳудудида истиқомат қилаётган араблар суғориш ва лалмикорлик ишлари билан шугулланишган. Деҳқончиликда эса асосан, об-ҳавога қараб экинлар экишган. Шунингдек, улар чорвачилик, маҳсидўзлик, чопончилик, этикдўзлик билан ҳам шуғулланиб келишган.

Маълумотларга кўра, араб аҳлининг ота-боболари пахтачилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Ҳозирги пайтда Жейнов қишлоғида кўп сонли араблар яшашади. Улар ўрта ва олий маълумотга эга бўлса ҳам савдо соҳасида, маиший хизмат ва таълим борасида фаолият кўрсатишади. Уларнинг ҳовли боғида мева ва полиз экинлари бисёр, чорвалари етарли. Аҳолининг аксари ўз-ўзига маҳсулот етиштиради. Шундай қилиб, арабларнинг анъанавий чорва ишларига қўшимча, анъанага айланган деҳқончилик ишлари ҳам ривожланмоқда[163].

Чорва маҳсулотларини етиштиришга бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида махсус чорвачилик туманлари пайдо бўлди. Чорвачиликда бозор муносабатлари ривожланди. Бундан келиб чиққан ҳолда, чорвачилик туманларида маҳаллий бозорлар кенгайди ва чорва бозорлари йириклашди. Чорвачиликдаги муҳим ўзгаришлардан яна бири отлар ва қорамолларнинг янги, маҳаллий аҳолига илгари номаълум бўлган турларини боқиш йўлга қўйилганлиги бўлиб, бу, ўз навбатида, чорва маҳсулдорлигининг ошишига олиб келмоқда.

Мустақиллик шароитида мамлакатда яшовчи араблар ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу, аввало, аҳоли тур-

---

[162] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 276.

[163] *Янес М. А.* К вопросу об оценке национального самосознания арабского населения Узбекистана (результат этносоциологического анкетирования). – М., 2012. – С. 166.

муш тарзининг бозор иқтисодиётига мослашиши, пировардида эса хўжаликларнинг турли соҳаларида, жумладан, савдо-сотиқ ва тижорат билан шуғулланишдаги эркинлиги натижасида аҳоли қатламининг кўпайишига олиб келди[164]. Респондентлардан *«Мустақиллик йилларида арабларнинг хўжалик ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди?»* деб сўраганимизда улар: «мустақиллик йилларида араблар турмуш тарзига янги соҳалар кириб келди» 53 фоиз, «араблар шаҳарларга кўчиб кета бошлашди» 8 фоиз, «пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди» 31 фоиз, «умуман ўзгариш бўлмади» 8 фоиз тарзидаги жавобларни беришди.

Қашқадарёнинг ёқасида ҳамда қуйи қисмида жойлашган араб хонадонлари ҳам сувга қулай ҳудудларда давлатнинг ғаллачилик ва пахтачилик ҳамда катта майдонларидаги ижара хўжаликларида кўчатчилик, иссиқхона хўжалиги, полизчилик ва сабзавотчилик каби йирик кўламли деҳқончилик фаолияти билан банд бўлишган. Айниқса, Пўлати, Арабхона, Косон, Қарши арабхона, Кўчкак, Каҳлак, Қамаши қишлогида, Мушкоки, Тоймас, Жейнов қишлоқларида яшаб келаётган араб аҳолиси, Косон туманидаги Сурхон қишлоғи, Нишон туманидаги Истиқбол (Арабовул) араб қишлоқларининг араб хонадонлари ҳам деҳқончиликка ихтисослашиб кетган миришкор араблардир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, минтақа аҳолисининг анъанавий хўжалик ҳаётига янги техникаларнинг кириб келиши арабларнинг турмуш тарзи ва маданиятининг ўзгаришига олиб келди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган араблар турмуш тарзида ўзига хос муҳим хусусияти билан ажралиб туради. Яъни ўз навбатида ҳар уч хўжалик: деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик машгулотлари билан шуғулланган турли этник жамоалар ўртасида ўзаро хўжалик алоқалари ўрнатилган бўлиб, улар бир-бирлари билан яқин муносабатда бўлишган.

[164] Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 264.

## 3.2. Миллий турар жойлар: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар

XX аср бутун инсоният тарихида ўзига хос ўзгаришлар даври бўлди. Нафакат инсоният тарихида, балки техника, технология ривожланишида глобаллашув жараёни муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, инсониятнинг турмуш тарзи анъаналарида ўзига хос ўзгаришни кузатиш мумкин. Қадимдан анъанавий давом этиб келаётган турар жойлар XX асрда том маънода ўзгарди.

Араб халқининг бошқа халқлардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, улар чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Чунки араб халқи бадавий ва саҳройи бўлиб, кўчиб юрганлар ва доим бир ҳудудда истиқомат қилмаганлар. Ўзбекистон араблари чўл ҳудудларда ўзига хос турар жойларни барпо этишган. Уйларнинг кўпчилиги кўпинча гумбазли қилиб қурилиши катта аҳамиятга эга ҳисобланган. Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида истиқомат қилиб келаётган араблар «чўлгумбаз», «тойбон» деб юритиладиган уйлар қуришга катта эътибор қаратганлар.

Ўзбекистонда яшовчи араблар маҳаллий аҳоли таъсирида уйларида «ички» ва «ташқи» ҳовли уйлар қуриш анъанасини ўзлаштирган. Одамлар уйнинг тепа қисмига рамзий белги сифатида кўз, шоҳ илиб қўйишларининг мақсади шундаки, бу белгилар шу хонадон ва унда яшовчи кишиларни инсу жинсдан сақлайди, деб тушунганлар[165]. Моддий маданият билан боглиқ бундай уйларнинг ичкари, ташқарига бўлинишида уй-жой билан боғлиқ қарашлар илгари сурилган. Ўзбекистон арабларининг уй қурилишига эътибор қаратадиган бўлсак, улар, асосан, маҳаллий халқ уй қурилишидан унчалик ҳам фарқ қилмайди.

Сурхондарё вилояти ҳудудида баъзи хонадонларда ўзига хос махсус жойлар бўлган. Айнан ҳовлининг бир қисмига меҳмонлар учун меҳмонхона қурилган. Меҳмонхонанинг ички безак ва

[165] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Пўлати қишлоғи. – 2011 йил.

дизайнида қисман араб миллий маданияти акс этган[166]. Меҳмонхонани, асосан, бой одамлар курганлар.

XX асрда содир бўлган ўзгаришлар натижасида араб аҳоли пунктлари турар жой бинолари таркибида ўзига хос ўзгаришлар бўлди. Жумладан, уйларнинг деразаси ички ва ташқи безагида ўзига хос ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бундан ташқари, этнографик нуқтаи назардан моддий маданиятни ўрганиш замонавий архитектура дизайни, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланиши учун катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

1924 йилдан бошлаб давлат янги турар жойлар қурилишига маблағлар ажратган. 30-йиллардан эса янгича замонавий уй-жой қурилиши бошланган. Натижада, саноат қурилиши жадал суръатлар билан ривожланди. Бу республика шаҳарларига рус ва бошқа миллат вакилларининг оммавий равишда оқиб келишига сабаб бўлди. Уй-жойларни барпо этиш ва уни қуриш 1928–1929-йилларда 4, 47 кв. м. дан 1939 йилда 2 кв. м. га тушиб қолди[167]. Шаҳарларнинг кўпгина аҳолиси (асосан бошқа ҳудудлардан кўчиб келганлар) баракларда, ертўла биноларда истиқомат қилишарди. XX асрга келиб трансформацияга учраши натижасида инновацион ўзгаришлар юз берди. Бу жараён шаҳарда амалга оширилган бўлса, 60–70-йиллардан бошлаб қишлоқларда ҳам ислоҳотлар ўтказилиши натижасида янги анъанавий турар жойлар барпо этила бошланган. Кўчманчи халқларга хос уй-ўтов ва анъанавий уйларнинг унутилишига олиб келди. XX асрнинг 30–50-йилларида араб халқи турмуш тарзида туб ўзгариш юз берди. Бу каби ўзгаришларнинг маҳаллий халқнинг турмуш тарзига кириб келишига, асосан, зиёли кишилар сабабчи бўлишди[168]. Замонавий пишиқ уйларнинг қурилиши араблар турмуш тарзида ўзига хос анъанавий уйларнинг йўқолишига олиб келди.

[166] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Какайди қишлоғи. – 2011 йил.

[167] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 2888 фонд–1, рўйхат – 1, 14–28 варақ.

[168] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Какайди қишлоғи. – 2011 йил.

Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган дала амалиётида тўпланган маълумотлар таҳлили натижасида шунинг гувоҳи бўлдикки, араблар 1950 йилларгача ўтов уйларда яшаб келишган. XX асрнинг 60-йилларига қадар араблар капа, ўтов (қора уй), ертўлаларда яшаган[169]. Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий ва водий ҳудудларидаги турар жойлари XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тубдан ўзгара бошлади. Анъанавийликдан замонавийликка ўтиш шиферли, шифтли, пол ва бетонли уйларнинг кўпроқ қурилишига сабаб бўлди.

Сурхондарё вилоятида яшовчи арабларнинг бир қисми Бойсун ҳудудидан тарқашган. Улар 1968 йилдан кейин Қизирик туманидаги Нуриддин Муродов қишлоғига кўчиб келиб ўрнашганлар. 1972 йилдан бошлаб бу ҳудудларда давлат томонидан янгича лойиҳадаги уйлар қурилган. 1979 йилдан бошлаб қишлоқ замонавий уй қурилишига кенгроқ имконият яратилиб, бетонли, ғиштли уйлар қурила бошлади. Анъанавий ва замонавий уйларнинг ташқи кўриниши чиройлилиги билан атрофдаги маҳаллий уйлардан фарқ қилган. Замонавий уйларнинг яна бир муҳим белгиси шундаки, уларда русларнинг таъсирини кузатиш мумкин. Яъни уйнинг ташқи томонига синиқ чойнак ва пиёла бўлакларини ёпиштириб, безак берилган[170].

XX асрнинг 40-йилларидан шаклланган замонавий кўринишдаги янгича уйлар марказий ҳудудларда барпо этила бошланди. Кейинги йилларда эса миллий замонавий уйлар қишлоқ ва чўлда истиқомат қилиб келаётган араблар турмуш тарзида кенг тарқалди. 50-йилларнинг охирига келиб, Ўзбекистон арабларининг турмуш тарзида анъанавий уй-жойлар ўрнига замонавий уйлар қурилиши борасида респондентларимизга «*Замонавий уйларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари борми*?» деб берилган саволга 46 фоиз «ҳа», 32 фоиз «йўқ», 22 фоиз «билмадим» деб жавоб берилди. Арабларнинг ижтимоий-тарихий ва хўжа-

---

[169] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Боғдод маҳалласи. – 2011 йил; Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Арабхона маҳалласи. – 2011 йил.

[170] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод туман, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

лик-маиший хусусиятларини таҳлил этиш асносида уларнинг турмуш тарзида ўзига хос ўзгаришни кузатиш мумкин.




*Замонавий уйларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари борми?*

Ўзбекистон жанубида яшовчи арабларнинг катта қисми XX асрнинг ўрталарига қадар кўчиб юришган. Жанубда яшовчилар ёзлик ва қишлик уйлар қуришган, ғарбда яшовчи арабларнинг кўп қисми келиб ўрнашган жойлар сувли ҳудуд бўлганлиги сабабли, ўтроқлашиш жараёни тезлашган.

Тадқиқотларимиз даврида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бир неча қишлоқларда яшаб келаётган арабларнинг турмуш тарзи ва турар жойлари ўрганилди. Респондентларнинг 63 фоизи «ўзбекларнинг турар жойлари билан арабларнинг турар жойлари ўртасида фарқ йўқ», деб эътироф этишган бўлса, «ўзбекларнинг турар жойларига ўхшамайди» деб берилган жавоблар 22 фоизни ташкил этди. Аммо уларнинг уй қурилишида маълум фарқ борлигини инобатга олиш лозим. «Арабларнинг турар жойлари ўзбекларникига эмас, балки қадимий арабларга ўхшаш» деб ҳисобловчилар 15 фоизни ташкил этган. Салкам минг йилдан бери икки халқнинг бир ҳудудда яшаб келганлиги, уларнинг этномаданий яқинлашуви натижасида турар жойларда унчалик ҳам катта фарқ мавжуд бўлмаган, фақат Ўрта Осиёга руслар кириб келгандан сўнг маълум фарқлар юзага келган.

Арабларда полли, шиферли, черепицали уйларни қуриш асосан, XX аср ўрталаридан кейин бошланди. Кейинчалик 2 қаватли уйларнинг қурилиши жуда кенг тарқалди[171]. Ўзбекистон араблари турмуш тарзида янгича уйларнинг қурилиши араб

[171] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

миллий маданиятининг йўқолишига олиб келган. Ҳозирги кунга келиб арабларнинг 90 фоиздан ортиғи замонавий турар жойларда яшаб келишмоқда.

Қишлоқ жойларида 1960 йиллардан бошлаб янгича уйлар қурила бошланди. 1985 йиллардан бошлаб эса қишлоқларда янгича замонавий уйлар қурилди. Ахборотчилар фикрича, янгича уйларнинг қурилиши ижтимоий турмушни яхшилашга қаратилди. Янги уйлар 3–4 та хонали бўлиб, алоҳида ётоқхона, болалар учун хоналар қурилган. Европа усулидаги уйларнинг қурилиши ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланди. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб келин-куёв учун алоҳида бир уй қуриш анъанага айланди. Араб уйларининг қурилишида ички ва ташқи таъсирни аҳамияти катта бўлди. Чунки арабларнинг ўтроқлашишига кўпроқ ташқи таъсир сабаб бўлди. XX асрнинг ўрталаридан ҳовли ерининг ўлчами 6 сотих бўлиб, шу ерда уй, молхона, тандирхона ва бошқа иншоотлар қуриш яхши бир анъанага айланди[172].

Жейновлик арабларда ҳам оловни муқаддас билиш одати бор. Масалан, улар янги уйга кўчиб ўтишдан олдин ўчоқ ёқиб ис чиқарадилар. Ҳар бир хонага чўғ олиб кириб, инс-жинсларни қувган бўладилар. Жейновликлар кул, чўғ устига тупуриш ёки ахлат тўкишни гуноҳ деб билганлар. Араблар оловни инс-жинслардан сақловчи сеҳрга, кучга эга деб қарашни маҳаллий аҳолидан қабул қилганлар[173].

Ўрта Осиё арабларининг янги иморатга кўчишида уй тўй қилиб бериш яхши анъанага айланган. Албатта, янги уйга кирмасдан олдин, исириқ тутатиб, бўғирсоқ пишириб, кейин қариндош-уруғлар таклиф этилган. Улар албатта ўзларининг совға-саломлари уйга зарур бўлган нарсаларни олиб келишган. Айрим оилаларда ҳовли тўй оилавий маросим сифатида ўтказилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон арабларининг ўзига хос локал турар жойлари бошқа халқларнинг турар жойларидан бир оз фарқ қилади. Ўзбекистон арабларининг уйларида деразани икки қаватли қилиб, эшик ёки

---

[172] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Пулати қишлоғи. – 2011 йил.

[173] *Ражабов Р.* Ўзбекистон араблари // Мозийдан садо. – Т., 2004. – № 2 (22). – Б. 39.

деразаларининг арабча ганчкорлик санъати билан безатилиши, устунлар ўрнатиш мазкур халқ миллий меъморчилигига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади.

## 3.3. Анъанавий ва замонавий кийимлар

Ўзбекистонда яшаб келаётган арабларнинг анъанавий миллий кийимлари уларнинг моддий маданиятининг муштарак бир қисмини ташкил этиб, араб халқининг миллий хусусияти, урф-одатлари ҳамда эстетик дидини намоён этган. Барча халқларнинг миллий кийим-кечаклари сингари, арабларнинг анъанавий кийимлари ҳам узоқ тарихий жараёнлар давомида, ижтимоий-иқтисодий, маданий, диний ривожланиши ҳамда урф-одат, маросим, анъаналар таъсирида замонавийлашиб кетганлигини кўриш мумкин. Бугунги кунда арабларнинг кийим-кечаклари шаклланиши ва ривожланиши жараёнини ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятининг жануби-гарбида, Қарши шаҳридан 50 чақирим олисда жойлашган Жейнов қишлоғида, айни пайтда 20000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тўртдан уч қисмини араблар ташкил этади. Қолган қисми ўзбек, тожик, туркманлардан иборатдир. Жейновда кекса эркаклар «наббат» ёки «жадди», кекса аёллар-бувилар «набба» ёки «жудо», ўрта ёшли эркаклар, «сабайин», болалик аёллар «кадаса», ёш йигитлар «рузъон», қизлар «бинад», «бинт» киядилар, кийим-кечакни ёшга қараб кийиш қадимий араб одатларидан ҳисобланади[174]. Жейнов аёлларининг «гиззи», «натти», «буғнак» деб номланувчи тақинчоғи арабларга хос этномаданиятнинг белгиси ҳисобланади. Гиззи – бу бош кийим бўлиб, турмушга чиқмаган қизлар қизил ранглисини, турмушга чиққанлар эса оқ ранглисини кийиб юришади. Натти – бурун тақинчоғи, у тилладан ишланади. Буғнак 25 та кумуш танга ва 2 та тилла кўнғир чоқча билан безатилган бўлиб, уни, асосан, аёллар бошга тақиб юришади.

[174] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 312.

миллий маданиятининг йўқолишига олиб келган. Ҳозирги кунга келиб арабларнинг 90 фоиздан ортиғи замонавий турар жойларда яшаб келишмоқда.

Қишлоқ жойларида 1960 йиллардан бошлаб янгича уйлар қурила бошланди. 1985 йиллардан бошлаб эса кишлокларда янгича замонавий уйлар қурилди. Ахборотчилар фикрича, янгича уйларнинг қурилиши ижтимоий турмушни яхшилашга қаратилди. Янги уйлар 3–4 та хонали бўлиб, алоҳида ётоқхона, болалар учун хоналар қурилган. Европа усулидаги уйларнинг қурилиши ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланди. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб келин-куёв учун алоҳида бир уй қуриш анъанага айланди. Араб уйларининг қурилишида ички ва ташқи таъсирни аҳамияти катта бўлди. Чунки арабларнинг ўтроқлашишига кўпроқ ташқи таъсир сабаб бўлди. XX асрнинг ўрталаридан ҳовли ерининг ўлчами 6 сотих бўлиб, шу ерда уй, молхона, тандирхона ва бошқа иншоотлар қуриш яхши бир анъанага айланди[172].

Жейновлик арабларда ҳам оловни муқаддас билиш одати бор. Масалан, улар янги уйга кўчиб ўтишдан олдин ўчоқ ёқиб ис чиқарадилар. Ҳар бир хонага чўғ олиб кириб, инс-жинсларни қувган бўладилар. Жейновликлар кул, чўг устига тупуриш ёки ахлат тўкишни гуноҳ деб билганлар. Араблар оловни инс-жинслардан сақловчи сеҳрга, кучга эга деб қарашни маҳаллий аҳолидан қабул қилганлар[173].

Ўрта Осиё арабларининг янги иморатга кўчишида уй тўй қилиб бериш яхши анъанага айланган. Албатта, янги уйга кирмасдан олдин, исириқ тутатиб, бўғирсоқ пишириб, кейин қариндош-уруғлар таклиф этилган. Улар албатта ўзларининг совға-саломлари уйга зарур бўлган нарсаларни олиб келишган. Айрим оилаларда ҳовли тўй оилавий маросим сифатида ўтказилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон арабларининг ўзига хос локал турар жойлари бошқа халқларнинг турар жойларидан бир оз фарқ қилади. Ўзбекистон арабларининг уйларида деразани икки қаватли қилиб, эшик ёки

[172] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Пўлати кишлоғи. – 2011 йил.
[173] *Ражабов Р.* Ўзбекистон араблари // Мозийдан садо. – Т., 2004. – № 2 (22). – Б. 39.

деразаларининг арабча ганчкорлик санъати билан безатилиши, устунлар ўрнатиш мазкур халқ миллий меъморчилигига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади.

### 3.3. Анъанавий ва замонавий кийимлар

Ўзбекистонда яшаб келаётган арабларнинг анъанавий миллий кийимлари уларнинг моддий маданиятининг муштарак бир қисмини ташкил этиб, араб халқининг миллий хусусияти, урф-одатлари ҳамда эстетик дидини намоён этган. Барча халқларнинг миллий кийим-кечаклари сингари, арабларнинг анъанавий кийимлари ҳам узоқ тарихий жараёнлар давомида, ижтимоий-иқтисодий, маданий, диний ривожланиши ҳамда урф-одат, маросим, анъаналар таъсирида замонавийлашиб кетганлигини кўриш мумкин. Бугунги кунда арабларнинг кийим-кечаклари шаклланиши ва ривожланиши жараёнини ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятининг жануби-ғарбида, Қарши шаҳридан 50 чақирим олисда жойлашган Жейнов қишлогида, айни пайтда 20000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тўртдан уч қисмини араблар ташкил этади. Қолган қисми ўзбек, тожик, туркманлардан иборатдир. Жейновда кекса эркаклар «наббат» ёки «жадди», кекса аёллар-бувилар «набба» ёки «жудо», ўрта ёшли эркаклар, «сабайин», болалик аёллар «кадаса», ёш йигитлар «рузъон», қизлар «бинад», «бинт» киядилар, кийим-кечакни ёшга қараб кийиш қадимий араб одатларидан ҳисобланади[174]. Жейнов аёлларининг «гиззи», «натти», «буғнак» деб номланувчи тақинчоғи арабларга хос этномаданиятнинг белгиси ҳисобланади. Гиззи – бу бош кийим бўлиб, турмушга чиқмаган қизлар қизил ранглисини, турмушга чиққанлар эса оқ ранглисини кийиб юришади. Натти – бурун тақинчоғи, у тилладан ишланади. Буғнак 25 та кумуш танга ва 2 та тилла қўнғир чоқча билан безатилган бўлиб, уни, асосан, аёллар бошга тақиб юришади.

[174] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 312.

Тадкикот жараёнида арабларга *«Миллий кийим-кечакларингиз сақланиб қолганми?»* деган савол билан мурожаат килганимизда респондентларнинг катта қисми ўз миллий кийим-кечакларининг маълум бир турлари, яъни «натти», «хаттаба», «чет натти», «силсила» кабилар сақланиб қолганлигини таъкидлашди. «*Арабларда миллий кийимлар сақланиб қолганми?*» деб берилган саволга уларнинг 24 фоизи «ҳа» деб, 41 фоизи «қисман сақланиб қолган», 29 фоизи «йўқ», 6 фоизи эса арабларда умуман миллий кийим-кечаклари сақланиб қолинмаган деб жавоб беришди.

Қашқадарё вилояти Жейнов қишлоғининг Андхўй маҳалласида яшовчи хотин-қизлар араб миллий либосларидан, бошқа маҳаллалардан фарқли ўлароқ, кўпроқ фойдаланишади. Тақинчоқ ва бошга кийиладиган буюмлар қадимда ижод этилганлиги билан ажралиб туради. Ёши катта аёлларнинг аксариятида «бўхнак», «натти», «гиззи» сақланиб қолган. Бўхнак гиззи–оқ лачак устидан кийилади. Бўхнакнинг ҳилолсимон гўшаси салқин қилиб тақиб юрилган[175]. Икки янокда эса жажжи кулчадек қилиб юмалоқланган куррак қўйилган. Куррак қора қўзининг биринчи қирқим жунидан тайёрланган. Сўнг «катмола» деб аталувчи безаклар бош либосига зеб беради. Катмола фақат олтиндан ишланган бўлиб, бу тақинчоқ араб аёлларининг зеб-зийнати ҳисобланади. Аёлларнинг бурунга тақиладиган қадимий тақинчоқларидан бири чет натти бўлиб, узоқ тарихий даврга эгалиги билан ажралиб туради. Ўрта Осиё миниатюраларида (XV–XVI асрлар) тасвирланган аёллар бурнида ҳалқасимон тақинчоқлар учрайди[176]. Республикамизда бурунга тақиладиган тақинчоқлар «арабак», «латиба», «холбини», «холчўп» деб аталган[177]. Бурун-

[175] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

[176] *Дьяконова Н. В.* Среднеазиатские миниатюры XVI – XVIII вв. – М.: Наука, 1964. – С. 39.

[177] Қаранг: *Чвырь Л. А.* Таджикские ювелирные украшения (Материалы к историко культурному районированию Таджикистана). – М.: ГРВЛ. 1997. // Тожикларда «натибини», «холчўп» деб аталган. Три «чилла» у таджиков этнорафия Таджикистана – Душанбе. 1952. г. – С. 25; Зарафшон воҳасининг юқори қисмида «натибини» деб аталган. Материальная культура таджиков, верховьев Зерафшана. – Душанбе, 1973. – С. 156.

га тақиладиган сирғалар, асосан, бурун икки четига, буруннинг парракларига ва буруннинг ўрта деворига тақилган. Буруннинг ўрта деворига тақилган «булови», «ўрта натти», буруннинг четига тақилса «чет натти», «аравак» деб аталган. Воҳада «латиба», «натти», латбинни атамалари билан маълум бўлган бурун тақинчоқлари, асосан, магик тасаввурлар, яъни ёмон кишилар назари, қарашларидан сақловчи, ҳимояловчи восита сифатида тақилган. Бундан ташқари, бурун тақинчоғи айнан қайси мақсад билан тақилганлиги ҳақида илмий адабиётларда маълум бир хулосалар мавжуд бўлса-да, бу ўринда шуни айтиш мумкинки, заргарлар томонидан яратилган ушбу тақинчоқ безак сифатида эмас, балки кўпроқ халқнинг магик қарашларини ўзида ифода этувчи ашё тарзида тақилган[178].

Ўзбекистон арабларининг тақинчоқлари уларнинг моддий маданиятида муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бошқа халқларнинг тақинчоқлари ҳам кейинги йиллар араблар ҳаётида ўзига хос муҳим аҳамиятни касб этиб келмоқда. «*Арабларнинг миллий тақинчоқларида қандай ўзгаришлар содир бўлган*?», деб берилган саволга улар қуйидагича жавоб бердилар: «қадимий тақинчоқлар сақланиб қолган» 35 фоиз; «араб тақинчоқларида миллийлик ўрнини замонавийлик эгаллаган» 22 фоиз; «араблар ва ўзбек тақинчоқлари асосида ўзгариш юз берган» 35 фоиз; «ўзгаришлар тақинчоқларнинг маълум жиҳатларида ўз аксини топган» 8 фоиз, тожик халқи томонидан «чет натти» кириб келган. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи аҳолисининг таъкидлашича, ўтмишда «чет натти» арабларда тақинчоқ сифатида тақилмаган. Кейинчалик, маҳаллий тожиклар томонидан чет натти араб аёлларининг ҳам тақинчоқлари сифатида анъанага айланган. Ўзбекистон арабларининг тақинчоқлар миллий кийим-кечакларига уйғунлашган ҳолда тақинчоқлари тақилади.

Араб қизлари турмушга чиқмаган пайтларида сочларини қулоқ ортига ташлаб юради. Аёллар эса сочларини қулоқнинг олдига тарам қилиб чиқаради. Бу айрим халқлар, хусусан уйғур

[178] *Ибрагимова М. Ю.* Сурхондарё воҳаси аҳолисининг анъанавий кийимлари ва тақинчоқлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Тарих фанлари номзод. дисс... – Т., 2004. – Б. 83.

қиз ва келинларининг соч турмаклари кўринишига ўхшайди. Одатда, маҳаллий ўзбек аёллари сочларини қирқ ёки икки кокилга ажратиб жуфт қилиб ўриб юрган бўлса, бева аёллар тоқ, яъни битта қилиб ўриб юрганлар. Эътиборли жиҳати шундаки, уйғур аёллари сочларини доимо беш кокил қилиб ўрганлар. Она бўлган уйғур аёли иккинчи ёки учинчи фарзанд дунёга келгандан кейингина кокилларини ўзгартириб, иккига айириб ўриб олган. Бу уйғур аёллари учун ўзига хос инициация ҳам ҳисобланади[179].

Ўзбекистон арабларининг ёши катта аёллари оқ гиззи кийганлари сингари, ёш қизлар, жувонлар нафис қизил гиззини хуш кўрадилар. Араб аёлларига хос безаклар силсиласида хатабак – пешбанд алоҳида ўрин тутади[180]. Силсила уч-тўртасини бир-бирига бирлаштирган, ўзаро кўмакдан занжир ёки ҳалқачалар ҳисобланган. Силсиланинг ўзига хос хусусиятларидан бири, асосан, кумушдан тайёрланади. Жейнов арабларининг ўзига хос яна бир хусусияти оилада кимдир унаштириладиган бўлса, ўшандай вақтларда силсилани келинчакка ҳадя қилиб бериш яхши бир анъанага айланган. Жейнов қишлоғидан ташқари бошқа араб қишлоқларида заргарлик буюмлари, безак тақинчоқлари яхши сақланиб қолинмаган.

Силсила кўпроқ ёш аёлларга жуда ярашади. Айниқса, янги келинчаклар тўй маросимлари ҳамда байрам маросимларида тақишади. Силсилани қозоқ, қирғиз, ўзбек ва турк[181] каби халқларда ҳам тақишган. Силсила безакларининг асосий қисми туб ерли аҳоли туркман, лақай, қўнғирот ва қарлуқ[182] аёлларида учрайди. Уларда турли номлар билан аталади. Яъни (сараки, касаба) силсилага ўхшаш бўлиб, фақат бир-биридан фарқ қилади[183].

---

[179] *Валихонова Г.* Фарғона водийси уйғурлари: турмуш тарзи ва маданияти. – Т.: Yangi nashr, 2013. – Б. 77.

[180] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 252.

[181] *Борозна Н. Г.* Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии Казахстана // СЭ. – М.: 1974. – № 1. – С. 35.

[182] *Борозна Н. Г.* Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигана // Материальная культура Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 114.

[183] *Чвырь Л. А.* Таджикские ювелирные украшения. – М., 1977. – С. 19.

Д. Фахретдинова фикрига, кўра аёлларнинг чакка қисм ияк-ларига ва пешонасига боғланган бош кийим (салла, қасаба пешонабанд) бирор нарсадан олдин тақилган. Аёллар тасма рангдор духоба ёки каштали матолари билан бирга сифатли кийимлар кийишган. Бир вақтлар қасабанинг безаги тури кенг ёйилган. Асосан барча анъанавий кийим-кечаклар сақланиб қолинган. Арабларнинг безак тури неча асрлардан бери анъанавий тарзда авлодлардан аждодларга ўтиб келмоқда.

Араб алифбоси ёзувлари билан безатилган билагузуклар воҳада муқаддас саналган. (Шундай билагузук Чия қишлоғида яшовчи Хадича хола хонадонида ҳам сақланиб қолган.) Мазкур билагузукнинг кенглиги 1 – 3 см. дан 3 – 5 см. гача бўлиб, қанчалик кенг бўлса шунчалик чиройли ва қимматбаҳо ҳисобланган. Шунинг учун ҳам улар энг тантанали кунларда тақилган. Шунингдек, воҳада билакузукнинг «ислими», «нақшли», «панжа», «турна» нақшли тўрт шаклида безатилган турлари ҳам мавжуд бўлган. Аммо, афсуски, мазкур билакузуклар музейда ҳам, бирон-бир хонадонда ҳам сақланиб қолмаган[184].

Аёллар тақинчоқларининг яна бир тури туморлардир. Туморлар икки хил бўлган: тақинчоқ туморлар ва ёмон кўзлардан асровчи дуо туморлар. Тумор арабчада бир парча қоғозга ёзилган, ёмон кўзлардан асровчи дуони англатиб, маъноси қадимий турк тилида дуо ёзилган қоғоз, яъни «битик»ка яқин бўлган[185].

Жейнов араблари эркак, аёл ва болаларининг кийим-кечаклари ўзига хослиги билан атрофдаги бошқа халқларникидан маълум даражада фарқланади. Аёлларнинг турмушга чиқмаганлари «қизил гиззи», турмушга чиқанлари «оқ гиззи» кийимини кийиб юришади.

Гиззи икки хил: биринчиси, қизил гиззи, иккинчиси оқ гиззидан иборат бўлади. Ёш қизалоқларникидан бироз фарқ қиладиган ҳудуд шундай бош кийимни ёш жувонлар ҳам кийишади.

---

[184] *Юлдашева Г. К.* Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийим ва тақинчоқлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари): Тарих фанлари номзоди дисс... – Т.: 1995. – Б. 126.

[185] *Фахретдинова Д. А.* Ювелирное искусство Узбекистана. – Т.: Лит-рыи искусства. 1988. – Б. 121.

Ёш қизалоқ ва қизлар учун гиззи қизил сатиндан, аёллар учун эса оқ рангли матодан тайёрланади. Ёши каттароқ аёллар уйдан чиққанларида, одатда, гиззи устидан катта оқ рўмол ёпиб олардилар. Баъзи жейновлик аёллар бу рўмолни «латта», «араби», «рўмол» деб ҳам атайдилар. Гиззи икки қисм матодан тикилади: биринчи қисм анча узун бўлиб, елкани қоплаб, то тўпиққа қадар тушади. Унинг юқори тарафида юз учун очиқ жой қолдирилади. Иккинчи қисм эса ияк остидан кийишга мўлжаллаб тикилиб, тугмачалар, тангачалар, ҳар хил тақинчоқлар билан безатилади. Ёш қизалоқлар гиззисининг пастки олд тарафи камтарона безатилса, аксинча, вояга етган қизларники қимматбаҳо тошлар, тақинчоқлар билан орасталанади. Гиззининг юз атрофи қисми саккиз-ўн қаторли қорага оқ билан тикилган каштадан иборат бўлади. Араб қизлари турмушга чиққанларидан кейин уч кун ўтгач, «қасаббандон», яъни кўрпа йигди деган маросим ўтказилади. Бу маросимда қишлоқ аёллари қатнашадилар. Куёвнинг отаси мол сўйиб, қишлоқ аёлларига зиёфат беради. Келиннинг яқинлари совға-салом олиб келади. Шу куни келинга қизил газмолдан тикилган қалин каштали, ҳошияли бош кийим-бухнак кийдирилади. У пешонадан бетгача тушиб, пешона, қулоқ-чаккани ёпиб туради. Богичи билан ияк остидан боғланади. Бухнак устидан эса силсила тақинчоғи тақилади. Бош ва пешона тақинчоғи бўлган силсила байрам кийими билан бирга тақиладиган кийим тақинчоқлар мажмуасидир[186].

Ўзбекистон арабларининг кийим-кечак тайёрлаш усулида фарқ бўлиб, гиззи тайёрлашда Жейнов араблари уни кўпинча оқ сурпдан қилишса, деновлик ва самарқандлик араб аёллари уни рангли, кўк ёки очиқ бинафшаранг матодан ҳам тайёрлашади. Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Самарқандда яшовчи арабларда гизза илгари 4 метр сурпдан иборат бўлган[187]. Арабларнинг кийим-кечакларни тайёрлаши бир-биридан табиий-ҳудудий жойлашишига қараб фарқланади. Ўзбекистон араб-

---

[186] *Дониёров А., Бўриев О., Аширов А.* Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. – Т.: Yangi nashr, 2011. – Б. 238–239.

[187] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 313–314.

ларининг миллий кийим-кечакларини тўй, никоҳ, мотам кийимларида кузатиш мумкин.

XX аср бошларидан бошлаб янгича дизайндаги европача кийим-кечаклар кириб келиши жараёни кенг тарқала бошлади. Бу эса қадимдан давом этиб келаётган анъанавий кийимларга таъсирини кўрсатди. Умуман олганда, XX асрда араб миллий кийимларининг трансформацияга учрашига асосан қуйидаги муҳим омиллар сабаб бўлган, деб кўрсатиш мумкин:

а) минтақада яшаб келаётган араблар ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва мафкуравий сиёсат;

б) замонавий технологияларнинг кириб келиши;

в) маҳаллий аҳолининг таъсири;

г) ички ва ташқи таъсирлар;

д) араблар тақинчоқ ва миллий кийим-кечакларидаги фарқ йиллар ўтиши билан ўзгара борган.

Арабларнинг кийим-кечаги иқлим шароити, хўжалик машғулоти, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг кийими, асосан, пахтадан тўқилган матолардан тикилган бўлса-да, чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли жундан ёки оқ матодан тайёрланган кийим-кечакларни кийган. Жумладан, араблар кийимга мато тайёрлашда кўпроқ чорва молларининг жуни ва улардан олинадиган маҳсулотдан фойдаланганлар. Ўзбекистондаги арабларнинг олача кўйлаги пахтадан тўқилган бўлиб, оқ ранглиси бўлган. Аҳоли олачадан кўйлак, иштон, яктак, бозигар, рўмол, желак, чачвон ва бошқаларни тикиб кийган. Хуллас, эркак ва аёлларнинг кийимидаги миллийлик маълум маънода сақланиб қолган. Эркакларнинг кийими куртка бўлиб, пахта солиб тикилган, жундан эса каванок тикилган. Уни чорвачилик билан шуғулланувчи чорвадорлар кўпроқ кийишган. Чунки каванак қиш ойларида чорва молларини сурувга ҳайдаганда чўпоннинг асосий иссиқлик манбаи ҳисобланади. Шу сабабли уни «чўпон уй» деб ҳам юритишган. Бундан ташқари, жилак молнинг жунидан тўқилган бўлиб, аёлларнинг бош кийими ҳисобланади. Чорвачилик билан шуғулланган ҳар бир халқда

мол терисини ошлаш ва ундан турли хил кийим-кечаклар тикиш кўчманчиларга хос ҳунармандчилик анъаналари сифатида сақланиб қолган.

XX асрнинг 50-йилларига қадар ёшлар миллий кийими иштон, йўл куйлак, биржадан тикилган кийим бўлиб, аҳоли бу кийимдан оммавий равишда фойдаланиб келган. Кейинчалик арабларнинг кийим-кечакларида Европа, ўзбек ва араб миллий маданияти уйгунлашиб кетганлигини кўриш мумкин. Арабларнинг ўзига хос миллий кийимлари яктак, салла, калапуш, кўйлак, иштон, ковуш, чопон, куёв бекасамдан иборатдир.

Араб миллий кийимларидан қубба, қасаба, кабалар бошга кийилиб Олд Осиёлик яманликларнинг кийимларига жуда ўхшашдир. Ахборотчиларнинг эслашича, қасаба XX асрнинг 70-йилларига қадар араб аёлларининг ўзига хос кийимларидан бири бўлган. Ўзбекистондаги араблар тақадиган «натти» яманлик арабларда сақланиб қолган. Бироқ, ахборотчиларнинг таъкидлашича, «чет натти» маҳаллий тожикларнинг таъсирида оммалашган.

Арабларнинг миллий кийим-кечаклари билан бир вақтда маҳаллий халқлар маданиятининг айрим жиҳатларини ҳам кузатиш мумкин. 1930 йилда олача, кўйлак, яктак, чопон, 1945 йилларда костюм-шим, 1950 йилларда чит, пальто, плаш кириб келган бўлса, 1970 йилларда жўн матоларни кийиш халқ орасида оммалашди[188].

Ҳозирги кунда араблар миллий кийим-кечакларининг тахминан 25–30 фоизи аёлларнинг кийимида сақланиб қолган. XX асрнинг 80-йилларида аёлларнинг кийим-кечакларида янгича маданий ўзгаришни кўриш мумкин. Кейинчалик ёқаси ётиқ кўйлак кийилиши урфга айланиб, замонавийлашиши араб халқининг этник ўзлигини англаши йўқолишига олиб келди.

Глобаллашув жараёнида арабларнинг миллий кийим-кечакларида анъанавийлик унутилди. Кийимлар эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, эркаклар кийим-бошлари аёлларникига қараганда кўпроқ ўзгаришларга

[188] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

учраган.

Қашқадарё вилояти Косон туманида яшаб келаётган арабларнинг миллий кийими XX аср 60-йилларигача аёллар турмуш тарзида ўзига хос кийим хусусияти билан боғлиқ ҳисобланади. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, Арабхона маҳалласида истиқомат қилувчи айрим аёллар кийим-кечакларида миллий анъаналар бугунги кунгача сақланиб қолган[189].

Ўзбекистон арабларининг миллий кийимлари этник ўзликни англашдаги омиллардан бири ҳисобланади. Аёлларнинг миллий кийим-кечакларидан бири калтача, жилак бўлиб, уни бошга ўраб юришган. Шерobод арабларининг бошқа халқлардан фарқли жиҳати шундаки, қарияларнинг аксарият қисми «сетра»[190] тақиб юришган.

Миллий кийим-кечаклар араб халқи анъанавий моддий маданиятининг муштарак бир қисмини ташкил этиб, миллий хусусияти, урф-одатлари ҳамда эстетик дидини намоён этган. Бошқа халқ кийимлари сингари, арабларнинг анъанавий кийимлари ҳам узоқ тарихий жараён давомида, ижтимоий-иқтисодий, маданий, диний, ривожланиш ҳамда даврларга ўтиш давомида ўз хусусиятларини сақлаб қолган. XX асрда араб миллий кийимларида миллий кийимлардаги анъанавийлик ўрнига замонавийлик устунлик қила бошлади. Бу ўрта ёшдаги одамларнинг кийимларида ўзгаришлар бўлиб, Европа бичимида тикилган кийимларни кийиш расм бўлди. Миллий кийимлар фақатгина кекса ёшли кишилар ва қариялар орасида сақланиб қолган. XX асрнинг биринчи ярмида кийилган маросимий кийимларнинг анъанавий бичими ва кўриниши, асосан, сақланиб қолган. XX аср бошларида қизлар киядиган камзул ва астарли нимча ва камзулчалар расм бўла бошлайди. Уларнинг юқори қисми бахмал ёки духобадан, баъзан ипак, беқасам, ип-газламалардан тикилган[191].

---

[189] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Арабхона маҳалласи. – 2011 йил.

[190] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

[191] *Содиқова Н.* XIX–XX асрлар Ўзбек миллий кийимлари. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 40.

XX асрнинг 50–60-йилларидан бошлаб фабрикаларда ишлаб чиқарилган матолар оммавийлашган. Айниқса, 50-йилларда кристалл мато, 60-йилларда турли бичимдаги кўйлакларни тиктириш оммалашган. 70-йилларга келиб крепсатин, атлас, хонатлас, гулли читларнинг янги нусхаси, сатин, ҳар хил гулли-гулсиз рангли кремплин, полотно шойи, маргилон шойи, беқасамнинг янги нусхалари, шифон, бахмал, чийбахмал, духоба каби матолар оммалашган. Халқона кийимларда этник хусусиятларнинг йўқолишида айнан фабрикаларда ишлаб чиқарилган матоларнинг кенг тарқалиши, кийим тикиш технологиясининг ўзгариши ва унга шаҳар урф-одати (моддаси) нинг «ҳалокатли» таъсири муҳим аҳамият касб этади[192].

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон арабларининг миллий кийимлари XX асрда юз берган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнлар натижасида ўзгарди, замонавий Европача кийим-кечакларни кийиш урфга айланиб борди. Бу ҳам, ўз навбатида, миллий ўзликни англашга таъсир этди.

XX аср араб миллий кийимларидаги ўзгариш жараёни кекса авлодларнинг миллий кийимларида ўзига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Аммо ёш авлодларда араб миллий маданияти уйғунлашган миллий кийим йўқолиб кетмоқда.

Ҳозирги кунда нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам янгича замонавий кийимларни кийиш оммалашмоқда. Бу эса қишлоқларда ижтимоий, иқтисодий соҳанинг ривожланиш жараёнига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

---

[192] *Бережнова М. Л.* Ткани и производство одежды из у русский юга Западно – Сибирской равнины поспедней трети 19–30 х годов XX века: автореф дисс... канд. ист. наук. – Омск, 1997. – С. 272.

# IV БОБ. ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ ТУРМУШ АНЪАНАЛАРИДА МИЛЛИЙЛИК ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

## 4.1. Оила ва оилавий маросимларда анъанавийлик ва замонавийлик

Маълумки, инсоннинг турмуш кечиришида оиланинг роли бекиёсдир. У муайян даражада мустақил тарзда ҳамда ижтимоий муҳит таъсири остида ҳаракат қилади. Ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатлари, ютуқ ва камчиликлари оилада ўз аксини топади. Айни пайтда оила янги инсонни вужудга келтириш, болаларни тарбиялаш, шахснинг маънавий ва жисмоний шаклланишини таъминлаш орқали муайян ижтимоий жараёнга фаол таъсир кўрсатади. Оила ва оилавий муносабат, кишилар ҳаёти ва турмуш тарзи таркибий қисмларининг йиллар ўтиши билан трансформацияга учрашини ўрганиш ва уни тадқиқ қилиш ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Оила хаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллари қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди[193].

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, араб оилаларида иқтисодий ўзгаришлар билан бирга оиланинг ижтимоий тузилиши тубдан ўзгарди. Оила аъзолари турли соҳаларда фаолият олиб бора бошлайди. Шўролар даврида араб оиласини ишчи, хизматчи ва ишлаб чиқаришдан ажралган соҳа вакиллари, зиёлилар ташкил қила бошлади.

[193] Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. – Б. 56.

XX аср ўрталари ва иккинчи ярмидаги араб оиласи ҳақида сўз юритиш учун оила аъзоларининг умумий сони, оила бошлиғи ва аъзоларининг жинси, қариндошлик даражалари, қайси уруғга мансублиги, ёши, маълумоти, машғулотини аниқлаш лозим бўлади[194].

Л. Ф. Моногарова, катта ва кичик оилалар ўртасидаги оралиқ оила шакли – бўлинмаган оилага эҳтиёж йўқ, деб ҳисоблайди. У катта ва бўлинмаган оилаларнинг негизи (ўзаги)ни умумий мулк ташкил қилади, шундай экан, уларни ажратмаслик лозим. Катта оилалар асло кичик оилаларни ташкил қилмайди, аксинча, кичик оилалар ўсиб катта оилани вужудга келтиради, – деган фикрни илгари суради[195].

Этнографик маълумотлар катта оиланинг XX асрнинг 30-йиллари бошларига келиб майда оилаларга парчаланганлигини, ўз навбатида кичик оилалар бўлинмаган оилага доим айланиб туришини кўрсатмоқда. Катта оилалар парчаланишининг бир қатор сабаблари бўлиб, уларнинг асосийларидан бири хусусий мулкка эҳтиёж кучайганлиги ва қолаверса, собиқ советлар ҳукуматининг зўрлик билан коллективлаштириш сиёсати ўтказганлигидир. Хусусий мулкка эҳтиёж кучайганлиги боис ўғиллар отадан ажралиб, алоҳида хўжалик туза бошлаганлар. Лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, катта оилалар парчаланиб кетса ҳам унинг аъзолари ўртасида хўжалик алоқалари (биргаликда уй қуриш, деҳқончилик қилиш, ўтов кўтариш, гилам тўқиш, жун қирқиш ва ҳоказолар) давом этган. Турли тўй тантаналари ва мотам маросимларида бир-бирларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби инсонпарварлик удумлари арабларда ҳозиргача амалда давом этиб келмоқда[196].

Ўзбекистон араблари миллий ўзига хос жиҳатларининг, оилавий маросимларининг йўқолишига ички ва ташқи омиллар таъсирини кузатишмиз мумкин. Араб оиласидаги энг муҳим жиҳатлардан бири ўзаро яқин қариндошлик ришталари жуда кат-

[194] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 297.

[195] *Моногарова Л.Ф.* Переобразование в быту и культуре припамирских народностей. – М., 1990. – С.103.

[196] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 298.

та аҳамиятга эгалиги билан белгиланади. Оилада этномаданий жараён йиллар ўтиши билан ўзгариб, янгича бир маданиятнинг шаклланиши кузатилади. Бу каби ҳолат араблар турмуш тарзи ва урф-одати ҳамда анъаналарида учрайди.

Ўзбекистон араблари оилавий маросимларининг ўзига хос хусусиятлари шаклланишида оиланинг ўрни бекиёс бўлиб келган. Чунки оиланинг бирлашувида чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик алоҳида аҳамиятга эга. Араб оилаларининг трансформацияга учраши кейинги йилларда уларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши билан боғлиқ. Араб оилалари муносабатларининг бир неча йиллар ичида шаклу шамойили ва тузилиши ўзгариб, баъзан бунда катта фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин.

Ёш авлодлар ўртасида этник ўзликни англаш ҳисси анчагина камайиб кетмоқда. Кекса, қариялар миллий маданиятни сақлаб қолиш ва уни асраш тўғрисида ўз фикрларини билдиришган. Респондентларга «*Сизнинг оилангизда араб халқининг тарихи ва унинг миллий қадриятлари тўғрисида суҳбат бўлиб турадими?*» деб сўралган саволга қуйидагича жавоблар олинди: «ҳа» 27 фоиз, «кам ҳолларда» 29 фоиз, «йўқ» 36 фоиз, «жавоб беришга қийналаман» (бош тортишган) 8 фоиз. Умуман олганда, араб оилалари миллий қадриятни сақлаб қолишига катта эътибор қаратишган. Миллий қадриятларни қайта тиклаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобловчилар ҳам учрайди.




*Сизнинг оилангизда араб халқининг тарихи ва унинг миллий қадриятлари тўғрисида суҳбат бўлиб турадими?*

Оила демографик, иқтисодий, тарбиявий, маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш вазифалари билан бир қаторда, этномаданий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни авлоддан-авлодга ўтказиб туришдек муҳим вазифани ҳам бажаради. Этномаданий анъаналарни сақлаш, уларни бажариш оиладаги авлодлар тўлиқлигига, улар ўртасидаги ўзаро алоқага кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Оилада авлодлар қанчалик кўп ва улар қанчалик тўлиқ бўлса, бундай оилаларда миллий урф-одатлар, ахлоқ меъёрлари ва турмуш тарзига қатъий риоя қилинади. «Ақл ақлдан қувват олади», деганларидек, оилада ёшларга этномаданий қадриятлар, урф-одатларни сингдириб бориш этник ўз-ўзини англашни унутмасликнинг муҳим омили ҳисобланади. XX асрдаги ўзига хос ўзгаришлар оилавий маданиятлар трансформацион ўзгаришлари даври деб айтилиши бежиз эмас.

Этнографик маълумотларга кўра, XX асрнинг 50–90-йилларида оилавий маросимларда диний шароит бирламчи ҳисобланади.

Ўзбекистонда яшовчи арабларга XX асрда юз берган ижтимоий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар ҳамда минтақадаги ўзбек, тожик, қирғиз халқлари билан боғлиқ этномаданий муносабатлар бевосита ўз таъсирини кўрсатди ва бу бугунги араб оиласининг шакли, ижтимоий таркиби, оилавий маросимларида жиддий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди[197]. Айниқса, XX асрнинг 80-йилларида оилавий муносабатларда жуда катта ўзгаришни кўриш мумкин. Атрофдаги бошқа халқлар эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, тадқиқот даврида XXI асрдаги техника ва технологиянинг таъсири оила ва унинг ўзига хос анъанавий маросимларининг ўзгаришига олиб келди. Айниқса, араб оилалари турмуш тарзи оиланинг ижтимоий муҳитини ўзгартирди. Бу эса оиланинг маълум маънода фаоллашишига сабаб бўлди. Арабларнинг оилавий маросимларида ўзбеклашиш жараёни кейинги йилларда жуда ҳам тез суръатлар билан давом этиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, оилавий маросимларнинг трансформацияга учраши ва

---

[197] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 299.

халқнинг турмушидаги янгича якка оилаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Глобаллашув жараёнида қадимий анъанавий маросимлар йиллар ўтиши билан трансформацияга учради.

Араб оиласининг шаклланиши кўп асрларга бориб тақалиб, унинг ўзига хос локал хусусияти йиллар ўтиши билан маълум маънода ўзгарди. Араб оилалари қадимий менталитет ва тарихий-анъанавий қадриятлар асосида шаклланди. Ўзбекистон мустақилликка эришишидан аввалги йилларда араб оилаларининг миллийлиги ва динийлигини тадқиқ этиш материаллари асосида ислом таълимоти таъсири бўшашганлигини кузатиш мумкин. Кейинги йилларда эса араб оилавий муносабатларига аста-секин замонавий миллий хусусиятларнинг сингиб кетиши оиланинг трансформацияга учрашида кузатилади. Дунёдаги сиёсий ўзгаришлар миллий хусусиятларнинг ўзгариши, миллийлик, динийлик хусусиятларининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Хулоса шуки, Ўзбекистон арабларининг турмуш тарзи ва урф-одатларида ўзига хос баъзи бир анъанавий оилавий маросимлар сакланиб қолган. Жумладан, бу каттага ҳурмат, кичик ва иззат, оиланинг боши эркак киши бўлиши, шунингдек, тўй каби маросимларда ўз ифодасини топган. Бу жараён маҳаллий халқ (ўзбек ва тожик) азалий қадриятлари билан ҳамоҳанг тарзда шаклланган. Арабларда оила муқаддас тушунча бўлиб, маълум бир тарихий даврдан шаклланиб келмоқда. Оилавий маросимларда анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлашиб бормоқда, бу эса, ўз навбатида, этник ўзликни англашга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Араблар маҳаллий халқ таркибига сингиб кетган бўлса-да, уларнинг баъзи бир миллий урф-одат, маросимлари маълум даражада сақланиб қолган.

Ўзбекистонда яшаб келаётган араблар билан ўзбек оиласидаги ўзаро муносабатлар асрлар давомида шаклланиб келган ва улар оилада ўзаро хурмат, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, аҳиллик муҳитини яратиш ва сақлаб туриш, қариндош-уруғлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Жамиятда миллий ўзига хосликни сақлашда оила ҳал қилувчи ўрин тутади, деган хулосага келдик.

## 4.2. Бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимлар

XX асрни дунё халқлари тарихида ўзига хос сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгариш даври деб аташ ўринлидир. Чунки дунё халқлари моддий ва маънавий маданиятига янгича анъаналарнинг кириб келиши бола тарбиясида кузатилади. Маълумки, ҳар бир халқ бир-биридан ажралиб турувчи муҳим этнографик белгиси билан фарқланади. Айнан бу каби фарқланувчи белгилардан бири бола туғилиши ва тарбияси билан боглиқ жараён ҳисобланади. Бу маросим моддий ва маънавий талаб, эҳтиёж орқали юзага келган ижтимоий ҳодисалар йиғиндиси, бошқача тарзда айтадиган бўлсак, маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган ҳаётий тадбирдир.

Маълумки, урф-одат ва маросимлар оилавий-маиший ва мавсумий маросимларга бўлинади. Барча маросимлар оила даврасида ўтказилади. Урф-одат бир вақтнинг ўзида бир шахс ва кўпчилик томонидан бажарилиши мажбурий қоидага айланганлиги билан тавсифланади. Урф-одат тушунчаси кенг бўлиб, ўз ичига халқ ҳаётининг оддий кундалик удуми, расм-русуми, ирим-сиримларини қамраб олади[198]. Умуман, этник идентификацияда маурф-одат, маросимлар асосий ўрин тутади. Шунга қарамай, маросимлар тез ўзгарувчан, инновацияни тез қабул қилувчи жиҳат ҳисобланади. Айнан арабларга хос этник хусусият фарзанд туғилиши билан боғлиқ одатларда, диний характердаги ва мотам-таъзия маросимида кўзга яққол ташланади.

Исломий анъаналарга хос хусусиятлардан бири янги тугилган боланинг ўнг қулоғига 11 марта азон, чап қулоғига 12 марта такбирни айтиб, ундан кейин чақалоққа исм қўйиш одатидир. Чунки азон эшитган бола мусулмон фарзанд бўлиб, вояга этади.

Бешик тўйи маросими боланинг 6 ой ёки 1 ёшга тўлгунича ўтказилади. Бешик билан барча бешик анжоми ва совғалар олиб келинади. Нозу неъмат, қўй-қўчқорлар ва сарполар қилинади. Кўп ерларда бешикни бобоси олиб келиб куёвнинг ўнг елкасига қўяди. Айтимлар айтиб боланинг соғлигига тиловат қилишади.

[198] *Ashirov A.* Etnologiya (o'quv qo'llanma). – T.: Yangi nashr. 2014. – Б. 224.

Респондентларга «*Арабларда бола туғилиши билан боғлиқ маросимларда қандай ўзгаришлар юз берди*?» деб берилган саволга уларнинг 12 фоизи «янгича анъаналар кириб келди», 20 фоизи «ўзгаришлар юз бермади», 68 фоизи «миллий анъаналаримиз ўзбекча анъаналар билан уйғунлашди» деб жавоб бердилар.

Юқоридаги таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистондаги арабларнинг катта қисми ўзбеклашиб, бола туғилиши ва тарбиясидаги анъанавий маросимларда унчалик катта фарқ кузатилмайди. Бу арабларнинг маҳаллий халқлар билан уйғунлашиб кетганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда яшаб келаётган араблар чилла маросимини бир неча асрлардан бери анъанавий маросим сифатида ўтказиб келишган. Чилла маросимида чақалок туғилган уйга маълум вақт бегоналар киритилмайди. Шунингдек, жўги (лўли) кириб келса, шу уйдан уларга ҳеч нарса берилмайди. Агар лўлига нимадир бериладиган бўлса, болага чилла тушади, деб ҳисоблашади. Аммо айрим арабларда яна бир одат бор, у ҳам бўлса, бола дунёга келгандан сўнг фарзанд кўрмаған аёлнинг олдига йўргаклаб беришган. Бу билан фарзанд кўрмаган аёл келажакда фарзанд кўришини тилашган[199]. Бироқ, айрим халқ ва ҳудудларда, аксинча, фарзанд кўрмаган аёлларнинг чақалоқ бор жойга кириши унинг чилласи чиққунча ман қилинган.

Ўзбекистон арабларининг аксариятида яна бир одат бор: чақалоқ туғилган уйда 3–4 кунгача мол сўйилмайди. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, хом гўшт оилага олиб кирилса, мол сўйилса, чақалоққа чилла тушади. Бу маросим баъзи оилаларда ҳозирги кунгача сақланиб қолган[200].

Оила турмушига дахлдор бирорта тадбир ёки маросим аёллар жамоасининг бошлиғисиз (кайвонисиз) ўтмаган. У аёл доимо тўп оқсоқоли билан маслаҳатлашиб иш тутган. Бола ҳаётидаги барча маросимлар: чилла, бешик тўйи, ақиқа, оёқ тўйи ва бошқа тад-

---

[199] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

[200] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Работ кишлоғи. – 2011 йил.

бирларни у аёлларнинг рўзғор юмушларидан бўш вақтига қараб, оқсоқол билан ўзаро келишиб белгиланган. Агар маълум сабабга кўра, уруғ ёки жамоа кайвониси тадбирда иштирок эта олмаса, жамоани қушноч, доя аёллар, биби халфа, хўжаларда отинойи ёки бувотин бошқарган. Баъзи қишлоқларда аёлларнинг каттароқ йиғинларида кайвони ва дастурхончи аёлларга ёш қизлар орасидан ёрдамчилар ҳам тайинланган[201]. Чақалоқнинг киндиги тушгандан сўнг бешикка боғлайдилар. Бунинг учун бир-иккита момоларни иштирок этишга чақириб, бешикнинг ичига ризқи бутун бўлсин, деб кулча қўйилади. Инсу жинслар озор бермасин, деб пичоқ, исириқ қўйилади[202]. Ўзбекистон арабларининг бола билан боғлиқ маросимларига «бешик тўйи», «суннат тўйи», «мучал тўйи» каби ўзига хос маросимлар киради.

Ўзбекистон арабларининг бола туғилиши ва тарбиясига қаратилган маросимларидан яна бири биби мушкул ошидир. Биби мушкул маросимининг бошқа маросимлардан фарқли жиҳати шундан иборатки, маросим иштирокчиларига иккита нон, икки ҳовуч майиз ва ширинликлар улашилади[203]. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, бу каби маросимларнинг ўтказилишидан асосий мақсад болани зиён-заҳматсиз улғайтиришдир. Биби мушкул маросим ўзбек, тожик ва бошқа халқлар турмуш тарзида ўз аксини топган.

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Арабхона қишлоғи арабларида бола туғилса, қариндош аёллар тўпланиб чақалоққа исм қўядиган одат бор. Ушбу араб қавмида исм қўйиш аёллар иши, унга эркаклар аралашмайди. Бу уларда этник ўзига хосликни сақлаб қолиш омили бўлса керак, шу сабабдан ҳам этномаданий идентиклик анъаналари сақланиб қолган. Арабон маҳалла гуруҳлари бошида араб оқсоқоллари туради. Улар маҳалладаги тўй, суннат тўйи ва таъзия маросимларини ўтказиш, сарф-харажатларни белгилаш, тарбия масалалари билан шуғулланади[204].

---

[201] *Бўриев О., Турсунов П.* Ўзбек маҳалласи. – Т.: Тафаккур, 2016. – Б. 89.

[202] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Работ қишлоғи. – 2011 йил.

[203] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

[204] *Ражабов Р.* Ўзбекистон араблари // Мозийдан садо. – Т., 2004. – № 2 (22). – Б. 39.

Тадқиқотларимиз натижасида арабларнинг этномаданий ўзликни англаши ва ўзига хос айрим жиҳатларни кузатиш мумкин.

Суннат тўйи – бу маросим ислом кириб келгандан сўнг Ўрта Осиё ҳудудида ҳам кенг тарқалди. Аслида бу маросим қадимда яҳудийларда кенг тарқалган. Суннат маросими исломий мамлакатларнинг асосий маросимларидан биридир. Суннат тўйи ўғил болаларга, соч тўйи, асосан, қиз болаларга қилинган. Соч тўйида қиз болаларнинг сочига қайчи урилиб, сочининг 3–4 бўлаги қайчи билан кесилади. Суннат тўйини ўтказишдан мақсад ислом дини пайғамбари Муҳаммад с.а.в. суннатини бажаришдир.

Уларга тоқ ёшда суннат тўйи қилинган. Баъзи ахборотчиларнинг таъкидлашича, суннат қилишда тоқ ёшда қилиш деган шарт йўқ. Бироқ, айрим ахборотчилар бола 9 ёшга киргунича шу маросимни ўтказиш шарт деб таъкидлайди[205].

Кўрпа-тўшак, кийим бичиш маросимлари ҳам анъанавий ўтказилади. Бу маросимлар кекса онахонлар иштирокида ўтади. Кейин хатми Қуръон қилиниб, тўй болага қариндошлар ўртасида кийим кийдирилади, устига пуллар, ширинликлар сочилади.

Жейнов қишлоғида суннат қилинган бола бошига – ёстиқ тагига «игиринлик» қўйилган. Эшикка бирор нишона – гулли, оқ ёки яшил баргли рўмолча илиб қўйилган. Бу араблар тасаввурида суннатли бола билан тулпор тил топишади, бир-бирига мадад беради[206] деган маънони англатган.

Арабларда суннат тўйи маросимини ўтказишда ўзига хос хусусиятлардан бири фарзанд ўғил бўлса, кейинги ўғил фарзанд дунёга келгунига қадар кутиб турилган. Суннат тўйи маросимининг ўзига хос яна бир жиҳати – уста томонидан боланинг суннат қилинишига унинг вояга етганлигини билдирувчи омил деб қарашган. Аслини олганда, суннат маросимини ўтказишнинг моҳияти шундан иборатки, янги туғилган болани ҳалол қилиб олиш ҳисобланади. Бунда ўзбекларга ўхшаш бир ҳолатни кўриш мумкин. Яъни болани суннат қилган устага оила аъзолари совға-саломлар беришади: пул, нон, гўшт ва бошқа нарсалар.

[205] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Пўлати қишлоғи. – 2011 йил.
[206] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 304.

Айрим ҳудудларда суннат (чукран) килиб олинган аъзосидан кесиб олинган тери отиб юборилган ёки дарё сувига ташланган. Бу бола келажакда яхши инсон, сердавлат, оиласи баракали бўлсин, деган мақсадда қилинган[207]. Суннат чукрани мевали дарахт тагига кўмиб ёки чўпга илиб қўйилади. Жуда кўп жойларда 4 кундан сўнг мевали дарахтнинг остига, яъни узум, хурмо каби мевали дарахтнинг тагига кўмишади. Бу бола яхши бўлсин, серфарзанд бўлиши унга мусулмончилик қутлуқ бўлсин, деган маънода қилинади. Суннат қиладиган пайтда уста бир сўзга, яъни «хуйида-хуйида»[208] сўзига урғу беради. Сўнг боланинг оғзига битта нон тишлатилади. Бунинг сабаби бола чупрон қилинаётганлигини кўрмаслиги лозим деб ҳисоблашган.

Янгича анъанавий маросимлардан яна бири бу – туғилган кун оила даврасида дастурхон безатилиб, овқат қилиниб, байрам сифатида нишонланади. Туғилган кун маросимини 1960–1970 йиллардан бошлаб ўтказиш анъанага айланди[209].

Ўзбекистон араблари ҳам бола тарбиясига катта эътибор қаратишган. Араб ёшлари бошқа халқ ёшлари сингари ижтимоий соҳада таълим-тарбия муассасалари ва меҳнат жамоаларида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистондаги арабларнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ва мавқеи бугунги кунда қайси даражада эканлигини аниқлаш мақсадида этносоциологик сўров ўтказилди. Сўров Қашқадарё вилояти Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлоғи ва Самарқанд вилояти Пастдарғом туманига қарашли Арабхона кишлоғида олиб борилди. Тадкикотлар жараёнида респондентларга «*Сизнингча, фарзанд тарбияси оиланинг моддий ва ижтимоий аҳволига боғлиқми?*» деб савол берилди. Уларнинг фикрича, фарзанд тарбиясига оиланинг моддий аҳволи таъсир этиши мумкин. Бироқ, фарзандни тарбия қилиш моддий аҳвол-

[207] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Арабхона маҳалласи. – 2011 йил.

[208] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нурдиддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

[209] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов кишлоғи. – 2011 йил.

га боғлиқ эмас, деб ҳисобловчилар ҳам бор. Демак, уларнинг 16 фоизи «йўқ» ва 77 фоизи бола тарбиясида моддий аҳвол бирламчи деб ҳисоблайди, 7 фоизи эса аниқ фикрга эга эмас.

Респондентлардан «*Агар сизнинг фарзандларингиз арабча урф-одатларга амал қилмаса, бунга қандай қарайсиз?*» деб берилган саволга респондентларимизнинг 20 фоизи «ижобий», 28 фоизи «салбий», 22 фоизи «бефарқман», 30 фоизи «жавоб беришга қийналаман», деб жавоб беришди. Ўзбекистон арабларининг маълум маънода ўз миллий урф-одат ва анъанавий маросимларга катта эътибор қаратиши ҳам бежиз эмасдир. Ўзбекистонда олиб борилган дала тадқикотлари натижасида араблар томонидан тавсифий характерда бўлса-да, кўпгина маълумотлар ёзиб олинди.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида маълум бир ёшдаги ўғил болаларни маҳалла ва уруглар жамланиб суннат қилишган. Дала тадқиқотларимиз даврида аниқланишича, араб қизлари улғайгандан сўнг шу ерда махсус вакил унинг кўйлагини йиртиб ва шундан сўнг бегона кўздан асранмоғи лозим бўлган.

Юқоридаги таҳлиллар арабларнинг бугунги кундаги ва ўтмиш тарихига доир манбаларда уларнинг этник ўзликни англаш ва маълум маънодаги урф-одатлари сақланиб қолганлигидан далолат беради.

## 4.3. Никоҳ тўйи маросимлари: аиъанавийлик ва замонавийлик

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб сиёсат, иқтисодиёт ва маънавиятга катта эътибор қаратилди. Жумладан, этнография соҳасини ўрганишга кенг кўламли йўл очиб берилди. Яъни ҳар бир халқнинг турмуш тарзи ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этила бошлади. Совет тузуми даврида мафкуравий тазйиқ остида кўплаб халқларнинг миллий қадрияти, оилавий анъана, урф-одатлари, бой маданий мероси оёқости қилинди. Жумладан, анъанавий тўй маросимларига қарши

мафкуравий тазйиқлар ўтказилди. Бироқ, диний ва мафкуравий жиҳатдан ўша давр зиёлилари тазйиқларга қарамасдан ўзига хос халқ анъаналарини унутмаслик ва уни келажак авлодга етказишга уринищди.

Халкларнинг этник ўзлигини англаб, миллий қадриятларини чуқуррок ҳис қила бошлаганлиги кишиларнинг машғулотларида, урф-одатлари ва қарашларида акс этган. Уларнинг тарихий ўтмишнинг янги саҳифаларини очишга имкон берадиган анъанавий турмуш тарзи маданиятини ўрганиш долзарб масалалардан биридир[210]. Республикамиз истиқлолга эришгандан сўнг, миллий қадрият ва анъаналарга қайта ҳаёт бағишлаш тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Маълумки, совет тузуми даврида тўй маросимининг мазмуни шакл-шамойили анча ўзгарган эди. Тўғри, илгариги замонларда ўзбекнинг тўйида қозоқнинг полвони, қирғизнинг ўланчиси, тожикнинг устаси, туркманнинг чавандози, албатта, иззатли меҳмон сифатида фаол иштирок этган. Янги тузумга келиб, бу қирралар йўқолади. «Қизилтўй», «вечер»ларнинг кириб келиши анъанага айланиб улгурди[211].

Тарихдан яхши маълумки, Россия империяси босқини ва мустабид совет тузуми даврида оиланинг миллий заминларига қаттик зарба берилди. Коммунистик мафкура томонидан маънавий ҳаётимизга миллий хусусиятларга зид бўлган «қизил тўй», «комсомол тўйи», «байналмилал никоҳ» каби «социалистик» маросим ва урф-одатлар мажбуран, сунъий равишда тиқиштирилди, муқаддас, сермаъно миллий анъана ва маросимларимиз «ўтмиш сарқити», «диний хурофот», «бидъат» деб қораланди, никоҳ ўқитиш эса тақиқланди. Натижада, оила ва никоҳга оид азалий анъана ва урф-одатларимиз ўзининг гўзал қирраларини йўқотди[212]. Бироқ барибир шаърий никоҳлар яширинча ўқитиб келинди.

---

[210] *Бромлей Ю. В.* Современые проблемы этнографии. – М.: Наука, 1982. – С. 125.

[211] *Сатторов М.* Ўзбек удумлари. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 112–113.

[212] *Тошева Г. С.* XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари // Тарих фанлари номзоди. дисс... – Т., 2002. – Б. 4.

Янгича тўй, «комсомол тўй»лар 70–80-йиллардаги кенг миқёсда кириб келиши. Янги анъаналарни ўзида мужассамлаштирган ҳолда диний урф-одатлар кераксиз ирим-сиримлардан холи равишда ўтказилган[213]. Бу каби маросимларнинг ўтказилиши араб халқ турмуш тарзи ва маданиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Миллий урф-одатлар, айниқса, тўй маросимларида яққол акс этади. Жейнов қишлоғида балоғат ёшига етган йигитни уйлантириш учун совчилар муносиб қиз топишга тушади. Совчилар топган қиз куёвга маъқул келса, илк ризолик нишонаси сифатида «ўғри патир» ва «оқлик» юборилади. Қиз томондан бир неча бор тўйига розилик олингач, «белги қилинди» деб аталувчи кичик маросим ўтказилади.

Фотиҳа тўйидан кейин қиз томон «қатлама қайтарди» маросимини ўтказади. Унда қайнотага жойнамоз ва сочиқ совга қилиниши шарт ҳисобланади. Тўй арафасида «Тўққиз юбориш» русуми ўтказилади. «Тўққиз юбориш»дан кейин келин куёв томонга тегишли ҳисобланади. «Тўққиз юбориш»га қадар бирор-бир сабаб билан томонлардан бири аҳдидан қайтса, у кечиримли саналади. Аммо «Тўққиз юбориш»дан кейин аҳддан қайтув ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар «Тўққиз юбориш»дан сўнг, дейлик, қиз тарафда бахтсизлик содир бўлса ҳам, қиз томон куёв томоннинг хоҳишига қарши боролмайди, яъни тўйни белгиланган муддатдан кечиктирмайди[214]. Бу ҳам арабларнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Чунончи, бу борада Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида яшовчи арабларнинг тўй маросимлари ўзига хос бўлиб, Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида биринчи марта тўй маросимлари 1975 йил 1 апрелда Қудрат домла уйида бўлиб ўтган. У ўз тўйида келин ва куёв, эркак ва аёллар учун алоҳида стол-стуллар қўйиб жой қилган[215]. Қўшни Сурхондарё вилоятида эса бирмунча аввалроқ, аниқроғи, Денов

[213] *Миралимов. Ш.* Янги анъаналар, янги одатлар. – Т.: Ёш гвардия, 1975. – Б. 26.

[214] *Ражабов Р.* Ўзбекистон араблари // Мозийдан садо. – Т., 2004. – № 2 (22). – Б. 39.

[215] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

туманида биринчи марта янгича замонавий тўй маросими 1956 йилда ёз ойида бўлиб ўтган[216]. Кейинчалик, 1969 йилда ака-ука Қўчар ва Тоғай полвонлар ҳам янгича тўй маросимини ўтказишган. Денов туманидаги Бағдод маҳалласида 1979 йили «қизил тўй», «комсомол тўйи»[217], Работ қишлоғида 1971 йил стол-стулли тўй маросими ўтказилган[218].




*XX асрнинг 60-йилларида тўй маросимларида ўзгариш юз бердими?*

Ўзбек ва араблар ўртасида аралаш никоҳлар аста-секин кўпайиб борди. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб эса аралаш никоҳлар одатий ҳолга айланиб қолди. Умуман, этник жараёнларда аралаш никоҳларнинг роли катта, зеро, ўзга этносга қавм элементларини олиб киришда фақат никоҳгина энг қулай йўллардан ҳисобланади[219]. Жумладан, Бромлей фикрига кўра, этномаданий ўзликни англашда аралаш никоҳ миллатлараро алоқаларни келтириб чиқаради. Тадқиқотларимизда Жейнов ва Арабхона қишлоғидаги аҳолининг 46 фоизи ўзларининг араб миллати вакили билан турмуш қурганларини таъкидлади. «*Сизнинг ота-онангиз қайси*

[216] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Юрчи қишлоғи. – 2011 йил.

[217] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани. Боғдод маҳалласи. – 2011 йил.

[218] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Работ қишлоғи. – 2011 йил.

[219] *Бромлей Ю. В.* Этнос и эндогамия // СЭ. – 1969. – № 6. – С. 87.

*миллатга мансуб?*» деган саволга, қуйидагича жавоб беришди, респондентларни 46 фоизи «ҳар иккаласи ҳам араб миллатига мансуб» деб таъкидлашди. «Отам ўзбек, онам бошқа миллат вакили» деб жавоб берганлар 49 фоизни ташкил этади. Уларнинг 5 фоизи «онам араб, отам бошқа миллат вакили» деб таъкидлашган.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, йиллар ўтиши натижасида Ўзбекистон арабларининг ўзига хос этномаданий ўзлиги турли ўзгаришларга учраган. Олимларнинг фикрича, мазкур ҳодиса организмнинг ички муҳити, генетик дастури билан боғлиқдир. Турли миллатга мансуб кишиларнинг никоҳ қуриб, аралашиб кетиши наслнинг бақувват ва кўркам бўлишини таъминлайди. Респондентлар «*Миллатлараро никоҳга қандай қарайсиз?*» деганда арабларнинг асосий қисми миллатлараро никоҳни қўллаб-қувватлашларини таъкидлашди. Аммо улар орасида наслни тоза сақлаш ва келажакда араб миллати номини асраб қолиш лозим деб ҳисобловчи респондентларни ҳам кузатиш мумкин. Бироқ, йиллар ўтиши натижасида араблар этномаданий идентикликка учради. Айрим араблар ўзига хос моддий ва маънавий маданият, урф-одат ва анъанавий маросимларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратишларини таъкидлашди. Ахборотчиларнинг 48 фоизи сўровномада миллатлараро никоҳни «қўллайман», 17 фоизи «қўлламайман», 35 фоизи «бетарафман» деб белгилашган. Ўзбекистон арабларининг асосий қисми турли миллат вакилидан бўлса-да, ҳозирги кунда уйланиш ва турмушга чиқиш ўринли эканлигини эътироф этишади. Яъни ҳеч ким динига ёки миллатига кўра ажратилмаган.




*Миллатлараро никоҳга қандай қарайсиз?*

Юқорида номи қайд этилган туманларда араб ва рус миллатига мансуб эр-хотинлик ҳам мавжуд. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, «*Сизнинг қайлиғингиз қайси миллат вакили*?» деган саволга 2 фоизи респондент рус миллати вакилига уйланганлигини, «ўзбек» миллати вакилларининг 54 фоизи, арабларнинг 14 фоизи тожик миллати вакиллари билан турмуш қуришганлигини, 30 фоизи араб миллати вакиллари билан турмуш курганлигини таъкидлашди.

Ўтказилган сўровномалар натижасида қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Арабларнинг катта қисми бугунги кунда ўзбек, тожик, туркман, рус ва бошқа миллат вакиллари билан оила қуришади.

«*Араб бўлмаган бошқа миллат вакили билан турмуш қуришингиз мумкинми*?» деб берилган саволга 50 ёшдан катта бўлган араб вакиллари араб бўлмаган миллат вакиллари билан турмуш қурмасликни таъкидлашди. Айримларнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда ўзбек, тожик, араб миллати вакиллари бир-бирлари билан оила қуришлари мумкин. Уларнинг фикрича, ислом динини қабул килган ҳар қандай миллат вакили билан турмуш қуриш мумкин. Исломий урф-одат маросимларини ўтказиб, оила қуришда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий омиллар муҳим ҳисобланади.




*Араб бўлмаган бошқа миллат вакили билан турмуш қуришингиз мумкинми?*

Этносоциологик тадкикотларда «*Сиз қизингиз ёки ўғлингизнинг араб бўлмаган миллат вакили билан турмуш қуришини ёқлайсизми*?» деб берилган саволга респондентларимиз томони-

дан турли хил фикр-мулоҳазалар айтилди. Жумладан, уларнинг фикрига кўра, этник ўзликни англаш учун биринчи навбатда ўз яқин уруғ-аймоқлари билан қуда-андачиликни сақлаб қолиш муҳим бўлса-да, ҳозирги кунда респондентларнинг асосий қисми барча миллат вакили билан турмуш қуришлари мумкин. Респондентларнинг 61 фоизи «ҳа», 26 фоизи «йўқ», 13 фоизи «жавоб беришга қийналаман» деган жавобни белгилашган. Бироқ XX асрнинг 90-йилларидан сўнг ўзига хос бир одат, яъни ўзбек, тожик, араб, туркман ва бошқа миллат вакиллари билан турмуш қуриш анъаналари кенг тарқалган. Аммо кўпчилик араб миллатидан эмас, аксинча, бошқа миллат вакилидан келин олишган ёки уйлантиришганлигини эътироф этишади.




*Сиз қизингиз ёки ўғлингизнинг араб бўлмаган миллат вакили билан турмуш қуришини ёқлайсизми?*

Ўзбек-араб халқлари ўртасида аралаш никоҳларининг кўпайиб боришини респондентлар этник гуруҳларнинг яқинлашуви этномаданиятга ўз таъсирини кўрсатганлиги билан изоҳлашади.

Бугунги кунга келиб ўзбек ва араб оилалари ўзора яқин ҳисобланиб, уларда унчалик, ҳам фарқ кузатилмайди. Шу билан бирга қариндошлар ўртасида қуда-андачилик кенгроқ тарқалган. Ўзбекистон арабларининг миграцияси жараёнида маҳаллий аҳоли билан юз берган интеграцияси маънавий маданиятда ҳам ўз аксини топган. Бу яқинлашувни уларнинг маиший турмуши ва оила-никоҳ муносабатларининг баъзи томонларида кўриш мумкин. Аралаш никоҳларнинг кўпайиши ўзаро маданиятлар қоришувига сабаб бўлган. Дала тадқиқотларимиз даврида ўзбек, тожик, туркманлар мисолида бунинг гувоҳи бўлдик. Бундан ташқари, моддий маданиятдаги ўзаро алмашинув жадал тус олган.

Тадқиқотларимизда «*Сизнинг никоҳингиз аралашми?*» деган саволга улар қуйидагича жавоб беришди. Араблар XX асрнинг 80-йилларига қадар араб бўлмаган миллат вакилидан қиз олиб қиз беришмаган. Чунки ўз миллий генезисини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилган. Сўровнома таҳлил натижалари ҳам шу каби хулосага келишимизга асосий сабаб бўлди. Этносоциологик тадкикотларимиз натижасида 25 фоиз респондент никоҳларининг аралаш эканлигини, 75 фоизи эса фақатгина араб миллати вакиллари билан турмуш куришганлигини маълум қилишди. Юқоридаги хулосага келишимизнинг асосий сабаби ёши улуғ респондентлар томонидан берилган жавоблар хисобланади.




*Сизнинг никоҳингиз аралашми?*

Оилавий маросимда тўй алоҳида ажралиб туради. Тўй инсон ҳаётининг турли даврлари билан бевосита боғлиқ тарзида уюштирилади. Араблар ўртасида кенг тарқалган қуйидаги маросим турлари мавжуд: фарзанд туғилиш тўйи, бешик тўйи, соч тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, ҳовли тўйи, муйлов тўйи ва бошқалар. Масалан, 1970 йиллардан бошлаб, янгича комсомол тўйлари, қизил тўйлар ўтказилиши ва янгича замонавий анъаналар кенг тарқалди.

XX асрнинг биринчи чорагида келин томондан куёвга бошоёқ сарпо (яктак, тўн, иштон, кўйлак, қалпоқ, салла, қўл рўмолча, белқарс) келтирилган бўлса-да, 70-йиллардан бошлаб костюм-шим, туфли, кўйлак, дўппи берилган. 90-йиллардан эса куёвга зар чопон, салла, туфли, кўйлак сарпо сифатида тортиқ қилинган. Давр ўтиши билан кишиларнинг моддий аҳволи ях-

шиланган сари куёвга юбориладиган сарполар сифати ва мазмуни ҳам замонавийлашиб борган. Куёвга сарпони бир никоҳли, серфарзанд, ували-жували эркак киши (тоғаси ёки амакиси) «бахтли бўлсин, қўша қарисин», деб кийдирган. Куёв устидан илгарилари ширинлик, кейинги йилларда қогоз пул ёки танга (сочалоқ) сочилган[220].

Замонавий араб никоҳ тўйларида, асосан, «нон синдириш» маросими шунчаки рамзий тарзда ўтказиладиган анъана бўлибгина қолмай, балки қудаларнинг тўй режасини тузиб олишлари учун зарур бўлган мулоқот-тадбир вазифасини ҳам бажарувчи жараён ҳисобланади. Келин-куёвнинг ФҲДЁ рўйхатидан тантанали ўтиш лари янги анъаналардан бири ҳисобланиб, янги оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунлаштириш вазифасини бажаради. Тўй маросими (бахт кечаси) янги оила қурилганлигини ота-она, дўст-ёрлар ва қавму қариндошлар билан бирга тантанали нишонлаш учун хизмат қилади.

Кейинги даврларда никоҳ тўйи маросимлари ва ундан кейинги оилавий-маиший муносабатлар ҳамда араб халқининг турмушида жиддий ўзгаришлар рўй берган. Шунингдек, арабларнинг маиший ҳаёти, турмуш тарзи ва ижтимоий онги давр талабига жавоб берадиган даражада замонавийлашиб бормоқда. Эркаклар билан хотин-қизларнинг иқтисодий, ҳуқуқий тенглигини ўрнатиш, шунингдек, аёлларни камситувчи қалин тўлаш, зўрлаб эрга бериш, кўп хотинлилик, ёш қизларни барвақт турмушга чиқариш каби эскилик тартиб ва удумларини ман этадиган қонунларнинг мавжудлиги, янги Конституция асосида оилавий-маиший муносабатлар ҳамда демократик тартибларни ўрнатиш замонавий турмуш тарзига хос эркин ўзбек оиласининг шаклланишига ижтимоий-сиёсий замин яратиб бермоқда[221].

Аслида, қалин тўлаш одати ўзбек ва тожик халқларидагина эмас, қатор халқлар урф-одатларида ҳам кўзга ташланади.

---

[220] *Раҳмонов Ф.* Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари) // Тарих фанлари номзоди. дисс... – Т., 2001. – Б. 66–67.

[221] *Жабборов И.* Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994.

Жумладан, Саудия Арабистони ва Қувайтда келин учун катта миқдорда қалин тўланади. Қувайтда қалин билан боғлиқ одат расман қувватланади, агар келин қувайтлик бўлса, қалин пулининг ярми (ўн минг динор) давлат томонидан берилади. Саудия Арабистонида ҳам давлат қалиннинг маълум қисмини ўз фуқароларига тўлайди. Кўринадики, юқоридаги давлатларда тўй билан боғлиқ маросимда қалин бериш одатга айланган. Ўзбекистон арабларида ҳам қалин бериш ва олиш анъаналари қадимий тарихга эга.

Қалин тўлови арабларда фақат пул орқали амалга оширилмай, баъзан чорва моллари бериш орқали ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида жойлашган Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлоғида 1980 йилдан бери қизлар давраси маросими ўтказилиб келинмоқда. Қизлар давраси маросими бошқа халқларникидан фарқли эканлигини кўриш мумкин. Яъни қизлар даврасида бўлажак келинга қўни-қўшни ва яқинлари томонидан совға-саломлар олиб келинади. Айниқса, совғаларнинг ичида қайнонаси томонидан тақдим этилган тилла узук муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади[222]. Ўз ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, маҳаллий ахборотчиларнинг фикрича, қизлар давраси маросимини ўтказиш баъзи оилаларнинг муносабатлари бузилишига ҳам олиб келган. Жейнов арабларининг аксарият қисми бугунги кунда қизлар давраси маросимини ортиқча маросим деб эътироф этадилар.

Жейновда келиннинг тўй маросимига, яъни қизлар даврасига куёв ҳам келиб ўтиради. Қизлар давраси маросимида давранинг атрофи араб ҳунармандчилигининг ўзига хос гиламлари билан айлантириб безатилиши ёки замонавий пардалар билан айлантириб ўралади.

Ўзбекистондаги арабларнинг анъанавий маросимларида ФҲДЁ, янгича уй-жой ва янгича анъаналар кенг тарқалган. Бунинг сабаби глобаллашув жараёнидаги жадаллашувдир. Кейинги пайтлардаги илмий ва махсус адабиётларда «анъанавий байрамлар», «янги анъаналар» каби тушунчалар кўпроқ ишлатила

[222] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

бошланади. Ўзбекистон арабларининг никоҳ тўй маросимида келин олиб келишга куёв ва унинг ўртоқлари боришганда бир урф-одатга катта аҳамият бериб келинган, яъни куёвга тухум бериб юбориш анъанаси қадимдан сақланиб қолинган. Бу одатни эркакнинг бели бақувват бўлиши билан боғлашади.

Тухум билан боғлиқ магик ҳаракатлар бошқа ниятда ҳам амалга оширилган. Масалан, араб халқларида никоҳ тўйи куни келин-куёвни кутиб олиш учун пешвоз чиқилган пайтда остонада тухум ёрилган. Бу билан улар келин-куёв бахтини ёвуз руҳлардан сақламоқчи бўлишган[223]. Ўзбекистондаги араблар ҳам никоҳ тўй маросимларида куёв қиз уйига келганида келин қариндошлари томонидан тухум берилади. Бунинг асосий сабаби куёвнинг бели бақувват бўлсин, деб ният қилинган.

Никоҳ тўйи – икки ёшни бирлаштирувчи тўйдир. Бундан олдин тўйгача бўлган совчилик, уй кўрар, қиз кўрар, фотиҳа тўйи, бозорлик, ҳайитлик, байрамлик, қиз оши, хина ёқар маросимлари ўтказилган. Келинни олиб кириш билан бирга келинни аравадан тушириш, келинсалом, белбоғ ечиш, куёв кўрди (куёв саломи), бет очиш маросимлари ҳам бўлган.

Маросимлардаги фарқли жиҳатлардан бири бу никоҳ ўқилишидаги ўзгачалик, ўзига хослик ҳисобланади. Никоҳланиш деярли бир хил амалга оширилса-да, «никоҳ суви» деб ичириладиган махсус сув турли жойларда турлича тайёрланади. Андижонликларда косада ширин сув, ширинликлар берилса, Асака, Дўлон ва Қорасувда шўр сув (намакоб) билан нон, Қувада сут билан ширинлик берилади. Буларнинг ўзига хос рамзий маъноси бўлиб, ширин сув ҳаётнинг ширин кечиши, нон тўкинлик, шўр сув эса турмушдаги қийинчиликларга бардошли бўлишликни билдиради. Сут эса поклик рамзи сифатида улуғланиб, ёш келин-куёвга ичирилган. Лекин баъзи манбаларда, хусусан, Фарғона водийсидаги барча уйғурларда никоҳ ўқилгандан кейин шўр сув берилиши айтиб ўтилган[224]. Наманган вилояти ҳудудида яшовчи уйғурларда ҳам айнан вилоятда яшовчи бошқа

[223] *Артюнов С. А.* Этнография питания народов стран зарубежной Азии. – М.: Наука, 1981. – С. 34–46.

[224] *Губаева С. С.* Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX вв. – Т.: Фан, 1991. – С. 518.

халкларга хос анъаналар кузатилади. Масалан, никоҳдан кейин куёв янгалари томонидан сут, баъзан шакар солинган сут яхши ниятлар билан келин ва куёвга ичирилади. Бундай одатни элшунос олим А. Аширов ҳам Наманган вилоятида яшовчи ўзбек, тожик, кипчоқларда кузатганини ёзган[225]. С. Губаеванинг монографиясида Фаргона водийсида яшовчи араблар ҳакида батафсил маълумотлар берилган. Элшунос олим Ш. Атахоновнинг тадқиқотларида Қирғизистоннинг Ўш вилояти Аравон тумани Тепакўрғон қишлогидаги араб маҳаллаларда лўлилар билан бирга араблар ҳам истиқомат қилиб келаётганлиги таъкидланади[226]. Тадқиқотчининг таъкидлашича, у ерда яшовчи араблар бугунги кунда ўзларини ўзбек миллати вакиллари деб ҳисоблайди. Улар билан ёнма-ён яшовчи лўлилар XX асрнинг 30-йилларида, яъни жамоалаштириш жараёнида турғунлашган. Лўлилар атрофидаги ўзбек ва асрлар давомида ўзбеклашиб улгурган араблар билан деярли 80 йил ёнма-ён яшашларига қарамай, ҳануз этномаданий ўзликни англашда тафовут мавжуд.




*Янгича тўйларнинг кириб келиши қандай оқибатларга олиб келди?*

---

[225] *Аширов А. А.* Анъанавий никоҳ тўйи маросимларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар (Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари мисолида) // Ўзбекистон тарихи. – 2003. – № 2. – Б. 41.

[226] *Атахонов Ш.* интернет орқали маълумот олинди.

Бу айниқса никоҳ муносабатларида кўзга яққол ташланади. Яъни ушбу лўлилар билан шу ҳудудда яшаган аҳоли ўзаро никоҳ муносабатларига умуман киришмайди. Айнан юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳалил-ҳануз арабларнинг оилавий маросимларида маълум даражада этномаданий ўзликни англаш жараёни кузатилади. Бироқ янгича анъаналарнинг кириб келиши никоҳ муносабатларига кейинги йиллардаги ўзгаришга олиб келди. Респондентлардан сўровнома ўтказилиши жараёнида уларга бир қатор саволлар билан мурожаат этдик.

Мустақилликдан кейин XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб келин-куёв турли русмдаги машиналарда жўра ва дугоналари ҳамроҳлигида шаҳар-қишлоқ кўчаларини айланиб, шаҳар марказидаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гуллар қўйиб, эсдалик учун суратга, видеога тушиш, куёвлар миллий зарли тўн кийиб, бошига зар салла ўраш удумлари расм бўлди[227]. Келин-куёв ўз давраси билан енгил машиналарда шаҳар ёки қишлоқнинг гўзал жойлари, тарихий обидалари ва муқаддас жойларини зиёрат қилиб, айланиб чиқади. Анъанавий тўй маросимларининг ўрнига янгича замонавий тўй-маросимлари кириб келиши натижасида араблар турмуш тарзи ва урф-одатларида ўзига хос ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Қизлар оқ кўйлак, бошларига фата, оёқларига оқ туфли кийган ҳолда, йигитлар қора ёки кулранг костюм, қора туфлида, галстук тақиб, бош яланг, қўлларида бир даста гул билан никоҳни қайд қилиш маросимига боришган. Келин-куёвнинг никоҳ рўйхатидан тантанали ўтишлари анъанавий ҳисобланиб, янги оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунлаштириш вазифасини бажаради. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида олиб борган этнография тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, арабларнинг келин-куёвлари бу жойда арабларнинг энг улуғ пири Султон Мирҳайдар дафн этилган масканни зиёрат қилишади.

Жейнов қишлоғида 1980 йилдан бошлаб аёллар оқ кўйлак билан никоҳдан ўтишган, шу даврдан эса бу ҳудудда яшаб кела-

[227] *Тошева Г. С.* XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлар: Тарих фанлари номзоди. дисс... – Т., 2002. – Б. 93.

ётган халкларнинг жуда катта кисми оқ кийим билан никоҳ маросимида қатнашиб келишган. Аммо айрим араб оилаларида тўй маросимларини қадимий анъана ва урф-одатлар асосида ўтказиш ҳолатлари ҳам кузатилади[228].

Ўтказилаётган тўй-маъракаларда исрофгарчиликка, ортиқча харажатларга йўл қўйиш, бу маросимлар орқасидан обрў ва эътибор топишга интилишдек зарарли иллатлар ҳамон жамиятимиз тараккиётига катта зиён етказмокда[229]. Дала тадқиқотлари даврида арабларнинг ўзига хос айрим жиҳатларини таъкидлашни ўринли деб ҳисобладик. Масалан, Жейнов араблари тўй базмларини ўтказишида баъзан жуда катта микдорда пул сарфлашмокда. Айни пайтда тўй маросимлари 300–500 ўринли тўйхоналарда ўтказилмоқда[230]. Маълумки, араблар бир неча асрдан бери шу ҳудудда истиқомат қилиб келишмоқда. Шу сабабли бўлса керакки, уларнинг тўй маросимларида арабликнинг айрим элементлари сақланиб қолган.

Респондентлардан «*Арабларнинг анъанавий тўйларидаги ўзгаришлар ҳақида нималарни биласиз*?» деб сўралганда, 69 фоиз киши «умуман, араб ва ўзбек анъанавий маросимлари уйғун», 19 фоиз киши «арабларда анъанавий тўйларнинг фарқи бор», 12 фоиз киши эса «арабларда миллий анъанавийлик умуман йўк» деб жавоб беришган.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, арабларнинг замонавий кундаги тўй маросимларида этник ўзликни англашнинг айрим жиҳатлари, қисман бўлса-да, анъанавий диний ва бошқа анъаналар сақланиб қолган.

Сўровнома иштирокчилари «*Ҳудудингизга қачондан бошлаб янгича анъанавий тўйлар кириб келган*?» деган саволимизга 16 фоиз иштирокчилар «ХХ асрнинг бошларида», 38 фоиз иштирокчилар «ХХ асрининг ўрталарида» ва 41 фоиз иштирокчилар

[228] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов кишлоғи. – 2011 йил.

[229] *Бўриев О., Ҳўжамбердиев Т.* Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши: «Насаф», 2005. – Б. 98–99.

[230] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 257.

«XX асрнинг охирларида кириб келган» деган жавоб беришди, 5 фоиз иштирокчилар эса аниқ бир хулосага эга эмаслар.

Замонавий тўй маросимларининг бу каби дабдабали ўтказилиши келажак авлодларнинг маънавий тарбиясига ҳам ўз таъсирни кўрсатмай қолмади. Муҳим тарбиявий аҳамият касб этувчи олтин ва кумуш тўйлар, ёшларнинг никоҳ тўйи, ҳовли тўйларини шаҳар ва қишлоқда ўтказишни янада такомиллаштириш, уларни давр талабларига мос, ихчам, саранжом, ҳеч қандай исрофгарчиликларсиз ўтказишга эришиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Арабларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири куёвнинг уйида унга сарпо-кийимлар кийдириш бўлиб, дўппи, чопон кийдириб, белига белбоғ боғлашади, сўнг куёвнинг устига пул сочилиб, аммаси ёки қариндош аёллардан бири ёр-ёр ўланлари айтади. Куёвга аёллар сарпо муборак деб матога пул ташлайдилар. Бериладиган ҳадяларни куёвнинг белидаги белбоғига қистириб кетишади. Бу куёвнинг бели бақувват бўлсин, деган мақсадда қилинади. Маросим кекса аёллар томонидан дуо ўқиш билан тугайди.

Келин кечки никоҳ базмига чиқиш олдидан отанинг оёғига 3 марта бош уради. Отаси, баъзи ҳолларда эса бобоси ҳам, қизининг пешонасидан ўпиб, унга бахт тилайди.

Тўй харажатлари тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

• 20 та рўмол;

• 20–30 метр янги мато (бахмал, қизил бахмал, понбархит), 3 тўп тоза мато;

• кўрпа-тўшак, 4 ёки 6 той пахта;

• гиламлар;

• 11 та қўй;

• таом учун маҳсулотлар;

• ширинликлар;

• сут пули (1 миллион сўм);

• замонавий мебеллар;

• 2 сандиқ сарпо[231].

Тўй маросимини ўтказишнинг асосий муаммоси тоғара қилиб келиш ва сарпо улашиш одатидир. Ахборот берувчининг эслашича, отаси унинг тўйига 600 юз метр бахмал, 700 метр чит тарқатган экан[232].

Ҳозирги даврга келиб маҳаллий араблар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий ҳолатларининг ривожланишига катта эътибор бермоқда. Мучал ёши, бешик тўйи, биринчи қадам тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи каби турмуш тарзи маросимлари анъанавий маросимлар билан боғлиқ ҳисобланади.

Ёш тўйи – бу ҳам оилавий муносабатлар билан боғлиқ бўлган удум бўлиб, фарзанднинг кўпинча 1, 12, 24 ва кейинги мучал ёшларини тантана сифатида нишонлашдир. Бунда фарзандга янги либослар тикиб кийдирганлар, уларнинг тенгқурлари таклиф этилиб, ўйин-кулги қилинган.

Меҳмонлар, яқин қариндошлар тўй эгасига, болага ҳам кийим-кечаклар, сарполар қилиб келган. Тўй эгаси ҳам уларга сарпо бериб кузатган. Кейинги йилларда эса бу каби маросимлар чегара билмай кундан-кунга оммалашиб, кенгайиб бормоқда. Бешик тўйларда қилинадиган бош-оёқ сарпонинг (чақалоққа ва унинг ота-онасига) бутун оғирлиги келин томонга тушмоқда. Тўйда сарфланадиган барча харажатлар: озиқ-овқатдан тортиб дастурхондаги барча нозу неъматларгача уларнинг зиммасида бўлади. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, ўзига тўқ келин томон тайёрлаб келган сарпо, кийим-кечаклар ёш оиланинг кийим-кечакка бўлган бир неча йиллик эҳтиёжини қондиради.

Ўзбекистон араблари тўй маросимларининг ўзига хос салбий ва ижобий ўзгаришлари тўғрисида сўралганда, респондентларимизнинг 22 фоизи «ўзгаришлар юз бермади», 40 фоизи «ўзгаришлар юз берди» ва 38 фоизи «маросимларда анъанавийлик сақланиб қолинди» деб жавоб бердилар.

[231] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Сурхон қишлоғи. – 2011 йил.

[232] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Пулати қишлоғи. – 2011 йил.




*Арабларнинг тўй маросимларидаги салбий ва ижобий ўзгаришларга муносабатингиз?*

Араб ва ўзбек тўйларининг фарқи ҳақида сўралганда эса 64 фоиз иштирокчилар «араб ва ўзбек тўйларининг фарқи йўқ», 36 фоизи «араб ва ўзбек тўйларининг фарқи бор» деб таъкидлашди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, XX асрда дунё ҳаётида ўзига хос бир янги маданият шаклланди. 60–70-йилларда арабларнинг турмуш тарзи, оилавий маросимларида ўзгаришлар рўй бериб, «комсомол тўйи», «қизил тўй» каби маросимлар кириб келди. Кейинги 30–40 йил ичида ўзбек ва араб миллий тўй маросимларининг бир-биридан фарқи йўқолди. Замонавий тўй маросимлари шўролар тузуми даврида кенг тарқалиб, анъанавий урф-одатларимизнинг йўқолишига олиб келди. Мустақиллик йилларида тўй маросимлари 300–400 ўринлик ресторанларда қилинмоқда. Арабларнинг бошқа халқлардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, улар тўй маросимларини каттароқ қилиб ўтказишади. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, араблар қарз олиб тўй қилган одамнинг тўйига боришмайди. Бу арабларнинг ўзига хос локал хусусиятларидан биридир. Никоҳ маросимларини ўтказишда диний қадриятларимиз ва миллий анъаналаримизга риоя қилган ҳолда иш тутадиган бўлсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## 4.4. Мотам маросимларида этник ва иноэтник хусусиятлар

Халқимизнинг турли маросимларни ўтказишда қишлоқ, маҳалла жамоанинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек «Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар максани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган»[233].

Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган кенг қамровли тарихий-этнографик илмий-тадқиқотларда республикада яшовчи ўзбеклар билан бирга турли элат ва миллатларнинг, хусусан, арабларнинг тарихи ва айрим урф-одатлари ўрганилган бўлса-да, оилавий маросимлар туркумига кирувчи мотам маросимлари махсус тадқиқ қилинмаган. Тарихдан маълумки, араб ва ўзбек халқининг ислом дини билан боглиқ эътиқодий қарашлари, оилавий маросимлари кўп бўлиб, улар бир-бирлари билан ўхшаш жиҳатларга эга. Айнан ҳар икки халқ мотам маросимларига назар ташлар эканмиз, бу маросим билан боглиқ турфа хил урф-одатларнинг ўзига хос исломий анъаналарини кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилишини кузатиш мумкин. Айнан бу туркум маросимларда, бошқа оилавий маросимлардан фарқли тарзда, жамоанинг назорати катта бўлган. Лекин шу билан бирга мотам маросимларидаги маросимий характердаги расм-русм, табу, урф-одатлар, уларни ўтказиш тарзи республикамизнинг ҳар бир ҳудуди учун ўзига хос кўринишга эгадир[234].

[233] *Каримов И. А.* Юксак маънавият–енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 59.

[234] *Аширов А. А.* Ўзбек халқи мотам маросимларида зардуштийлик излари // Ўзбекистон тарихи. – 2002. – № 1. – Б. 65; Мотам маросимларининг бошқа ҳудудларда ўтказилиш борасида батафсилроқ Каранг: *Насриддинов Қ.* Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: Мерос, 1996.

XX асрнинг 20–30-йилларида мафкуравий тарғиботда миллий анъаналарга, хусусан, мотам билан боғлиқ диний маросимларга салбий муносабат билдирилди. Умуман XX асрда ижтимоий-иктисодий, маданий ва диний кадрият тушунчаларига бир ёқлама, мафкуравий ёндашиб келинди. Бироқ 90-йиллардан сўнг диний маросимларга катта эътибор қаратилди. Диний маросимлар қайтадан тикланиб, ўзига хос анъанавий урф-одат ва маросимларни ўтказишга эътибор берилди.

Ўзбекистонда яшаб келаётган арабларнинғ диний мотам маросимларини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўзбек, тожик ва бошқа миллат вакилларининг мотам маросимлари билан киёсий таҳлил қилиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Этнографик тадқиқотларимиз вақтида арабларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида биз кўпроқ оилавий маросимларнинг анъанавий мотам маросими билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишга катта аҳамият қаратдик.

Умуман олганда, арабларнинг дафн маросими тўғрисидаги маълумотларни бир қатор олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида учратиш мумкин. Жумладан, Э. У. Лейн, А. А. Хисматулин, В. Ю. Крюкова, М. А. Радионов, О. Бибикова, А. Лот[235] каби олимлар томонидан арабларнинг мотам маросими махсус илмий таҳлил этилган. Тадқиқотимизда, асосан, Ўзбекистонда яшаб келаётган араблар диний мотам маросимларининг туб ерли аҳоли ўзбек ва тожик халқларининг диний мотам маросимлари билан ўзига хос ассимиляцияга учраши билан боглиқ жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинди.

Дафн маросимининг кенг жамоатга асосланганлиги унинг моҳияти, жамиятда кишилар ўртасидаги муносабатлар характерини очишга имкон беради. Н. П. Лобачёва фикрига кўра, дафн маросимлари билан боғлиқ жараёнлар дунё халқларида ўзига

[235] *Лэйн Э. У.* Нравы и обычаи египтян в первой половине XIX века. – М.: Наука, 1982. – С. 392–396; *Хисматулин А. А., Крюкова В. Ю.* Смерть и похоронный обряд в исламе и зароастризме. – СПБ. Петербургское Востоковедение, 1997. – С. 81–83; *Родионов М. А.* Этнография Западного Хадрамаута. – М.: Вост. Лит-ра, 1994. – С. 141–144; *Лот А.* Туареги Ахаггара. – М.: Наука, 1989. – С. 190–192.

хос жиҳатлари билан ажралиб туради[236]. Ҳар қандай ҳолатда мотам маросимида жамоа аъзоларининг роли катта ҳисобланади.

Дафн маросимларини ўрганишда миф ва маросимларни қиёсий тадқиқ этиш тажрибасини биринчи марта изчил амалга оширган Робинсон Смит (1846–1894) ўзининг 1889 йилда чоп эттирган «Смит қабилалари динига оид маърузалар» номли асарида смет тилида сўзлашувчи уруғ-қабилалардан айримларининг номлари жониворлар номи билан аталиши, айрим ҳайвонлар гўштини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг сақланганлиги ҳамда уларда табиат культи (юлдуз, тош булоқ ва бошқаларга сиғиниш)га алоқадор тасаввурларнинг мавжудлигига асосланган ҳолда, қадимги араб қабилалари диний-эътиқодий ишончларининг асосини тотемизм ташкил этади, деган хулосага келган. Р. Смитнинг фикрича, тотемизмнинг келиб чиқишида қурбонлик маросимлари муҳим роль ўйнаган, яъни «қурбонлик қилинаётган жонивор даставвал тотем-ҳайвон саналган»[237]. Смит ўз тадқиқотларида диний эътиқоднинг мазмун-моҳиятини маълум маънода очиб бера олди.

Халқ орасида табиий ўлим «ўз ажали билан содир бўладиган ўлим» деб ҳам юритилади. Кишилар доимо ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлиб, фарзандлари ва яқинларининг бахти ва роҳатини кўриб, меҳнату машаққатларни енгиб, ўз оиласи, қариндошлари ва халқига хизмат қилиб, кексайиб, ўз ажали (ажал – арабча белгиланган вақт[238]) билан ўлишни истайди.

Дала тадқиқотимиз даврида Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи, Косон туманига қарашли Пўлати ва Арабхона қишлоқларида яшовчи араблар дафн ва мотам маросимларининг ўзига хос хусусиятлари, бир-биридаги фарқли ҳолатлар кузатилади. Аниқроғи, Косон ва Жейновда инсон вафотидан кейин майитни махсус ғассоллар ювишади. Пўлати қишлоғида яшовчи арабларнинг чўл ҳудудида истиқомат қилиб

[236] *Лобачёва Н. П.* Общественная и семейная обрядность народов Средней Азии и Казахстана. Вторая половина XX века (Этнографический аспект) // Расы и народы. – М., 2001. – С. 182.

[237] *Жўраев М.* Фольклоршунослик асослари. – Т.: Фан, 2009. – Б. 145–146.

[238] Ўзбек совет энциклопедияси. I–жилд. – Т.: Наука, 1971. – Б. 171

келаётганларининг аксарият кисмида эса майитни ўз кариндошлари ёки уруғлари ювишади[239].

Сурхондарё вилояти Бойсун, Шеробод туманидаги араб қишлоқларида ҳатто махсус қабристон ҳам мавжуд. Бойсундаги Работ кишлоғида «Араб мозор» кабристони жойлашган бўлиб, у ерга ўша ҳудудда истиқомат қилиб келаётган араб уруғларигина дафн этилган. Шерободдаги «Ҳазрат Кўктош ота» қабристонига ҳам ўтмишда фақат араб миллатига мансуб кишилар дафн этилган. Бироқ, кейинги йилларда араб ва ўзбек халқларининг яқинлашуви натижасида қабристон умумий хисобланади[240]. Мотам маросимлари йиллар ўтиши билан арабларнинг ўзига хос хусусиятини йўқотиб, маҳаллий халқлар билан яқинлашиб кетганлигидан далолат беради.

Ҳар бир халқнинг тумуш тарзи ва урф-одатлари ўзгача ҳисобланади. Айнан араб ва ўзбек халқларининг айрим жиҳатлари ўхшаш бўлиши мумкин. Дафн-мотам маросимларида арабларнинг баъзи ҳолатлари маҳаллий халқлар турмуш тарзидан фарқланади. Сурхондарё вилоятининг айрим қишлоқларида вафот этган кишининг яқинлари бир ёки икки кийимлик мато олиб келиб майитнинг қариндошларига ёки майитнинг устига ташлайди. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, бу вафот этган кишига оғирлик тушмасин деган мақсадда амалга оширилган. Айрим ахборотчиларимизнинг таъкидлашича, ўтган асрнинг 80-йиллари охирига қадар диний мотам маросимида ўзига хос муҳим хусусиятлардан бири бу маросимга келган кишига бир бўлак мато ёки пул бериш бўлган. Аммо ҳозирги даврга келиб, мотам маросимида қабр қазиган кишига бир кийимлик мато беришади[241]. Яна бир муҳим жиҳат илгари мотам маросимида иштирок этганларга мато, чой, совун каби турли хилдаги маҳсулотлар бериб келинган. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, бу каби маросимлар мотам маросимида неча киши келганлиги-

[239] Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Косон тумани, Пўлати қишлоғи. – 2011 йил.

[240] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

[241] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Боғдод маҳалласи. – 2011 йил.

ни аниқлаш учун қилинган. Ҳозирги кунда мотам маросимига кишилар нарса олиш учун эмас, аксинча, фарз сифатида қатнашади[242]. Айрим одамларнинг мотам маросимларида майитнинг устига 100 кийимликкача мато ташлаш ҳолатлари юз бермоқда, баъзан эса 10–15 кийимлик мато ташланмоқда. Мато майитнинг қариндошлари томонидан ташланади ва бу матоларни қариндошларига қайтариб беришади. Бу каби ҳолатлар исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас, албатта.

Дарҳақиқат, мотам маросими бошқа маросимлар каби ўзига хос бир қатор хусусияти билан ажралиб туради. Хусусан, бу борада Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғидаги арабларнинг дафн маросимлари ўзига хосдир. Чунки уларнинг дафн маросими ўзининг ранг-баранглиги, архаик урф-одатлари билан ажралиб туради. Жейнов арабларининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири бу дафн маросимида майитни ошхонадан чиқариш савоб ҳисобланади[243]. Айрим ахборотчилар вақт ўтиши билан мотам диний маросимлари ўзининг таркибий тузилмасини ўзгартирганлигини таъкидлашади. Кейинчалик инсон вафот этгандан сўнг майитни уйнинг эшиги, деразаси орқали чиқаришган[244]. Жейнов арабларининг муҳим жиҳатларидан яна бири инсон фожиали воқеа туфайли вафот этса, уни икки эшикдан чиқаришади[245]. Чунки уларнинг тасаввурида, бу марҳум орқасидан кейинги фожиа содир бўлишнинг олдини олади, азроил ўлик чиққан уйга қайтиб келмаслиги учун уни адаштиришга интилган.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида яшовчи арабларнинг ўзига хос одатларидан бири ўликни қабрга дафн этиб келгандан сўнг кечки пайт марҳумнинг катта ўғли томонидан «қора чироқ» тайёрланиб ёқилишидир. Ахборотчиларнинг таъкидлашича,

---

[242] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Юрчи қишлоғи. – 2011 йил.

[243] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

[244] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

[245] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Боғдод маҳалласи. – 2011 йил.

чироқнинг ёқилиши майитнинг руҳини шод қилади[246]. Жумладан, дафн маросимига келган марҳумнинг яқин қариндошлари дарвозадан таъзияхонага йиғлаб киришади ва мусибатда қолган кишиларнинг бўйнидан қучиб, йиғлашади. Қашқадарёда бу урф-одат «бўйин олар» деб аталади[247].

Жаноза ўқиб бўлишгандан сўнг майитни кўтариш жараёнида бошқа арабларда кузатилмайдиган ҳолатни Жейнов арабларида кузатиш мумкин. Яъни майитни қабристонга олиб кетишда мотам маросими иштирокчилари бошидаги қалпоқ ва чопонини тескари кийиб ўтиришган. Бу ҳолат то майитни олиб чиқиб кетгунларича давом этган[248]. Айрим ахборотчилар бу ҳолат ҳозирги кунгача сақланиб қолганлигини таъкидлашса, баъзилар бу каби жараёнлар ўтказилмайди, деб айтишади. Чунки йиллар ўтиши билан диний мотам маросимида айрим жиҳатлар ўзгаришга учраши ёки туб ерли ўзбек, тожик ва бошқа миллат вакиллари билан яқин муносабатлари туфайли ассимиляциялашув жараёни юз бериши табиий ҳолат ҳисобланади.

Диний мотам маросимларида яқин қариндош аёллар кўк матодан кўйлак қилиб кийишган. Майитнинг узоқ қариндошлари эса бошига оқ рўмол боғлашган. Аёллар еттидан бир кун олдин мотам маросимини белгиловчи кўк кийимни ювишади. Мотам маросимида барча оқ кийим кияди. Сурхондарё вилояти Жаркўрғон тумани Кайкади қишлоғида яшаб келаётган араблар диний мотам маросимини белгиловчи оқ, кўк кийим кийишмайди[249].

Мотамнинг махсус кийими оқ ва кўк рангда бўлиб, марҳум 60 ёшдан кичик бўлса, икки йил давомида мотам либоси ечилмаган. Бухорода аёллар бошига оқ рўмол боглаган. Аввал марҳумнинг қизи, синглиси ва бошқа ёш жувонлар аза кийимларини ташлаб,

---

[246] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

[247] *Насриддинов Қ.* Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: Мерос, 1996.

[248] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

[249] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Жаркўрғон тумани, Какайди қишлоғи. – 2011 йил.

бошларига қизил рўмол ўраб олишган. Марҳумнинг хотини, онаси кўк ва оқ кийим кийишган[250]. Либослар бир йил мобайнида кекса момолар томонидан ўғли ёки қизи вафоти муносабати билан то аза кийими тўзиб кетгунгача кийилган[251]. Мотамда кўпинча қора кийим кийиб келишган[252]. Косон араблари таъзияга мос кўк кийимни марҳумнинг йигирмасигача кийган[253]. Жумладан, Косон ва Шеробод арабларининг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари шундаки, улар қизил ва чиройли кийимларни мотам маросимига кийиб боришмаган[254].

Арабларнинг мотам маросимларида ҳам «белбоғ ечди» маросими ўтказилади[255]. Бу маросимда майитнинг яқин қариндошлари томонидан амалга оширилади. Улар 3 кун давомида белларга белбоғ боғлаб юришган. Кейинчалик эса белбоғларни ечиб 40 чиққанича фақат бошларига дўппи кийиб юришган.

Ахборотчиларнинг хабар беришича, ўлимлик учун ғамланган мато, газмол, оқ сурп, бўз, дока кафанлик учун ажратилиб, улар эркак учун тахминан 16–24 метр, аёллар учун эса 28–30 метрлар чамаси атрофида, ҳатто баъзи бадавлат, ўзига тўқ кишиларда бир тўп, яъни 60–70 метргача бўлган. Бундан ташқари, кекса кишилар учун кийимлик ва пойабзалдан ташқари[256] баъзи вақтларда қишлоқдаги дўконларда кафанлик учун, шунингдек, азадорлик учун матолар топилмай қолиши мумкин. Лекин қишлоқдаги айрим дўкон мудирлари ана шундай маросимлар учун 1–2 тўп, яъни 60–120 метр оқ ва кўк читларни сақлаб қўйишган.

[250] *Шаниязов К.* Узбеки–карлуки. – Т.: Фан, 1964. – С. 156.

[251] *Кармышева Б. Х.* Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. М., 1986. – С. 156.

[252] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

[253] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Арабхона қишлоғи. – 2011 йил.

[254] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи. – 2011 йил.

[255] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Пўлати қишлоғи. – 2011 йил.

[256] *Насриддинов Қ. Н.* XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида ўзбек халқининг анъанавий дафн маросимлари Қашқадарё вилояти маълумотлари асосида // Тарих фанлари номзоди дисс... – Т., 1995. – Б. 36.

Ҳозирги вақтда гўрковлар қабрни 30 минг сўм пулни олгандан сўнг қазишса, ғассол эса икки кийимлик мато олиб, кейин майитни ювади[257]. Ўлган инсонни унинг яқинлари ювиш кераклиги эътироф этилади. Агарда майит яқинлари томонидан ювиладиган бўлса, уларга маълум миқдорда пул тўлаш ёки кийимлик мато бериш лозим эмас, деб ҳисоблайди. Аммо ҳозирги кунда қариндошими ёки махсус ғассол, ювувчи бўлади, маълум миқдорда пул ёки мато берилиши лозим. Сабаби, бундан вафот этган ҳар бир инсоннинг охирати обод бўлади ва марҳумга енгил бўлади, деб тушунилади.

Мотам маросимининг ўзига хос жиҳатларидан бири «давра» маросимидир. Шеробод туманидаги арабларда мотам маросимида «давра» маросими ўтказган[258]. Айрим ахборотчиларнинг таъкидлашича, баъзи вақтларда давра маросимида 1,5 тонна бугдой, бир-икки кийимлик мато қўйилган. Буғдойнинг барчаси мустаёққа тегишли бўлади. Шу сабабли бўлса керак, мустаёқ вазифани бажарган инсон вафот этган майитнинг барча гуноҳларини ўзи зиммасига олади. Мустаёқ буғдойни элга тарқатиб бериши ёки уйига олиб кетиши мумкин. Ҳозирга келиб «давра» маросимида баъзан ўз машинасини қуйиш одати учраб туриши баъзи ахборотчилар томонидан таъкидланди[259]. Бироқ, давра маросимида бу каби дабдабабозлик кейинги йилларда янада кучайиб кетмокда. Юқоридаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, давра маросими исрофгарликдан иборат маросимлардан бири ҳисобланади.

Ахборотчиларнинг айтишича, руҳлар, яъни ота-боболаримиз арвоҳи овқатланади, деб марҳумнинг қариндошлари унинг қабри тепасига овқат олиб боришган. Аслида бу овқатларни турли қуш ва ҳайвонлар еб кетишган, одамлар эса руҳлар қуш ва ҳайвон қиёфасида чиқиб овқатни истеъмол қилишади, деб ҳисоблашган.

[257] Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Косон тумани, Арабхона маҳалласи. – 2011 йил.

[258] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи,. – 2011 йил.

[259] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Жаркўрғон тумани, Какайди қишлоғи. – 2011 йил.

«Маърака» арабча сўз бўлиб, «жангдан сўнг», «жанг майдони» маъносини англатади. Ҳозирда бу сўз халқ маросимларини англатувчи сўз ҳисобланади. Кўп ҳолларда таъзия маросимлари бўлса, халқимиз орасида «фалончининг маъракаси бўлди», деган ибора ишлатилади[260].

Кузатишларимиз давомида ўз аҳамиятини йўқотаётган урф-одатларнинг баъзилари, масалан, ўзини уриб, додлаб йиғлаш, садр, давра, таҳлил тоши ва кейинги даврларда пайдо бўлган йиртишлар, нон, майиз, пул ва шу кабиларни бериш одатлари, ҳатто, еттилик, йигирмалик, олти ойлик каби таъзия маросимлари айрим жойларда йўқолиб уч кунлик маросимлар ўтказилмоқда. Масалан, навҳа (ўзини уриб, додлаб йиғлаш) ва садр тепиш одати ҳозир ҳам Қашқадарёнинг ўзбек, айниқса, тожик ва араблар яшайдиган қишлоқларида жуда кучли сақланган, шаҳарларда эса ёшлар вафот этсагина йиғи, садр қилинади. Кексалар вафот этганда кўп жойларда деярли йиғи қилинмайди. Шу ўринда ҳам қишлоқ билан шаҳар ўртасида тафовут мавжудлиги қайд қилинади[261]. Бугунги кунда диний дафн маросимларини бир тизимга солиш ишларида ҳукуматимиз томонидан юртилаётган сиёсат муҳим ҳисобланади.

*Тобут билан боғлиқ маросимлар.* Мотам маросимида тут дарахтидан махсус тобут ясашган. Майитни олиб чиқишда хонадон эгалари тобут устига уч хил мато ташлашган. Матони баъзи ҳолларда қариндошлар олиб келишган. Айрим вақтларда матони олиб келган қариндошларига уч кундан сўнг қайтариб беришган. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, матонинг қайтариб берилиши ўликка оғирлик тушмасин, деган мақсад билан боғлиқ ҳисобланади. Самарқанддаги Чархин араблари эса матони имом ва қабр қазиган кишиларга беришади. Агар майит эркак киши бўлса, тобутга баланд қилиб тол боғлашади[262]. Ўзбекистон араб-

260 *Кармышева Б. Х.* Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С. 155.

261 *Насриддинов Қ. Н.* XIX аср охири–XX асрнинг 80-йилларида ўзбек халқининг анъанавий дафн маросимлари: Тарих фанлари номзоди. дисс... – Т., 1995. – Б. 183.

262 Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Чархин қишлоғи. – 2012 йил.

лари мотам маросимининг бошқа халқларникидан ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатларидан яна бири майитнинг эркак ёки аёл эканлигини билдирадиган ҳолатдир. Эркаклар тобутининг оёқ томони очиқ, аёлларнинг тобути атрофи эса қизил рангли, қарияларнинг тобути оқ рангли мато билан ўралади[263].

Чархин қишлоғида қаршилик араблар XX асрнинг 70-йилларига қадар ўзига хос анъанавий мотам маросимини ўтказишган. Улар ўлик чиққан хонадон томи устидан узун ип ташлашган. Ип уч кун давомида осилиб турган[264]. Ахборотчиларимиз ипнинг осилиб туриши сабабини аниқ айта олмади. Ип ташлаб қўйиш хонадонда мотам бўлганлигининг белгиси, шунингдек, руҳни қайтариш мақсади билан боғлиқ бўлиши мумкин.

*Мотам кийимлари.* Маълумки, мотам маросимлари кишининг вафот этганлиги муносабати билан марҳум хотирасини ёд этиб ўтказилади. Қадимги мисрликларда кўк ва яшил ранг ҳаёт ва ободончиликнинг рамзи ҳисобланган. Ислом динида мазкур ранглар илоҳий кучга эга деб қаралган. Хусусан, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ва Хизр пайғамбар, шунингдек, баъзи бир авлиёлар ҳаётида бу рангнинг аҳамияти катта бўлган[265]. Кўк рангнинг осмон билан боғлиқлиги унинг илоҳийлигидан далолат беради. Рус шарқшуноси Б. Бартольд темурийлар даврига оид манбалардан аниқланишича, Муҳаммад Султоннинг ўлим маросимида Амир Темур ва барча лашкарлар кўк ва қора либос кийишган, ҳаттоки оқ рангли отда юриш ҳам тақиқланган[266]. Бу Соҳибқирон даврида ҳам мотам маросимига жуда катта эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

Ранг тасвири шарқ халқларида алоҳида ажралиб туради. Масалан, кўк ранг мотам, қизил эса байрам кайфиятини англатган[267]. Умуман, кўк рангга мотам, азадорлик рамзи деб қараш та-

---

[263] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Баландбоши қишлоғи. – 2012 йил.

[264] Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Чархин қишлоғи. – 2012 йил.

[265] *Шукуров Ш. М.* «Шахнаме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция. – М.: Наука, 1983. – С. 126.

[266] *Бердимуродов А.* Гўри Амир мақбараси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги. Халқ мероси, 1996. – Б. 37.

[267] Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 73.

рихи узоқ даврларга бориб тақалади.[268] Айни вақтда мусулмон аёллари азадорлик рамзи сифатида бошқа рангдаги либосларни ҳам кийишган. Масалан, Фаргона вилоятидаги Аввал қишлоғида яшаган аёллар отаси вафот этса қора матодан, онаси вафот этса кўк матодан аза либосини кийишган[269]. Тадқиқотлар жараёнида азадорлардан диний мотам маросимида кўк рангли кийим кийишларининг сабабини сўрганимизда, улар «кўк ранг, аввало, вазминлик, мотам белгиси» деб таъкидлашди.

Мотам маросимларида марҳум хотирасига аза тутган яқин қариндош аслида азанинг учинчи куни ўтказиладиган «кир ювди» маросимида оқ, кўк рангдаги матолардан тикилган аза куйлакларини кийишган. Бу одат «кўк кийиш» деб юритилган. Аза кийими оқ, ҳаво ранг, кўк рангли рўмол ва кўйлакдан иборат бўлган[270]. Эри вафот этган аёл ёстиқдошининг азаси учун қора кийим кийса, марҳумнинг бошқа яқин қариндошлари кўк кийимлар кийишган. Тошкентда эса, асосан, қора ранг азадорлик белгиси сифатида қабул қилинган[271]. Ушбу этник жамоаларда қизил ранг ҳам мотам рамзи ҳисобланган. Бева аёл азадорлик белгиси сифатида аксарият ҳолларда қизил рангли дурра билан пешонасини боглаб олган[272].

---

[268] Бу ҳақда қаранг: *Юсуф Хос Ҳожиб*. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1990. – Б. 131; *Насриддинов Қ*. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: Мерос, 1996. – Б. 92.

[269] *Кармышева Б. Х.* Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. – М., – С. 148.

[270] *Андреев М. С.* Поездка летом 1928 г. В Касансайский район (север Ферганы) // Известие общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. – Т.: 1929. – С. 115.

[271] Фаргона вилоятининг Аввал қишлоғида марҳум вафот этган куни аёлларга катта қизил рўмол берилиб, унинг чап томонини аёллар бошига ташлаб, учларини 4–5 та тугунча қилиб тугиб қўйишган. Қаранг: *Кармышева Б. Х.* Архаическая символика погребально–поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С. 148; Қизил байроқ корейсларда ҳам мотам белгиси ҳисобланган. Қаранг: *Цой В. С.* Изучение семейной обрядности корейцов Казахстана // Советская этнография. – 1983. – № 2. – С. 99.

[272] *Баялиева Т. Д.* Доисламские верования и их пережитки у киргизов – М.: Фрунзе, 1972. – С. 69.

Ўзбекистон арабларининг мотам билан боғлиқ маросимларини таҳлил қилиш даврида ўзига хос баъзи жиҳатлар ўрганилди. Жумладан, азадорларнинг мотам маросимларида мевали ёки тол дарахтидан ингичка қилиб ясалган ҳасса тутиб, бўйнига докани узунасига ташлаб, чопон кийиб йиглаб ўтиришган[273]. Марҳумнинг энг яқин қариндошлари ҳассага суяниб йиғлаш одати араблар орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, ҳассага суяниб йиғловчилар «*ҳассакашлар*», деб номланган. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, вафот этган хонадон соҳиблари ҳассага суяниб йиғлашади. Ҳасса суянчиқ вазифасини ўташи билан бирга, ушбу хонадоннинг ўз устунидан айрилганлиги рамзий маъносини ҳам билдиради. Қолаверса, халқда қанча кўп ҳасса суяниб йиғланса, марҳумга шунча енгил бўлади, деган тушунча ҳам мавжуд[274]. Фарғона водийси ўзбекларида вафот этган кишининг яқин қариндошлари (эркаклар) дафн маросими куни қўлларига ҳасса (асосан, янги қирқилган қора тол новдасидан ясалган) олиб, унга суянган ҳолда марҳум қўйилган хона атрофида айланиб, дод-фарёд қилиб, нола чекиб, марсия айтиб йиғлаган[275]. Эркаклар дафн маросимида чўп олиб йиғлашиб, белга оқ боглаш таъзия белгисидир[276].

Тадқиқотлар жараёнида баъзи қишлоқлардаги арабларнинг диний мотам маросимида иноэтник ҳолатни ҳам кузатдик. Жумладан, Бухоро вилоятининг баъзи қишлоқларида азадорлар ҳасса олиб, қабргача йиглаб боришади. Майитни кўмиб келгандан сўнг бир марта исмини айтиб, дод-фарёд қилиб йиғлашади. Эркаклар қўлларига таёқ олиб ўз дардларини айтиб йиғлашиб, «ганиматим отам», «ғаниматим онам, яккаланиб қолдириб кетдингиз», деб йиғлашган.

[273] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Коғон тумани, Арабхона маҳалласи. – 2012 йил.

[274] *Люшкесвич Ф. Д.* Некоторые особенности этнического развития групп ирони в Узбекистане // Этнические процессы у националных групп Средней Азии и Казахстана. – М., 1980. – С. 212.

[275] *Раҳматилло Қосим Усмон ал-Ўший.* Марҳумни дафн этиш маросимлари ва шаърий васият. – Ўш. 1993. – Б. 14.

[276] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Арабхона қишлоғи. – 2012 йил.

Арабларда шундай бир одат борки, жаноза ўқилгунича марҳумнинг яқин эркак қариндошлари белбоғ боғлаб ўтиришган, баъзи араб қишлоқларида эса мозорга бориб, белидаги белбоғини ечишган. Майитни қабристонга қўйиб келгандан сўнг белбоғни чопоннинг тагидан боглашган. Садр маросимида эркаклар чопон кийиб, белбоғ боғлашган, аёллар эса мотам белгиси ҳисобланган кийим-кечаклар кийган.

Бухоро вилояти Қоракўл тумани ҳудудидаги Бандбоши, Кўйдим, Яккалам, Қоравчин, Қозон каби қишлоқларда араблар яшаб келишмоқда. Бандбоши қишлоқ мотам маросимида ҳар бир эркак қора чопон кийган, белини боғлашган. Мотам маросим бўладиган хонадонга кириб келишлари билан бир-бирларини қучоқлашиб йиглашиб кўришган. Ахборотчиларнинг таъкидлашича сабрли бўлинг, деб тасал бериш маъносида қилишган.

Мотам муддати бир йил бўлиб, марҳумнинг яқин кишилари бир-бирларига оқ кийимлик тақдим қилади. Мотам либосларини ташлаб, оқ оддий кийимларини кияди[277].

Аёлларнинг ўзига хос чопон шаклида бичиб тикилган уст кийими – мурсак илгари жуда ҳам кенг тарқалган. Бухоро, Хоразм ва Қашқадарёда енги тирсаккача калта ва кенглиги билан, Самарқанд ва Тошкентда узун энсиз, билаккача бўлган енги билан фарқланган[278]. Аёллар мотам маросимининг махсус кийими сифатида «калтача» тикишган. Калтача махсус тикувчи қария кампирлар томонидан тикилади. Кийимнинг тикилиши яктакка ўхшаш бўлиб, икки ёнида жияк ва чоки бор, узун эмас, балки калта бўлганлиги учун ҳам халқ ўртасида «калтача» номи билан аталган. Калтача ҳар доим диний мотам маросимига аёллар томонидан кийиб борилади[279]. Калтачани марҳумнинг қариндош-уруғлари, хотин-қизлари кияди.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманига қарашли Жугари, Чаҳдари каби қишлоқларда араблар компакт (тиқлинч) ҳолда яшаб ке-

---

[277] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: 1–том. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 559.

[278] *Жабборов И.* Ўзбек халқи этнографияси – Т.: Ўқитувчи, 1994 – Б. 152.

[279] Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Чархин қишлоғи. – 2012 йил.



*Қашқадарё вилояти, Косон тумани*
*Пўлати қишлоқ фуқаролар кенгаши фаоллари.*



*Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани Жейнов қишлоғи оқсоқоллари.*



*Араб миллатига мансуб оқсоқол набиралари билан.*



*Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани Жейновлик араб аёллари қадимий каштачиликнинг моҳир усталари.*



*Қадимий араб нонлари (Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани Жугари қишлоғи).*



*Араб аёллари.*



*Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи қишлоғи, 1- ўрта мактаб музейи.*



*Сурхондарё вилояти Какайди қишлоғидаги хусусий ишлаб чиқариш корхонаси.*



*Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги тадбиркор ўзбек ва араб хотин-қизлари.*



*Араби гилам ва хуржунлари.*



*Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғидаги араб аёли.*



*Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоқ араб аёллари.*



*Араб қизларининг миллий кийимлари.*



*Жейновлик аёллар араби гилам тўқиш жараёнида.*



*Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги араб аёллари анъанавий ҳунармандчилиги.*



*Жейновлик қишлоқ аёллари араби гилам тўқиш жараёнида.*



*Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри Арабхона маҳалласидаги кекса аёл.*



*Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани Жугарилик қишлоқ араб аёлларнинг шолча тўқиш жараёни.*



*Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани Жейновлик араб аёлларнинг ипни калава қилиш жараёни.*



*Араб аёллари.*



*Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи нуронийси.*



*Миришкор тумани Жейнов қишлоғи "Ал-Арабия" бадиий-этнографик ансамбли аъзолари.*

лишади. Улар бошқа араблардан диний мотам маросимида ўзига хос баъзи жиҳатлари билан ажралиб туришади. Яъни мотам маросимига аёллар махсус кийимда боришган. Улар оқ кийим, белига белбоғ боғлаб, маҳси, яктак, бошига рўмол ўраганлар[280]. Юқорида номлари зикр этилган кийим-кечакларни улар маълум муддат кийиб юришган. Марҳумнинг йигирмаси ўтгунча аёллар белбоғ, маҳси, яктак кабиларни ечишмаган. Қирқ маросими чиқиши билан азадорлик кийим-кечаклари ювилади, шу муносабат билан майит чиққан хонадон эгалари томонидан азадорларга совун, дока берилган. Буни азадорларнинг покланиши учун деб изоҳлайдилар.

*Қабристон.* Ўрта Осиё ҳудудида ислом динидан олдин ҳам бир неча динлар мавжуд бўлиб, ўша динларнинг баъзи анъаналари бугунги кунга қадар сақланиб қолган.

Қабрнинг тепа қисмида чойнак, пиёла, идиш кабилар қўйилиши одати мавжуд бўлиб, бунинг сабаби ўлган инсон у дунёда ҳам шу қўйилган идишлардан фойдаланади деган қараш бўлган[281].

Иттифоқ даврида қабристонларда темир панжара ва ёдгорлик тошларини ўрнатиш ўзига хос анъанага айланди. Баъзи тадқиқотчилар қабр устига ёдгорлик ўрнатиш одати илдизларини қадимги аждодларнинг мурда чиқа олмаслиги учун қабрга тош бостириб қўйиш удуми билан боғлайдилар[282]. XX асрнинг 50-йилларида қабрларда темир панжара ва устунлар ўрнатилган бўлса, 80-йилларда табиий мармар, гранит ва мармар увоқларидан қуйиб ишланган қурама ҳашаматли қабр тошларини (ёдгорликлари) қўйиш оммавий урф бўлган.

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг инсон номини абадийлаштириш учун қабр атрофида ҳашаматли қилиб безатилган мармар тошига битик битиш, ёзувли хат, расм, гул кабиларни чизиш одат тусини олган. Ваҳоланки, ислом динида қабр тоши-

[280] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Жугари қишлоғи. – 2012 йил.

[281] Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Ўзбеккент қишлоғи. – 2012 йил.

[282] *Бўриев О., Шоймардонов И.* Тириклар қалбида мангу // Фан ва турмуш 1994 – № 2. – Б. 25.

га расм солиш, ҳар хил сўзлар битиш қатъиян ман этилган. Лозим топганда қабрнинг белгиси сифатида бирор тош қўйилган. Аммо тадкикотлар даврида шунга гувох бўлдикки, араблар ўзлари учун махсус сағаналар курдирганлар.

Ўзбекистон арабларнинг аксарияти ўзларининг махсус қабристонларига эга. Бухоро вилояти Чаҳдари, Жугари, Арабхона қишлоқларида арабларнинг қабристони бўлиб, бу қабристонга фақат араб миллатига мансуб кишиларнинг майити қўйилган. Қашқадарё вилояти Касби кишлоғида «Султон Мир Ҳайдар мозори» бор, Нурота тумани арабларининг махсус қабристони «Булоқота» номи билан юритилиб, кейинчалик бу қабристонга «Қалқонота» қабристони деб ном қўйишган[283]. Навоий вилояти Навбаҳор тумани Арабсарой қишлоғида 100 йиллар олдин арабларнинг махсус қабристони бўлган[284]. Юқорида номлари келтириб ўтилган қишлоқларнинг баъзиларида ҳозирга келиб ўзбек, тожик, араб ва бошқа миллат вакиллари томонидан ҳам майитлар битта қабристонга дафн қилинади.

Ҳозирги кунда маҳалла оқсоқоллари, кўча сардорлари раҳбарлигида маҳалла аҳлини, шу жумладан, ёшларни йиғиб, ҳар йили баҳорда ва ҳайитлар олдидан қабристон ҳудудини ободонлаштириш ҳамда тозалаш мақсадида ҳашарлар уюштирилади. Ҳашарчилар томонидан мозорларни тозалаш, у ерда кўчатлар ва гуллар ўтказиш анъана тусига кирган. Бу анъананинг тарбиявий аҳамияти жуда катта бўлиб, у ёшларда ўтган аждодлар руҳига, халқ анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат ҳиссини ҳамда уларни асраб-авайлаш масъулиятини шакллантиради.

*Мотамнинг иқтисодий жиҳатлари.* XX асрнинг 50-йилларида дафн маросимида одамларга сурп, мато, бахмал, рўмол, нон, пиёла, пул беришган. Чунки ўша даврда мотам маросимига одамлар қатнашмай қолишди. Бу одамларни шу маросимга жалб қилиш мақсадида қилинган ишлардан биридир. Дараҳақиқат, мо-

[283] Дала ёзувлари. Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Арабхона қишлоғи. – 2012 йил.

[284] Дала ёзувлари. Навоий вилояти, Набаҳор тумани, Арабсарой кишлоғи. – 2012 йил.

тамда ҳайрат маросим ўтказилиб, унда эркакларга пул, аёлларга мато берилган[285]. Дафн маросимида иштирок этган эркакларга 1 та кулча (нон), аёлларга 1 сўм пул, оқ рўмол, даструмол, гарди рўмол берилган. Бу ўликка савоби тегади деган мақсадда қилинган. Ҳозирги вақтга келиб эса пул, нон ёки мато бериш тўхтатилди. Аммо маълум миқдорда пул белгилаб қўйилган. Муллага 1 кг, ғассолга 2 кг, гўрковга 4 кг гўштнинг пули бериладии[286].

XX асрда юз берган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар мотам маросимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, (бир кийимлик мато йиртиб) бериш одати туфайли аза куни ва ундан кейинги кунларда кўп газлама исроф қилинарди. Ҳозирги вақтга келиб мотам маросимида юқорида номи қайд этилган одатларнинг кўплари йўқолиб кетди. Фикримизча, йиртиш бериш, пул тугиш одатларидан имкон қадар воз кечган маъқул, чунки бу ортиқча сарф-ҳаражатдан ўзга нарса эмас. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мотам маросимларида ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик, айрим ноўрин урф-одатларга барҳам бериш энг аввало жамоатчилик ишидир. Мотам маросимини қисқартириш, кам ҳаражат қилиш учун қилинган ҳаракатлар ҳозирги кунда ўз самарасини бера бошлади.

*Мотам таомлари.* Ўзбекистон араблари диний мотам маросимларининг яна бир ўзига хос хусусиятлари таом билан боғлиқ ҳисобланади. Аммо таом билан боғлиқ жараёнлар ўзбек ва араб халқларида унчалик ҳам фарқ қилмайди. Майит чиққан уйда таом тайёрлаш ритуал (ҳаром) ҳисобланади. Шу боис бу ерда маълум муддат қозон осилмайди[287].

Бундан ташқари, мусулмон дунёсида ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг жуфт бўлиши, фақат ўлимнинг жуфт келмаслигини исташади. Шу боис ўлим чиққан жойда дастурхонга қўйиладиган нон, товоқ ҳам тоқ қўйилади. Мотам маросимига келган ин-

[285] Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Чархин қишлоғи. – 2012 йил.

[286] Дала ёзувлари. Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Арабхона қишлоғи. – 2012 йил.

[287] Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Ўзбеккент қишлоғи. – 2012 йил.

сонларга шўрва олиб боришда 2 та косани бир вақтда кўтариб бориш катъиян тақиқланади. Агар битта одам 2 та коса кўтарса, шу одамнинг бошига ҳам қайғу тушади деб ирим қилишади[288].

Арабларда шундай бир тамойил бўлиб, мотам маросимида эчки гўшти истеъмол қилинмаган. Сабаби, эчки гўшти шайтон билан боғлиқ деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам эчки гўшти мотам маросимида пиширилмаган. Ахборотчининг таъкидлашича, XX асрда юз берган ўзгаришлар диний мотам маросимига ҳам таъсир қилган. Ислом динида ҳалол деб топилган барча нарса пиширилади.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқда руҳга ишонч бўлгани каби арабларда ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин. Руҳнинг тинч бўлиши учун пайшанба кунлари мулла чақириб дуо ўқилиб, ис чиқарилган ва ёғда бўғирсоқ (чалпак) пиширилган. Ана шу пиширилган ёғдан бир неча томчини дуо ўқилаётган пайт чироқ пилигининг устига оқизиб туришган. Бу маросимнинг ўтказилиш сабабини оловга ташланган ёғнинг майит руҳини тинчлантириши билан боглашади. Азадорларга қўни-қўшни, яқин қариндошлар овқат пишириб беришади. Бироқ, ўлик чиққан куни махсус ош дамланиб, кишиларга номигагина тарқатилади. Аммо бу ошдан ейиш гуноҳ саналади. Ош томга чиқарилиб ёйилади ва уни қушлар еб кетади. Жейновлик арабларда муқаддас жойларда, мозорлар ёнида ўчоқ бўлган. У нафақат қурбонлик қилинган молнинг гўштини пишириш, шу билан бирга, ўтганлар руҳини эслаб, уларни ёрдамга чақириш жойи ҳам ҳисобланган. Ҳозир бу урф-одатларга амал қилинмайди, бироқ, ҳанузгача муқаддас жойлар ва қабристонлар ёнида ўчоқлар қурилиши кузатилади[289]. Айнан майит чиққан кунининг эртаси куни ўша хонадон соҳиблари томонидан зиғир ёғида ош (палов) қилинади[290].

Бухоро вилояти Қоракўл туманига қарашли арабларда майит руҳи тинч ётиши учун 3 кундан сўнг худойида 2–3 та серка сў-

---

[288] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Баландбоши қишлоғи. – 2012 йил.

[289] *Ражабов Р.* Ўзбекистон араблари // Мозийдан садо. – Т., 2004. – № 2 (22). – Б. 39.

[290] Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Чархин қишлоғи. – 2012 йил.

йиб, шўрва қилинади. Бу маросим марҳумнинг руҳи у дунёда шод бўлиши ва қийналмаслиги учун бажарилган. Ўрта Осиёнинг туркий халқларида бўлгани каби, арабларда ҳам ўтган аждодлар руҳи мусалтам тутилади. Шунингдек, улар орасида ўчоққа сиғиниш–оташпарастлик ҳам мавжуд. Унинг излари ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм арабларида келин биринчи бор куёв уйига қадам босар экан, уйдаги ўчоққа таъзим («ўчоққа салом») бажо келтиради. Шунингдек, арабларда арвоҳларга атаб нилик ёқиш одати ҳам учрайди. Одатда, бу пайшанба (жума) ва душанба (якшанба) оқшомида амалга оширилган. Пиликлар ўчоққа 3–5 донадан боғлам ёки 2–3 тахлам қилиб қуйиб чиқилган. Пиликлар қўйилаётганда уларнинг ҳар қайсиси қайси арвоҳга аталаётгани айтилган. Табиийки, оташпарастлар ўз эътиқодларини сир тутганлар. Бухоро вилоятидаги Арабхона, Чувиллоқ ва Боғли қишлоқларида ҳам 60 га яқин араб уйлари битта ўчоққа топиниб келганлари аниқланган. Муқаддас ўчоқ эса Боғли қишлоғида бўлган. У очиқ жойда, ўт ёқиладиган одатдаги учоқ бўлиб, бошқаларидан ажралиб туриши учун унча баланд бўлмаган пахса девор билан ўраб қўйилган[291].

Ғиждувон, Пешку туманлари қишлоқлари (Жугари, Арабон, Богимусо) да куртова таоми ҳатто ширчой ўрнида тановул қилинган. Бу таом камбағал хонадонларда пиширилган. Қуртова тўқ тутганлиги учун қишда тайёрланган. Бу таом Бухоро тумани Талалиён, Сувчиқар, Кулонхона қишлоқларида учинчи куни, Жондор тумани Демон, Хумдонак, Арабхона, Шўробод қишлоқларида ўликнинг «биринчи ҳайити» – «иди аввал» маросимида пиширилган[292].

Фарғона водийсининг баъзи бир жойларида (Қува, Хўжамағз, Ахшак, Арабмозор, Риштон) маросим таоми сифатида атала пиширилган. Бу ўринда атала деганда бирор хил ун солинган об

---

[291] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблари этнографияси – Т.: Шарқ, 2012. – Б. 38.

[292] *Қурбонова М. Б.* Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири – XX аср боши) // Тарих фанлар номзод дис... – Т., 1994. – Б. 83 – 118; 120.

назарда тутилган. Аталани ўликнинг энг яқин кишиси оз миқдорда бўлса ҳам иримига деб пиширган.

Мотам маросимида таомлар билан боглиқ урф-одатлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, Фарғона водийсида яшовчи қипчоқлар ва қирғизларда, ўтроқ ўзбеклар ва тожиклардан фарқли равишда, марҳум дафн этилмасдан аввал қўй сўйиб, маросимий таомлардан шўрва тайёрланади. Лекин тайёрланган шўрва марҳумни қабристонга дафн этиб келингандан сўнг ичилган. Бу таом халқ орасида «қора ош» деб ҳам юритилган. «Қора ош» марҳум дафн қилинган куни тайёрланадиган маросим таомдир. Қора ошнинг оддий ошдан фарқи шундаки, унга оддий ошдагидай пиёз солинмасдан пиширилган. Чунки пиёз аччиқ маҳсулот ҳисобланади, агар у қора ошга қўшилса, совуқ маъракага яна аччиқлик қўшилиб кетиши мумкин, деб ўйланган[293]. Ҳудди шундай фикрни Б. Х. Кармишева ҳам тасдиқлайди. У ҳам қора ошни айнан мотам оши (тожикча «ошисиёҳ») маъносида тушунтиради[294]. Қора ошни меҳмонлар учун тайёрлашган. «Қора ош» марҳум чиқариладиган хонадонда эмас, балки унинг қўшниси ёки бирор қариндошининг уйида қилинган. Таъзияхонада то марҳум дафн қилинмагунча дастурхон ёзилмайди[295].

Ҳозирги вақтда мотам маросими таомида бироз ўзгариш юз берган. Авваллари қора ош ўлимлик чиққан уйларнинг барчасида берилган. Ҳозирги вақтда у одам 60 ёшдан ўтиб вафот этган бўлса, маъракасида берилади[296]. Косон ва Пўлати арабларининг бир-биридан фарқи шундаки, Косон Арабхона маҳалласида қора ошни мажбурлаб истеъмол қилдиришади. Пўлатида ёш вафот этганларига «қора ош»ини истеъмол қилишмайди[297]. Денов

[293] *Аширов А. А.* Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёт. 2007. – Б. 209.

[294] *Кармышева Б. Х.* Архаическая символика...– С. 147; Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX вв. по данньм топономии. – Т., 1983. – С. 176.

[295] *Насриддинов Қ. Н.* XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида ўзбек халқининг анъанавий дафн маросимлари // Тарих фанлар дис... – Т., 1995. – Б. 43.

[296] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

[297] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Пўлати қишлоғи. – 2011 йил.

туманидаги чиғатой уруғида бир анъана бор, яъни ёш вафот этган кишининг қора оши, Пўлатида бўлгани каби, истеъмол қилинмайди. Бунинг сабаби агар ош истеъмол қилинса, чилла тушади[298]. Сурхондарёнинг Жарқўргон туманидаги араблар вафот этган кишини кабрга қўйгандан сўнг таом пиширишган[299]. Чўл араблари майитни кўмиб келгандан сўнг ҳовлидан 1,20 метр узоқликда мол сўяди. Узоқдан келганларга таом тортишади[300].

Хоразм воҳаси этнографиясининг билимдони Г. П. Снесарев дафн маросимларида қўй сўйиб, овқат тайёрлаш одатини тотемийлик билан боғлаб, Хоразм ўзбекларида марҳум чиқарилаётганда қўй сўйилишини таъкидлаб кўрсатади[301]. Юрчи қишлоғида марҳумнинг жони чиқадиган вақтда бараварига қўй сўйлади, бу марҳумнинг қийналмасдан ўлиши учун қилинган. Ўликни қабристонга қўйиб келгандан сўнг сўйилган қўйнинг гўштидан овқат тайёрланиб тарқатилган[302]. Ахборотчи Зулфия момонинг таъкидлашича, битта қўй сўйиб, гўштини қариндош-уругига тарқатишган[303].

Инглиз антропологи Э. Б. Тайлорнинг фикрича, марҳумлар руҳига атаб қурбонлик қилиш ибтидоий одамнинг анимистик тасаввурлари билан боғлиқ бўлиб, қурбонлик фақат худога сиғинишнинг йўли эмас, балки инсонлар ўтганлар руҳига атаб ҳадялар қилиш билан бирга худодан нажот ҳам истаганлар[304].

Халқ тилида руҳлар турлича номлар билан: руҳ, арвоҳ, ота-боболар ва пиру устозлар руҳи, боболар, аждодлар, деб аталади. «Руҳ» сўзининг ўзи арабча сўз бўлиб, «жон, руҳ, шарпа, ҳаёт»

---

[298] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Боғдод маҳалласи. – 2011 йил.

[299] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Нуриддин Муродов қишлоғи – 2011 йил.

[300] Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Косон тумани, Пўлати қишлоғи. – 2011 йил.

[301] *Снесарев Г. П.* Реликты домусулманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Вост. лит, 1969. – С. 116.

[302] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Юрчи қишлоғи. – 2011 йил.

[303] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. – 2011 йил.

[304] *Тайлор Э. Б.* Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – С. 465.

маъноларини англатади[305]. Мотам маросимида пайшанба куни ота-боболарнинг руҳини шод этиш учун махсус «ис» чиқариб, аждодларнинг арвоҳларига атаб пишириқ пиширилади. Пўлати араблари исни зиғир ёғига чиқаришган. Сабаби зиғир ёғининг ҳидига арвоҳлар айланишади[306]. Булардан ташқари, марҳум, гарчи катта маросим сифатида бўлмаса ҳам, жума оқшоми, душанба оқшомларида чўзма (чалпак) қилиниб, дуо-фотиҳа ўқиш билан хотирланади[307]. Водий ўзбекларида чоршанба куни марҳумлар руҳига бағишлаб ўйма пиширилиб «ис» чиқарилади. Тошкент ўзбекларида эса ўйма ўрнида бўғирсоқ қилишади[308]. Какайди араблари майит вафот этганининг 30 кунида ўзига хос бир маросим ўтказадилар. Махсус таом–сузма, яъни аталага ўхшаган ош, ширин атала, ҳолвайтар тайёрланиб, дастурхонга тортилади. Марҳумнинг еттиси ва қирқ маросимида «шом оши» деб битта қўй сўйиб овқат қилинади[309].

Косон араблари бошқа араблардан ўзига хос локал хусусияти билан фарқ қилади. Уч кун давомида вафот этган хонадон аъзолари овқат ўрнига сув истеъмол қилишади, ҳозирги вақтда қўшни-қариндошлари овқат ҳам олиб келишмайди[310].

*Аза ва хотира маросими.* Ўзбекистон арабларида мотам маросими ўзига хос муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, марҳумнинг беваси, ўғил-қизлари ва энг яқин қариндошлари то бир йилгача азадор ҳисобланган. Улар тўй-тантаналарга боришмаган. Араблар кўк кўйлак тикиб кийганлар. Лекин йили ўтгач, марҳумни тез унутишга ҳаракат қилишган. Никоҳ тузиш муайян тартиб-қоидалар билан чегараланган. Хусусан, бева аёл эри вафот этгандан сўнг, маълум муддат ўтгандан кейингина янги

[305] Арабско–русский словарь. Сост. Х. К. Баранов. – М.: Русский язык, 1969. – С. 401.

[306] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояги, Косон тумани, Пўлати қишлоғи. – 2011 йил.

[307] *Снесарев Г. П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М: Наука, 1969. – С. 117 – 118.

[308] *Аширов А. А.* Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б. 204 – 205.

[309] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Какайди қишлоғи. – 2011 йил.

[310] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Арабхона маҳалласи. – 2011 йил.

никоҳ туза олади. Бева аёл 110 кун давомида турмушга чиқмаган. Чунки шу вақт оралиғида ҳомиладорлик белгилари билинади[311]. Агар бева иккинчи бор турмуш қурмайдиган бўлса, қайтиб рангли матодан тикилган кийим киймайди ва тақинчоқлар тақмайди[312].

Ота-онаси, қариндош-уруғлари ўлган бўлса, 40 кунгача соч ва соқолни олишмаган[313]. XX асрнинг 90-йилларида марҳумнинг худойиси ўтгунича соқол олишмаган[314]. Ҳозирги вақтга келиб, уч маросими ўтиши билан соч ва соқолни олишади.

Таъзиянинг иккинчи куни қариндошлар аза очиб, кўк рангли матодан тикилган таъзия либосларини кийганлар, саллалар ҳам шу рангда бўлган. Кўк кийилган кундан эътиборан аза муддати тугагунча шу либосда юрилган. Арабларда қора ранг ҳам мотам ифодаси саналса-да, кундалик ҳаётда уни кийиб юришни эп кўрмаганлар. Эндиликда эса қора рангнинг таъзиявийлик моҳияти йўқола бориб, кўпчилик эркаклар қора гулдор чопон кияди[315]. Мотамга кўпинча рангсиз қора кийим кийиб келишади. Косон араблари таъзияга мос кўк кийимни марҳумнинг йигирмасигача кийган. Косон ва Шеробод арабларининг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари шундаки, қизил ва чиройли кийимни мотам маросимига кийиб боришмаган[316].

Жейнов араблари таъзиясида майит чиқарилган хонадонда мандаб (гўянда) деб номланган маросим ўтказилади. Дастлаб таъзияли хонадонда майит мозорга олиб кетилгунча, сўнгра эса уч кунгача тонгда ва шомда таъзия эгалари ҳамда марҳумнинг яқин қариндошлари давра олиб йиғи қилишган. Яъни *«вай, шоҳ Ҳисен, э воҳ, Ҳисен»* дея жўр бўлиб, кимдир кўкрагига, кимдир

[311] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Жугари қишлоғи. – 2012 йил.

[312] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 307.

[313] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Баландбоши қишлоғи. – 2012 йил.

[314] Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Чархин қишлоғи. – 2012 йил.

[315] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. – Т.: Шарқ, 2012 – Б. 307; *Насриддинов Қ.* Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: Мерос, 1996. – Б. 89 – 95.

[316] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Арабхона маҳалласи. – 2011 йил.

бошига уриб йиглашади. Марҳум аёл киши бўладими, эркакми, ёхуд унинг исми қандай аталишидан қатъи назар, «вай шоҳ Ҳисен, э воҳ, Ҳисен» деб мандаб айтилаверади (жўр бўлиб, йиғланади). Берунийнинг таъкидлашича, шиалар шаҳидлар сайидининг ўлдирилганига ачиниб, шу куни доду фарёд қилади[317]. Ҳисен шахс номи бўлиб, Хусайн сўзининг ерли аҳоли шевасидаги талаффуз шаклидир. Бу удум бизга дунё тарихидаги қонли воқеа – Карбало фожиасини эслатади. Ўшанда Ҳазрат Алининг фарзанди, халифаликка асосий номзод Ҳусайннинг ўлдирилиши ушбу удумнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган ва араблар билан бизгача етиб келган. Манбада Ҳусайннинг Шоҳ деб аталиши ҳам фикримизнинг далилидир[318]. Бу тўғрисида Насириддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарида битилган Имом Ҳусайн ва унинг 70 та сафдошининг тилка-пора қилиб ташланганини кўрган уларнинг қариндошлари бу мусибатга чидай олмасди: «Ҳай, шоҳ Ҳусайн, воҳ шоҳ Ҳусайн» деб ўзларига азоб бериб, дод солиб йиғлаган[319]. Таъзия маросимидаги бу жараён бир неча асрдан бери арабларнинг анъанавий турмуш тарзи урф-одатида ўз ифодасини топган.

Таъзияга келган ҳар бир киши марҳумнинг яқинларига «бандачилик», дея ўз ҳамдардликларини изҳор этган. Агар марҳум кечқурун ўлган бўлса, тонгга қадар овоз чиқариб йиғлашган. Бунда марҳумнинг қариндош-уруғлари турлича марсиялар айтиб, марҳумнинг фазилатларини санаб йиғлашган, шу тариқа марҳумга ўз ҳурматларини бажо келтиришган. Бу марсия «йиғичи», «гўянда» деб юритилган[320]. Марҳум тушдан кейин ўлса, ога-инилари узоқда бўлса, эртасига кўмишган. Бунда майит бир кеча уйда сақланган. Иложи борича дафнни келгуси кунга қолдирилмасликка ҳаракат қилишган. Чунки «ўликнинг огирлиги

[317] *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. I–том. – Т.: «Фан», 1968.– Б. 387.

[318] *Панжиев Н.* Эзгу ишларга ҳамоҳанг маърифат гулшани // Қашқадарё газетаси. 2010. – № 12. 9 – февраль.

[319] *Носириддин Рабғузий.* Қиссаси Рабғузий. Том. I-II.. – Т.: Ёзувчи нашриёти, 1990. – Б. 214 – 215.

[320] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Работ қишлоғи. – 2011 йил.

тушиши мумкин» дейилган. Шу куниёқ таъзияга кишиларни айтиш, узоқ-яқинга хабарчилар юбориш, қабр қазувчилар тайинлаш ва бошқа ишлар режалаштирилган[321].

Аза маросимлари, яъни марҳумни меҳмон қилиш (қора ош тортиш), йиғи чиқариш, дафн қилиш маҳалла оксоқоллари билан ўтказилган. Бирор одам куннинг 1-ярмида вафот этса, шу кунда, агар 2-ярмида вафот этса эртасига дафн қилинган. Шу куни меҳмон қилиниб қора ош (кўкин ош, мотам оши) қилинган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон арабларининг таъзия маросими ўзига хос хусусияти, яъни махсус кийим, йиғлов (гўянда) кабилари билан бошқа халқларникидан ажралиб туради. Жамиятдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётдаги кескин бурилишлар, ўзгаришларнинг юзага келиши халқнинг анъана, урф-одатлари ва маросимларига таъсир этган бўлса-да, ўзлигини англаган ҳолда, миллий қадриятларини қисман сақлаб қолган.

Араб халқининг ўтмишдан сақланиб қолган исломий эътиқодларидан бўлган ражаблик, қурбонлик, ифтор қилиш каби маросимларни ўтказишда маҳалланинг ўрни катта аҳамиятга эгадир. Мотам маросими оила ва яқин қариндошлар ўртасидаги аҳиллик қай даражада эканлигини кўрсатувчи маросим ҳамдир. Яқин кишисидан жудо бўлган қариндошлар мотам бошига тушган оила аъзолари ёнида мададкор бўлиб туради.

Араб халқида мотам маросимида иштирок этувчи кишилар баъзи жойларда махсус кийимда бўлса, баъзи жойларда мотамни билдирувчи кийимлар кийишмаган. Араб халқ мотам маросимининг ўзига хос локал хусусиятларидан бири таом тайёрлаш жараёнидир. Мотам маросимида Косон туманидаги Арабхона қишлоғида аввалари 40 кун овқат исътемол қилишмаган бўлса, ҳозирга келиб уч кун давомида таом танаввул қилишмайди. Аммо мотам маросимлари XX асрнинг ўрталаридан бошлаб трансформациялашган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг

[321] Дала ёзувлари. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилояти. – 2011 – 2013 йил.

араб халқининг турмуш тарзига ҳам ўзига хос янгича урф-одат маросимлари кириб кела бошлади. Қадимда араб халқининг ўзига хос анъанавий мотам маросимида чоршанба, сешанба куни пул танга сочишган. XX асрнинг ўрталарига келиб бу каби одатлар йўқолиб кетган.

# V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

## 5.1. Ислом дини билан боғлиқ анъанавий маросимлар

Дунё халқларининг ҳаётига назар ташласак, бир-бирига ўхшамаган турли-туман маросимларни кўрамиз. Улар жамият, халқ ва шахс ҳаёти фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар билан боглиқ ҳисобланади. Дин тарбиялаш, руҳий-эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Миллий диний урф-одатлар ва расм-русумлар халқнинг маънавий эҳтиёжлари заминида пайдо бўлиб, шаклланиб, сайқалланиб, ўз мазмунида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқий меъёрларини мужассам этади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. А. Каримов маънавий меросимизни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, шундай деган эди: «Биз учун мустақиллик энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик – осойишталикни, барқарорликни сақлашдир»[322]. Ҳақиқатан асрлар давомида шаклланган бундай диний қадриятлар, байрамлар, халқ сайиллари ва маросимларини бундан буён ҳам ҳар бир халқ орасида кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки уларга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, ислом динининг анъанавий маросимларини ўтказишда миллийлик билан дин бирмунча уйғунлашган.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг XI сессиясида (1998 йил, апрель) «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»-ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Биринчи Президентимиз 1992 йил 27 мартда Рамазон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида Фармон чиқарди. Қурбон Ҳайити ҳам

[322] *Каримов И. А.* Мустақиллигимиз боқий бўлсин // Халқ сўзи. 1994 йил, 1 сентябрь.

дам олиш куни этиб белгиланди. Бу Фармонлар ислом билан боғлиқ анъанавий маросимларимизни тиклаш, ҳар бир миллат вакиллари томонидан Ҳайит байрамларининг нишонланишига хизмат қилди.

Дин асрлар давомида нафақат инсонлар ҳаётида, балки жамиятнинг маънавий, хаттоки айрим даврларда сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаб келган. Ҳозирда мавжуд барча жаҳон динлари умумбашарий қадриятларга таяниб жамиятнинг ахлоқий ва руҳий камолотига таъсир ўтказиб келаётганлиги туфайли асрлар оша яшаб келган. Бу ҳудудда исломгача зардуштийликдан ташқари монийлик, анимизм, фетишизм, будда, қисман христиан дини кенг тарқалган. Диний қарашлар, олам тўғрисидаги тасаввурлар, урф-одатлар маънавий ҳаётимизда ўз ифодасини топган. Ислом дини кенг тарқалиши билан барча ҳудудларда диний маросимларда ўзига хос исломий аҳкомлар пайдо бўла бошлади. Ислом дини қарор топиши билан зардуштийлик дини ўз аҳамиятини йўқота борди.

Ислом дини бошқа динлардан фарқланиб, фақат диний маросимларни амалга оширишни бошқариб қолмай, шу билан бирга тадқиқ қилинаётган даврда моддий, маданий, маънавий жиҳатларни, диний ва дунёвий вазифаларни ҳам бирлаштирган.

Қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»[323] асарини мусулмон дунёсидаги қиёсий диншуносликка оид энг сара асарлар қаторига киритиш мумкин. Мазкур китобда ислом маросимлари, араб халқларининг ўзига хос этномаданий идентиклиги тўғрисида қимматли маълумотлар бериб ўтилган. Ўзбекистонда яшаб келаётган халқлардан бири бўлган арабларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва анъанавий маросимларида ўзига хос муҳим жиҳатларни таъкидлаш ўринли. Ички ва ташқи сиёсатда ислом дини ролининг ошишига иқтисодий-ижтимоий омиллар таъсир қилди.

Рамазон ва Курбон ҳайитлари билан боғлиқ урф-одатларнинг барчага тааллуқлилиги фикримиз далилидир. Ислом динининг ҳаётий муҳим таълимотлари ҳақида айрим дин намояндалари-

[323] *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар... – Б. 468.

нинг бир томонлама талқини туфайли аҳоли ўртасида нотўғри тасаввурлар пайдо бўлган бўлса-да, бу таълимотга ҳам, болаларни замонавий илмга ўқитишга ҳам тўсқинлик қила олмасликка ундади. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, бир ойлик рўза маросими авваллари араблар орасида кенг тарқалган эди[324]. Бирон-бир халқнинг ёки миллатнинг бир неча асрлар давомида яшаб келаётган, ўша халқнинг орзу-интилишларини ўзида ифода этадиган ва умрбод ўз қадрини йўқотмайдиган тушунча ва тамойиллар, урф-одатлар анъанавий қадриятлар ҳисобланади. Маълумки, дин доирасида, диний тус олган ва эътиқодга тааллуқли қадриятлар эса «диний қадрият» деб аталади. Диний қадрият ёзма ва маданий шаклга эгадир.

Ислом дини Ўрта Осиёга кириб келиши билан бирга ундаги турли-туман диний маросимларни сингдиришга ҳаракат қилинган. Аммо, зардуштийликда Марказий Осиё халқлари урф-одатларидан оловни муқаддас санаш удуми йўқотолмади. Шунинг учун шу кунга қадар тўйларда келин-куёвни олов атрофида айлантириш, мозорларга шам ёқиш удумлари сақлаб қолинди.

Ислом дини бошқа динлардан ўзининг ҳар томонламалиги билан ажралиб туради. У фақат диний маросимларни амалга ошириб қолмай, шу билан бирга тадқиқ қилинаётган даврнинг маънавий, моддий маданий жиҳати билан ҳам боғлиқдир. Қурбон ҳайити кунлари мусулмонлар ўз ота-оналари, қариялар ва беморларни бориб кўрадилар. Уларга қўлларидан келган ёрдамларини аямай, ҳурматини ўз ўрнига қўядилар, қурбонлик учун сўйилган молларнинг гўштларидан бир қисмини ўз уруғ-аймоқларига, хусусан, кам даромадли оилаларга, бева-бечораларга тарқатадилар. Қурбонлик маросимининг яна бир тартиби сўйилган моллар гўштидан таом тайёрлаб, худойи шаклида йиғинлар ўтказишдир. Макка ва унинг атрофида ҳожиларга хизмат кўрсатиб тирикчилик қилувчи араблар қурбонликка сўйилган ҳайвонларнинг гўштини йиғиб, қуритиб оладилар ва йил бўйи у билан тирикчилик қиладилар. Ўзбекистон арабларида бу ҳолат кузатилмайди.

[324] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Пўлати қишлоғи. – 2011 йил.

Тақвимий маросимлар таркибидаги Наврӯз, Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайит байрамларига катта эътибор берилган. Яъни мазкур байрамларда кийиладиган либослар иложи борича янги, тоза ва пок бўлиши керак. Шунингдек, одамларнинг ўзлари ҳам ювиниб, покланган бўлишлари шартдир. Ушбу одат кишиларнинг кейинги фаолиятларига ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Шунинг учун ҳар икки ҳайитдан олдин уй бекалари оила аъзоларининг барча кийим-кечакларини ювиб, тозалаганлар. Шунингдек, ҳар бир инсон ҳайитга иложи борича янги, оҳорли либос кийиши, ҳеч бўлмаганда янги рўмолча тутиши керак, деган қарашлар мавжуд[325].

Маълумки, маҳаллий араблар истилоси ва ислом дини қабул қилинганидан анча илгари пайдо бўлган муайян бир кичик ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда одамлар фақат қўшничилик билангина эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб – ахлоқий норма, урф-одат ва анъаналар билан боғланганлар. Истиқлол туфайли маҳалланинг қадимий мақоми қайта тикланиб, унинг тараққиёти ҳуқуқий асослари яратилди[326]. Мустақиллик туфайли ислом дини мавқеининг тикланиши, диний маросимларнинг халққа қайтарилиши мусулмонларнинг муқаддас ҳаж амалларини адо этиш имкониятларига эришганликлари, диний-ахлоқий масалалар бўйича турли китобларнинг чоп этилиши, кўплаб масжиду мадрасаларнинг фаолият юритиши, дин эркинлигини таъминлаш каби бир қанча савобли тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда арабларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва анъанавий маросимларида ўзига хос муҳим жиҳатларни таъкидлаш ўринлидир. Ички ва ташқи сиёсатда ислом дини ролининг ошиши иқтисодий-ижтимоий омилларга таъсир қилди.

Ўзбекистон арабларининг диний маросимлари, жамиятимизда динга ишонувчиларнинг намоз ва рўзага бўлган диний эътиқоди, ислом динининг таъсири халқ онгу шуурида ўз аксини

---

[325] *Саримсоқов А. А.* Ўзбекларнинг тақвимий маросимлари (Фарғона водийси материаллари асосида). – Т.: Yangi nashr. 2010. – Б. 134.

[326] *Бўриев О., Саидов Б.* Маҳалла – миллий тарихий институт. – Т.: Yangi nashr. 2012.

топган. Ҳатто ислом диний таълимоти нуктаи назаридан динга ишонувчиларни эътиқоди мустаҳкам инсонлар, деб қараб келишади.

Ислом анъанасида фитр-садақа ва ифторлик ўзига хос исломий маросим сифатида бир неча асрлардан бери ўзбек ва араб халқининг анъанавий маросими сифатида ўтказилиб келинмоқда, бироқ совет тузуми даврида у қаршиликларга учради. Мустақилликнинг илк кунларидан исломий диний маросимларга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон арабларининг диний маросимлари ўзига хос муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради. Рўза ойида вафот этганларнинг руҳига бағишлаб мавлуд, қуръон ўқитилиб ифторлик ўтказилади. Рўза ҳайитидан кейинги уч кун, рамазон ҳайити куни турли диний маросимларни бажариш билан бирга, ўлган кишиларнинг «ҳайити» ўтказилади. Бундай маросимларга баъзи вақтларда кўплаб пул маблағлари сарфлашади.

Арабларнинг турмуш тарзи маданияти тўғрисида турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилган. Аммо биз олиб бораётган тадқиқотнинг афзал жиҳати шундан иборатки, унда арабларнинг этник ўзликни англаши ва миллий маданияти, бугунги кундаги ўзгаришлар сабаблари таҳлил этилди. Этник ўзликни англашдаги ўзига хос бўлган жиҳати арабона миллий маданиятининг сақлаб қолиниши энг муҳим умуминсоний ва миллий қадриятлардан бири ҳисобланади. Бироқ бугунги кундаги ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар ҳамда оммавий маданиятнинг таъсири арабларнинг миллий маданияти унутилишига олиб келган. Демак, ғарбона маданият таъсирига тушмаслик учун ўз миллий-анъанавий маданиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш араб халқи учун муҳим ҳисобланади. Чунки дунёда турли миллатлар бор, уларининг аксарияти ўз миллий маданиятини йўқотиб, атрофидаги халқлар миллий маданияти билан уйғунлашиб кетган. Респондентларимиз «*Сизнингча, арабона миллий-маданий анъаналарни сақлаш керакми?*» деб берилган саволга қуйидагича жавоб беришди: 64 фоизи «ҳа», 6

фоизи «йўқ», 30 фоизи «жавоб беришга қийналаман», деб таъкидлашди.

XX асрнинг охирги йилларида ғарб дунёсидан янгича маданиятларнинг кириб келишига бугунги кунда ўзига хос бир жараён сифатида қаралмоқда. «Ғарб маданияти» моделида яшаётган кўплаб мамлакатларда йиллар ўтиши билан этник ўзликни англаш ҳисси ўзига хос анъанавий урф-одат ва маросимларнинг унутилишини кузатиш мумкин. Кўпчилик тадқиқотчилар кейинги йилларда буни оила, жамоа ҳамда 80-йиллар охири – 90-йилларнинг бошида жамиятда юз берган маънавий бўшлиқ оқибатида турли хил маданиятлар ўртасидаги ўзаро қарма-қаршиликлар натижаси деб қараб келишган. Ғарб мамлакатларига хос бўлган маданият шарқ мамлакатларида яшаб келаётган халқлар турмуш тарзи ва маданиятига ўз таъсирни кўрсатиб келмоқда. Бироқ, тарихдан маълумки, шарқ халқлари, шу жумладан, Ўрта Осиёдаги халқлар ўз миллий хусусиятларига эга. Шу жумладан, арабларнинг турмуш тарзидаги ўзига хос миллий маданиятни сақлаб қолишга катта эътибор қаратилган. Бироқ ғарб маданияти араб халқи турмуш тарзида ҳам ўз ифодасини топди. Аммо мамлакатимиз ва миллатлар манфаатига мос келувчи ва уни тараққиёт сари етакловчи ўзига хос омилларни татбиқ этиш бер неча йиллар давомида шаклланади. Юқоридаги фикрларнинг далилий таҳлили сифатида ўтказилган сўровномага эътибор қаратиш лозим. Респондентларга «*Замонавий ғарб маданиятига қандай муносабат билдирасиз?*» деб берилган саволга уларнинг 36 фоизи «ижобий», 31 фоизи «салбий», 16 фоизи «бефарқман», 17 фоизи «жавоб беришга қийналаман» деб жавоб берди. Юқоридаги анкета таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, арабларнинг катта қисми ғарб маданиятининг кириб келишини яхши деб ҳисоблашади.

Этник онгни шакллантиришни ўз таркибига олувчи этник қайта ишлаб чиқариш, этномаданий анъана, урф-одат ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни авлоддан-авлодга етказиб туриш бугунги кундаги муҳим жараёнлардан биридир. Миллий характер оила, жамоатчилик таъсирида

шаклланади ва инсон шахс сифатида ижтимоийлашиб боради. Этник ўз-ўзини англаш кишининг муайян этник бирлик, яъни халқ ёки элатига мансублигида, ижтимоий ҳаётида ўз миллати эгаллаган мавқени яққол тассавур қилганлигида, миллий манфаатдорликда ўз ифодасини топади. Респондентларимиз «*Сиз этник ўзликни англаш муносабатига қандай қарайсиз?*» деб берилган саволга қуйидагича жавоб беришди: 54 фоиз «яхши», 16 фоиз «ёмон», 30 фоиз «бефарқман». Араблар ўзига хос локал миллий хусусиятини, тилини, араб ҳунармандчилиги, араб номи, антропология, географик жой номини асраб қолганликларини эътироф этишди. Ўзбекистондаги арабларнинг онгида арабларга хос бўлган хусусиятлардан бири қизиққонлик ҳам бир неча асрлардан бери халқнинг онг ва шуурида сақланиб қолган. Юқоридаги мисоллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, араб халқида этник ўзликни англаш ҳисси бошқа халқлардаги сингари сақланиб қолган.

Маълумки, ўрта осиёликларнинг турмуш тарзи ва маданиятинининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири урф-одат ва анъаналар жуда эъзозлаб келинган. Уни авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтказиб, кейинги даврга келиб эса замонавий маданият кашф этилган. Респондентларга «*Сизнинг энг севимли байрамларингизда қандай ўзгаришлар юз берган?*» деб савол берилди. «Сиз ўзингиз ёқтирган байрамлардан 3 тасини белгиланг» деб берилган саволларга улар қуйидагича жавоб беришди. Яъни «Янги йил» 66 фоиз, «Мустақиллик куни» байрами 50 фоиз, «Наврўз» 49 фоиз деб жавоб бердилар.

VII–VIII асрлардан эътиборан мамлакатимиз ҳудудида Араб халифалиги деб ном олган давлат пайдо бўлди. Давлат томонидан, асосан, ислом динининг кириб келиши ва уни маҳаллий халқлар турмуш тарзига сингдириш мақсадида араблар Ўрта Осиёга кўчириб келишган. Улар туб ерли халқларнинг этномаданий ҳаётига маълум даражада ўз таъсирни кўрсатди. Респондентлардан «*Ислом динини Ўрта Осиёга ким олиб кирган деб ҳисоблайсиз?*» деб сўраганимизда, ахборотчиларнинг 82 фоизи араблар, 5 фоизи турклар, 3 фоизи «билмайман» деб жавоб бер-

дилар. Уларнинг 10 фоизи жавоб беришдан бош тортди. Араблар ислом дини ва унинг ўзига хос локал хусусиятини сақлаб қолишган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир миллат ўз тарихи, урф-одати, анъаналарига, ўзининг қадимий бой тарихи ва ўзи эътиқод қиладиган динига эга. Ер юзида кўплаб элат ва миллатлар истиқомат қилишади. Биз тадқиқ этган халқлардан бири араблар бўлиб, мақсадимиз унинг этномаданий ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан иборат. Арабларда қадимдан маълум бўлган беш вақт намоз ўқиш исломий маросим ҳисобланади. Ислом дини кенг тарқалган бўлиб, араб халқи турмуш тарзи ва урф-одатларида ўз аксини топган.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ислом дини омилидан, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги катта имкониятларидан фойдаланиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилган. Маълумки, мусулмонлар билан ёнма-ён зардуштийлик ва бошқа кўплаб диний қарашлар Ўрта Осиёда кенг тарқалган. XIX аср охири – XX аср бошларига келиб ислом дини билан боғлиқ маросимлар анъанавий давом этиб келган. Шўролар тизими даврида салбий муносабат натижасида ислом дини халқ ўртасида ўзи мавқеини йўқота бошлади. Бироқ мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг ислом динининг қарашлари кенг тарқалди.

Арабларнинг ўзлигини қай даражада англашлари, урф-одатларига бўлган муносабатларини ва уларни қай даражада сақлаб қолганликларини, динга бўлган эътибор ва ташқи омилларга бўлган таъсирини, бошқа халқлар билан муносабатини кузатдик. Мустақил республикамизда бир қанча миллат ва элатлар бир оиладек аҳил, иноқ ва эркин истиқомат қилиб келишмоқда. Араб миллати вакиллари ҳам шулар жумласидандир. Уларнинг диний эркинлиги, урф-одат ва анъаналарига ҳурмат билан қараш қонун билан ҳимояланган ва уларни ривожлантириш, тиклаш учун маълум шарт-шароитлар яратилган.

## 5.2. Араб тилидаги лингвистик ўзгаришлар

XX аср дунё тарихида глобаллашув, информацион ва коммуникация даврининг ривожланиши жараёни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар даври тарзида тарихда қолди. Айниқса, халқларнинг турмуш-тарзи ва этнографияси, моддий ва маданий маънавиятини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистонда яшаб келаётган халқлардан бири бўлган арабларнинг этномаданий идентиклиги (этник ўзлигини англаш) ва маданиятини ўрганиш бугунги кундаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккур ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий тил орқали намоён бўлади»[327]. Этник ўзликни асраш масаласи янада долзарблик касб этганлигидан далолат беради. Айниқса тарихий ўзликни англашда муҳим омиллардан бири этномаданий яқинлашувда тил ва маданият анъаналарини сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишларнинг аксарият қисмида араблар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар баён этилган. Араб халифалиги даврини тадқик этган олимлардан бири О. Г. Большаков ўз илмий-тадқиқот ишларида ўша даврда араблар Ўрта Осиёга араб тилини олиб келганлигини таъкидлайди. У аббосийларнинг тахтга чиқиши мусулмон оламида араб тилининг янада кенг тарқалишига сабаб бўлди дейди. Ўша даврдан бошлаб бутун халифаликда исломлаштириш ва араб тилини кенгроқ ёйиш бошланган. Чунки бу тилда Қуръони карим нозил бўлган ва диний-ҳуқуқий ривоятлар оғиздан-оғизга кўчиб юрган[328]. Демак, аббосийлар даврида араб маданияти, жумладан, ислом мадания-

[327] *Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Манавият, 2008 – Б. 83.

[328] Қаранг: *Большаков О. Г.* Очерки истории арабской культуры, X–XI вв. – М.: Наука, 1982. – С. 5.

ти Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқала бошлаган. Ушбу даврда бутун бошли бир халифалик ҳудудидаги халқлар бир-бирларининг урф-одати, маданияти ва қадриятларини ўзлаштириб, маълум маънода турмуш тарзини тубдан ижобий ўзгартириб юборган.

Юқорида қайд қилганимиздек, маданий ҳаётнинг ислом маънавияти билан тўлдирилганлиги айрим салбий таъсирлардан ҳимоя қилган. Чунончи, мажбурий исломлаштиришга қарши ерли аҳолининг чиқишлари жуда қаттиқ жазоланган. Муаррих Наршахийнинг ёзишича, арабларнинг янги эътиқоди мажусийлик–кўпхудоликка эътиқод қилган аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келган[329]. Чунки араблар Ўрта Осиёни босиб олишларидан олдин маҳаллий туб ерли аҳоли суғд, турк, форс тилларида ёзиб, шу тилларда мулоқот қилишган ва давлат ишларини ҳам ўша тилларда олиб боришган. Бу эса ҳудудда ўзига хос тил шаклланиб келганлигидан далолат беради. Араблар Ўрта Осиёда ислом дини, араб тилини сингдириш мақсадида агрессив сиёсат олиб боришган. Шу мақсадда бўлса керак, арабларнинг жуда катта қисми Ўрта Осиёга миграция натижасида келиб қолган бўлишлари мумкин. Аббосийлар даврида бошқа тиллар билан бирга араб тили кенг тарғиб этилди. Кўчиб келган арабларнинг катта қисми ўз она тили–араб тилини унутган бўлса, аксарият қисми ўз она тилини бугунги кунгача сақлаб қолиши этномаданий идентикликнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон арабларининг этномаданиятида тил муҳим омил ҳисобланади. Араблар оммавий кўчиб келиб ўрнашган даврини бир неча босқичга бўлиб таҳлил қилиш мумкин, (Бу тўғрисида аввалги бўлимларда етарлича маълумотлар берилган). Араблар кейинчалик маҳаллий халқларнинг этномаданияти билан йиллар ўтиши натижасида яқинлашиб кетишган. Жумладан, ўзбек, туркман, тожик ва бошқа миллат вакиллари билан яқин муносабатда яшаб келишган. Муайян этносга мансубликнинг зарурий омилларидан бири бу ўз-ўзини англашдир. Ўз-ўзини англаш кишининг ўзини билиши, этник ўзлигини англаши, яъни ўзини бошқалардан ажратган ҳолда *«биз ва улар»* деб ажратиб, этно-

[329] Қаранг: *Муҳаммад Наршахий*. Бухоро тарихи. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 123–124.

миллий қадриятларни тиклаши ва уни келажак авлодга етаказишдир.

Тарихдан маълумки, жамиятга турфа муносабатда бўлиш жараёнида киши ўзини муайян гуруҳга мансуб деб ҳисоблайди. Барча кишилар жинсий, касбий, ёш, синфий, этник ва ҳоказо гуруҳларга мансублик хусусиятига эгадир. Айнан этник ўзликни англаш туфайли киши ўзини бошқа бир киши билан таққослай олади. Этник ўз-ўзини англаши туфайли киши ўзининг муайян этник гуруҳ вакили эканлигини фарқлай олади. Этник ўзликни англаш, асосан, кишининг муайян этносга хослигини тан олишидир.

Тарихий-этнографик адабиётлардан маълумки, этник ўзликни англашнинг асосий омилларидан бири тил ҳисобланади. Жумладан, В. И. Козлов этник жамоанинг асосий белгиларини қуйидагича изоҳлаган: «Этник ўз-ўзини англаш ва ўз миллий номига эга бўлишлик тил, ҳудуд, психик хусусиятлар, маданият ва маиший турмуш, ижтимоий-ҳудудий ташкилотларнинг маълум шаклларидир...»[330].

Маълумки, этнолингвистика соф лингвистик йўналиш сифатида XX асрнинг биринчи чорагида шаклланди. Унинг асосчиси сифатида Ф. Боас[331] эътироф этилади. Ф. Боас асос солган этнолингвистиканинг бош вазифаларидан бири ҳинду қабилаларининг генетик қариндошлиги масаласини аниқлаш эди. Ҳар бир халқнинг ўзига хос жиҳатларини билиш, бирламчи этник ўзликни англаш омилларидан бири унинг тарихи ва тилидир. Этнографик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳар бир халқнинг этник ўзлигини англашида турмуш тарзи, анъанавий маданияти, шунингдек, тили катта аҳамиятга эгадир. Хусусан, унинг тил билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил этиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

[330] *Козлов В. И.* Опонятии этнической общности // Советская этнография. 1967. – № 2. – С. 126.

[331] *Қаххарова М. М.* Ўзбек энографизмларининг системавий тадқиқи. – Т., 2009. – Б. 13.

Ўзбекистонда яшовчи халқлар орасида ўз тили ва маданиятини сақлаб қолган халқлар кўпчиликни ташкил қилади. Шундай халқлардан бири араблар бўлиб, улар ўзларининг тил хусусиятларини сақлаб қолишган.

Ўзбекистонда яшаб келаётган араблар ва уларнинг лингвистик ўзига хос хусусиятлари борасида И. Н. Винников, Г. В. Церетели, Н. Н. Бурикина, М. М. Измайлова, Г. Г. Чойковани, М. Саидов, П. Равшанов, Р. Ражабов[332] каби тадқиқотчилар ўз илмий қарашларини баён этганлар. Улар Ўзбекистоннинг турли минтақаларида яшовчи арабларнинг тилидаги ўзига хослик ва умумийликни ўзаро қиёсий таҳлил қилишган.

XX асрнинг 30-йиллари бошларида Н. Н. Бурикина ва М. М. Измайловалар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида кашф этилган янги араб тили диалектларини фавқулодда аҳамиятга молик далиллар сифатида баҳолашган. Арабшунос олим академик И. Ю. Крачковский таъбири билан айтганда, айнан мазкур тадқиқотларда билдирилган фикрлар, яъни Ўзбекистон арабларининг шеваси ўзига хос бебаҳо илмий қимматга эга эканлиги ҳақидаги қарашлар араб шевашунослигида бир қадар бурилиш ясалганидан дарак беради[333]. Олимнинг тадқиқот ишлари араб шевашунослиги ва араб тилини ўрганишга бағишланган. Унинг илмий-тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатдики, араб тилининг Ўрта Осиёда бугунги кунга қадар сақланиб қолиниши энг катта кашфиётлардан биридир.

---

[332] *Бурыкина Н. Н., Измайлова М. М.* Некоторые данные по языку арабов кишлака Джугары Бухарского округа и кишлака Джейнау Кашкадариньского округа Узбекской ССР // Записки коллегии востоковедов. Т. 5. –Л., 1930; *Церетели Г. В.* Арабские диалекты Средней Азии. Т. I. Бухарский арабский диалект. – Тбилиси, *1956; Чикована Г. Г.* Некоторые вопросы истории и языка среднеазиатских арабов // Россия и арабский мир. Вып. 3. СПБ., 1988. – С. 70–77; Морфологическая структура Кашкадарьинского диалекта арабского языка. – Тбилиси, 1988. – С. 3; *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. – Б. 202; *Ражабов Р.* Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 128; *Уша муаллиф.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. – Т.: Шарқ, 2012 – Б. 416.

[333] *Чиковани Г. Г.* Морфологическая структура Кашкадарьинского диалекта арабского языка. – Тбилиси, 1988. – С. 3.

Этнограф олима Б. Х. Кармишева ўз илмий-тадқиқотларида Ўрта Осиё тарихида арабларнинг тутган ўрни ва араб халқининг урф-одатлари, тили, маданияти, тарихи, уларнинг кўчиб келган жойлари ва ҳунармандчилиги, этнографияси, миллий кийимларининг ўзига хос локал хусусиятларини қиёсий таҳлил этган[334]. Олима томонидан Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари, Ўзбекистон ва Тожикистонда яшовчи арабларнинг турмуш тарзи ва маданияти ўрганилган. Араблар асрлар давомида минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляциялашган бўлса-да, уларнинг бир қисми этник ўзлигини сақлаб қолган. Бунинг ўзига хос муҳим сабабларидан бири араб халқининг алоҳида яшаб келганлиги билан боғлиқдир. Жумладан, Қашқадарё вилояти Пўлати ва унга туташ бўлган Райимсўфи, Хўжақудуқ, Андабозор, Бойтерак, Дарча, Қанотли, Бўрихона, Пистали, Номард, Олачабоп, Огзикенг сингари ўнлаб қишлоқларда араб тилининг маҳаллий шеваси сақланиб қолган[335]. Араблар шевасига хос хусусиятлар, асосан, Пўлати ва унга яқин жойлашган қишлоқлар: Олачабоп, Райимсўфи, Бўрихона аҳолиси тилида қисман учрайди[336]. Бироқ бугунги кунда юқоридаги номлари қайд этилган араб қишлоқларида араб тили унутилиб, аҳоли ўзбек тилида сўзлашади.

Ўзбекистон арабларининг минтақада юз берган этномаданий жараёнларда иштироки икки томонлама борган. Биринчидан, улар асрлар давомида минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляция жараёнларига тортилган бўлсалар, уларнинг бир қисми этник ўзликлари (идентиклари)ни сақлаб қолганлар. Бу улар орасида ҳалигача ўзларини араб деб эътироф этувчи ёки ўз она тилларини қисман сақлаб қолган аҳоли гуруҳининг мавжудлигида ўз ифодасини топади[337].

---

[334] *Кармышева Б. Х.* Среднеазиатские арабы // Народы Средней Азии и Казахстана. – М. Изд–во АН СССР, 1963. Т. II. – С. 582–598.

[335] *Рўзимуродов Т., Райҳонов Э., Ҳамроев С.* Тақдир сўқмоқларида Пўлати қишлоғининг ўтмиши ва бугунига бир назар. – Қарши. Насаф нашриёт, 2000. – Б. 14–15.

[336] *Ражабов Р.* Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар... – Б. 56.

[337] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 161–162.

XX асрда совет тузуми даврида араб халқига нисбатан ўтказилган сиёсий тазйиқлар уларнинг она тилисининг йўқолишига олиб келди. Бу даврда болалар рус мактабларида ўқиш ва ёзишни ўрганишлари мажбурий таълим сифатида жорий қилинди. Шунинг натижаси ўлароқ ёшлар ўз тилини унута бошлади. XX аср охирларига келиб, бу жуда ҳам катта фожеага олиб келди. Чунки маҳаллий аҳолининг асосий қисми давлат ишларини рус тилида олиб борганлиги натижасида ўша миллат вакилларининг этник ўзлигининг йўқолишига олиб келди. Респондентларга «*Араб тилини қай даражада биласиз?*» деб савол берилди. Ўзбекистондаги арабларнинг 45 фоизи «Араб тилини билмайман», деган бўлса, 31 фоизи «Яхши биламан», деб таъкидлашган. 11 фоизи аъло даражада, 13 фоизи эса ёмон билишларини таъкидлашди.




*Араб тилини қай даражада биласиз?*

Илмий таҳлилларимиз натижасида айтиш мумкинки, арабларнинг бугунги кунда ҳам этник ўзликни англашининг асосий омилларидан бири ўз она тилини унутмай сақлаб қолганлигидир. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир халқнинг тарихи билан боғлиқ жараённи таҳлил этиш асносида уларнинг ўзига хос локал миллий хусусиятига ҳам эътибор қаратиш лозимдир. Яъни Жейновда яшаб келаётган арабларнинг аксарият қисми ўз она тилини қисман бўлса-да, сақлаб қолганлигини кўришимиз мумкин.

Этномаданий идентиклиги энг асосий белгиси ўз тилини билиши, этник хотира ҳар бир халқнинг ўзлигини англашида муҳим кўрсаткичлардан биридир. Араблар ўз она тилини йил-

лар ўтиши билан унута бошлаган. Сўровнома натижаларида араби ёшлари орасида она тилига эътибор қаратмайдиганлари мавжудлиги маълум бўлди. Чунки араб тили унутилиб, у бугунги кунда араб ёшларининг кундалик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эмас.

Араблар истиқомат қилиб келаётган қишлоқларда арабликнинг энг муҳим элементлари сақланиб қолган кишлоқлар бўлиб, хусусан Жейнов, Жугари, Чаҳдари қишлоқларида этномаданий идентиклик, моддий ва маънавий маданият кабилар сақланиб қолган.

Тадқиқотлармиз даврида арабларнинг этномаданиятига доир баъзи ўзгаришлар қайси асрларда юз берганлиги тўғрисида сўров ўтказганмизда, информаторларнинг катта қисми Амир Темур даврида кўчиб келганларида этник ўзликни англашнинг баъзи жиҳатларини кўриш мумкин. Амир Темур давридан олдин ҳам араблар бир неча марта кўчиб келиб ўрнашган. Бироқ улар ўзига хос хусусиятларини унутиб, йиллар ўтиши билан ўзбек тожик ва туркман каби халқлар турмуш тарзига сингиб кетишган, миллий маросимларининг маҳаллий шароитларга мослашишига ҳаракат қилганлар.

Хуллас, араблар йиллар давомида минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляция жараёнларига тортилган бўлса-да, уларнинг бир қисми этник ўзлигини (идентиклигини) сақлаб қолган. Жумладан, Навоий вилояти Навбаҳор туманига қарашли Арабхона қишлоғи ҳудудида истиқомат қилиб келаётган кекса кишиларнинг аксарияти олдинлари араб тилида гаплашишган. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги араб тилини унутиб, ўзбек ва тожик тилида мулоқот қилишади. Жугари қишлоғида истиқомат қилиб келаётганлар эса тожик, ўзбек, араб тилларида гаплашишади. Респондентлардан бири «бизлар араб миллатдошларимиз билан араб тилида, ўзбек ёки тожик миллатга мансуб кишилар билан уларнинг тилида суҳбатлашамиз», деб таъкидлади.

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи араб аҳолисининг маълум қисми Қашқадарё вилояти

Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлоғидан кўчиб келиб ўрнашиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ҳозирги кунда ўзбеклашиб кетишган[338].

Дарҳақиқат, арабларнинг асосий қисми даврлар ўтиши билан ўз она тилини унутишган. Масалан, Навоий вилояти ҳудудида жойлашган Катта Арабхона, Арабхона қишлоғида ва юртимиздаги бошқа араблар яшаб келаётган қишлоқларда араб тили унутилган бўлиб, ўзбек тилида суҳбатлашишади. Бу ички ва ташқи таъсирлар натижасидир.

Жейнов арабларининг шевасида қадимги Месопотамия аҳолиси тилига хос хусусиятлар учрайди, бироқ улар бадавийлар нутқида ҳам кузатилади. Месопотамия шевалари Марказий Арабистон бадавийлари нутқига жуда яқин туради.

Жугари лаҳжаси эса узоқ асрлардан бери сақланиб келади. Жугарилик араблар араб тили билан бир қаторда тожик ва ўзбек тилларини ҳам биладилар, лекин улар ўзаро арабча гаплашадилар[339].

Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган Чаҳдари ва Жугари қишлоқларининг бир-биридан ажралиб турадиган жиҳати бу уларнинг шевасидаги фарқдир. Бунга сабаб Чаҳдарида тожиклар кўпчиликни ташкил қилганлигидир. Уларнинг жуда кўп сўзларида тожикча сўзлар учрайди. Жугарида эса кўпроқ араб тили сақланиб қолган. Масалан, Чаҳдарида «қаймоқ» деб айтилса, Жугарида «қишма» деб айтилади[340]. Ўзларини араб деб ҳисоблаш ҳолатлари Ўзбекистоннинг жуда кўп ҳудудларида учрайди. Тожикистон ёки Ўзбекистоннинг айрим қишлоқларида араб тилида гаплашадиган қишлоқлар учрайди. Бироқ, уларнинг тилини икки асосий лаҳжага ажратиш мумкин. Биргина Ўзбекистондаги араблар, яъни Бухоро ва Қашқадарё вилоятида жойлашган араб қишлоқларида араблар икки хил шевада гаплашадилар. Бухорода ўзбек ва тожик тили шевалари устун бўлса, Қашқадарёда эса ўзбек ва қисман туркман шеваларининг таъсири кучли бўлган бўлиши мумкин.

---

[338] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Арабхона қишлоғи. – 2012 йил.

[339] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 139.

[340] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Чаҳдари қишлоғи. – 2012 йил.

Маҳаллий миллат билан ёнма-ён яшаган араблар ислом ақидаларини маҳаллий миллат онгига сингдириш билан бирга ўзларига маҳаллий миллатнинг кўпгина урф-одатларини ҳам ўзлаштириб олдиларким, бу эса кадим анъаналарнинг ассимиляцияга киришув жараёнини ифодасидир [341].

Кўп асрлик ёнма-ён яшаш натижасида юқоридаги каби яна Китоб, Қамаши, Шаҳрисабз, Ғузор, Яккабог туманларида баъзи бир араблар номи билан боғлик қишлоқларнинг араб ёшлари ҳатто ўзларининг қайси миллат вакили эканлигига ҳам эътибор қаратмайдиган ҳолатлар кузатилади, бу уларнинг узоқ йиллик аралашиб яшаши натижасининг мевасидир. Араблар бу ўлкада маҳаллий миллатнинг этник анъаналарига таъсир кўрсата олмаган бўлсалар-да, бироқ уларнинг анъаналарида ҳам турмуш тарзида ўзаро қоришиб кетиш ҳоллари кузатилади[342].

Бухоро шевасида гапирадиган 400 га яқин катта ва кичик араб оилалар мавжуд деб эътироф этишган. Рус тадқиқотчилари томонидан олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида бу заминда яшаб келаётган арабларнинг бир неча шевада гаплашишлари аниқланган. Бу каби ҳолат йиллар ўтиши натижасида ўзгариб келган. Айниқса ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган араб оилаларида ўзбеклашиш жараён давом этиб келаётганидан далолат берида.

Ўзбекистон араблари тарих билан эмас, ҳозирги кун ҳақиқатлари билан юз очмоқда. Бугунги кунга келиб, арабларнинг йирик қисмлари маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетган. Жейнов, Жугари, Чаҳдари ва Арабхона қишлоқларида араб тилида гаплашувчи кўплаб араблар истиқомат қилиб келишмоқда. Жугарида яшаб келаётган халқларнинг асосий қисми уйда арабча гапириб, тилимизни сақлаб қолганмиз, дейдилар. Ўзбекистон арабларининг аксарияти пойтахт шаҳарларида ҳам нуфузли лавозимларда ишлаб келишмоқда. Ўзбекистон арабларининг ўзига хос миллий таомлари тўғрисида суҳбат ўтказганимизда,

[341] *Бибикова О.* Арабы. Историко этнографические очерки. – М.: Хранитель, 2008. – С. 226-258.

[342] *Қаҳҳаров Н.* Ўзанидан ажралган дарё – Т.: Yangi nashr, 2014. – Б. 35.

улар миллий араб таомлари йўқ эканлигини таъкидлашиб, ўзбек миллий таомларини араб миллий таомлари билан боғлиқ деб таъкидлашади, бу эса арабларнинг ўзбек халқининг турмуш тарзи билан уйғунлашиб кетганлигининг яна бир яққол далилидир. Аммо бу араблар ўзлигини, тили ва урф-одатларини унутишган, дегани эмас. Этник ўзликни англаш Ўзбекистон арабларида кучлидир. Бугунги кундаги жануби-ғарбий ҳудудда истиқомат қилиб келаётган араблар мустақилликнинг дастлабки йилларида арабча мактаблар ташкил қилиб, ўша ерда таҳсил олишган. Мактаблар учун араб имлосидаги дарслик, лугат ва бадиий асарлар чоп этилган. Бироқ кейинги йилларда ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида араб тилига ихтисослашган мактаблар тугатилган.

Миллий тикланиш ва этник ўзликни англаш масаласи ўтмиш билан боглиқ, яъни собиқ шўролар ҳукмронлик қилган 70 йилдан зиёд вақт ичида халқимиз маънавияти (ахлоқи, дини, эстетикаси, ақлий онги, ҳуқуқий онги ва ҳоказо) дан маълум даражада маҳрум қилиниб, этник ўзлигидан йироқлаштирилган ва дунё тамаддунидан ортда қолган.

Маънавий қадрият ва этник ўзликни англаш барқарорлик, тараққиётнинг бош омили бўлиб, халқ онги ўсиши ва ҳаёт ҳамда турмуш тарзи маданиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, араб халқи ҳар қандай шароитда ҳам бир умр ўзининг диний эътиқодини авайлаб ва эъзозлаб келган.

Ўзбекистоннинг турли вилоятиларидаги йирик қишлоқларда араблар истиқомат қилиб келишмоқда. Арабларнинг катта қисми чорвачиликка қулай бўлган чўл, чалачўл ва тоғ минтақаларида яшаганлар ва доимо ўтроқ шаҳар ва қишлоқ аҳолиси билан ҳар томонлама кучли алоқаларни йўлга қўйганлар. Улар дастлаб ўзларининг турмуш тарзи ва маданиятларини сақлаб қолишга уринган бўлсалар-да, аста-секин ўтроқ ҳаёт тарзига ўта бошладилар. Бироқ арабларнинг аксарияти ҳозирги вақтга қадар ўз она тилини сақлаб қолишган.

Жейнов, Жугари, Чаҳдари қишлоғидаги арабларнинг турмуш тарзи ва этник ўзликни англашдаги асосий омилларидан бири шундаки, уларда анъанавий жун, мато, араби гилам, арқон, бўй-

ра тўқиш каби касб-ҳунарлар қадим замонлардан бери давом этиб келган.

Ўзбекистон арабларининг уларнинг қайси тилда кўпроқ мулоқот қилишлари асосида тавсифлаган ҳолда хулосалайдиган бўлсак, қуйидагича манзара намоён бўлади: 1) ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли; 2) тожик тилли аҳоли; 3) араб тилли аҳоли (фақат Жугари ва Жейнов қишлоқларида)[343]. Бироқ биз илмий-тадқиқотларимиз даврида бир нарсага амин бўлдикки, Вобкент туманида жойлашган Арабхона ва Ғиждувон туманига қарашли Чаҳдари каби қишлоқларда ҳам араб тилида гаплашувчи араблар истиқомат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон арабларининг этномаданий идентиклигини ўрганишда шу заминда яшаб келаётган ўзбек халқининг тили қандай даражада таъсир этганлигини аниқлаш мақсадида респондентларга «*Ўзбек тилини қай даражада биласиз?*» деб савол берилганда, ахборотчиларимизга тарқатилган анкеталар таҳлили натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Арабларнинг 73 фоизи яхши билишларни айтишса, 27 фоизи аъло билишларини таъкидлашди.

Этнологик тадқиқотларимиз давомида арабларнинг ўзбек тилини билиши ва шу халқнинг таркибий ажралмас қисми сифатида қараши аниқланди. Чунки минг йилдан кўпроқ давр мобайнида ўзбек ва араб халқлари бир ҳудудда иқтисодий-ижтимоий, сиёсий вазиятларда ягона халқ даражасида бир тилда давлат ишларини олиб боришган.




*Дўстларингиз, ҳамкасбларингиз билан қайси тилда мулоқот қиласиз?*

[343] *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 157–158.

Юқоридаги таҳлиллар ҳам шуни кўрсатиб турибдики, араблар бугунги кунда ўзбек миллатининг таркибий ажралмас қисмига айланиб улгурди. Арабларнинг 2 фоизи дўстлари билан араб тилида гаплашишларини таъкидлашган. Бу хусусда бир қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбекистон арабларининг катта қисми ўзбек тилида гаплашишади. Чунки арабларнинг кўпчилиги араб тилини унутиб, ўзбек тилини ўзларининг она тили сифатида эътироф этишади. Ҳозирги замонавий араб ёшларининг тили омилига эътибор берадиган бўлсак, улар инглиз, немис, рус каби тилларни пухта ўрганиб келишмоқда. 2011–2013 йилларда олиб борилган дала тадқиқотларимиз таҳлили натижасида маълум бўлдики, арабларнинг бугунги кундаги этник ўзликни англаш ҳисси, қисман бўлса-да, сақланиб қолган. Аммо арабларнинг асосий қисми ўзбек тилини биринчи даражали тили деб эътироф этишлари ва шу тилда гаплашишлари муҳим жиҳатлардан биридир.

Респондентлардан «*Тожик тилини қай даражада биласиз?*» деб сўралганда, 64 фоизи билмайман деб таъкидлашган бўлса-да, 14 фоизи ёмон билишини, 21 фоизи эса тожик тилини яхши билишини таъкидлашган. Респондентларнинг 1 фоизи аъло даражада тожик тилини билишларини таъкидлашди.




*Тожик тилини қай даражада биласиз?*

Қашқадарё ва Самарқанд вилоятида олиб борилган дала тадқиқотларимиз вақтида турли хил саволлар берилиб, маълум маънодаги жавоблар олинди. Асл манбалар билан бир қаторда сўров таҳлилига ҳам катта эътибор қаратилди. Арабларнинг атрофдаги халқлар билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил этилди.

Арабларнинг маълум қисми ўз она тили ва маданиятига эгалиги билан атрофдаги бошқа халқлардан ажралиб туради. Асрлардан бери ўз она тилини унутмасдан сақлаб қолиш ҳам бугунги кунда ўрганилиши лозим бўлган жараёнлардан бири, деб айтиш ўринлидир. Ўзбекистон арабларининг тили жиҳатларини ўрганиш мақсадида Жейнов ва Арабхона қишлоқларидаги маҳаллий араблар сўровнома тўлдирдилар. Унинг таҳлили қўйидагича: Жейнов қишлоғида яшаб келаётган арабларнинг йирик қисми ўз она тили араб тилини сақлаб қолган. Каттақўрғон тумани Арабхона қишлоғидаги араблар ўзбеклашиб кетишган, шу сабабли бўлса керак, улар араб тилини унутиб, ўзбек тилини қабул қилишган.

Тил этносларaро муносабатлар тарихида шаклланади. Ҳар бир халқнинг тил соҳасидаги алоқалари аҳамиятга молик ҳисобланади. Албатта, аралаш яшаган этнослар иқтисодий ва маданий алоқалар билан чекланиб қолмай, ўзаро яқинлик ўз аксини топади. Араб ва ўзбек тилининг яқинлиги икки халқ маданияти ва унинг қолдирган меросини ўрганишда муҳим ҳисобланади.

Этносларaро муносабатларда тил асосий восита ҳисобланади. Ўзбекистонда табиий географик ҳудудда яшовчи ҳамда этник жиҳатдан кўпчиликни ташкил этувчи ўзбек, тожик, туркманлар бир-бирларини яхши тушунганлар. Араблар кириб келиши билан эса бу халқларнинг тили ва диний эътиқодининг бирлиги, анъаналарида мусулмон диний маросимлар таъсири кучайган.

Ўзбекистонга араблар бир неча асрлардан буён кўчиб келиб жойлашган. Ўтган даврлар мобайнида арабларнинг тилида ўзгариш юз берган. Ўзбек тилининг кучли таъсирида бўлган араблар, асосан, иккала, баъзан эса уч тилда ҳам гаплашади.

Респондентлардан «*Араб тилини ва маданиятини қайта тиклаш ғоясига қандай қарайсиз?*» деб сўралганда, 48 фоизи ижобий, 7 фоизи салбий, 21 фоизи бефарқман, 24 фоизи «жавоб беришга қийналаман» деб жавоб беришган. Ўзбекистон арабларининг йирик қисми ўз она тили ва маданиятининг тикланиши ва қисман бўлса-да, араб тилини келажак авлодга сингдириш мақсадида асраб, аввайлаш кераклигини таъкидлашлари бежиз

эмас. Юқоридаги респондентларнинг жавоблари таҳлили асосида шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, минг йиллардан бери баъзи ҳудудлардаги араблар ўзбеклашиб, баъзи араблар эса ҳанузгача араб тилини сақлаб қолган. Улар миллий урф-одатларга бўлган муносабатни жонлантириш ва уни ўрганишни жорий қилиш керак деб эътироф этишади. Тадқиқотларимиз давомида Ғиждувон туманига қарашли Жугари, Чаҳдари, Вобкент туманидаги Арабхона қишлоғининг қариялари ўз она тили, араб тилининг сақланиб қолиши учун оилавий тил сифатида араб тилида суҳбатлашишади. Бу тўғрисидаги маълумотлар Церетели, Волин, Винников[344] каби бир қатор олимларнинг илмий ишларида ҳам учрайди.

Этнология соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг аксарияти ўтмишдан давом этиб келаётган моддий ва маънавий жиҳатнинг сақланиб қолишига қаратилган. Айниқса, XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб дунёдаги кўп халқларнинг миллий маданиятига янгича анъаналар кириб келиши кузатилган бир даврда ўз қадриятлари учун ҳар бир халқ ўз миллий маданиятини сақлаб қолишга интилди.

Мустақилликка эришишимиз миллий қадриятларимизнинг тикланиши, маҳаллаларнинг анъанавий фаолияти кенг йўлга қўйилишига ҳам имкон берди. Жумладан, Ўзбекистондаги араблар ўз миллий маданиятини қисман бўлса-да, сақлаб қолишган. Ҳақиқатан, мустақилликнинг илк йилларида байналмилал ташкилотнинг тузилганлиги муҳим ҳодисадир. Байналмилал ташкилоти ҳар бир халқнинг ўтмишдан давом этиб келаётган анъанавий маросимлари йўқолиб кетишининг олдини олиш, асраб қолиш ҳамда уни ривожлантириш мақсадида тузилган.

Респондентлардан «*Ҳозирги араб халқининг ривожланиши учун қандай шароитлар зарур?*» деб берилган саволга улар қуйидагича жавоб беришди. «Миллий маданиятини қайта тиклаш

---

[344] *Церетели Г. В.* Арабские диалекты Средней Азии. Т. I. Бухарский арабский диалект. – Тбилиси, 1956; Волин С. А. К истории среднеазиатских арабов // Труды второй сессии ассосациации арабистов. – М.: Изд-во АН СССР, 1941. *Винников Я. Р.* Современное расселения народов и этнографических групп в Ферганской долине // Среднеазиатский этнографический Сборник II. – М., 1959. – С. 382–390.

ва ривожлантириш», 27 фоизи, «халқнинг диний қадриятларини қўллаб-қувватлаш», 35 фоизи, «тилни қўллаб қувватлаш», 17 фоизи, «бозор иқтисодиётини ривожлантириш, иқтисодий мустақиллик», 15 фоизи, табиий муҳитни соғломлаштириш», 3 фоизи, «интизомини мустаҳкамлаш», 3 фоиз деб белгилашди.

Даврий нашрлар ичида энг таъсирчан кучга эга бу газеталардир. Газета сўзи аслида итальянча – gazzetta чақа пул сўзидан олинган бўлиб, келиб чиқиши XVI–XVII асрлар, Европага бориб тақалади[345]. Респондентларга «*Қайси тилдаги газеталарни ўқишни маъқул кўрасиз?*» деб берилган саволга уларнинг жавоблари қуйидагича: ўзбекча 78 фоизи, арабча 5 фоизи, русча 3 фоизи, бошқа тиллардаги (тожик, туркман ва бошқа) 12 фоизи, бир неча тиллардаги газеталарни ўқиш 2 фоизи. Бу Ўзбекистон арабларининг катта қисми араб тилини унутиб, ўзбеклашиб кетаётганидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистондаги арабларнинг бошқа миллат вакиллари томонидан нашр этилган журнал ва гезеталарга бўлган эътибори унчалик ҳам муҳим эмаслиги, асосан, мазмуни саёз мақола ва ҳикоя жуда ҳам кўпчиликни ташкил этишини таъкидлашди. Респондентлар «*Қайси мамлакатлар газета ва журналларини кўпроқ ўқийсиз?*» деган саволга 83 фоизи, «Ўзбекистон», 1 фоизи, «Бирлашган Араб Амирлиги», 5 фоизи, «Россия», 9 фоизи, «Тожикча, Туркманча», 2 фоизи, «барчасини», деб жавоб беришди.

Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистондаги арабларнинг турмуш тарзида катта аҳамиятга эгадир. ОАВ инсоннинг ижтимоийлашувида, унинг ҳаётида ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди. Кўпчилик бугунги кунда телевиденияни аср мўъжизаси сифатида баҳолайди. У инсон маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, чексиз ахборотлар етказиб берувчи манба ҳисобланади. «Ҳар қандай телевидение маълумот олиш манбаидир. Лекин, савол шундаки, у нимага ўргатади?», – деб таъкидлайди Николас Жонсон[346].

[345] *Абдуазизова Н.* Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). – Т.: Академия, 2000. – Б. 5.

[346] *Зокирова К.* Телевиденияниинг ёшлар маънавиятига таъсири // Халқ таълими. –Т., 2002. – № 3. – Б. 43.

Тадқиқотларимиз даврида «*Қайси мамлакатлар телевидениесини томоша қилишни афзал деб биласиз?*» деган саволимизга, респондентларнинг 74 фоизи «Ўзбекистон» телеканали орқали бериладиган кўрсатувларни кўришларини таъкидлашди, 2 фоизи, «Араб» канали, 7 фоизи «Россия», 8 фоизи «тожик ва туркман», 9 фоизи турли каналларни кўрамиз, деб жавоб беришди.

Юқоридаги таҳлиллардан қуйидагича хулосага келиш мумкинки, арабларнинг йирик қисми ўзбеклашиб кетишган. Телевиденияда берилаётган кўрсатувларнинг маънавий таъсири алоҳида масала, аммо уни ҳаддан ортиқ кўп кўриш болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши маълум.




*Қайси юрт қўшиқчиларининг ашулаларини тинглашни ёқтирасиз?*

Халқларнинг анъанавий урф-одат маросимлари ва этномаданиятини асраш мақсадида миллатлараро муносабатларни ўрганишга кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий ҳудудида истиқомат қилиб келаётган араблар ўзларининг араб номи ва тилини сақлаб қолишган. Этнографик дала тадқиқотлари натижасида айтиш мумкинки, ҳар бир миллатнинг этник ўзлигини англашда тили, моддий ва маънавий маданияти энг муҳим белгилардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган араб қишлоқлари турмуш тарзи ва унинг ўзига хос хусусиятиларида араб тили фарқини кўриш мумкин. Ғарбий қисмда жойлашган арабларда тожик, ўзбек ва араб тили кенгроқ тарқалган. Жанубдаги Косон, Пўлати ва унга туташ ҳудудларда тожик ва ўзбек тилида гаплашишади. Араб тили «араб шеваси» ни икки

ҳудуд мисолида кўриш мумкин. Мисол, Бухоро ва Қашқадарё вилоятида яшовчи, Жейнов, Жугари, Чаҳдари ва Арабхона номли қишлоқларда кузатилади. Юқорида номлари зикр этилган қишлоқлар то XX аср охирларга қадар маҳаллий халқлар билан яқин муносабатда бўлишмаган. Чунки маҳаллий халқлар билан араблар ўртасида ўзаро табиатан тўғри келмаслиги бўлган бўлиши мумкин. Арабларнинг табиятида анча қизиққонлик кўпроқ кузатилади. Балки шу сабабли туб ер халқлар билан унчалик яқин муносабатда бўлишмаган. Араблар қишлоқ ва шаҳарларда минг йиллардан бери истиқомат қилиб келганлар. Аммо шаҳардаги араблар бир-бирларига унчалик ҳам яқин бўлишмаганлиги сабабли бўлса керак, улар араб тилини унутиб юборишган. Жейнов ва Жугали қишлоқларида яшовчи арабларнинг тили яхши сақланиб қолган.

Ҳар бир халқнинг шаклланишида тил равнақи катта аҳамиятга эга. Араб ёзуви совет мустамлакаси даврида ислоҳ қилинган бўлса-да, XX аср ўрталаридан бошлаб арабларнинг «ўзбеклашиш» жараёни жадаллашган. Араб тилининг йўқолишига асосий сабаблардан бири деб кўрсатиш лозим бўлган жараён 1929 йил лотин ёзувига ўтишини айтиш мумкин. Бироқ бу жараён тубдан араб тилининг йўқолиб кетишига унчалик ҳам таъсир этмади.

Мустақилликнинг илк йилларида миллий маданиятни асраб ва авайлаб қолиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Жейнов қишлоғида араб тилига ихтисослашган мактаб очилиб, бир неча йиллар араб тили ўқитилди. Айнан Тошкент давлат Шарқшунослик институтида махсус араб тилини ўргатувчи йўналишлар ва курслар ташкил этилган эди. Шу ўринда бир нарсага катта аҳамият қаратиш лозим: ўсиб-улғайиб келаётган келажак авлод вакилларига этник ўзлигини сингдиришда, миллий анъанавий урф-одатларни келажак авлодларга етказишда оила асосий бўғин ҳисобланади.

Шўролар даврида Европа халқлари, айниқса, рус халқининг маданияти, адабиётига таъзимкорлик йилдан-йилга ортиб бораверди. Миллийлик ҳақида гапириш эса жиноят билан баробар

деб қаралди. Бу ҳақида оғиз очган ўқитувчига миллатчи, деган тамға босилди[347]. Ёшлар турмуш тарзида ҳам Европага хос одатлар, муомала ва қилиқларида русча характер вужудга келди. Ўз миллий тили, маданияти, урф-одатларини менсимаслик, ўз миллатининг келажаги, миллий эҳтиёжларига бефарқ караш авж олиб кетди. Бунинг натижасида ҳар бир халқнинг миллий характерида миллий руҳ сўниб, янгича европа миллий маданияти устунлик қила бошлади. Ахборотчилардан «*Оилангизда қайси тилда сўзлашасиз?*» деб сўралганда, респондентларнинг 91 фоизи оилада ўзбек тилида гаплашишларини, 8 фоизи араб тилида сўзлашишларини, 1 фоизи эса рус тилида сўзлашишларини айтишди. Ҳақиқатан ҳам араб миллий маданиятининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири араб тилининг унутилиши билан боғлиқ.




*Оилангизда қайси тилда сўзлашасиз?*

Дала тадқиқотларимиз даврида шуни аниқ таъкидлаш мумкинки, бир ҳудудда ёнма-ён яшаб, кейинчалик яқинлашиб кетган этносларнинг тили, урф-одат ва маросимлари аста-секинлик билан бир-бирига қўшилиб, кам сонли миллатлар кўп сонли миллатларнинг таркибига сингиб кетганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда яшаётган араблар тилига ўзбек, форс-тожик тилларининг таъсири кучли бўлган. Ўзбекистон арабларининг анча қисми ўз она тили билан бирга атрофдаги халқлар тилини ҳам яхши ўзлаштириб олишган.

Юртимизда таълим-тарбия соҳасига ва тилнинг шаклланишига катта аҳамият берилган. Масалан, Имом ал-Бухорий номи-

[347] *Чориев А., Қаноатова Ф.* Таълим тизимининг интеллектуал қудрати. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б. 23.

даги Тошкент Ислом институти олий диний ўқув юрти бўлиб, 1970 йилда ташкил этилган. 1971 йил октябридан ўз фаолиятини бошлаган. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси тасарруфида. У динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган, ислом дини асосларини ўзлаштирган, араб тилида сўзлаша оладиган мутахассислар, имом-хатиблар тайёрлайди.

Ўзбекистон арабларининг этник ўзлигини англаш ҳақида гапирганда, замонавий ижтимоий фан, шу жумладан, замонавий илм-фан тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, мавзу таҳлили услубий тамойилларини шакллантириш лозим.

Этник ва этномаданий жиҳатнинг энг муҳим маркери тил ҳисобланади. Бу этнолисоний жараёнлардан биридир. Айнан рус тилини ривожлантириш мақсадида Россия империяси рус тилини давлат тили даражасига кўтариш лозим деб топди. Натижада босиб олинган ҳудудларида рус тили она тили сифатида ўқилиши учун бир қатор қонуний ҳужжатларни тузади. Россия империясининг таълим вазири ҳатто руслаштиришга катта имконият яратиб берди. Бизнинг ватанни ҳеч шубҳа ичида яшаётган барча хорижликлар учун таълим пировард мақсади улардан Руслаштириш бўлиши ва рус халқи билан бирлаштириш. СССР, рус тилида билим асосида, жумладан, халқлар яқинлаштириш, сиёсати, тизим бир шаклга эга бўлади. Рус тили оммавий этно-ҳудудий чегаралари ва этник ўзлик англаш чегаралари, бош кичик гуруҳлар, миллатлараро тинч-тотув яшаш, янги йўллар билан боғлиқ ҳисобланади. Этномаданий ўзликни англашга барча жабҳаларнинг таъсири бошқа этник муҳитга муносабат, умр йўлдоши, тил, миллий қўшиқлар, дам олиш, уй, кийим-кечак, ошхона ва ҳоказолар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бу қисмда Ўзбекистонда яшаб келаётган халқлардан бири-арабларнинг қадимий тарихий ўтмиши ва бугунги куни билан боғлиқ жараён таҳлил этилди. Арабларнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъанавий ва замонавий маросимларидаги ўзига хос жиҳатлари ўрганилди. Ўзбекистон ҳудудидаги Жейнов, Жугари, Чаҳдари, Арабхона ва бошқа араб қишлоқларида араб тилининг маълум миқдорда сақланиб қолинганлиги аниқланди.

Совет тузуми даврида олиб борилган сиёсий мафкура арабларнинг этник ўзликни англашига ўз таъсирини кўрсатди. Мустақиллик йилларида арабларнинг урф-одат ва анъанавий маросимлари ўтказилишига кенг имкониятлар очиб берилди.

Тадқиқот олиб борилган ҳудудларда арабларнинг этник тарихи ва этнографиясига доир маълумотлар жамланди. Арабларнинг этник ўзликни англаш жараёнидаги тил омили сақланиб қолинишининг ички ва ташқи омиллари таҳлил қилинди.

Маълумки, тил халқнинг қалби, унинг онгида яшайди, маълум тарихий даврларда сўзлашув тили унутилмайди. Ўзбекистондаги халқлардан бири бўлган арабларнинг тили хусусида алоҳида тўхталадиган бўлсак, уларнинг энг йирик оқими Мовароуннаҳр ҳудудларига VII асрларда кириб келган. Улар мусулмон динини сингдириш, маҳаллий аҳолини исломлаштириш мақсадида кўчириб келинган бўлиб, бир неча асрлардан бери ўзбек ва тожик халқининг ажралмас қисмга айланиб улгурди.

Ҳозирги вақтда Жанубий ва Ғарбий Ўзбекистонда жойлашган араб қишлоқларидаги арабларнинг тили Арабистонда жойлашган арабларнинг тилидан тубдан фарқ қилади. Чунки бир неча асрлар давомида ўзига хос миллий тилнинг унутилиши табиий ҳолат ҳисобланади. Уларнинг бошқа юртдаги араблар билан яқин муносабатда бўлмаганлиги тилнинг йўқолишига олиб келади. Дала тадқиқотлармиз даврида араб тилининг унутилиб кетганлигини айрим Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган қишлоқларда кузатиш мумкин. Араблар бугунги кунда ўзбеклашиб ўзига хос этномаданий хусусиятларини йўқотиб бормоқда.

Араб халқининг онг сезимида ўзларига хос миллий хусусият маълум даражада сақланган. Масалан, арабларнинг ўзига хос тили, мусиқа ва рақс санъати фақат Жейнов қишлоғида жуда яхши сақланиб қолган.

## 5.3. Ўзбекистон арабларининг диний ўзликни англаши

XX аср охири – XXI аср бошларида дунё миқёсида ўзига хос янгича бир манзара шаклланди, кам сонли миллатларнинг этномаданий идентиклиги (этник ўзликни англаш) масаласини ўрганиш қизиқарли илмий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айнан шундай муаммолардан бири араб халқининг диний жиҳатини тадқиқ қилиш бўлиб, бошқа этник гуруҳ вакиллари билан муносабатларини ўрганиш, ўзларини ўзбек халқининг этник ажралмас қисми сифатида қарашса-да, бир неча асрлардан бери тили, урф-одати, анъанавий маросими, моддий ва маънавий маданиятини асраб келиши ўта муҳим бир жараён сифатида қаралади. Ўзбекистон араблари атрофидаги халқлар билан йиллар ўтиши билан омухталашиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли диний ўзликнинг англашни ўрганиш бугунги кундаги ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қадимда араблар бу даврда хўжалик ва маданий ҳаётда атрофдаги бошқа халқлар маданиятига нисбатан жуда ҳам ночор аҳволда эди. Бир қатор олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотлардан маълумки, Арабистонда VII асрда вужудга келган дин ижтимоий ва сиёсий вазиятда муҳим роль ўйнаб, кичик-кичик воҳаларда майда ҳукуматчаларга бўлинган мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлашишга олиб келган. Бу бирлашишнинг мафкураси сифатида ислом динидан асосий қурол сифатида фойдаланишган. Кейинчалик, араблар ўзларини босиб олган ҳудудларида ҳам исломий маросимларни сингдиришга ҳаракат қилишган.

Манбаларда қайд этилишича, ислом динини кенг жорий этиш осонликча кечмаган. Оташпарастлар мажбуран исломни қабул қилган бўлсалар-да, пана-панада яна эски ақидаларини, яъни оташпарастлик урф-одатларини давом эттирганлар. Шундай ҳолатлар бўлганки, исломни қабул қилдириш учун эътиқодидан қайтмаган кишиларни бир жойга тўплаб, товар (*чопқи*) билан бирма-бир чопа бошлаганлар. Шунинг учун кишилар

товарда чопилишдан қўрқиб, исломни қабул қилганлар. Бундай усул билан исломни, яъни мусулмончиликни қабул қилганларга нисбатан халқ ўртасида «товар мусулмон» деган ном ҳанузгача сақланиб қолган. Қутайба ислом динини ёйиш, ўз ҳокимиятини ўрнатишда Бухоро, Насафда маҳаллий аҳоли уйларининг ярмини араб оилаларига бериш тўғрисида буйруқ чиқарган. Чунки маҳаллий аҳоли ислом ақидаларини назорат бўлмаса бажармай қўйганлар. Арабистон ярим оролидан кўчириб келтирилган араблар ислом динининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши учун катта хизмат қилганлар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида шундай сатрларни ўқиш мумкин: «Бухоро аҳолиси ҳар сафар (ислом лашкари келганида) мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганидан кейин эса, улар яна диндан қайтар эди. Қутайба ибн Муслим уларга уч марта мусулмон динини қабул қилдирган. Улар эса яна диндан қайтиб, кофир деб ҳисобланган. Бу тўртинчи марта (келганида) Қутайба жанг қилиб, Бухоро шаҳрини олди, кўп қийинчиликлардан кейин (бу ерда) ислом динини юзага чиқарди ва турли йўллар билан уларга қийинчиликлар туғдирди. Улар ислом динини юзакигина қабул этиб, ҳақиқатда бутпарастлик эътиқодига сиғинишган. Қутайба, араб бухороликлар билан бирга туриб, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб буйруқ чиқаришни лозим топди. Шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди ҳамда шариат ҳукмларини бажаришга туб маҳаллий халқни мажбурлади».

Мутафаккир олимларимиздан бири Абу Райҳон Беруний диний эътиқодларга бефарқ қарайди, бошқа диндагиларга нисбатан беғараз муносабатда бўлади. Лекин бундан у материалист бўлган, деган хулоса чиқмайди. У худога ва пайғамбарга ишонган, уларга бағишлаб мадҳиялар ҳам ёзган. Бу Шарқнинг ўша вақтдаги ҳамма олимлари асарларига хос анъана бўлиб, замон шундай мадҳияларни куйлашни талаб қилар эди. Шунинг учун Беруний муҳит билан келишишга ва ўз ҳомийларининг хоҳишлари билан ҳисоблашишга мажбур эди[348].

---

[348] *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. I–том. – Т.: Фан, 1968. – Б. 16.

Айнан ўтган давр мобайнида халқнинг моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий турмуш тарзи маросимларини тадқиқ этиш борасида жиддий тадқиқот ишларини бажариш билан бирга анъанавий қўни-қўшничилик анъаналари, этносларaро жараёнлар ва диний эътиқодлар муаммоларини ҳам ўрганиш лозим[349]. Элшунос олим А. А. Аширов ўзининг илмий-тадқиқот ишларида ўзбек халқи турмуш тарзи, урф-одат ва анъанавий маросимлари, этномаданияти, диний эътиқодлари борасида фикр-мулоҳазаларни илгари сурган. Ислом диний эътиқодларининг кенг тарқалиши, маҳаллий халқлар турмушида диний эътиқодларнинг роли алоҳида аҳамиятли ҳисобланади. Унинг ўзига хос элементларини ўрганиш ва араблар ҳаётидаги дин идентиклиги билан боғлиқ айрим жиҳатларни таҳлил этишдан иборатдир.

Этносоциологик сўров ўтказилган ҳудудлар, аввало, дала тадқиқотлари ва илмий адабиётларда кўрсатилган маълумотларга таяниб белгиланди. Респондентларимизнинг аксарият қисми ҳозирги яшаб турган жойларида туғилган бўлсалар-да, уларнинг бобокалонлари Арабистон, Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги ҳудудлардан турли йилларда кўчиб келиб ўрнашганликлари тўғрисида олдинги бобларимизда тўхталиб ўтган эдик. Айнан арабларнинг кўчиб келган қисми йиллар ўтиши билан туб ерли халқларнинг диний маросимларига ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистон арабларининг диний муносабатларини аниқлаш мақсадида респондентларга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик. Уларнинг жавоблари қуйидагича: «Диний ҳаётга салбий муносабатдаман» 8 фоиз, «Диний ҳаётга бефарқман» 14 фоиз, «Диний ҳаёт тарзига амал қиламан» 32 фоиз, «Диний ҳаётни жуда ҳурмат қиламан» 38 фоиз, «Динга нисбатан бефарқман» 8 фоиз. Мазкур жавоблар Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган араблар турмуш тарзида ислом динининг таъсири катта эканлигидан далолат беради. Ислом дини арабларнинг ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятига эга. Бироқ, айрим респондентлар динга муносабатлари унчалик яхши эмаслигини эътироф

[349] *Аширов А.* А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б. 251.

этишади. Бунинг сабаби шундаки, совет тузуми даврида олиб борилган сиёсат натижасида уларда қандайдир қўрқув ва ҳадиксираш сақланиб қолган.




*Қуйида келтирилган ҳолатлардан қайси бири динга бўлган муносабатингизни тавсифлайди?*

1881 йилда Рус-Хитой «Петербург» шартномаси имзоланади. Бу келишувлар аксарият ҳолларда махфий равишда олиб борилган бўлиб, ўлка мусулмон халқларининг ҳаётини янада оғирлаштирган ҳамда халқ норозилигига сабаб бўлган[350]. Совет ҳокимияти сиёсати натижасида содир бўлган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар диний маросимларнинг ўзгаришига ҳам жиддий таъсир қилди. Чунки қонунда ислом дини ва унинг ўзига хос маросимларига қарши қаратилган сиёсат олиб борилган. Бу эса араблар турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. *«Арабларда диний маросимларнинг ўзгариши қайси даврдан бошланди?»* деб берилган саволга қуйидагича жавоб берилди: «XX асрнинг бошларида» 22 фоиз, «XX асрнинг ўрталаридан» 29 фоиз, XX асрнинг охирларида 34 фоиз. Респондентлардан «Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?» деб сўраганимизда, уларнинг 15 фоизи руслар томонидан олиб борилган сиёсат таъсири деб таъкидлашди. Чунки руслар томонидан олиб бо-

[350] *Валихонова Г.* Фарғона водийси уйғурлари: турмуш тарзи ва маданияти. – Т.: Yangi nashr, 2013. – Б. 153.

рилган сиёсатнинг асосий негизида ислом маросимларига таъсир кўрсатиш гояси ётади.

Ислом билан замонавийлаштирилган совет маданиятида аралаш маданият пайдо бўлди. Секуляризация қилинган ислом гомоген совет жамиятида йўқолиб кетмади, балки, аксинча, ўз монандлигини (идентичность) мустаҳкамлаш ҳамда рус ва Европа турмуш шаклларидан ўзини ҳимоя қилиш учун модернизациядан фойдаланди[351]. Ўзбекистон араблари диний маросимларининг асосий жиҳатларидан бири уларнинг динга бўлган ишончлари ҳисобланади. Шуни аниқлаш мақсадида респондентларимизга «*Ўзнигизни динга ишонувчан деб ҳисоблайсизми?*» деб берилган саволга қуйидагича жавоб берилди: «ҳа» 66 фоиз, «йўқ» 17 фоиз, «жавоб беришга қийналаман» 17 фоиз. Улар «Қайси динга эътиқод қиласиз?» деб берилган саволга 100 фоиз ислом динига эътиқод қилишларини, бошқа динларга эътиқод қилишни ҳатто тасаввур қила олмасликларини айтишди.

Юқоридаги жавоблардан кўриниб турибдики, арабларда диний ўзликни англаш жараёни ўта мустаҳкам ҳисобланади. Умуман олганда, руслаштириш сиёсат ва мафкура даражасига кўтарилди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик, руҳан байналмилал маданият», «социалистик маданият, «совет маданияти» каби ғоялар аслида рус маданиятини улуғлаш, миллий маданиятларни, жумладан, ўзбек, тожик, араб ва бошқа миллат вакиллари миллий маданиятини камситишнинг ўзига хос йўли ҳисобланади. Совет мафкураси томонидан ўзига хос маданиятни шакллантириш мақсадида ўйлаб топилган театр, кино, мусиқа ва бошқа санъат соҳаларида рус маданияти, коммунистик мафкура бошқа халқларга мажбуран сингдирилди.

Мустақиллик йилларида нашр қилинган асарларнинг бир гуруҳи маданият ва байналмилал муносабатларнинг Ўзбекистондаги миллат ва элатлар миллий ва маданий марказлари фаолияти билан боглиқ ҳисобланади. Уларда совет даври маданияти

---

[351] Тарих ва ўзликни англаш: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида ўтказилган конференция материаллари, 2005, май. – Б. 39–40.

ўрганилган ва қиёсий таҳлил қилинган[352]. Айрим адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, совет мустамлакаси даврида диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликка унчалик эътибор қаратилмаган. Чунки мафкуравий сиёсатнинг таъсири жуда кучли бўлган.

Шундай хулоса қилиш мумкинки, диний маросимларда катта ўзгаришлар юз берган. Айниқса, XX аср охирларида диний маросимдаги ўзгаришлар бевосита арабларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва анъанавий маросимларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 90-йиллардан бошлаб диний маросимларнинг ўтказилишига катта имкониятлар яратилиб келинмоқда. Ўзбекистондаги барча миллат вакиллари хоҳлаган динига эътиқод қилиши ва уни ҳар томонлама қувватлаш, диний маросимларни ўтказиш учун давлатимиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистондаги арабларнинг исломий маросимларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, масалан, Жейнов қишлоғида мустақиллик йилларида 30 дан ортиқ араб вакиллари Маккатиллони зиёрат қилишга боришган. Қишлоқда бир жараённинг гувоҳи бўлдик, яъни ҳаж амалига бориб келганлар ҳар ойда бир марта йиғин ўтказишади.

Этник келиб чиқиш механизмини аниқлаш учун, умумий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирда фаолият олиб бораётган кичик этник гуруҳларнинг бошқа ҳудуддаги фаолиятини ўрганиш лозим. Шундай жамоалардан бири Ўзбекистондаги араблар деб айтсак бўлади. Қуйидаги этник гуруҳ, мана, бир неча асрлардан ортиқроқ Мовароуннаҳр ҳудудида яшаб келмоқда, улар ўзларининг диний эътиқодлари, маданиятининг ўзига хослиги билан ажралиб туради[353]. Респондентларга «*Дин-*

---

[352] Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар маданияти. – Т.: Меҳнат, 1995; Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. – Т.: Университет, 1996; Ҳамжиҳатлик ва бағркенглик – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 2000; Ўзбекистон – умумий уйимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001; Ўзбекистон бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

[353] *Янес М. А.* К вопросу об оценке национального самосознания арабского населения Узбекистана (результат этносоциологического анкетирования). – М., 2012 – С. 161–162.

*дор одам бўлиш сиз учун нимани англатади?*» деб берган саволимизга қуйидагича жавоб беришди: «қуръонни яхши билиш» 4 фоиз, «мусулмон таълимотидан хабардор бўлиш» 44 фоиз, «Қуръон ва ҳадисда келтирилган барча одатларга амал қилиш» 49 фоиз, «жавоб беришга қийналаман» 3 фоиз. Ислом дини арабларнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъанавий маросими ва этномаданиятида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот ишимизда исломий-диний маросим қарашлари, Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги шариат, урф-одатлар, анъанавий маросимларга доир бир қатор фикр-мулоҳазалар илгари сурилди. Ўзбекистондаги арабларнинг йирик қисми шариат томонидан тақиқланган жараёнларга амал қилишмайди.

Шариат (араб) тўғри йўл, ислом ҳукмлари, қонун-қоидалари, дин, Ислом ҳуқуқ тизимида мусулмонларнинг Қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиноий ва фуқаролик қонун ва қоидалари мажмуидир[354]. Респондентлардан айнан араблар шариат амалларига қанчалик эътибор қилишларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Уларга «*Шариат урф-одатларини яхши биламан деб ҳисоблайсизми?*» деб берилган саволга 32 фоиз «ҳа», 14 фоиз «йўқ», 51 фоиз «қисман», 3 фоиз «билмайман» деб жавоб бердилар. Юқоридаги таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, шариат билан боғлиқ диний маросимлар маълум даражада ўзгаришга учради. Айниқса XX асрда совет тузуми томонидан юритилган сиёсатда ўз ифодасини топди. Натижада инсон онг-шуурида ва психологиясидаги ўзгаришни кузатиш мумкин.

Бутун дунёда глобаллашув жараёни кечаётган бир пайтда Ўзбекистон заминида бу каби ҳолат кузатилади. Арабларнинг диний маросимлари ўзгаришига бошқа этник гуруҳларнинг таъсирини кузатиш мумкин. XX асрда жуда кўп халқларнинг турмуш тарзи ва маданияти совет тузумининг мафкуравий таъсири остида шаклланди. Респондентларнинг кўпчилиги «*Охирги йиллар сизнинг динингизда ўзгариш бўлдими?*» деб берилган саволга рус маданиятини тарғиб этиш, рус тилини кенг ёйишга

[354] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 547.

ҳаракат ҳамда миллий урф-одатларга нисбатан салбий муносабатни уйғотишга уринишди. Бироқ, ислом динининг ўзгаришига таъсир кучли бўлган бўлса-да, араблар турмуш тарзи ва маданиятига маълум маънода таъсир этган. Чунки совет тузумида ислом динининг ҳайит ва рўза тутиш каби маросимлари ўтказилишига карши туришган. Бу даврда рус халқ миллий маданиятини сингдиришга қаратилган сиёсат муҳим ҳисобланган.

Муайян халқнинг ижтимоий онгини ўзгартириш қийин масала бўлиб, бу жуда ҳам узоқ вақтни талаб этади. Айнан шуни аниқлаш мақсадида респондентларга бир неча саволлар билан мурожаат этдик. *«XX асрда араблар диний маросимида ўзига хос ўзгариш бўлдими»,* деб сўраганмизда уларнинг кўпчилик қисми унчалик ўзгариш бўлмаган, деб жавоб беришди.

Республикамизда мустақиллик шарофати билан қадимий обидаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Имом Исмоил Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Занги ота мақбаралари таъмирланиб, обод қилинди. Султон Мир Ҳайдар[355] масжид ва мақбараси бугунги кунда қайтадан тикланди. Мустақилликка эришгач, арабларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётида диний ўзгаришлар юз берди. Арабларнинг XX аср охири – XXI аср бошидаги ҳаётига доир хулосаларни умумлаштирганда, давлат мустақиллиги берган имкониятлар туфайли Ўзбекистондаги бошқа барча элат ва миллатлар қатори арабларнинг турмуш тарзида ҳам катта ўзгаришларни кўришимиз мумкин.




*Охирги йиллар сизнинг динингизда ўзгариш бўлдими?*

[355] *Саидов М., Равшанов П.* Жейнов тарихи... – Б. 230.

Ўзбекистон араблари йирик қисмининг миллий урф-одат ва анъанавий давом этиб келаётган жараёнлари таҳлилини қайд этиш мумкин. Яъни «*Диний мотамда сизларда барча иштирок этадими?*» деб берилган саволга респондентларнинг 100 фоизи ҳамма иштирок этади, деган жавобни берди.

Исломнинг фақиҳ олимларидан бири кундуз ва рўза муддатини баробарлаш учун куннинг аввалини тонг отиши, охирини Қуёш ботиши, деб таърифлайди ва бунга олий тангрининг «Тонгда оқ ип қора ипдан ажралиб кўрингунча еб-ичинг, кейин кечгача рўза тутинг!» деган сўзини далил келтириб, шу икки чегарани кундузнинг икки томони, деб даъво қилади[356].

Рамазон рўзаси, нафл рўза, муҳаррам ойи рўзаси, ашуро куни рўзаси, ражаб ойи рўзаси, шаъбоннинг ярми рўзаси, шаввол ойи рўзаси, ҳар ойда уч кун рўза тутиш, оқ кунлар рўзаси, душанба ва пайшанба куни рўзаларининг барчасини умумлаштириб қуйидагича номлайдилар: «Фарз рўза (рамазон рўзаси), вожиб рўза (нафлга киришиб, кейин бузиб қўйганда, унинг қазосини тутиб бериш вожибдир), нафл рўза (душанба, пайшанба кунлари, шаввол ойида тутиладиган 6 кунлик рўза) ва макруҳ рўза (фақат жума ёки шанба ёки якшанба кунлари, шунингдек, икки ҳайитда тутиладиган рўза)».

Ушбу ҳолатларни таърифлаган Мусо Туркистоний: «Намоз, рўза ўртадан кўтарилди. Қуръон ўқиш мамнуъ (ман), қурбонлик йўқ, қўй, мол, сўқум сўюлмайдур. Қурбонлик қилганни жазоси маҳкамада, 5 йиллик сургунга маҳкум, ҳақикатда эса, қайтиб келмайдур, деган ҳукмномада ишора (шифра) бордур. Бир киши закот берса ва ё бошқа диний ибодатлари ила уни диндорлиғи собит бўлса, уни жазоси Сибир, яъни энг совуқ минтақалардин ўрмонликка қарағай дарахтларини кеса-кеса ўлишга маҳкумдир. Халқда диний байрамлар йўқ, жумъа таътиллари йўқ, йўқдур», – деб таъкидлайди. Рамазон *(араб* – рўза ойи) 1. Қамария йил ҳисобида 30 кундан иборат тўққизинчи ойнинг арабча номи (шариатга кўра, бу ой давомида мусулмонлар рўза тутадилар). Рамазоннинг охирги ҳафтаси қолиб, катта ҳайитнинг баҳор

[356] *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. I-том. – Т.: Фан, 1968. – Б. 39 – 45.

ойларига тўғри келгани ҳаммага севинч бағишларди[357]. Араб-ларнинг диний байрамларни ўтказиш ва урф-одатларига хос хусусиятларни таҳлил этдик. Ахборотчиларнинг фикрича, диний маросимлардан бири рамазон ҳисобланиб, бу ойда доимий равишда рўза тутишган. Қурбон ҳайитида эса айримлар 3 кун олдин рўза тутишган.

Ўзбекистон араблари турмуш тарзининг ўзига хос кўринишларидан бири–оилавий маросимларни тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Совет тузуми даврида никоҳ, бола туғилиши ва мотам маросимлари қаршиликларга учради. Респондентларга «*Сизларда кўпроқ диний маросимлар нималарда ўз аксини топган?*» деб берилган саволга улар қуйидагича жавоб беришди: «никоҳ» 27 фоизни ташкил этади. Бу арабларда оила ва оилавий муносабат кишилар ҳаёти ва турмуш кечиришининг таркибий қисми ҳисобланишини билдиради. Тадқиқотларимизда «бола туғилиши» деган жавоб 25 фоизни ташкил этди. Бола туғилиши ҳамда чилла даврида исломий урф-одат ҳамда бир неча маросимлар ўтказилиб, унинг тарбиясига катта эътибор қаратилади. Ўзбекистондаги араблар бола туғилиши маросимига бошқа халқлар сингари тўлиқ амал қиладилар. Айнан мотам диний маросимлари этник ўзига хос айрим жиҳатлари билан фарқланади. «Мотам» маросими деб берилган жавоблар 45 фоизни ташкил этган бўлса, 3 фоиз респондент «билмайман» деб жавоб беришди. Айнан никоҳ, бола туғилиши ва диний мотам маросимлари ҳақида олдинги бобларимизда тўхталиб ўтганмиз.

